




**М.Қ.Пардаев**  
**З.Ю.Аминов**

**ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАР  
ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ:  
МУАММОЛАР ВА  
УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**М.Қ.Пардаев, З.Ю.Аминов**

**ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ  
КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ  
ХАВФСИЗЛИГИ: МУАММОЛАР ВА  
УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

Самарқанд- 2020  
“Zarafshon” нашриёти ДК

**КБК: 65.261.4**

**УЎК: 336.22**

**П -22**

**Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодий хавфсизлиги: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Самарқанд, 2020. – 220 б.**

**Такризчилар: К.Б. Уразов – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д., профессор.**

**О.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори, и.ф.д., профессор.**

Монографияда молиявий-иқтисодий инкирозлар шароитида хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий масалалари, уларда иқтисодий хавфсизликнинг ҳолатини баҳолаш ва уни такомиллаштириш масалалари, бундай корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар ва улар самарадорлигини ошириш йўллари, корхона хавфсизлигини таъминлашда тижорат сирини сақлаш каби масалалар қараб чиқилган.

Иш илмий ходимларга, докторант, амалиётчи олимлар ва бошқа тадқиқотчиларга мўлжалланган. Ундан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалар, корхоналар хавфсизлиги билан шуғуллунувчи мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти 2020 йил 10 март баён йиғилишида муҳокама қилинди ва тасдиқланди.*


**ISBN: 978-9943-5410-1-6**

©. Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. 2020.

© “Zarafshon” нашриёти ДҚ, 2019

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                                                  |     |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| КИРИШ .....                                                                                                                                      | 5   |
| 1-БОБ                                                                                                                                            |     |
| ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ .....               | 9   |
| 1.1. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари.....                                  | 9   |
| 1.2. Глобал инқироз шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг объектив зарурлиги..... | 18  |
| 1.3. Глобал инқироз шароитида корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммолари ва улар ечимининг асосий йўналишлари.....                  | 27  |
| 1-боб бўйича хулосалар.....                                                                                                                      | 37  |
| 2-БОБ                                                                                                                                            |     |
| ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....             | 40  |
| 2.1. Хизмат кўрсатувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари ва тадбирлари .....                                              | 40  |
| 2.2. Хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодий хавфсизлиги ҳолатини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари.....     | 46  |
| 2.3. Хизмат кўрсатувчи корхонада хавфсизлик хизмати ходимлари орқали иқтисодий хавфсизликни баҳолаш йўллари .....                                | 60  |
| 2-боб бўйича хулосалар.....                                                                                                                      | 71  |
| 3-БОБ                                                                                                                                            |     |
| ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....                       | 73  |
| 3.1. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик чегараси ва уни мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари .....                             | 73  |
| 3.2. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар самарадорлиги ва уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари..... | 86  |
| 3.3. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигига кетадиган харажатлар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.....        | 94  |
| 3-боб бўйича хулоса .....                                                                                                                        | 106 |



#### 4-БОБ

### КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ РОЛИ.... 109

4.1. Солиқ механизмининг корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги роли ва аҳамияти ..... 109

4.2. Солиқ маъмурчилигида рақамли технологиялар ва уларнинг иқтисодий хавфсизлик масалаларига таъсири..... 120

“Солиқ хавфини таҳлил қилиш”нинг янгича тизими ..... 123

4.3. Камерал текширувларнинг корхоналар иқтисодий хавфсизлигига таъсири даражаси ..... 125

#### 5-БОБ

### КОРХОНА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТИЖОРАТ СИРИНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ..... 136

5.1. Корхонанинг тижорат сирини ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги роли..... 136

5.2. Эркин рақобат шароитида корхоналар тижорат сирини ҳимоя қилиш механизми ..... 138

5.3. Рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш услублари ва уларнинг корхоналар иқтисодий хавфсизлигига таъсири..... 140

#### 6-БОБ

### ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ: ТУРЛАРИ, МАЗМУНИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ ..... 146

6.1. Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари..... 146

6.2. Инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлиги ..... 150

6.3. Инсон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари..... 153

6.4. Инсон иқтисодий хавфсизлигига ишчи кучи сифатининг таъсири 161

6.5. Инсон саломатлиги ва интеллектуал салоҳияти, унинг иқтисодий хавфсизлигининг асосий омилли ..... 169

#### 7-БОБ

### ОИЛА ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ ТРКИБИДА МЕХНАТ ВА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАРИ ..... 175

7.1. Оилага кўрсатиладиган хизматлар хавфсизлигини таъминлаш йўлларининг назарий масалалари ..... 175

7.2. Оила хўжалигида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари 186

7.3. Оила хўжалигига хизмат кўрсатиш жараёнида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш масалалари..... 191

ХУЛОСА ..... 195

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ..... 205

## КИРИШ

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг иктисодий хавфсизлиги таъминланмас экан, уларнинг истикболини белгилайдиган натижаларга эришиб бўлмайди. Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, кўзланган "...мақсадларга ишлаб чиқаришнинг ҳалокатли тарзда пасайиб кетиши, тўхтаб қолиши ва таназулга учраши ҳисобидан эришишни нормал ва барқарор ҳолат, деб бўлмайди. Бунинг оқибатида тўланмаган пуллар ва давлат қарзининг ҳажми бошқариб бўлмайдиган даражада ўсади, бюджет мунтазам суръатда ва тобора кўпроқ миқдорда бажарилмай қолади, аҳоли аксарият қисмининг моддий аҳволи кескин ёмонлашади ва кашшоқлашади"<sup>1</sup>. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун қатор тадбирларни амалга ошириш билан бирга, корхоналарнинг иктисодий хавфсизлигини ҳам таъминлаш зарур бўлади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фақат кичик бизнес субъектлари сони қарийб 257,2 мингтани ташкил этади<sup>2</sup>. Уларнинг аксарият қисми, яъни 134,0 мингтаси хизмат кўрсатувчи тармоқларга мансубдир. Ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳар бири учун барқарор ривожланиш ҳаётий заруриятдир. Чунки мазкур соҳа, бугунги кунда ҳам, мамлакатимизда барқарор ривожланмоқда. 2018 йил 1 октябр ҳолатида "...юртимизда 316.7 мингга фаолият курсатаётган корхоналар, жумладан, кичик бизнес соҳасида – 374 мингга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 55,4 мингтани ташкил қилган." Бундай ҳолат ушбу субъектларнинг иктисодий хавфсизлигини таъминлашни муҳим муаммо сифатида кун тартибига қўймоқда.

2018 йил 1 октябр ҳолатида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 50,2% кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткич 2017 йилда 55,2%ни ташкил қилган эди. Кўриниб турибдики, ушбу кўрсаткич кескин камайиш тенденциясига эга. Аммо ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60-70%ни ташкил қилади. Демак мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасини (2018 йил 1 октябр ҳолатида 55,4%) бошқа тармоқларга нисбатан тез ривожланиш имкониятлар мавжуд. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ривожини халқимиз фаровонлигининг ошишига бевосита таъсир қилади. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик ширтлари ва тараққиёт қафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.-191 б.

<sup>2</sup> Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. "СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ПОЛОЖЕНИЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН" за январь-сентябрь 2018 года.

истикболи мамлакатимиз ривожининг ҳозирги даражасида ўта муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий жиҳатдан барқарор, хавфсиз корхоналаргина келажак учун интилиши мумкин. Жаҳонда тобора авж олаётган молиявий-иқтисодий инқироз ҳар бир мамлакат, ҳудуд, корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни энг устувор вазифа сифатида эътироф этмоқда. Иқтисодий хавфсизлик масаласи, айниқса хўжалик юритувчи субъектлар доирасида кам ўрганилган.

Корхоналарнинг иқтисодий юксалиши учун муҳим бўлган масалалардан бири, уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласидир.

Иқтисодий хавфсизлик масаласи мамлакатимиз ва хорижий олимлардан Б.А.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев<sup>3</sup>, Г.С.Вечканов<sup>4</sup>, В.А.Богомоллов, Н.Д.Эриашвили, Е.Н.Барикаев, Е.А.Павлов, М.А.Ельчанинов<sup>5</sup>, В.С.Гусев<sup>6</sup>, З.Н.Курбанов<sup>7</sup>, Д.И.Истамов, Ю.А.Гранаткин, М.М.Мухаммедов, Э.Н.Ходжаев<sup>8</sup>, Л.А.Михайлов<sup>9</sup>, Т.Е.Кочергина<sup>10</sup>, А.Э.Ишмухаммедов<sup>11</sup>, А.П.Градов<sup>12</sup>, А.И.Попов<sup>13</sup>, Д.К.Нарзуллаева<sup>14</sup>, А.Е.Пармонов, А.И.Игамбердиев, Ғ.Дадаев, М.Қодиров<sup>15</sup>, Е.А.Олейников раҳбарлигидаги илмий-таҳлилий тадқиқотларда<sup>16</sup> кенг ёритилган.

Мазкур адабиётларда миллий иқтисодиётнинг, давлатларнинг, айрим ҳудудлар, корхоналар ва шахсларнинг хавфсизлигига умумий тарзда тўхтанилган. Лекин корхоналарнинг, хусусан хизмат кўрсатиш

<sup>3</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. Профессор М.Қ.Пардаев таҳрири остида. Т.: Фан, 2005 йил. - 12 боб, Пардаев М.Қ, Аминов Э.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Рисола. Самарқанд: Зарафшон, 2008. - 47 бет.

<sup>4</sup> Вечканов Г.С. Экономическая безопасность: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2007. – 384 с.

<sup>5</sup> Экономическая безопасность: учеб. пособие. Под ред В.А.Богомоллова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. - 295 с.

<sup>6</sup> Гусев В.С. и др. Экономика и организация безопасности хозяйствующих субъектов. 2-е изд. - СПб.: Питер, 2004. – 288 с.

<sup>7</sup> Курбанов З.Н., Махмудов А. Хуффа иқтисодиёт ва солиқ ҳуқуқбузарлиги. Рисола. Фарғона: 2004. – 75 б.

<sup>8</sup> Истамов Д.И., Ю.А.Гранаткин, М.М.Мухаммедов, Э.Н.Ходжаев. Экономическая безопасность предприятия и защита коммерческой тайны. Самарканд. 1995. - 152 с.

<sup>9</sup> Безопасность жизнедеятельности: Учебник для вузов, 2-е изд. / Под ред. Михайлова Л.А. –СПб.: Питер, 2008. - 461 с.

<sup>10</sup> Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. Ростов н/Д: Феникс, 2007. – 445 с.

<sup>11</sup> Ишмухаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.

<sup>12</sup> Градов А.П. Национальная экономика. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2007. - 240 с.

<sup>13</sup> Попов А.И. Экономическая теория: Учебник для вузов. 4-е изд. – СПб.: Питер, 2006 – 544 с.

<sup>14</sup> Нарзуллаева Д.К. Учебно-методический комплекс по дисциплине «Безопасность в индустрии – сервиса». – Т.: ТГЭУ. - 434 с.

<sup>15</sup> Пармонов А.Е., Игамбердиев А., Дадаев Ғ, Қодиров М. Ҳаёт фаоллиги хавфсизлиги. (Лотин алифбосида) Т.: Иқтисод-молия, 2007.-196 б.

<sup>16</sup> Экономическая и национальная безопасность: Учебник. / Под ред. Е.А.Олейникова. – М.: Экзамен, 2005. – 768 с.

соҳасида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар яхлит тарзда ўрганилмаган. Шунга мос равишда, мазкур мавзу иқтисодий адабиётларда кам ёритилган. Уларнинг назарий ва амалий ечимлари ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Мамлакатимиз олимлари томонидан ушбу масала деярли тадқиқ қилинмаган. Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик ва тижорат сирига биргина дарсликнинг бир боби бағишланган, холос<sup>17</sup>. Булардан ҳам кўриниб турибдики, корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги масаласи, юқорида таъкидланганидек, бугунги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ўта долзарб масалалардан биридир.

Мавзунинг бир томондан ҳамон ўз ечимини топмаганлиги ва бошқа томондан унинг объектив зарурлиги мазкур мавзунинг тадқиқ қилишга ҳамда назарий ва амалий масалаларини ечишга уринишимизга асос бўлди.

Мазкур монографиянинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий хавфсизлик билан боғлиқ тушунчаларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини очиқ бериш, уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ички имкониятларни сафарбар қилиш ва назарий жиҳатдан муаммонинг ечимини ҳал қилиш йўллариини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш доирасида қуйидаги асосий ҳолатларга эришилган:

- корхоналар иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган “хавфлилик”, “хавфсизлик”, “иқтисодий хавфлилик”, “корхоналарнинг ижтимоий хавфсизлиги”, “товарлар хавфсизлиги”, “ахборотлар хавфсизлиги”, “объектнинг хавфсизлиги”, “корхоналарнинг иқтисодий хавфлилиги”, “корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги” каби тушунчаларнинг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилган ва ҳар бир тушунчанинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини очиқ берилган;

- хизмат кўрсатувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар аниқланган, уларни тадқиқ қилишнинг объектив зарурат эканлигини асосланган, хавфсизликни таъминлаш тамойиллари ва уларни амалга ошириш йўналишлари ишлаб чиқилган;

<sup>17</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. Профессор М.Қ.Пардаев таҳрири остида. Т.: Фан, 2005 йил. - 12 боб.

- хизмат кўрсатувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари асослаб беририлган;

- иқтисодиётга оид фанлар таркибига “Корхонанинг иқтисодий хавфсизлик нуктаси”, “Иқтисодий хавфсизлик чегараси” ва “Иқтисодий хавфсизлик даражаси” каби тушунчаларни киритиш лозимлиги асослаган;

- корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга кетган харажатларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган;

- хизмат кўрсатувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари илмий жиҳатдан асосланган.

Монографияни тайёрлаш давомида бир қанча услуб ва усуллардан фойдаланилган. Булар анализ ва синтез, индукция ва дедукция каби услублар, киёслаш, мувозанат, занжирли алмаштириш, индекс каби иқтисодий таҳлил ва статистиканинг усуллари ҳамда математик моделларнинг аддитив, мултипликатив, касрли типларидан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти корхоналар иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий асосланган таърифлари, уларнинг мазкур мавзуларда тадқиқот олиб бориш учун назарий асос бўлишлиги, ушбу йўналиш бўйича концептуал асосларнинг ишлаб чиқилганлиги каби масалаларнинг ҳал бўлганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти хизмат кўрсатувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, уни таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни белгилашда амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мумкинлиги билан баҳоланади.

Монография докторант, аспирант, магистр ва иқтисодий фанлар ўқитувчиларига мўлжалланган. Ундан корхона раҳбарлари, менежерлар ва корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги билан шуғулланадиган мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

## **1-БОБ**

# **ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ИНКИРОЗ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

## **1.1. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари**

Хавфсизлик масаласи жуда кенг тушунча. Чунки унинг қамрови сиёсий, иқтисодий, экологик, ҳарбий каби хавфсизликларни қамраб олади. Бу ўта мураккаб жараён, чунки келтирилган хавфсизликка тааллуқли тушунчаларнинг бирортаси таъминланмаса, жамиятнинг барқарор ривожланишига эришиб бўлмайди. Ўзбекитон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармонида ....”давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, минтақамизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини вужудга келтириш, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг ижобий халқаро нуфузини мустаҳкамлаш йўлида хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада кучайтириш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий таъқиқ сиёсатини юритиш<sup>18</sup>” масаласи алоҳида бандда белгилаб берилган. Кўриниб турибдики, ҳатто мамлакатнинг тинчлиги ҳам, аҳолининг фаровонлиги ҳам, давлатнинг равнақи ҳам айнан ана шу хавфсизлик ва уларга оид тушунчалар билан боғлиқ экан. Хавфсизлик тизими жуда кенг. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатнинг миллий хавфсизлиги;
- жамият ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги;
- жамият ва давлатнинг сиёсий хавфсизлиги;
- мамлакат ҳудудларининг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, экологик ва бошқа хавфсизликлари;
- мамлакатдаги ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлиги;
- мамлакатдаги ҳар бир фуқаронинг яшаши, сиёсий, маънавий-мафкуравий, иқтисодий ва бошқа хавфсизликлари. Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин эди. Аммо умумий тушунча учун уларнинг келтирилган қисми етарли деб ўйлаймиз.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон

Мана шу хавфсизликлар тизимида корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ҳам муҳим рол ўйнайди ва муносиб ўринга эга. Чунки бозор муносабатлари шароитида ушбу масала янада кескинлашиб бораверади.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган масалалардан бири сервис билан шугулланувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигидир. Уларни тўғри англаш ва тадқиқ қилиш учун умуман хавфлилик, хавфсизлик ва иқтисодий хавфсизлик тушунчалари билан боғлиқ бўлган бир канча атамаларнинг назарий таърифларини кўриб чиқиш лозим, деб ўйлаймиз. Бу эса мазкур атамалар қамровини аниқлашни, уларнинг таърифларини ишлаб чиқишни тақазо қилади. Аммо иқтисодий адабиётларда бу тушунчалар деярли тадқиқ қилинмаган ва мос равишда уларнинг таърифлари ишлаб чиқилмаган. Шуларни инобатга олиб биз мазкур ишда шу тушунчаларнинг таърифларига тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Хавфсизликни тушуниш учун энг аввало хавфлилик нималигини тушуниб олиш лозим. Чунки хавф бўлмаган жойда хавфсизликка ҳожат бўлмайди. Биз бу борада мамлакатимиз олимларининг фикрларига таянамиз. Масалан, Б.А.Абдукаримов раҳбарлигида ва М.Қ.Пардаевнинг масъул муҳаррирлигида тайёрланган дарсликда хавфлиликка қуйидагича таъриф берилади: “Хавфлилик деганда турли офат, бахтсизлик, ғам-ғусса, ҳалокат, йўқотиш каби салбий ҳолатларнинг содир бўлиш мумкинлиги тушунилади”<sup>19</sup>. Ушбу таърифни ўз рисоламизда ҳам келтирганмиз<sup>20</sup>. Бу хавфлиликнинг умумий тушунчаси, албатта. Бизнинг тадқиқот предметимиз иқтисодий хавфсизлик бўлганлиги учун хавфлилик масаласига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Агар хавфлиликка иқтисодий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин, деб ўйлаймиз: “Иқтисодий хавфлилик деганда жамиятга, давлатга, хўжалик юритувчи субъектлар ва шахсларга турли иқтисодий зарарлар ва йўқотишлар келтирадиган офат, бахтсизлик, ғам-ғусса, ҳалокат, банкротлик, рақобатда сениш каби салбий вазиятларнинг содир бўлишга олиб келадиган ҳолатларнинг мавжудлиги тушунилади. Ушбу тушунча иқтисодий хавфлиликка берилган умумий тушунчадир.

<sup>19</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Фан, 2005. – 251 б.

<sup>20</sup> Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Самарқанд. Зарафшон, 2008. – 6 бет.



(менежеридан) жуда катта ташкилотчилики, билим ва тажрибани талаб қилади. Зеро, хавфсизлики таъминлаш масаласи бугунги кунда ўта масъулиятли ва жиддий масалалар сирасига киради.

Бизнинг тадқиқотимиз предмети корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига қаратилганлиги туфайли бундай кенг камровли тушунчанинг фақат бир қисмига, яъни корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик масаласига эътиборни қаратамиз. Чунки, хавфсизлик масаласи маълум даражада ўрганилган бўлишига қарамайдан корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик масаласи олимларимиз эътиборидан биров четда қолиб кетган мавзулар сирасига киради.

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги бир қанча бошқа хавфсизлик масалалари билан ҳам боғлиқдир. Шу туфайли унинг илмий асосланган таърифини ишлаб чиқиш учун корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ, унинг бир қанча бошқа турлари таърифларига ҳам аниқлик киритиш лозим бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, хавфсизлик деганда бирор хавфнинг пайдо бўлишидан ҳимояланган ҳолат тушунилади. Агар шундай ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, хавфсизлиkning кўлами жуда кенг. Уни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига қўллашимиз мумкин. Биз мазкур ишда асосан корхонанинг ёки хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ тушунчаларни тадқиқ қилар эканмиз, унинг ҳам бир қанча турлари мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ахборотлар хавфсизлиги;
- бирорта объектнинг хавфсизлиги;
- ишлаб чиқариш объектининг хавфсизлиги;
- ёнгин хавфсизлиги;
- товарнинг истеъмол хавфсизлиги;
- маҳсулотнинг хавфсизлиги;
- корхонанинг умумий хавфсизлиги;
- корхонанинг ижтимоий хавфсизлиги;
- корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хавфсизлик тури ўзига хос аҳамиятга эга. Шу туфайли ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда хавфсизликини бошқарувчи ва таъминловчи хизмат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Аммо ҳозирги шароитда кўпгина корхоналарда бунга муҳим масала сифатида аҳамият берилмайди.

Шуларни инобатга олиб, ушбу хавфсизликлар билан боғлиқ тушунчаларга қискагина тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб

топдик ва мавжуд қонунлар, илмий ишлар ва бошқа манбаларда келтирилган таъриф-ларга таяниб, ушбу тушунчаларнинг ҳар бирининг такомиллашган таъриф-ларини ишлаб чиқдик. Булар қуйидаги расмда келтирилган (1.1.-расм).

| Хавфсизлик тушунчалари                                             | Хавфсизлик тушунчаларининг таърифлари                                                                                                                                                                                                                                   |
|--------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Ахборотлар хавфсизлиги                                             | Ахборотлар хавфсизлиги деганда мазкур ахборотларни қўлга киритишга ҳуқуқи бўлмаган шахсларга тасодифан ёки атайлаб ахтарганда ҳам ошкор бўлмайдиган ҳолатнинг таъминланганлиги тушунилади.                                                                              |
| Бирорта объектнинг хавфсизлиги                                     | Объектнинг хавфсизлиги деганда турли таҳдидлардан ва хавф-хатарлардан ҳимояланган ва ўз фаолиятини нормал режимда олиб боришга тегишли шароит яратиб олишга қаратилган тадбирлар мажмуасига эга бўлган объектлар тушунилади.                                            |
| Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) объектнинг хавфсизлиги | Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) объектнинг хавфсизлиги деганда шахс ва жамиятнинг манфаатларига мос келмайдиган турли ишлаб чиқаришда содир бўладиган ҳалокатларнинг (аварияларнинг) олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуасининг мавжудлиги тушунилади. |
| Ёнғин хавфсизлиги                                                  | Ёнғин хавфсизлиги деганда унинг олдини олишга қаратилган барча тадбирларнинг меъёр даражасида амалга оширилган тадбирлар мажмуи тушунилади.                                                                                                                             |
| Товарнинг истеъмол хавфсизлиги                                     | Товарнинг истеъмол хавфсизлиги деганда уни истеъмол қилаётган инсон ҳаёти ва мулкнинг хавфсизлиги таъминланган ва ҳар қандай ҳолатда зарар қилмаслиги кафолатланган бўлиши тушунилади.                                                                                  |
| Маҳсулотнинг хавфсизлиги                                           | Маҳсулотнинг хавфсизлиги деганда инсон ҳаётига, соғлиғига ва мулкига хавф солмайдиган сифатга эга бўлган кафолат хизмати ва кафолат муддати давомида истеъмолга яроқли бўлган маҳсулотларнинг мавжуд хусусиятлари мажмуаси тушунилади.                                  |
| Корхонанинг умумий хавфсизлиги                                     | Корхонанинг умумий хавфсизлиги деганда унинг муҳим ҳаётий манфаатларини ғирром рақобатдан, криминал гуруҳлардан, турли ноқобил шахслардан сакланган ҳолда нормал фаолият кўрсата олиш имкониятларининг тўлиқ мавжудлиги тушунилади.                                     |
| Корхонанинг                                                        | Корхонанинг ижтимоий хавфсизлиги деганда ундаги                                                                                                                                                                                                                         |

|                                   |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |
|-----------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| ижтимоий хавфсизлиги              | мехнат жамоасининг ахиллиги, бир ёқадан бош чиқариб ҳамжихатликда фаолият кўрсатиши, улар ўртасида дўсто-на муносабатларнинг, ўзаро ёрдам кўникмаларининг шакл-ланиши каби жиҳатларни доимий равишда таъминлаб турувчи шароитлар ва омиллар мажмуасининг мавжудлиги тушунилади.                                             |
| Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги | Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги деганда, унинг иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини, мустаҳкамлигини, молиявий барқарорлиги ва ички имкониятлар эвазига такомиллашиб, иқтисодий жиҳатдан тараққий этиб боришини доимий равишда таъминлаб турувчи иқтисодий-ижтимоий шароитлар ва омиллар мажмуасининг мавжудлиги тушунилади. |

**1.1.-расм. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифлари.**

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхонанинг ўзига хос тижорат, ишлаб чиқариш ва бошқа сирлари бўлади. Уларнинг сақланиши ҳам мазкур хўжалик юритувчи субъект учун интеллектуал ёки номоддий мулк сифатида катта аҳамиятга эга. Корхонанинг замонавий ходимлари ушбу сирларни ошкор қилмасликлари лозим. Бу сирни ошкор қилиш асосан ахборотлар орқали амалга оширилади. Шу туфайли ҳозирги шароитда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим тадбирлардан бирига айланди. Шуларни инобатга олиб ахборотлар хавфсизлигига таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Ахборотлар хавфсизлиги деганда мазкур ахборотларни қўлга киритишга ҳуқуқи бўлмаган шахсларга тасоддифан ёки атайлаб ахтарганда ҳам ошкор бўлмайдиган ҳолатнинг таъминланганлиги тушунилади. Ахборотлар хавфсизлиги нафақат иқтисодий, балки сиёсий, маънавий ва маърифий ҳаётимизда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунки барча ҳолатлар ахборотларда ўз аксини топади. Шунинг учун корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ахборотлар хавфсизлигини таъминлашни тақозо қилади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир объектининг<sup>23</sup> хавфсизлиги таъминланган бўлиши лозим. Бунинг учун объект хавфсизлигининг таърифини ишлаб чиқиш ҳам лозим бўлади. Аммо, иқтисодий адабиётларда бундай таъриф етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги туфайли биз унга ҳам ўз карашларимиздан келиб

<sup>23</sup> "Объект" деганда бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатаётган иқтисодий ва ижтимоий фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс мақомига эга бўлган ва эга бўлмаган барча хўжалик юритувчиларни қўзда тутмоқдамиз.

чикдик: Объект хавфсизлиги деганда турли тахдидлар ва хавф-хатарлардан химояланган ва ўз фаолиятини нормал режимда олиб боришга тегишли шароит яратиб олишга қаратилган тадбирлар мажмуасига эга бўлган объектлар тушунилади.

Биз ушбу ҳолатда бутун бир иқтисодий ва ижтимоий фаолият билан шуғулланувчи объектларнинг хавфсизлиги хусусида гап юритмоқдамиз. Бу эса иқтисодиёт билан шуғулланувчи объектларнинг хавфсизлигига алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади. Уларнинг бири, яъни энг муҳими ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) объектидир.

Иқтисодий хавфсизлик хусусида фикр юритар эканмиз, унинг асосий қисмини ташкил қиладиган ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) объектлари хавфсизлиги хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунга биз иқтисодий хавфсизлик тушунчалари таъриф-ларига таянган ҳолда, қуйидагича таъриф беришни лозим деб топдик.

Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) объектининг хавфсизлиги деганда шахс ва жамиятининг манфаатларига мос келмайдиган турли ишлаб чиқаришда содир бўладиган ҳалокатларнинг (аварияларнинг) олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуасининг мавжудлиги тушунилади.

Жамиятимиздаги ҳолатлар иқтисодий хавфсизлик каторига ёнғин хавфсизлигини ҳам қўшишни тақозо қилмоқда. Чунки ҳар хил эҳтиётсизликлар оқибатида юзлаб ёнғин ҳодисалари рўй бермоқда. Натижада бир қатор объектларда миллионлаб сўм миқдорида моддий зарар кўрилкоқда. Шу туфайли ушбу масала ҳам иқтисодий хавфсизликнинг бир тури сифатида ўз таърифига эга бўлишни лозим. Биз юқорида келтирилган таърифларга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, ёнғин хавфсизлигига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик: Ёнғин хавфсиз-лиги деганда унинг олдини олишга қаратилган барча тадбирларнинг меъёр даражасида амалга оширилган тадбирлар мажмуи тушунилади.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда ёнғин хавфсизлигини таъминламас эканмиз, корхонанинг умумий хавфсизлигини, шу жумладан иқтисодий хавфсизлигини тўлиқ таъминладик, дейиш кийин. Шу туфайли ушбу масалага ҳам алоҳида аҳамият бериш лозимдир.

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг нуфузи бевосита унинг товарига ва маҳсулотига боғлиқ бўлиб қолимоқда. Чунки истеъмолчига сифатли ва арзон товарлар ҳамиша керак бўлган ва бугунги кунда ҳам бу ҳолат ўз долзарблигини йўқотган эмас. Қачонки

ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект ўз товарининг хавфсизлигини таъминламас экан, унинг харидорини топиб бўлмайди. Бу эса уни иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга олиб келиши мумкин. Бу ҳолатдан ҳам кўриниб турибдики, ҳар бир корхона ўзининг товарининг хавфсизлигини таъминлаши лозим экан. Бунинг мазмунини назарий жиҳатдан тўлиқ ифодалаш эса унинг таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Биз товарнинг истеъмол хавфсизлигига таъриф беришда қуйидаги таърифга асосланиш мақсадга мувофиқ, деган фикрга келдик: Товарнинг истеъмол хавфсизлиги деганда уни истеъмол қилаётган инсон ҳаёти ва мулкнинг хавфсизлиги таъминланган ва ҳар қандай ҳолатда зарар қилмаслиги кафолатланган бўлиши тушунилади.


Иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда жуда кўп жараёнлар бир бири билан узвий боғлиқдир. Булар жумласига корхона товарининг хавфсизлиги бевосита маҳсулот хавфсизлигига боғлиқлигини мисол қилиб олиш ҳам мумкин. Иқтисодиётда кўп ҳолларда товар билан маҳсулот бир хил синоним сифатида ишлатилади. Албатта ушбу тушунчалар бир-бири билан узвий боғлиқ. Аммо уларнинг мазмуни бир-биридан фарқ қилади. Маҳсулот деганда корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳаммаси тушунилади. Товар деганда эса, унинг сотишга мўлжалланган қисми тушунилади. Шу туфайли уларнинг хавфсизлигига таъриф беришда ҳам товар ўртасида айрим тафовутлар борлигини инобатга олиш лозим, деб ўйлаймиз. Буни тўлиқ англаш учун унинг биз томондан келтирилган таърифига назар ташлаймиз: Маҳсулот хавфсизлиги деганда инсон ҳаётига, соғлигига ва мулкига хавф солмайдиган сифатга эга бўлган кафолат хизмати ва кафолат муддати давомида истеъмолга яроқли бўлган маҳсулотларнинг мавжуд хусусиятлари мажмуаси тушунилади.

Юқорида келтирилган барча хавфсизликлар корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан бевосита боғлиқдир. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини тўғри англаш учун олдин унинг умумий хавфсизлигига таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Корхонанинг умумий хавфсизлигига қуйидагича таъриф бериш лозим, деган ҳулосага келинди: Корхонанинг умумий хавфсизлиги деганда унинг муҳим ҳаётий манфаатларини ғирром рақобатдан, криминал гуруҳлардан, турли ноқобил шахслардан сакланган ҳолда нормал фаолият кўрсата олиш имкониятларининг тўлиқ мавжудлиги тушунилади.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхонанинг барча хавфсизликларини таъминлаш масъулияти биринчи галда тадбиркорларнинг, энг муҳими, мулк эгаларининг зиммаларга тушади. Давлат албатта улар учун тегишли шароит, зарур бўлган қонуний ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тайёрлаб беради. Аммо амалий тадбирлар, таъкидланганидек, корхона эгаларига ва раҳбарларига боғлиқдир. Улар барча хавфсизликлар билан бирга ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда ижтимоий хавфсизликни ҳам таъминлашлари лозимдир, чунки бунда нафақат корхона самарадорлиги, балки бутун жамиятимиз барқарорлиги ўз аксини топади. Шуларни инобатга олиб корхонанинг ижтимоий хавфсизлигининг ҳам таърифини ишлаб чиқдик: Корхонанинг ижтимоий хавфсизлиги деганда, ундаги меҳнат жамоасининг аҳиллиги, бир ёқадан бош чиқариб ҳамжихатликда фаолият кўрсатиши, улар ўртасида дўстона муносабатларнинг, ўзаро ёрдам қўникмаларининг шаклланиши каби жиҳатларни доимий равишда таъминлаб турувчи шароитлар ва омиллар мажмуасининг мавжудлиги тушунилади.

Юқорида келтирилган барча тадбирлар амалга оширилсагина корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги маълум даражада таъминланиши мумкин. Шулардан келиб чиқиб, ўта мураккаб жараён бўлган корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига қуйидагича таъриф бериш мумкин бўлади. Бу борадаги таърифлар айрим адабиётларда келтирилган<sup>24</sup>. Хусусан, ушбу дарсликда: "Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги деганда, унинг мустақиллигини, мустаҳкамлигини, барқарорлиги ва ички имкониятлар эвазига такомиллашиб, тараққий этиб боришини доимий равишда таъминлаб турувчи шароитлар ва омиллар мажмуасининг мавжудлиги тушунилади", дейилган. Биз ушбу таърифга қўшиламиз, чунки унда корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ барча жиҳатлар камраб олинган. Аммо гап иқтисодий хавфсизлик ҳақида кетаётганлиги учун унга айрим қўшимчалар билан мазкур таърифни такомиллаштирган ҳолда қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз: "Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги деганда, унинг иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини, мустаҳкамлигини, молиявий барқарорлиги ва ички имкониятлар эвазига такомиллашиб, иқтисодий жиҳатдан тараққий этиб боришини доимий равишда таъминлаб турувчи иқтисодий-ижтимоий шароитлар ва омиллар мажмуасининг мавжудлиги тушунилади".

<sup>24</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарснинг 1-қисми. Т.: Фан, 2005. 252-253 бетлар.



Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ўз ичига бир қанча жараёнларни қамраб олган. Буларга:

- унинг иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини;
- иқтисодий мустаҳкамлигини;
- молиявий жиҳатдан барқарорлигини;
- ички имкониятлар эвазига такомиллашиб боришини;
- иқтисодий жиҳатдан тараққий этиб боришини;
- уларни доимий равишда таъминлаб турувчи иқтисодий-ижтимоий шароитлар ва омиллар мажмуасининг мавжудлиги киради.

Эркин рақобат шароитида корхоналар, шу жумладан хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ҳам иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу унсурларнинг бирортасидан воз кечиб бўлмайди. Шундай экан, эндиликда корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш объектив заруратга айланиб бормоқда. Чунки бу ишни амалга оширмасдан туриб корхоналарни, шу жумладан хизмат кўрсатувчи корхоналарни ҳам банкротлик хавфидан сақлаб қолиш, уларни барқарор равишда ривожлантириш кийин. Шу туфайли унинг объектив зарурат эканлигига алоҳида тўхталишни лозим деб топдик.

## **1.2. Глобал ниқироз шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг объектив зарурлиги**

Мамлакатимизда ҳозирги кунда хизматлар соҳаси билан бевосита ёки билвосита боғлиқ булмаган, ҳеж бўлмаса ушбу соҳа билан дуч келмаган бирон бир корхона ёки ташкилотни топиш кийин. 2018 йилнинг 1 октябри ҳолатида 316,7 мингта фаолият курсатаётган корхона ва ташкилот мавжуд бўлиб, шундан хизматлар соҳасида 20 мингтаси ўз фаолиятини юргизмоқда. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ушбу курсатгич 9,2% усган. Натижада 2018 йилнинг январ-сентябр ойларида 105244,8 млрд.сумни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш сурати 108,9% ни ташкил қилди<sup>25</sup> Мамлакатимизда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бета устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” да хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган ва унга асосан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу соҳада ҳам кичик бизнесни

<sup>25</sup> Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. “СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ПОЛОЖЕНИЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН” за январ-сентябр 2018 года.

ривожлантириш муҳим омил бўлди. Ушбу ҳужжатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини босқичма-босқич амалга ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида хизмат кўрсатиш ҳажми 2017 йилга нисбатан 8,9% фоизга, жумладан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар 3201,8 минг сумни ташкил этиб, 2018 йил 1 октябр ҳолатида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,1 фоизга ошди.

Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг асосий сектори сифатида долзарб ва муҳим йўналишларидан бирига айланди. Ишлаб чиқариш жараёнларининг кийинлашуви, бозорнинг кундалик ва шахсий эҳтиёж билан боғлиқ товарлар билан тўйинганлиги, инновацион ривожланишнинг кескин ўсиш суратлари, жамият ҳаётига янги хизмат турларини кириб келишини объектив заруратга айлантирди. Буларни янгича хизмат турларисиз яни информацион, молиявий, транспорт, суғурта, тўлов тизими хизматлари ва бошқаларсиз тасаввур қилб бўлмайди. Биргина 2018 йилнинг 9 ойида жами фаолият кўрсатаётган хизмат кўрсатиш корхоналарининг таркибида аҳоли соғлигини сақлаш билан боғлиқ хизматлар 6,6 информация ва алоқа хизматлари 6,8 сақлаш ва ташиш хизматлари 13,0 овқатланиш ва яшаш билан боғлиқ хизматлар 19,2 савдо ва маиший хизмат кўрсатиш хизматлари 69,4 бошқа хизматлар 94,5 минг бирликни ташкил этмоқда. Жами ушбу даврда 209,5 мингта корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Булар аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга янги иш ўринларининг очилишини, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлайди ва шу орқали инсонларни фаровонлигининг оширилишига хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда замонавий, аҳолига техник ва технологик жараёнлар билан боғлиқ хизмат турлари пайдо бўлмоқда. Булар жумласига алоқа, ахборотлаштириш, автомобиллар ва бошқа техникаларни таъмирлаш, меҳмонхона ва молия хизматларини киритиш мумкин. 2018 йилда ушбу хизматларнинг ҳажми юқори суръатда ўсди. Кечагина оддий телефонга йиллаб навбат кутиладиган бўлса, бугунги кунда кўпгина оила аъзоларининг ҳаммасида уяли алоқа воситалари мавжуд. Яқиндагина компьютер техникаси битта катта ташкилотда битта бўлган бўлса, ҳозирги кунда кўпчилик хонадонларда ушбу техника мавжуд. Буларнинг ҳаммаси уларнинг мунтазам ишлаб туришини таъминлаш учун алоҳида хизматларини ташкил қилишни тақозо қилади.

Мамлакатимизда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тиббиёт хизматлари турлари қупайди, таълим, маданият, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида, шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларида хизмат кўрсатиш борасида ҳам анчагина тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада 2018 йилнинг январ-сентябр ойларида ушбу хизматларнинг ҳажми 8,9% фоизга ортди<sup>26</sup>. Бундай ижобий тенденция жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инкирознинг давом этаётганлигига қарамасдан мамлакатимизда 2018-2019 йилларда ҳам сақланиб қолмоқда. (1.2-жадвал).

Барча хизмат турларининг ўсиши уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортишига олиб келди. Натижада ушбу соҳаларнинг ривожланиши мамлакат ялпи ички маҳсулотига унинг улушини 2017 йилда 42,5 фоизга етказиш имконини берди<sup>27</sup>. Ушбу кўрсаткич микдори 2018 йилда 45,3%га етди. Кўриниб турибдики, ялпи ички маҳсулотда хизматларнинг улуши салмоқли ўринга эга. Бу эса биринчи навбатда янги хизмат турларини бозорга кириб келиши ҳисобидан юзага келганлиги ҳисобидан бўлиб, барча мутасадди шахсларнинг ушбу соҳага янада катта эътибор беришини талаб қилади. Хизмат кўрсатиш улуши мамлакатимизда юқори даражага эгалиги унинг ҳар бир ҳудуд ва вилоятларда шундай даражага эришиш лозимлигини тақозо қилади. Чунки, хизматлар бўйича янги иш ўринларини очиш ҳам бирмунча арзон ва қулайдир. Энг муҳими, турли замонавий хизматларга аҳолининг эҳтиёжи кундан-кунга ошиб бориши кўзатишмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 2017 йилда 200 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Бу барча ташкил этилган иш ўринлари умумий сонининг 32 фоизига тенгдир. 2018 йилда эса, 220 мингта янги иш ўринлари айнан шу соҳага тўғри келди<sup>28</sup>.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб комитети.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб комитети.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб комитети.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб комитети.

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб комитети.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб комитети.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб комитети.

<sup>26</sup> 2018 йил январ-сентябр ойларида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолати. ЎзР иқтисодиёт вазирлиги ва ЎзР Статистика қўмитаси. //ХФУ Тошкент.2018 йил. 9.11.18. 7347-бўлим қат.

<sup>27</sup> 2007 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақуллари. ЎзР иқтисодиёт вазирлиги ва ЎзР Статистика қўмитаси. // Халқ сўзи. 2008 йил феврал.

<sup>28</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 25 б.

1.2-жадвал

**Иқтисод йўналишлари бўйича хизматлар соҳаси  
(за январь-сентябрь 2018 йил)**

| <b>Кўрсаткичлар</b>                                                                   | <b>млрд.сум</b>   | <b>Ўсиш<br/>теми %</b> | <b>%<br/>Улуши</b> |
|---------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|------------------------|--------------------|
| <b>Хизматлар –жами</b>                                                                | <b>105 244,80</b> | <b>108,90</b>          | <b>100,00</b>      |
| Шу жумладан асосий турлар бўйича:                                                     |                   |                        |                    |
| Алоқа ва информация хизматлари                                                        | 7 147,60          | 117,30                 | 6,80               |
| Молиявий хизматлар                                                                    | 14 726,10         | 125,40                 | 14,00              |
| Транспорт хизматлари                                                                  | 31 247,90         | 104,20                 | 29,70              |
| Шу ж. Автотранспортлар хизмати                                                        | 15 386,70         | 102,70                 | 14,60              |
| Умумий овқатланиш ва меҳмонхоналар хизматлари                                         | 3 190,50          | 105,50                 | 3,00               |
| Савдо билан боғлиқ хизматлар                                                          | 28 646,30         | 103,60                 | 27,20              |
| Кучмас мулк билан боғлиқ хизматлар                                                    | 3 336,80          | 103,60                 | 3,20               |
| Таълим соҳасидаги хизматлар                                                           | 3 767,80          | 124,20                 | 3,60               |
| Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар                                                  | 1 468,80          | 114,50                 | 1,40               |
| Ижора ва прокат билан боғлиқ хизматлар                                                | 2 253,20          | 108,50                 | 2,10               |
| Компьютерлар ва майиший техникалар боғлиқ хизматлар                                   | 1 880,80          | 103,40                 | 1,80               |
| Индивидуал хизматлар                                                                  | 2 703,30          | 102,40                 | 2,60               |
| Архитектура, инженерлик тадқиқотлар, техник синов ва таҳлиллار соҳаларидаги хизматлар | 1 542,00          | 131,30                 | 1,40               |
| Бошқа хизматлар                                                                       | 3 333,70          | 108,00                 | 3,20               |

Кўриниб турибдики ушбу соҳа бугунги кунда ҳам иқтисодиётда сезиларли салмоқга эга. Келажакда эса, унинг ошиб бориши табиийдир. Чунки хизмат соҳасининг ўсиши халқ фаровонлигининг оширилишидан далолат беради. Зеро, ижро ҳокимиятининг барча ҳаракатлари мамлакатимиз Президентининг ушбу сиёсатини амалга оширишга қаратилгандир.

Шунин алоҳида таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари шароитида, хизматлар соҳасида корхоналарнинг хавфсизлик хизматлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яқингача хавфсизлик хизматлари билан фақат давлат органлари шуғулланар эди. Эндиликда улар билан бирга хавфсизлик билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотлари ҳам вужудга кела бошлади. Корхоналарнинг хавфсизлик хизмати уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир. Ҳозирги кунда махсус нодавлат ташкилотлари билан корхона ва муассасалар хавфсизлик бўйича шартномалар тузмокдалар. Бунда объектларни кўриқлаш билан шуғулланадиган нодавлат фирмалари шартномага биноан шу ташкилотдан йўқолган, ўғирланган ҳамма зарарларни ўз зиммаларига олиш билан бирга корхонанинг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, уни ривожланиш стратегияларини белгилаб бериш, корхонани фирром рақобатдан ҳимоялашни ҳам ўз зиммаларига олмокда. Бундай ҳолат икки томонлама жавобгарлик ва манфаатдорликни таъминлайди.

Моддий неъматларни яратиш масаласи халқнинг яшаш даражасини яхшилаш учун ечилиши лозим бўлган масаланинг бир қисми ҳолос, уни сақлаш ва нест-нобуд қилмай истеъмолчиларга етказиб бериш, унинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Бунга эришиш жаҳонда содир бўлаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва хавфли юқумли касалликларни пайдо бўлиши натижасида иқтисодиётдаги таъсирини юмшатиш учун ҳам муҳим омилдир. Шу туфайли корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласига катта аҳамият берилиши лозимдир. Зеро, меъёрадаги йўқотишларни тежаш ҳам қўшимча ишлаб чиқариш билан тенгдир. Шу туфайли корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам улар фаолиятининг ажралмас ва энг эътиборли қисми бўлмоғи лозим.

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳам ўзига хос хизмат турлари ҳисобланади. Бу хизмат тури ҳам бошқа хизматлар сингари ўз ўлчами, сифати, миқдори, нархи каби иқтисодий тушунча ва кўрсаткичларга эга. Шу туфайли уларни ўрганиш ва баҳолашда ифодаловчи кўрсаткичларга таяниш лозимдир. Мазкур хизматни ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири унинг самарадорлиги ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичдир.

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги хизмати сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобот даври давомида мазкур объектда ҳеч қандай йўқотишлар ва ўғирликларнинг бўлмаслиги билан

белгиланади. Иккинчи кўрсаткич сифатида шу корхонада йўқолган ёки ўғирланган моддий неъматларни кўрикловчи фирма томонидан ўз вақтида коплаб беришлик даражаси билан ўлчаш мақсадга мувофиқдир.

Агарда корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланса, турли йўқотишларнинг олди олинса, яратилган моддий неъматларимиз ўз вақтида сифатли ҳолда истеъмолчиларга етиб боради ва бу билан аҳолининг фаровонлигини ошириш борасидаги тадбирларимиз амалда бажарилади.

Кўриниб турибдики, корхоналарнинг, шу жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис билан шуғулланадиган субъектларнинг ҳам хавфсизлиги иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида ўз ечимини кутаётган ва бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланган масалалар сирасига киради.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг чуқурлашиб бориши билан корхонанинг, шу жумладан хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ҳам иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш масаласи объектив заруриятга айланиб боради. Бунинг учун маълум даражада тижорат сирининг бўлиши тайин. Чунки мулк хусусий бўлгач, иқтисодий жараёни, маблағларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун ҳам, қилинадиган зарарларни коплаш учун ҳам мазкур субъект ўзининг маблағи ишлатилади. Тадбиркор маблағидан ажралса, мулкдорликдан жудо бўлса, демак унинг фаолияти тўхтайдди. Оқибатда, бир қанча кишилар ишсиз қолади, уларнинг оилавий аҳволи ёмонлашади. Бу ҳолат пировардида жамиятда кам таъминланган камбағалликнинг кўпайишига номзодларни барпо қилаверади. Шу туфайли хусусий мулкка асосланган корхонанинг ривожланиши нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Зеро бу жараён аҳолининг фаровонлиги билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг, шу жумладан хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ҳам иқтисодий хавфсизлигини доимий равишда таъминлаб туришнинг объектив зарурати туғилади. Бу объектив зарурат унинг раҳбариятидан катта эътиборни, ташкилий ишларни амалга оширишни ва уни оқилона бошқариб боришни талаб қилади. Шу туфайли ҳар қандай раҳбар корхонани яхши бошқариш илми билан бирга, унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмларини ҳам яхши билиши лозимдир. Шу туфайли корхона, шу жумладан хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ҳам иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга алоҳида тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки, эркин рақобат ҳукм суриб турган бозор

муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга масъуллигини ошириши, уларнинг нафақат яшовчанлигини, балки барқарор тараққиётини таъминлаши учун қаттиқ курашмоғи лозим. Бу эса иқтисодий ишлар тизимида ўта мураккаб ва кўп қиррали жараёндир.

Хавфсизлик тизимида корхоналарнинг, шу жумладан хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ҳам иқтисодий хавфсизлик масаласи алоҳида ўрин тутadi. Чунки, бу нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий ҳаётимиз билан боғлиқ масаладир. Бунга битта ёки бир қанча тадбирларни маълум вақтда амалга ошириш билан эришиб бўлмайди. Одатда чуқур ўйланган, мунтазам ва изчил равишда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуасини қўллаш орқали бу мақсадга эришиш мумкин. Шу туфайли корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун бир қанча тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Бу борада олимларимиз бир қатор тавсияларни ишлаб чиққанлар. Жумладан, Б.А.Абдукаримов раҳбарлигида тайёрланган “Корхона иқтисодиёти” номли дарсликда қуйидагилар тавсия қилинади<sup>29</sup>.

1. Корхонанинг молиявий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш. Бунда ҳар бир корхона етарли даражада ўз маблағларига эга бўлиши, мавжуд мулкнинг сакланиши ва самарали фойдаланишига эришиш лозим.

2. Корхонада барча иқтисодий жараёнларни қонун доирасида амалга оширишга эришиш, унинг қонуний манфаатини давлат, хорижий ва ички ҳамкорлар олдида ҳимоя қилиш қобилиятининг мавжудлигини таъминлаш.

3. Корхона фаолиятининг доимий равишда барқарорлигини, рақобатбардорлигини, ишлаб чиқарилган маҳсулотининг (иш, хизматнинг) юқори сифатли бўлишини, уларнинг ички ва ташқи бозорга мослигини таъминлаш.

4. Жамоада ахлокий-руҳий муҳитнинг барқарорлиги, меҳнат ва ижро интизомига қаттиқ риоя қилиш ҳар бир ходим ва бўлинмаларнинг ҳаёт тарзига айланганлиги, уларнинг ишни бажаришдаги жипслигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш.

5. Корхона ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг объективлигини таъминлаш, уни бевосита корхонанинг истиқболига йўналтиришга эришиш орқали унинг нуфузини кўтариш.

<sup>29</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик –Т.: Фан. 2005. – 252 бет.

6. Ташкилий, илмий-техникавий соҳани такомиллаштириш орқали ишлаб чиқаришга (фаолиятига) замонавий технологияларни жорий қилишга доимий равишда эришиб, уларни ички имконияти ҳисобидан ривожлантириб бориш<sup>30</sup>.

Булардан кўриниб турибдики, корхонанинг, шу жумладан хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бу ўта мураккаб бўлиш билан бирга жуда кўпқиррали соҳадир. Аммо корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги булар билан ҳам чекланиб қолмайди. Ушбу тадбирларга, бизнинг фикримизча, яна қуйидаги тадбирларни қўшиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

1. Ҳар бир ходим ўз корхонасига садоқатли бўлиши, ўз ишига қатта масъулият ва фидойилик билан ёндашадиган бўлиши лозим.

2. Корхонадаги шаклланган меҳнат жамоаси юқори малакали, савияли, тажрибали ва ташаббускор кишилардан иборат бўлмоғи лозим.

3. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга шунчаки кундалик тадбир, деб эмас, балки иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми деб, мунтазам равишда жиддий иш сифатида қараш лозимлигини тақозо қилади.

4. Корхонадаги ҳар бир ходим, уларнинг мавқеи ва лавозимидан қатъий назар, унинг мулкига бу “умумий мулкимиз” эмас, балки “менинг мулким” деб қараши лозим. Шундай руҳият билан яшайдиган, ишлайдиган меҳнат жамоаси шаклланса, уларнинг мулкка бўлган муносабатида “бизнинг мулкимиз” деган руҳиятдан “менинг мулким” деган руҳият устувор бўлсагина корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланади.

Юқорида келтирилган назарий қарашлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, эндиликда ҳар бир корхонанинг, мулк шаклидан қатъий назар, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш объектив заруриятга айланди. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, корхоналар эркин рақобат шароитида синиб қолиш хавфининг мавжудлиги.

Иккинчидан, фаолият юритишга қаратилган корхоналар харажатларига нисбатан синиб қолиши ва уни ўнглашга кетадиган харажатларнинг кўплиги.

Учинчидан, одамлар руҳиятидаги туб ўзгаришларга эришишнинг зарурлиги. Бунинг амалий ифодасини намоён қилиш учун, ишнинг самарадорлигидан ҳамманинг манфаатдорлигини таъминлашда бош-бошдоқлик ўрнига ҳамжиҳатликнинг шаклланиши лозимлиги.

<sup>30</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик - Т.: Фан, 2005. – 252 бет.

Тўртинчидан, корхоналардаги барча мулкларнинг тўлиқ ва беками-кўст сақланиш лозимлиги.

Бешинчидан, корхоналарнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ҳаётий зарурлиги.

Олтинчидан, барча мавжуд хавф-хатарларни хавфсизликка айлантириш лозимлиги.

Бундай тадбирларни амалга ошириш маълум даражада эътибор, вақт билан биргаликда корхонадан харажатларни ҳам талаб қилади. Бозор муносабатлари шароитида хавфсизлик масаласи билан боғлиқ харажатлардан кўрқмаслик керак. Фақат харажатларни қайтимини таъминлайдиган қилиб сарфланишга эришмоқ лозимдир. Шундагина фаолият ҳам амалга оширилади, харажатлар ҳам ўз вақтида қопланади ва маълум даражада фойда олиш имконияти яратилади. Агар сарф қилинган харажатлар корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини тўлиқ таъминласа, булар самарали ҳисобланади.

Бундай тадбирларнинг ҳаммаси корхоналарнинг, шу жумладан хизмат кўрсатиш ва сервис фаолияти билан шуғулланадиган субъектларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларнинг биринчи йўналиши бўлиб ҳисобланади. Бунда хизмат кўрсатиш ва сервис билан шуғулланувчи корхоналар ўзларининг хавфсизлигини ўзлари таъминлашга қаратади. Хавфсизликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг истеъмолчилари учун хавфсиз бўлишликни таъминлашдан ҳам иборатдир. Бу масала хавфсизликнинг иккинчи йўналиши ҳисобланади.

Умуман олганда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида хавфсизликни таъминлаш объектив зарурият сифатида намоён бўлиши янада кучаймоқда. Чунки, ушбу соҳанинг ривожини келажакда иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмини ташкил қилмоқда. Зеро, 2023 йилга бориб ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши 49,0 %ни ташкил қилиши кўзда тутилганлиги ҳаммага маълум. Бундай ҳолат хизмат кўрсатиш соҳасига бир қанча талабларни қўяди.

Уларга жавоб бериш учун яна қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Булар:

- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрнининг муттасил ошиб бораётганлиги;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг истеъмолчилар, хусусан инсон ҳаётидаги ролининг ошиб бораётганлиги;
- хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш орқали ҳаёт сифатини ошириш ва қулай турмуш тарзига эришиш мумкинлиги;

- хизмат кўрсатиш ва сервис билан шугулланадиган кадрларнинг аста секинлик билан мамлакатимизда тайёрланаётганлиги;
- янги иш ўринларининг кўплаб очилиши ҳам шу соҳага боғлиқлиги ва шу орқали ишсизлик масаласини ҳал қилиш бўйича режаларни амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги;
- мазкур соҳанинг давлат бюджети даромадларининг кўпайишини ва унинг хазинасига нақд пул тушумини таъминлаш масаласининг ҳал бўлишидаги ўрнининг ошиб боришлиги;
- мамлакат бозорида хизмат кўрсатиш ва сервисга бўлган эҳтиёжнинг кондирилишига доир имкониятларнинг очилиши кабилардир.

Хуллас, булардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бугунги кунда ва келажакда корхоналарнинг, шу жумладан сервис фаолияти билан шугулланадиган субъектларнинг, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш уларнинг эркин рақобат шароитида яшовчанлиги ва барқарор тараққиётини таъминлаш учун объектив заруратдир.

### **1.3. Глобал инқироз шароитида корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммолари ва улар ечимининг асосий йўналишлари**

Хавфсизлик масаласи объектив зарурият бўлган кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Уни таъминлаш ҳамиша, ҳамма жойда, ҳамма учун, тирик жон ва буюмлар (махсулот, товар, бино, иншоот кабилар) учун ҳам муҳим бўлиб келинган. Бу масаланинг муҳимлигини шу мисолда ҳам кўриш мумкинки, одамлардан ташқари ҳатто ҳайвонлар ҳам ўзларининг хавфсизлигини таъминлаш учун ўзларига яраша тегишли чора-тадбирларини кўрадилар. Демак хавфсизлик масаласи ҳамиша, ҳамма жойда, ҳамма учун керак бўлган жараён экан.

Хавфсизлик бугун пайдо бўлган жараён эмас, у инсоният пайдо бўлибдики, ҳамиша долзарб бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши тайин. Шу туфайли хавфсизлик масаласи инсонларнинг хотиржамлиги, жамият барқарорлиги ва ривожини учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган масалалардан биридир.

Хавфсизлик тизимида, юқорида таъкидланганидек, иқтисодий хавфсизлик ҳам тегишли ўринга эга. Чунки, иқтисодий хавфсизлик таъминламас экан, иқтисодий ривожланиш ҳақида ҳам баралла гапириш қийин. Иқтисодий субъектларнинг вужудга келиши кўплаб маблағ ва вақтни талаб қилади. Буларнинг эркин фаолияти ва

ривожланишини таъминлаш учун унинг энг аввало ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлаш лозимдир.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида ҳамма корхоналарга мустақиллик берилиб, эркинлик таъминланаётган бир пайтда, унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳам ўта долзарб ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик бўлган жуда катта муҳим жараёндир. Бу жараёни тўғри ва тўлиқ англаш учун унинг назарий масалалари билан бирга бир қанча амалий ва ҳуқуқий масалаларини ҳам ҳал қилиш ҳамда уларнинг илмий-амалий ечимларини ишлаб чиқиш лозимдир. Аммо бу борада ҳали жуда кўп ишлар қилиниши, мавжуд муаммоларнинг ҳал бўлишини таъминлаш ҳам бугунги кундаги муҳим масалалар сирасига киради. Чунки, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бу тadbир ҳам бир қанча ўзига хос назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишни тақозо қилади.

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни бугунги кунда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- назарий муаммолар;
- ҳуқуқий муаммолар;
- амалий муаммолар.

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ назарий муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) иқтисодий адабиётларда хавфсизлик тизимининг, улар таркибида иқтисодий хавфсизликнинг ўрни ва аҳамияти очиб берилмаганлиги;
- 2) иқтисодий хавфсизлик тушунчаси бўйича мамлакатимиз олимлари томонидан ҳамон бир тўхтамга келинмаганлиги;
- 3) иқтисодий хавфсизликнинг мамлакат, ҳудуд, хўжалик юритувчи субъектлар, ҳар бир шахс бўйича илмий асосланган табақаланган тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги;
- 4) корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойилларининг етарли даражада асосланмаганлиги;
- 5) корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифалари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;
- 6) корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича концептуал йўналишларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;
- 7) корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи фан сифатида шаклланмаганлиги.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий муаммоларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эгалigidан қатъий назар, мамлакатимизда ҳамон “Иқтисодий хавфсизлик тўғрисида”ги қонуннинг ишлаб чиқилмаганлиги;

- корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳар бир корхонанинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;

- корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-таркибий тизимнинг ишлаб чиқилмаганлиги.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз ечимини қутаётган амалий муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ✦ корхоналар иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш бўйича кўрсаткичлар тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги;

- ✦ корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар тизимининг аниқланмаганлиги ва улар таъсирини ҳисоблаш усуллариининг ишлаб чиқилмаганлиги эвазига хавфсизликни таъминлаш бўйича ички имкониятларнинг ишга солинмасдан қолиб кетаётганлиги;

- ✦ корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга кетадиган харажатларнинг алоҳида ҳисобга олинмаётганлиги, натижада уларга кетаётган харажатлар самарадорлигини баҳолаш имкониятининг очиб берилмаётганлиги;

- ✦ корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш хизматининг бир тизимга келтирилмаганлиги ва уларни бошқариш масалаларининг тўлиқ ечилмаганлиги каби муаммоларни киритиш мумкин.

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ назарий муаммолар тизимидаги тугун иқтисодий адабиётларда хавфсизлик тизи-мининг, улар таркибида иқтисодий хавфсизликнинг ўрни ва аҳамиятининг ҳамон етарли даражада очиб берилмаганлигидадир. Бунинг ечими хусусида мазкур ишнинг 1.1. бобида қисқагина ўз фикрларимизни ифода қилдик. Бу масала ҳали жуда кўп тадқиқотлар объекти бўлиши тайин.

Ўз ечимини қутаётган навбатдаги муаммо иқтисодий хавфсизлик тушунчаси бўйича мамлакатимиз олимларининг ҳамон бир тўхтамга келмаганлигидадир. Ушбу масала мамлакатимизда кам ўрганилганлиги ва унинг иқтисодий адабиётларда деярли ёритилмаганлигини инобатга олиб, мазкур ишда ушбу масаланинг ҳам ечими бўйича айрим фикрларни келтирдик (1.1. боб) ва

корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ кўпгина тушунчаларнинг муаллифлик таърифини бердик.

Дав. Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш объектив зарурият. Бунинг учун иқтисодий хавфсизлик тизими ишлаб чиқилмоғи лозим. Ҳозирги шароитда иқтисодий хавфсизликнинг мамлакат, ҳудуд, хўжалик юритувчи субъектлар, ҳар бир шахс бўйича илмий асосланган табақаланган тизими ишлаб чиқилмаган. Мазкур масала ҳал бўлиши лозим бўлган муаммолар сирасига киради. Биз ушбу муаммони диссертация ҳажмининг чегараланганлигини инобатга олиб, келгуси ишларимизда кўриб чиқишни мақсад қилиб қўйдик.

Навбатдаги муҳим муаммолардан бири корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойилларининг етарли даражада асосланмаганлигидир.


Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари бир гуруҳ олимларимиз томонидан қуриб чиқилган<sup>31</sup>. Ушбу масалага нашр қилган ишларимизда ҳам қисман тўхталганмиз<sup>32</sup>. Мазкур ишда унинг чизмасини келтириш билан чегараланамиз (1.1-расм).

Чизмадан кўриниб турибдики, корхонанинг хавфсизлиги етти та тамойилга асосланган ҳолда ташкил қилинар экан. Буларнинг тавсифи юқорида қайд қилинган адабиётларда келтирилган. Мазкур адабиётларда корхона иқтисодий хавфсизлиги тамойилларига қуйидагича таъриф берилган: Корхонанинг иқтисодий хавфсизлик тамойили деганда, уни таъминлашга мўлжалланган мақсадли стратегик ва тактик дастурларни бажаришга қаратилган иқтисодий дастаклар мажмуаси тушунилади<sup>33</sup>. Биз корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойили бўйича ушбу фикрда қоламиз.

<sup>31</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик –Т.: Фан, 2005. – 253-255 б.

<sup>32</sup> Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. – Самарқанд, 2008. – 12-14 б.

<sup>33</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик –Т.: Фан, 2005. – 255 б., Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. –Самарқанд, 2008. – 14 б.



**1.1-расм. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш таъминллари**


Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муҳим муаммолардан бири - унинг асосий вазифалари иқтисодий адабиётларда етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигидадир.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш вазифалари қисман Б.А.Абдукаримов раҳбарлигида тайёрланган дарсликда<sup>34</sup> ёритилган. Унинг кенгайтирилган ва тегишли тарзда такомиллаштирилган изоҳи бизнинг нашр қилган ишларимизда<sup>35</sup> ўз аксини топган.

Ҳақиқатда ҳар бир корхонанинг муҳим вазифаларидан бири ўзининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Бу ишда бокимандалик кетмайди. Ҳар бир корхона ўзининг хавфсизлигини ўзи таъминламаса, бошқа жойдан биров келиб уни таъминлаб бермайди. Бу жараён анча тадбирларни ўз ичига олади. Буни қуйидаги чизмадан ҳам кўриш мумкин (1.2-расм).

<sup>34</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик –Т.. Фан, 2005. – 255 б.

<sup>35</sup> Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. – Самарқанд, 2008. – 14-18 б.



**1.2-расм. Корхона хавфсизлигини таъминлаш вазифалари.**

Ушбу чизмада корхона хавфсизлигини таъминлашнинг 8 та вазифаси келтирилган. Уларнинг ҳар бири нималардан иборат эканлигининг тавсифини кенгрок мазмунда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

1. Корхона фаолиятига ташқи субъектлар аралашувларининг кучайишига йўл қўймаслик. Ҳозирги кунда бунинг учун Президентимиз томонидан жуда катта тадбирлар белгиланган ва белгиланмоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликларини кафолатлаш тўғрисида бир қанча қонунлар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президентнинг Фармонлари ва Қарорлари ҳам қабул қилинган.

2. Корхона ичида самарали меҳнат қилиш муҳитини бузишнинг олдини олиш, ҳар бир ходимнинг меҳнатини ҳолисона баҳолай олиш. Холислик, ҳалоллик бўлган жойда одамлар, меҳнат жамоалари ўртасида руҳий муҳитнинг барқарорлиги таъминланади. Бундай шароитда меҳнатнинг самарали бўлиши тайин. Шу туфайли бутунги корхона раҳбари одамлар руҳиятини яхши биладиган, уни тўлиқ

таъминлайдиган, меҳнат жамоаси ўртасида адолатни ўрната оладиган зукко бўлиши лозим. Адолат тарозиси бузилган жойда корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш жуда қийин кечади. Чунки корхона фаолиятида хавфсизлиги ташқи хавфдан кўра ички хавфнинг мавжудлиги хавфлироқ.

3. Ходимлар ўртасида ахлоқий-руҳий муҳит барқарорлигини таъминлаш, корхона муваффақияти уларнинг ҳар бирининг муваффақияти эканлигини онгига сингдириш ва шунга амал қилиш. Ҳозирги шароитда кўпгина кичик корхоналарда меҳнат жамоаси асосан қариндош-уруғлардан таркиб топган оилавий жамоалардан иборат. Уларнинг мақсади, қизиқиши ва рағбатлантирилиши кўп жиҳатдан бир-бирига тўғри келади. Бундай шароитда масалани ижобий ҳал қилиш бирмунча осон кечиши мумкин. Аммо ҳамиша ҳам ишни юритиш учун оилалар таркибидан мутахассисларни топиш қийин. У ҳолда кимларнидир ёллашга тўғри келади. Бу эса меҳнатни ташкил қилишда умумэътироф этилган тартиб ва тамойилларга амал қилишни тақозо қилади.

4. Бозордаги ўз рақобатчиларидан маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) сифати, нархи бўйича орқада қолиб кетмаслик чораларини кўриш. Бугунги эркин рақобат шароитида корхоналар ўз хавфсизлигини таъминлаши учун ўзларининг рақобатчилари тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлишлиги лозимдир. Агарда бир хил товар ёки хизмат ишлаб чиқариш корхоналарида сифат юкори бўладиган бўлса, улар бир хил нарх билан рақобатда ютқазиб қўйиши мумкин. Агарда нархи катта бўлиб, сифати бир хил бўлса ҳам шу ҳолатнинг такрорланиши мумкин. Бундай шароитда корхона раҳбарияти маҳсулот ва хизмат сифатини муттасил ошириб бориш билан бирга унинг нархини ҳам назорат қилиб бориши лозим. Нархни сунъий равишда камайтириб бўлмайди. Бунга маҳсулот таннарахини камайтириш орқали эришиш лозим.

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши даврида эркин рақобатнинг вужудга келишига бозорни тартибга солиб турувчи унсур сифатида амал қилиниши зарур. Аммо иқтисодий адабиётларда бу масала етарли даражада ёритилган эмас. Айниқса, тадбиркор фаолияти ва товарининг рақобатбардошлилигини баҳолаш ва таҳлил қилиш масаласи умуман қараб чиқилмаган. Шу туфайли ишда мазкур масалаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунинг яна бир жиҳати шундаки, бозор тизимида унинг тамойиллари тўлиқ, ишлашга тушгач, тадбиркор

Ўзининг рақобатдошлилигини таъминламаса, унинг синиши, инкирозга учраши табиий.

Тадбиркор ўз маҳсулотиининг рақобатбардошлилигини аниклаши учун эса уни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллариини яхши билиши лозим.


Бозор тизимида ўзининг рақобатбардошлилигини таъминлаши учун тадбиркор қуйидаги учта, энг муҳим унсурларни қўпайтириб туришдан манфаатдор. Буларга:

1. Иш ҳажми, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришни, иш бажаришни ва хизмат кўрсатишни қўпайтириш.

2. Агар имкони бўлса, товар (маҳсулот, иш, хизмат) баҳосини ошириш.

3. Ишлаб чиқараётган товар (иш, хизмат) сифатини ошириш.

Ушбу унсурлар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (1.3-расм).



1.3-расм. Тадбиркорнинг рақобатбардошлилигини таъминловчи омилларнинг бир-бири билан боғлиқлиги.

5. Бозор конъюнктурасининг тез ўзгаришидан ҳамиша воқиф бўлиш ва унга мослашган ҳолда тараққиётни таъминлаш. Бу вазифа ҳам бозор муносабатлари ҳукм суриб турган ва унинг тамойиллари тобора чуқурлашиб бораётган шароитда ўта муҳимдир. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бозордаги муҳитни мунтазам ўрганиб боришни тақозо қилади. Бу ҳолат ҳам корхона раҳбарияти ва мутахассисларидан катта билим ва тажрибани талаб қилади. Булардан қўриниб турибдики, корхонанинг хавфсизлигига ўз-ўзидан эришиш қийин экан.

6. Ишлаб чиқариш, технологик, тижорат қаби сирларини сақлаш. Нодир мутахассислар қўнимсизлигининг олдини олиш. Корхоналарнинг хавфсизлигини таъминлашда унинг тижорат сирини сақлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бир корхона муваффақиятга эришса, у рақобатда олдинги ўринларда турган бўлса, албатта унинг маълум даражада ўзигагина хос сир-синаотлари бор. Уларни имкон

қадар асрашга, атрофга ошкор қилмасликка ҳаракат қилиш лозим экан, бунинг учун корхона ўзида фаолият кўрсатаётган ўта ноёб ва тажрибали кадрларни асраб-авайлаши лозим. Бунда кадрлар кўнимсизлигига йўл қўйиб бўлмайди. Уларни ўз иш жойларида муқим ушлаб туриш чораларини кўриш лозимдир.

7. Корхона ҳудуди, мулки ва бошқа моддий ресурсларнинг сақланишини таъминлаш, уларнинг ўғирланиши ва йўқолишининг олдини олиш чораларини кўриш. Корхона иқтисодий хавфсизлигининг муқим жиҳатларидан бири - уларнинг мол-мулкининг сақланишига ҳам бевосита боғлиқ. Маҳсулотни сақлаш учун эса тегишли шароит яратиш керак. Товарларнинг яроқлилик муддатидан олдин бузилиб, айниб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Агар ушбу маҳсулотлар синадиган бўлса, уларнинг бутлигини таъминлаш чораларини ҳам кўриш керак. Шунингдек, маҳсулотларнинг ўғирланишига йўл қўйилмайдиган, йўқолишининг олдини оладиган ҳолатларга ҳам ҳаминша аҳамият бериб бориш тақозо қилинади.

8. Ҳамкорларини танлашда уларнинг молиявий аҳволини ўрганиш ва ўзининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун тегишли ташкилий ишларни доимий равишда эътибордан қолдирмаслик. Бу вазифа ҳам корхоналарнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муқим чоралардан биридир. Аммо ҳозирги пайтда кўпгина корхоналарда молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар унинг ҳақиқий молиявий аҳволидан дарак бермайди. Чунки солиқдан қочиш учун шу даражада кўп "хунарларни" қилинмоқдаки, уларни махсус назорат органи ходимларисиз аниқлаш қийин. Шу туфайли бу масала ҳам корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлмоғи лозим. Лекин шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлар эдикки, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун энг аввало, унинг раҳбарияти ва мутахассислари ҳалол-покиза иш кўрмоқлари лозим. Қингир ишнинг қийиғи бир кун чиқиб қолиб, бор мол-мулкни турли жарималарга мажбуран тўлаб, бир кунда банкрот ҳолатига тушиб қолиш мумкин. Шу туфайли ҳаминша бойликни орттиришни ҳалол йўл билан қилишга ўрганилса, бу иқтисодий жиҳатдан хавфсиз бўлади. Бу ҳолатда корхона раҳбари ҳеч қандай жарима ва бошқа мажбурий тўловлардан кўрқмаслиги мумкин.

Юқорида келтирилган корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилиши унинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муқим аҳамият касб этади. Таъкидланганидек, корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ўз-ўзидан

таъминланиб қолмайди. Шу туфайли бу масала корхонага дахлдор бўлган мутасаддиларнинг (мулкдор, рахбар, менежер, мутахассислар ва барча ходимлар ҳамда солиқ, молия, банк каби манфаатдор ташкилотлар) ҳамиша диққат эътиборида бўлмоғи лозим. Бу масала ҳамманинг иши эканлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналарнинг, шу жумладан хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун уларнинг ҳолатини доимий равишда баҳолаб бориш лозим. Бу эса ўз навбатида уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Булардан ташқари, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун ҳам хавфсизлик хизмати бўлимини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса хавфсизлик билан шуғулланадиган ходимларнинг ҳисобини алоҳида олиб бориш ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш заруратини туғдиради. Чунки ушбу кўрсаткичларни ҳисобга олмасдан туриб, уларнинг самарадорлигини баҳолаб бўлмайди. Аммо бозор муносабатлари иқтисодий хавфсизликни таъминлаш самарадорлигини баҳолашни тақозо қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, навбатдаги муҳим муаммолардан бири, ҳамон корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича концептуал йўналишларнинг ишлаб чиқилмаганлигидир. Бу масала иқтисодий адабиётларда деярли ёритилмаганлигини инобатга олиб, бу борада ўзимизнинг фикримизни келтириш билан чегараланамиз. Бизнинг фикримизча бу қуйидагилардан иборат:

1) корхона ҳудудини кўриклаш тизимини мукаммаллаштириш ва уларни замонавий техник воситалар билан таъминлаш;

2) корхона мулкни (асосий воситалар, товар захиралари, хомашё ва материаллар, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар кабилар) асраш тизимини яратиш ва уни муттасил такомиллаштириб бориш;

3) корхоналар мулкни ташиш жараёнида хавфсизликни таъминлаш масала-ласини замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш;

4) корхоналарнинг ахборот ва илмий-техник хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш;

5) корхона раҳбарияти ва мулк эгаларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

6) корхонада содир бўладиган ўғрилиқ ва қўпоровчилик билан боғлиқ ҳодисаларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тезлик билан етказиш тизимини такомиллаштириш;

7) корхонага кириш-чиқиш режимини жорий қилиш;  
8) рақобатчилар билан бўладиган хавфсизликни таъминлашни такомиллаштириш;

9) корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш тизимини ва услубиётини ишлаб чиқиш ва уларнинг тезкорлигини таъминлашни такомиллаштириш кабилар.

Мазкур концептуал йўналишлар корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартлари ва омилларининг ҳам таъсирчанлигини таъминлайди. Пировардида ушбу масалаларнинг амалга оширилиши жамиятнинг иқтисодий тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас ва шарҳ беришга ҳам ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолардан бири, унинг мамлакатимизда фан сифатида шаклланимаганлигидир. Кўпгина хорижий мамлакатларда, хусусан Россия Федерациясида корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги фан сифатида ўрганилади<sup>36</sup> ва у иқтисодий фанлар тизимида тегишли ўринга эга. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда ҳам корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар “Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги” номли дарсликда ўз ифодасини топтоғи лозим ва уни олий ўқув юртларида ва ўрта махсус касб-хунар коллежларида дарслик сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳар бир фуқарони мулкка муносабатини шакллантиради ва тежамкорлик, эҳтиёткорлик каби хислатларини шакллантириш омили сифатида намоён бўлади.

### **1-боб бўйича хулосалар**

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва хавфсизлик хизматини такомиллаштиришнинг назарий масалаларини тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келинди ва уни такомиллаштириш бўйича бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги, уларнинг турлари ва улар билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари бугунги кунда ўта долзарблигига қарамасдан, мамлакатимиз олимлари томонидан кам тадқиқ қилинган ва шу мавзуга оид адабиётлар етарли даражада нашр қилинмаган. Хавфсизликни таъминлаш бўйича мамлакатимизда тегишли қонун ишлаб чиқилмаган. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг иқтисодий

<sup>36</sup> Экономика и организация безопасности хозяйствующих субъектов. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2004. – 288 с.: ил. – (Серия «Учебник для вузов»)

хавфсизлигини муттасил таъминлаб боришлари лозимлигига қарамадан, мамлакатимиз олимлари томонидан ушбу мавзуда илмий-тадқиқот ишлари жуда кам олиб борилмоқда. Натижада унинг кўпгина назарий ва амалий масалалари ўз ечимини топмасдан қолиб кетмоқда.

2. Бозор муносабатлари шароити ва мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб “хавфлилик”, “хавфсизлик”, “иқтисодий хавфлилик”, “корхоналарнинг ижтимоий хавфсизлиги”, “товарлар хавфсизлиги”, “ахборотлар хавфсизлиги”, “объектнинг хавфсизлиги”, “корхоналарнинг иқтисодий хавфлилиги”, “корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги” каби тушунчаларнинг муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди ва назарий жиҳатдан асосланди.

3. Эндиликда ҳар бир корхонанинг, шу жумладан хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган субъектларнинг ҳам мулк шаклидан қатъий назар, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш объектив заруриятга айланганлиги асосланди. Бу заруриятнинг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси учун янада аҳамиятли эканлиги кўрсатиб ўтилди ва унинг асосий концептуал жиҳатлари очиқ берилди.

4. Корхоналарнинг, шу жумладан хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган субъектларнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни бугунги кун талабидан келиб чиқиб уч гуруҳга бўлиш асосланди. Булар таркибига назарий, ҳуқуқий, ва амалий муаммолар кириши, ҳар бирининг нималардан иборат эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

5. Корхоналарнинг, шу жумладан хизмат кўрсатиш билан шуғуллан-увчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун уларнинг ҳолатини баҳолаш лозимлиги, бунинг учун эса, кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, хавфсизлик хизмати бўлиминини ташкил қилиш, хавфсизлик билан шуғулланадиган ходимларнинг ҳисобини алоҳида олиб бориш ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш лозимлиги асосланди.

6. Корхоналарнинг, шу жумладан хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари ва вазифаларига аниқлик киритилди ва уларнинг чизмаси ҳамда кенгайтирилган изоҳи берилди. Ҳар бир тамойилга назарий қарашлар келтирилиб, уларнинг амал қилиш йўллари кўрсатиб ўтилди.

7. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал йўналишлари иқтисодий адабиётларда деярли ёритилмаганлигини инобатга олиб, унинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди ва маълум даражада тизимлаштирилган жihatлари келтирилди. “Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги” номли дарсликни тайёрлаш ва уни олий ўқув юртларида ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида ўқитиш лозимлиги асосланди.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий масалалари ва ушбу жараён билан боғлиқ жihatларнинг амалий ечимлари бўйича мавжуд муаммолар ҳал қилинса, корхоналарнинг барқарор ривожланиши, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратининг юксалиши каби муҳим вазифаларга эришиш йўллари аниқланади ва унинг мустаҳкамлиги таъминланади.




туфайли корхонанинг хавфсизлиги тўғрисида гап кетганда битта шахс ёки битта бўлим ходимларининг садоқати эмас, балки корхонада фаолият кўрсатаётган барча ходимларнинг садоқати тушунилади. Зеро ушбу жараёни таъминлашга ҳамма тўлиқ иштирок этишлари лозимдир.

Тасодифга қарангки, садоқатлилиكنинг бош ҳарфлари билан бошланадиган сўзларнинг ҳаммаси хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар экан. Булар қуйидагилардан иборат.

- боғлиқлилик
- узлуксизлик
- сирлилиқ
- аҳиллик
- доимийлик
- очиклик
- қонунийлик
- аниқлик
- тадбиркорлик
- лойиҳавийлик
- иккиланмаслик
- лоқайдликка йўл қўймаслик
- иқтисодий тежамкорлилик
- комплекслилик

Мазкур тамойилларнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган чизмаси қуйидагича ифодаланади (2.1-расм).

“Хавфсизликни таъминлаш – бу САДОҚАТЛИЛИК”  
тамойиллик



2.1-расм. Хавфсизликни таъминлаш - бу садоқатлилиқ  
тамойилининг таркиби.

Ушбу гамойилларни ифода этадиган тушунчалар мазмунининг ҳар бирини қисқача кўриб чиқамиз.

**Боғлиқлик тадбири.** Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш жуда кенг қамровли тадбирларни ўз ичига олади. Шу туфайли том маънодаги хавфсизликни таъминлаш учун тадбирларни бир-бири билан боғлиқ ҳолда олиб боришни тақозо қилади. Масалан, хавфсизликни таъминлашга мўлжалланган техникани бошқариш шунга мос, ундан фойдалана оладиган кадрлар, яъни мутахассислар бўлишини талаб қилади. Бу эса ўз навбатида хавфсизликка мўлжалланган харажатларнинг кўпайишига олиб келади ва ҳ.к.

**Узлуксизлик тадбири.** Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мавсумий иш эмас. Ушбу жараён билан боғлиқ тадбирлар доимий равишда, узлуксиз тарзда амалга оширилиши лозим, чунки хавф-хатар бир зумда тасодифан пайдо бўлиши ва хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигига ҳам бир зумда салбий таъсир қиладиган ҳодисалар рўй бериши мумкин. Буларга ўғрилиқ, ёнғин, портлаш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ҳолатлар хавфсизликни бир зум ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмасликни тақозо қилади. Демак, хавфсизлик билан боғлиқ тадбирлар узлуксиз равишда амалга ошириб турилиши лозим экан.

**Сирлилик тадбири.** Хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи маълум даражада очикликни талаб қилса, ундан кўпроқ даражада айрим масалаларнинг сир тутилишини тақозо қилади. Чунки, айрим масалалар борки, уларни ҳамма билиши шарт эмас. Масалан, ахборот сири, тижорат сири, технологик сир, қўриқлашнинг айрим усуллари кабилар. Бу жиҳатлар бегоналарнинг қўлига тушгудек бўлса, хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи заифлашади. Чунки ҳар бир субъект эркин рақбат шароитида фаолият кўрсатаётганлигини унутмаслиги керак. Агарда ҳамма ахборотлар рақобатчиларга аниқ бўлса, эркин рақбат тамойили фирром рақобатга айланиб кетиши ҳам мумкин.

**Аҳиллик тадбири.** Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда шу жараёнга дахлдор бўлган ходимларнинг аҳиллиги ўта зарурдир. Жамоада кўп муваффақиятлар сингари хавфсизликни таъминлашнинг ҳам асосий омилларидан бири аҳилликдир. Масалан, хавфсизлик тадбирига мутасадди шу хизмат бўлимининг раҳбари бўлиши

мумкин. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа ходимлари ҳам корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид соладиган жараён ёки воқеликни сезиб қоладиган бўлса, зудлик билан хавфсизлик хизмати бўлими раҳбарига хабар берилиши лозим. Кейин мутасадди шахс тегишли тадбирларни зудлик билан қўллайди ва корхонанинг хавфсизлигини таъминлашга эришади.

**Доимийлик тадбири.** Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда ушбу тадбир бевосита узлуксизлик тадбири билан боғлиқдир. Хавфсизлик тадбири доимий равишда амалга оширилиши лозим. Чунки, таъкидланганидек, ушбу жараён мавсумий эмас. Бундан ташқари хавфсизлик масаласи доимий равишда эътиборни талаб қиладиган жараёндир. Доимийлик фақат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан эмас, балки корхонанинг барча аъзоларидан талаб қилинишини ёддан чиқармаслик лозим. Хавфсизлик масаласида ҳеч бир ходимнинг бунинг менга дахли йўқ, дейишга ҳаққи йўқ. Агарда корхонанинг хавфсизлиги таъминланмасдан, у банкротга учраб ёпиладиган бўлса шу корхонада ишлайдиган барча ходимлар ишсиз қолиши табиий. Бундан ташқари корхоналарнинг хавфсизлигини таъминлашга доимий равишда жамоатчилик эътиборини ҳам жалб қилиш лозим. Шу корхонанинг ишлаши уларнинг маълум даражада эҳтиёжларининг кондирилишига хизмат қилаётганлигини ҳис қилдириш, агар у ёпиладиган бўлса, шу ҳудуд бозорининг бироз қашшоқлашиши, маълум миқдорда, фуқаролар ишсиз қолиши каби социал ҳолатларни билдириш лозим бўлади.

**Очиқлик тадбири.** Хусусий мулк устуворликни эгллаб турган бир пайтда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш фақат мулкдорга ёки унинг вакилларитагина керак бўлмасдан, шу корхона билан ўз тақдирини боғлаган ҳамма ходимлар учун зарурдир. Масаланнинг бу жиҳати хавфсизлик билан боғлиқ бўлган тадбирлар шу субъект билан боғлиқ булган умумий ходимлар учун қисми очик бўлишини тақозо қилади. Ҳар бир корхонанинг хавфсизликни таъминлаш сиёсати ишлаб чиқилган ва бу сиёсатда уни амалга ошириш тадбирлари кўзда тутилган бўлади. Мазкур хўжалик юритувчи субъект ходимлари уларни сўзсиз бажаришлари лозимдир.

**Қонунийлик тадбири.** Мамлакатимиз қонуний демократик жамият кураётган бир пайтда барча жараён ва ҳодисалар, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳам стихияли тарзда булиб қолмасдан, балки маълум қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилиши ва тартибга

солиниши лозим. Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда бирорта тадбир қонунга зид равишда амалга оширилишига йўл қўйилмайди. Шу туфайли корхоналар ўз хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қанча низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишлари мумкин. Улар ҳар бир корхонанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш билан бирга амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги лозим. Қонунларни амалга ошириш механизмида тизимли ёндошувга эришилсагина уларнинг узликсиз ишлаши таъминланади. Қонун бошқа тартибни кўзда тутган бўлиб, шунга асосланган қонуности ҳужжати бошқа меъёрларга асосланса, кўзда тutilган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу туфайли хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласида ҳам қатъий қонун ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши лозим бўлади.

**Аниқлик тадбири.** Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда амалга ошириладиган тадбирлар-нинг бирортаси мавҳум бўлмаслиги лозим. Хавфсизликка дахлдор ҳар бир мутасадди шахс нима иш қилишини, қайси ишни ўзи бажаришини ва қайси ишни кимлардан талаб қилишини аниқ билиши лозим. Хавфсизлик билан боғлиқ ҳар бир жараёнга кимдир мутасадди бўлмаса, ўртада мавҳумлик пайдо бўлади. Мавҳумлик бор жойда масъулият унчалик кучли бўлмаслиги табиий. Масъулият йўқ жойда эса, кўзланган мақсадга етиш мураккаблигини исботлаб ўтиришга ҳолат йўқ, деб ўйлаймиз.

**Тадбиркорлик тадбири.** Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда тадбиркорлик элементлари бўлмоғи лозим, чунки хавфсизлик масаласини турли корхоналарда бир хил андозада амалга ошириб бўлмайди. Шу туфайли уни таъминлашда ҳар бир корхонанинг раҳбарияти ва шу жараён масъулларидан катта тадбиркорликни талаб қилинади. Бу борада раҳбар ўз корхонасининг хавфсизлигини таъминлашда ўзига хос бўлган хусусиятларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириши масаласи тушунилади. Бу тадбиркорлик ходимларнинг шу соҳага бефарқ бўлмаслиги, маълум даражада тўпланган тажрибани ишга солишлиги, соҳа ходимларининг маълум даражада билимга эга бўлишлиги каби жиҳатларни ўз ичига олади.

**Лойиҳавийлик тадбири.** Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи маълум даражада ташкиллаштиришни талаб қилади. Бу эса ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бунда турли низомлар билан бирга унинг барча

жиҳатларини инобатга оладиган ҳар томонлама мукаммал ишланган лойиҳа асосида иш юритилади. Чунки ҳўжалик юритувчи субъектлар иктисодий хавфсизлиги жуда кенг камровли масала ва шунга мос равишда унинг турли йўналишлари мавжуд. Ҳар бир йўналиш бўйича хавфсизликни таъминлаш масаласига мутасадди кишилар белгиланиши ва уларнинг масъуллик даражаси лойиҳада ўз ифодасини топиши лозим. Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати, қайси йўналиш бўйича қанча харажат килиниши ва унинг умумий миқдори ҳам белгиланади.

**Иккиланмаслик тадбири.** Ҳўжалик юритувчи субъектлар иктисодий хавфсизлигини таъминлашда иккиланмаслик лозим. Чунки хавфсизликни таъминлаш масаласи орқага ташлайдиган, бугун бўлмаса, эртага қиламан дейдиган иш эмас. Хавфсизликка таҳдид бўладиган ҳодиса ёки ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш ва уни бартараф қилиш механизминини ишлаб чиқиш лозим. Уни амалга оширишга киришилганда тезкорлик билан ҳаракат қилиш тақозо этилади. Акс ҳолда мутасадди ходимларнинг иккиланиши ҳаракатни сустрлаштириши ва хавфсизликни ўз вақтида таъминлашга ҳалал бериши мумкин.

**Лоқайдликка йўл қўймаслик тадбири.** Ушбу тадбир ҳам юқоридаги тадбирлар билан узвий боғлиқдир. Ҳўжалик юритувчи субъектлар иктисодий хавфсизлигини таъминлашда лоқайдликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Айрим ҳолларда корхоналарнинг хавфсизлиги ташки омилларга ҳам бевосита боғлиқдир. Бундай хавф-хатар ва таҳдидлар аниқлангач, уларни бартараф қилиш, ҳеч бўлмаганда таъсирини сусайтириш усуллари ва йўллариини ишлаб чиқишда ҳамда шу тадбирларни амалга оширишда лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Бунда шунини инобатга олиш лозимки, аниқланган таҳдидларнинг содир бўлишидан қуриладиган зарар унинг олдини олишга кетадиган зарардан қўп бўладиган бўлса, қўшимча харажатларни коплаш манбаларини ҳам кўзда тутиб қўйиш даркор. Агар иктисодий хавфсизликка таҳдид соладиган хатарлар қонунни бузиш эвазига содир бўлиши аниқланса, албатта ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини ҳам бу ишга жалб қилиш лозим. Керак бўлган тақдирда фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқармалари ходимларидан ва уларнинг қучларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Хуллас, ҳўжалик юритувчи субъектлар иктисодий хавфсизлигини таъминлашда лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди.

**Иктисодий тежамкорлик тадбирлари.** Ҳўжалик юритувчи субъектлар иктисодий хавфсизлигини таъминлашда иктисодий

тежамкорлик ҳам муҳим масалалардан биридир. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир харажат мақсадга мувофиқ ва самарали бўлиши лозим. Бу бевосита хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ харажатларга ҳам дахлдордир. Ҳар қандай тадбирга кетадиган, шу жумладан хавфсизликка кетадиган харажатларнинг ҳам мақсадга мувофиқлиги шу тадбирдан келадиган даромаднинг унга нисбатан кўпчилигида намоён бўлади. Шундай экан, ҳар бир харажатнинг самарадорлиги олдиндан ҳисоб-китоб этилишини тақозо қилади. Ҳар қандай харажатлар иқтисодий жиҳатдан асосланган ва самарали бўлиши лозим.

**Комплекслилик тадбири.** Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳаётий зарурият бўлиш билан бирга кўп киррали эканлиги олдин таъкидланган эди. Унинг кўпқирралиги шу билан белгиланадики, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид соладиган восталар ҳам жуда кўпдир. Булар жумласига гирром конкуренциянинг мавждлиги, ўғрилиқ ва қаллобликларнинг бутунлай барҳам топмаганлиги, ходимларнинг лоқайдлиги туфайли маҳсулот (иш, хизмат) сифатининг пасайиб кетиши, тежамкорликка амал қилинмасдан харжатларнинг кўпайиб кетиши эвазига маҳсулот таннархининг ошиб кетиши ва товар (иш, хизмат)ларнинг нархи таннархни қоплай олмаслиги каби ҳолатларни киритиш мумкин. Бу ҳатарларни бартараф қилиш учун комплекс тадбирлар амалга оширилмаса, мақсадга тўлиқ эришиб бўлмайди. Шу туфайли хавфсизликни таъминлашда комплекс тадбирларни амалга ошириш лозимдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг иқтисодий фанига корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ “Хавфсизликни таъминлаш - БУ САДОҚАТЛИЛИК”дир деган янги тамойил киритилди ва назарий жиҳатдан асосланди. Ушбу тамойилда кўзда тутилган тадбирлар нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга, чунки хўжалик юритувчи субъектлар кенг қамровли иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун бир канча тадбирлар тизимидан фойдаланиши лозим экан.

## **2.2. Хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодий хавфсизлиги ҳолатини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари**

Ҳар қандай иқтисодий категория ва жараёнларга баҳо беришда маълум кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кўрсаткичларнинг сони ва кўлами улар ифода этаётган категория ёки жараёнинг мазмун-

моҳиятига боғлиқ. Юқорида корхонанинг хавфсизлиги асосан салбий ҳолатлар билан боғлиқлиги хусусида гап юритилди. Бу табиий. Чунки, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига хавф соладиган омиллар асосан салбий характерга эга бўлади. Аммо шундай омиллар ҳам борки, улар салбий эмас ва хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий хавфсизлигига ижобий таъсир қилади. Бундай кўрсаткичлар сирасига хўжалик фаолиятига баҳо беришда қўлланиладиган иктисодий кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Иктисодий кўрсаткичлар бир қисмининг миқдори ошиб борса корхона ишининг яхшиланаётганлигидан далолат беради (масалан корхонанинг рентабеллиги, меҳнат унумдорлиги, фондларнинг самарадорлиги, тўлов қобилияти, ликвидлиги кабилар) ва улар миқдорининг ўсиши ижобий кўрсаткич сифатида баҳоланади. Айрим кўрсаткичлар борки, (масалан харажатлар даражаси, корхонанинг фондлилиги кабилар) улар миқдорининг камайиб бориши ижобий кўрсаткичлар сифатида баҳоланади. Агарда уларнинг тескариси содир бўладиган бўлса, албатта корхона аҳволининг ёмонлашаётганлигидан ва ушбу кўрсаткичларнинг миқдори унинг салбий оқибатларга олиб келаётганлигидан далолат беради. Шу туфайли корхоналар хавфсизлигини иктисодий кўрсаткичлар билан ҳам баҳолаш мумкин, деган хулосага келдик.

Бизнинг фикримизча, бунга сабаб сифатида яна қуйилагиларни далолат сифатида келтиришимиз мумкин:

Биринчидан, хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган субъектлар ҳам бошқа корхоналар сингари эркин рақобат шароитида фаолият кўрсатмоқда. Бу жараён ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий тараққиётида ўз йўлини йўқотганлар учун шафқатсиздир. Шу туфайли ҳар бир корхонанинг фаолиятига ўз вақтида баҳо берилиб, хавфсизлик ҳолати ўрганиб борилишни тақозо қилади.

Иккинчидан, эркин рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитида, ҳар бир корхона учун банкротлик хавфи кун тартибида турадиган муҳим унсурлардан биридир. Ундан қутилиш йўли ҳам жараёни маълум кўрсаткичлар билан ифода этиб боришни тақозо қилади.

Учинчидан, ҳар қандай категория ёки жараёнга баҳо беришда, унинг яхши ёки ёмонлигини характерлаш учун ҳам уларни кўрсаткичларда ифода этиш зарурати туғилади.

Тўртинчидан, корхоналарнинг иктисодий хавфсизлигини баҳолаш масаласи иктисодий адабиётларда деярли ёритилмаган. Уни қандай

кўрсаткичларда ифодалаш мумкинлиги ҳамон тўлиқ очиб берилмаган. Бу ҳолат ҳам мазкур масалага жиддий ёндошнишни талаб қилади.

Агар ушбу муаммолар назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилинадиган бўлса, буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда корхоналар фаолиятининг ёмонлашувига, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг кескин пасайишига, банкротлик ҳолатига тушиб қолишига, иш кўламининг қисқариши эвазига ишсизликнинг ошиб кетишига сабаб бўлувчи салбий ҳолатларнинг олди олинади. Бу эса хўжалик юритувчи субъектларга ўз ходимлари олдидаги, давлат ва жамият олдидаги вазифаларини тўлиқ бажариб бориш ва ўзининг фаолиятини барқарор равишда давом эттириш имконини беради.

Қаерда хавф-хатар бўлса, ўша жойда ундан ҳимояланиш йўллари ва чораларини ҳам кўриб қўйиш лозим бўлади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий жиҳатдан хавфсизлиги таъминланмаган бўлса, уни ўнглаш чоралари шу субъектнинг айнан иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқдир. Бундан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ ҳолатлар қандайдир кўрсаткичлар билан баҳоланиши лозим экан.

Буларнинг ижобий томонлари шулардан иборатки, биринчидан, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқишда нималарга ва фаолиятнинг қайси жиҳатларига аҳамият бериш лозимлиги аниқ бўлади. Иккинчидан, бу жиҳатлар ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз имконияти ва хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг иқтисодий жиҳатдан хавфсизлик сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда корхоналар, шу жумладан хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимини тавсия қиламиз:

1. Режада (меъёردа) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган активлар рентабеллиги ( $A_p > A_{pm}$ ).

2. Режада (меъёрдa) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган харажатлар рентабеллиги ( $X_p > X_{pm}$ ).

3. Режада (меъёрдa) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган ўз маблағлари рентабеллиги ( $\dot{U}_{3p} > \dot{U}_{3pm}$ ).

4. Режада (меъёрдa) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган сотилган маҳсулот (умумий) рентабеллиги ( $С_{мр} > С_{мрм}$ ).

5. Корхонанинг ликвидлик даражаси (жорий ликвидлик) ( $L_d$ ).

6. Муддати ўтган ва умидсиз дебитор қарзларнинг йўқлиги ( $D_{yuk}$ ).

7. Қонунбузарликларнинг олди олинганлиги ва уларнинг корхонада қайд этилмаганлиги (ҚБ<sub>жк</sub>).

Мазкур кўрсаткичлар мажмуи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини ифодалайди. Шу туфайли уларнинг ҳар бирининг аниқланиш йўллари ва моҳиятини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири режада (меъёрда) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган активлар рентабеллигидир ( $A_p$ ). Ушбу кўрсаткич одатдаги формула билан ифодаланади:

$$A_p = (Cф : A * 100) > A_{pm};$$

Бу ерда:  $Cф$  – корхонанинг соф фойдаси;

$A$  – активларнинг ўртача йиллик қиймати.

Аммо шунинг эътирофи билан керакки, мазкур кўрсаткичнинг миқдори амалдаги меъёрда кўзда тутилган даражадан ( $A_{pm}$ ) кам бўлмаслиги керак. Бироқ, ҳозирги ҳар бир кўрсаткич бўйича меъёр даражаси ишлаб чиқилмаган шароитда, ушбу кўрсаткич миқдори бизнес режада кўзда тутилиши ва меъёр сифатида асос қилиб олинishi мумкин. Бу ҳолат қуйидагича ифодаланади ( $A_p > A_{pm}$ ). Агар режада активлар рентабеллиги даражаси 5,0% этиб белгиланган бўлса, ҳақиқатда мазкур корхонанинг рентабеллиги шу даражадан кам бўлмаслиги лозим. Ҳақиқатда унинг даражаси 3,0% бўлиши мумкин. Бу умуман олганда корхонанинг самарали ишлаётганлигини кўрсатади, аммо иқтисодий жиҳатдан хавф-хатарга яқин бўлиб ҳисобланади. Мазкур корхона учун хавфсизлик зонаси 5,0%дан кўп бўлган уни самарали даражада, деб баҳолаш лозим бўлади. Худди шундай фикрларни бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам айтиш мумкин.

Корхоналар хавфсизлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан яна бири режада (меъёрда) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган харажатлар рентабеллигидир. Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай фаолият натижасидан фойда олиш мақсадида харажат ( $X$ ) қилинади. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ҳар бир сўм сарф қилинган харажатлардан қанча фойда олинаётганлигини кўрсатади. Бироқ ушбу кўрсаткичнинг ҳажми ҳам кўзда тутилган даражадан кам бўлмаслиги керак. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$X_p = (Cф : X * 100) > X_{pm};$$

Бу қискартириб ифодаланадиган бўлса, қуйидаги ҳолат рўй бермоғи-  $X_p > X_{pm}$ , яъни ҳақиқий харажатлар рентабеллиги режада кўзда тутилган рентабеллик даражасига нисбатан юқори (катта)

бўлмоғи лозим. Шундагина корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланиши мумкин. Чунки, харажатларнинг ҳар бир сўми 3 сўм фойда келтирадиган даражада режалаштирилган бўлса, ҳақиқатда икки сўмдан фойда келтирса, табиийки, кўзда тутилган айрим тадбирларга фойда суммаси етарли бўлмайди. Шу туфайли унинг даражаси режада кўзда тутилган миқдордан албатта юқори бўлишлигини тақозо қилади. Корхоналар хавфсизлиги ўрганилганида албатта бундай ҳолатга алоҳида аҳамият берилишни тақозо қилади.

Режада (меъёрда) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган ўз маблағлари ( $\dot{U}_3$ ) рентабеллиги ( $\dot{U}_{3p}$ ) ҳам корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлардан биридир. Ушбу кўрсаткичнинг даражасини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\dot{U}_{3p} = (C_f : \dot{U}_3 * 100) > \dot{U}_{3pm};$$

Ушбу формулани қисқартирилган ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин  $\dot{U}_{3p} > \dot{U}_{3pm}$ . Ушбу ҳолат ўз маблағлари рентабеллигининг ҳақиқий даражаси режада кўзда тутилган миқдорга нисбатан албатта юқори бўлиши кераклигидан далолат беради.

Бозор муносабатлари шароитида корхона ўз маблағларидан албатта самарали фойдалансагина иқтисодий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаган бўлади. Шу нуқтан назардан бизнес режада унинг миқдори маълум даражада режалаштириладигани, бунда мазкур субъектнинг барқарор фаолиятини таъминлаш кўзда тутилади. Агар ҳақиқатда ундан кам бўладиган бўлса, табиийки, кўзда тутилган ишлар амалга ошмаслиги, ўз маблағларининг самарадорлиги пасайиб кетиш ҳоллари рўй беради. Шу туфайли бундай ҳолатга йўл қўймаслик масаласи корхоналар диққат марказида доимий равишда бўлибтурмоғи лозим. Шундагина ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланади.

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан яна бири режада (меъёрда) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган сотилган маҳсулот (умумий) рентабеллиги ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори қуйидаги формула билан аниқланади:

$$C_{mp} = (C_f : C_m * 100) > C_{mpm};$$

Ушбу формуладаги ғояни қиска қилиб  $C_{mp} > C_{mpm}$  сифатида ифодалаш мумкин. Бунинг мазмуни сотилган маҳсулотлар рентабеллигининг ҳақиқий миқдори унинг режадаги (меъёрдаги) миқдоридан юқори (катта) бўлиши керак, деганидир. Чунки фойда фақат маҳсулотларни сотиш эвазига олинади. Ҳар бир сотилган

маҳсулот корхонага маълум даражада фойда келтирсагина у корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаши мумкин. Шу туфайли ҳар бир корхонанинг ўзига хос баҳо сиёсати бўлмоғи лозим. Қайсики, маҳсулот сотиладиган бўлса, у барча харажатлар ва солиқларни тўлаб корхонага фойда келтирадиган даражада баҳоланмоғи лозим. Шу туфайли ҳар бир корхона товарини (ишини, хизматини) имкон қадар юқори баҳога сотишга ҳаракат қилади. Аммо бозор муносабатлари шароитида ҳукм сураётган эркин рақобат бунга йўл қўймайди. Шу туфайли ҳар бир корхона ўзининг эгилувчан ва самарали баҳо сиёсатига эга бўлмоғи ва шунга эришиш учун барча чора-тадбирларни қўлламоғи лозимдир. Акс ҳолда ўзини иқтисодий жиҳатдан хавфли зонага тушириб қўйиши мумкин.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини аниқлаш ва унга одилона баҳо бериш учун кўрсаткичлар тизими бироз мураккаблик туғдиради, чунки бир кўрсаткич миқдори режадан юқори бўлиб турганда, иккинчисининг миқдори ундан паст даражада бўлиши мумкин. Навбатдаги йилда унинг тескариси ва ҳ.к. Бундай ҳолатда мазкур кўрсаткичнинг динамикасига ва ундаги ўзгариш тенденциясининг ҳолатига баҳо бериб бўлмайди. Бироқ, бундай иқтисодий иш бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган ҳозирги пайтда ўта муҳимдир. Шу туфайли кўрсаткичлар тизимидан ягона, корхоналар иқтисодий хавфсизлигини ифодаловчи комплекс кўрсаткични аниқлашни тавсия қиламиз. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$K_{хкк} = A_p + X_p + \dot{U}_p + C_{мр} + L_d + D_{пук} + K_{Бпук};$$

Бунда:  $K_{хкк}$  – корхоналар хавфсизлигини ифодаловчи комплекс кўрсаткич.

Бунда барча кўрсаткичларнинг йиғиндиси олинади. Агар шу формула асосида ҳулоса қилинадиган бўлса корхоналар хавфсизлигини ифодаловчи комплекс кўрсаткичнинг ўзгаришига айнан ана шу кўрсаткичлар таъсир этган бўлади. Ушбу ҳар бир кўрсаткичнинг миқдори режадаги (агар меъёр даражаси ишлаб чиқилган бўлса меъёр) даражаси билан солиштирилади. Бордию унинг ўтган даврларга нисбатан ўзгаришини аниқлаш лозим бўлса режа кўрсаткичи ўрнига ўтган йилги кўрсаткичлар ҳам олинishi мумкин. Иқтисодий ишларнинг энг муҳим вазифаларидан бири шу тавсия қилинган таклифларни амалиётда синаб кўришдан иборатдир. Агар у амалиётда қўлланилиши мураккаб ёки мумкин бўлмаса, бозор муносабатлари шароитида бундай илмий тавсияларнинг яшавчанлиги бўлмайди.

Юқоридаги формула бир хил белгилар билан ифодалаб олинса (мас равишда  $X_i$ , яъни  $X_1, X_2, X_3, X_4, X_5, X_6, X_7$ ), унда киска килиб аддитив моделни чиқариш мумкин. Масалан, натижа “У” билан, омилларни “Х” билан белгилаб олинса, унинг модели қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$Y = \left( \sum_{i=1}^n X_i \right) : n; \quad (i = 1, n)$$

Мазкур аддитив моделга тегишли амалий маълумотларни қўллаб ишлов бериладиган бўлинса, корхоналарнинг иктисодий хавфсизлигини баҳолайдиган комплекс кўрсаткични аниқлаш мумкин бўлади.

Комплекс кўрсаткични аниқлаш учун муҳим бўлган битта тамойилга амал қилиш лозим. Биринчидан кўпайтириладиган ёки қўшиладиган кўрсаткичлар албатта бир хил ўлчамга эга бўлиши лозим. Иккинчидан эса, бу кўрсаткичлар миқдорининг йўналишилари ҳам бир хил бўлишини таъминлайди. Чунки амалиётда шундай кўрсаткичлар борки бирининг миқдори кўпайса (меҳнат унумдорлиги, фонднинг самарадорлиги, рентабеллик кўрсаткичларининг даражаси кабилар), корхонанинг иш натижаси ижобий яқун топаётганлигидан далолат беради, шундай кўрсаткичлар ҳам борки улар ҳажми ёки даражасининг кўпайиши (маҳсулотнинг фондлилиги, харажатларнинг даражаси, иш ҳақининг 1 сўм маҳсулотга нисбатан кўпайиши кабилар) иш натижасининг салбий яқун топганлигидан далолатдир. Шу туфайли кўрсаткичлар тизимига киритилган ҳар бир кўрсаткични шу тамойилга мослаштириб олишнишни тақозо қилади.

Ушбу кўрсаткичларни Самарқанд туманида жойлашган хизмат кўрсатувчи корхоналар мисолида кўриб чиқамиз (2.1-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг сотилган маҳсулоти ўсиш суръати 2007-2018 йиллар давомида мунтазам ўсиш тенденциясига эга. Шу даврда унинг миқдори 319,2%ни ташкил қилган. Корхонанинг соф фойдаси эса шу даврда 279,3%га ўсган.

Одатда, корхона рентабелли (самарали) ишлайдиган бўлса, фойданинг ўсиш суръати маҳсулотнинг ўсиш суръатига нисбатан юқори бўлиши лозим эди. Аммо ушбу ҳолатда сотилган маҳсулотнинг ўсиш суръатининг жадаллик даражаси 2017 йилда 1,1452 коэффициентга (266,5 : 232,7) тенг бўлган бўлса, 2018 йилда 1,1428 коэффициентга (319,2 : 279,3) тенг бўлган. Натижада рентабеллик даражаси 2007 йилда 4,42%ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилгача муттасил ўсиб борган ва сотилган маҳсулот ҳажмига нисбатан 5,11%га тенг бўлган. Чунки шу даврлар мобайнида сотилган маҳсулотнинг ўсиш суръатига (152,4%) нисбатан фойданинг ўсиш

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖ иқтисодий хавфсизлигини  
ифодаловчи умумий рентабеллик (маҳсулот рентабеллиги)  
кўрсаткичлари ва уларнинг 2007-2018 йиллардаги динамикаси<sup>38</sup>**


| Йил-<br>лар | Корхона томонидан<br>кўрсатилган<br>хизматлар ҳажми |                          | Корхонанинг соф<br>фойдаси |                          | Рентабеллик<br>даражаси, % |                           |
|-------------|-----------------------------------------------------|--------------------------|----------------------------|--------------------------|----------------------------|---------------------------|
|             | Суммаси,<br>минг сўм                                | Ўзгариш<br>суръати,<br>% | Суммаси<br>, минг<br>сўм   | Ўзгариш<br>суръати,<br>% | Дара-<br>жаси,<br>%        | Ўзгариш<br>суръат<br>и, % |
| 2007        | 1135532,1                                           | 100,0                    | 50190,5                    | 100,0                    | 4,42                       | 100,0                     |
| 2008        | 1184359,9                                           | 104,3                    | 53414,6                    | 106,4                    | 4,51                       | 102,3                     |
| 2009        | 1463868,8                                           | 123,6                    | 68362,7                    | 136,2                    | 4,67                       | 105,6                     |
| 2010        | 1730550,9                                           | 152,4                    | 88431,2                    | 176,2                    | 5,11                       | 115,6                     |
| 2011        | 1944030,9                                           | 171,2                    | 86120,6                    | 171,6                    | 4,43                       | 100,2                     |
| 2012        | 2252895,6                                           | 198,4                    | 88313,5                    | 176,0                    | 3,92                       | 88,7                      |
| 2013        | 2424361,0                                           | 213,5                    | 99641,2                    | 198,5                    | 4,11                       | 93,0                      |
| 2014        | 2544727,4                                           | 224,1                    | 105351,7                   | 209,9                    | 4,14                       | 93,7                      |
| 2015        | 2644654,3                                           | 232,9                    | 113191,2                   | 225,5                    | 4,28                       | 96,8                      |
| 2016        | 2956634,4                                           | 260,3                    | 128246,6                   | 255,5                    | 4,33                       | 97,9                      |
| 2017        | 3026216,6                                           | 266,5                    | 116800,0                   | 232,7                    | 3,85                       | 87,1                      |
| 2018        | 3624660,6                                           | 319,2                    | 140049,8                   | 279,3                    | 3,86                       | 87,5                      |

суръати тез (176,2%) бўлган. Аммо кейинги йилларда сотилган маҳсулот ҳажми ўсиб борган, аммо унинг ўсиш суръатига нисбатан фойда суммасининг ўсиш суръати секинлашиб қолган. Лекин сотилган маҳсулотнинг ўсиш суръати бутун давр бўйича юқори бўлган. Энди ушбу кўрсаткичларнинг ҳосиласи бўлган рентабеллик даражасини инобатга оладиган бўлсак, унинг даражаси муттасил камайиб борган. Бу жараён 2015 йилгача давом этиб, шу йилда 4,28%гача камайган. 2016 йилдан бошлаб яна ўсиш тенденцияси рўй берган ва 2016 йилга келиб, унинг даражаси 4,33%га етган бўлса, 2017 йилда 3,85%га камайиш бошланган. Аммо ушбу кўрсаткич 2007 йил даражасидан анча пастлигича (0,564 банд) қолмоқда.

Корхонанинг умумий рентабеллиги маълум даражада унинг иқтисодий хавфсизлигини ифодаласа-да, тўлиқ характерлай олмайди. Шу туфайли рентабелликнинг бошқа кўрсаткичларини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Булардан бири активлар рентабеллигидир. Чунки корхона активлари бўйича қанча юқори

<sup>38</sup> Манба: Талқин қилинган “ДИОР” хизмат кўрсатувчи МЧЖнинг 2007-2018 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси

самарадорликка эришган бўлса унинг иктисодий хавфсизлиги шунча яхши таъминланган бўлади. Бунинг катор йиллардаги ҳолатни ўрганиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (2.2-жадвал).



**2.1-расм. Хизматлар ҳажмининг 2007-2018 йиллардаги динамикаси ва унинг корреляция коэффиценти.**

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур таҳлил қилинаётган корхонада активларнинг ўсиш суръати 2007-2018 йиллар давомида 157,4%ни ташкил қилади, фойданики эса, таъкидланганидек, 279,3%га тенг. Корхонанинг активлари рентабеллиги, шуларга мос равишда, шу ўрганилаётган йиллар давомида ошириб борилишига эришилган. Мазкур кўрсаткичнинг

даражаси 2007 йилда 15,3%ни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб 24,1%га етган, яъни 8,8 бандга (24,1 – 15,3) ошган. 2015 йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 21,4%ни ташкил қилди. Бу ҳолат шуни

## 2.2-жадвал

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖ иктисодий хавфсизлигини  
ифодаловчи активлар рентабеллиги ва уларнинг 2007-2018  
йиллардаги динамикаси<sup>39</sup>**

| Йил-лар | Активлар          |                    | Корхонанинг соф фойдаси |                    | Активлар рентабеллиги |                    |
|---------|-------------------|--------------------|-------------------------|--------------------|-----------------------|--------------------|
|         | Суммаси, минг сўм | Ўзгариш суръати, % | Суммаси, минг сўм       | Ўзгариш суръати, % | Даражаси, %           | Ўзгариш суръати, % |
| 2007    | 327739,1          | 100,0              | 50190,5                 | 100,0              | 15,3                  | 100,0              |
| 2008    | 370707,9          | 113,1              | 53414,6                 | 106,4              | 14,4                  | 94,1               |
| 2009    | 359360,6          | 109,6              | 68362,7                 | 136,2              | 19,0                  | 124,2              |
| 2010    | 377624,2          | 115,2              | 88431,2                 | 176,2              | 23,4                  | 152,9              |
| 2011    | 382135,0          | 116,6              | 86120,6                 | 171,6              | 22,5                  | 147,1              |
| 2012    | 397569,4          | 121,3              | 88313,5                 | 176,0              | 22,2                  | 145,1              |
| 2013    | 494252,0          | 150,8              | 99641,2                 | 198,5              | 20,2                  | 132,0              |
| 2014    | 520775,8          | 158,9              | 105351,7                | 209,9              | 20,2                  | 132,0              |
| 2015    | 528970,9          | 161,4              | 113191,2                | 225,5              | 21,4                  | 139,9              |
| 2016    | 634765,0          | 193,6              | 128246,6                | 255,5              | 20,2                  | 132,0              |
| 2017    | 674258,0          | 205,7              | 116800,0                | 232,7              | 17,3                  | 113,1              |
| 2018    | 686502,0          | 209,5              | 140049,8                | 279,3              | 24,1                  | 157,5              |

*\*Активлар қиймати солиштирма баҳода олинди, чунки таҳлил даврида бир неча марта қайта ҳисобланди.*

кўрсатадики, 2007 йилда ҳар 100 сўм активлар корхонага 15,3 сўм фойда олиб келган бўлса, 9 йилдан кейин 21,4 сўм фойда келтирадиган бўлди. Демак, корхонанинг активлари билан боғлиқ иктисодий хавфсизлиги шу йилларда муттасил таъминланиб борган.

Корхоналар иктисодий хавфсизлигини таъминловчи кўрсаткичлардан яна бири унинг харажатлар самарадорлигини ифодаловчи рентабеллигидир.

Шу туфайли ушбу кўрсаткични ҳам қатор йилларга таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз(2.3-жадвал).

<sup>39</sup> Манба: Таҳлиқ қилинган “ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖнинг 2007-2018 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, харажатлар шу таҳлил даврида, яъни 2007-2018 йиллар мобайнида 221,3%га ўсган, фойда эса, таъкидланганидек, 225,4%га кўпайган. Бу ҳолат шунинг кўрсатадики, харажатларга нисбатан фойданинг тез ўсиши унинг самарали ишлаганлигидан далолат беради. Ҳақиқатда кузатадиган бўлсак, 2007 йилда ҳар 100 сўм қилинган харажат 18,8 сўм фойда олиб келган. Бу ҳолат 2011 йилга қадар жуда юқори суръатда эканлигини кўрамыз. Шу йилда фойда энг юқори кўрсаткичга, яъни 20,4 сўмгача ўсган. Бироқ, 2014 йилдан бошлаб мазкур кўрсаткич камайиш тенденциясига эга бўлган ва 2018 йилда ҳар 100 сўм қилинган харажатнинг фойдалилиги 27,5 сўмни ташкил қилган.

### 2.3-жадвал

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖ иқтисодий хавфсизлигини  
ифодаловчи харажатлар рентабеллиги ва уларнинг 2000-2011  
йиллардаги динамикаси<sup>40</sup>**

| Йил-<br>лар | Харажатлар               |                          | Корхонанинг соф<br>фойдаси |                          | Харажатлар<br>Рентабеллиги |                          |
|-------------|--------------------------|--------------------------|----------------------------|--------------------------|----------------------------|--------------------------|
|             | Суммас<br>и, минг<br>сўм | Ўзгариш<br>суръати,<br>% | Суммаси,<br>минг сўм       | Ўзгариш<br>суръати,<br>% | Дара-<br>жаси,<br>%        | Ўзгариш<br>суръати,<br>% |
| 2007        | 266392,7                 | 100,0                    | 50190,5                    | 100,0                    | 18,8                       | 100,0                    |
| 2008        | 271482,0                 | 101,9                    | 53414,6                    | 106,4                    | 19,7                       | 104,8                    |
| 2009        | 331241,2                 | 124,3                    | 68362,7                    | 136,2                    | 21,8                       | 116,0                    |
| 2010        | 391211,3                 | 146,9                    | 88431,2                    | 176,2                    | 22,6                       | 120,2                    |
| 2011        | 421518,4                 | 158,2                    | 86120,6                    | 171,6                    | 20,4                       | 108,5                    |
| 2012        | 465146,2                 | 174,6                    | 88313,5                    | 176,0                    | 19,0                       | 101,1                    |
| 2013        | 489541,3                 | 183,8                    | 99641,2                    | 198,5                    | 20,4                       | 108,5                    |
| 2014        | 536248,5                 | 201,3                    | 105351,7                   | 209,9                    | 19,6                       | 104,3                    |
| 2015        | 589537,5                 | 221,3                    | 113191,2                   | 225,5                    | 19,2                       | 102,1                    |
| 2016        | 600258,6                 | 225,3                    | 128246,6                   | 255,5                    | 21,3                       | 113,2                    |
| 2017        | 606589,8                 | 227,7                    | 116800,0                   | 232,7                    | 19,3                       | 102,6                    |
| 2018        | 600582,6                 | 225,4                    | 140049,8                   | 279,3                    | 27,5                       | 146,2                    |

Умуман камайиш тенденциясига эга бўлсада 2007 йилга корхона томонидан олинган фойда нисбатан юқорилигича қолганлигини ижобий ҳол, деб баҳолаш мумкин. Чунки ушбу кўрсаткич бўйича корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги маълум даражада таъминланган.

Бозор муносабатлари шароитида, айниқса глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини юмшатиш жараёнида ҳар бир

<sup>40</sup> Манба: Таҳлиқ қилинган “ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖнинг 2007-2018 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси

корхонанинг, шу жумладан хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги ўз маблағларининг самарадорлигига ҳам боғлиқдир. Ўз маблағларидан самарали фойдаланиш ҳозирги шароитда ўта муҳим, чунки ушбу маблағ бевосита муладорга тегишлидир. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, мулк шаклидан қатъий назар, иқтисодий хавфсизлик масаласи ўрганилганда албатта ўз маблағларининг рентабеллик кўрсаткичларини ҳам ўрганишга тўғри келади. Бнинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (2.4-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларининг кўрсатишича, корхонанинг ўз маблағлари 2007-2018 йиллар давомида 181,6 га ўсган, фойда суммаси эса, таъкидланганидек, 279,3%га кўпайган.

#### 2.4-жадвал

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖ иқтисодий хавфсизлигини  
ифодаловчи ўз маблағлари рентабеллиги ва уларнинг 2008-2018  
йиллардаги динамикаси<sup>41</sup>**

| Йил-<br>лар | Ўз маблағлари        |                       | Корхонанинг соф<br>фойдаси |                       | Ўз маблағлари<br>рентабеллиги |                          |
|-------------|----------------------|-----------------------|----------------------------|-----------------------|-------------------------------|--------------------------|
|             | Суммаси,<br>минг сўм | Ўзгариш<br>суръати, % | Суммаси,<br>минг сўм       | Ўзгариш<br>суръати, % | Дара-<br>жаси,<br>%           | Ўзгариш<br>суръати,<br>% |
| 2007        | 183546,1             | 100,0                 | 50190,5                    | 100,0                 | 27,3                          | 100,0                    |
| 2008        | 198256,4             | 108,0                 | 53414,6                    | 106,4                 | 26,9                          | 98,7                     |
| 2009        | 214523,2             | 116,9                 | 68362,7                    | 136,2                 | 31,9                          | 116,7                    |
| 2010        | 218547,6             | 119,1                 | 88431,2                    | 176,2                 | 40,5                          | 148,2                    |
| 2011        | 236251,3             | 128,7                 | 86120,6                    | 171,6                 | 36,5                          | 133,5                    |
| 2012        | 241845,7             | 131,8                 | 88313,5                    | 176,0                 | 36,5                          | 133,5                    |
| 2013        | 266874,3             | 145,4                 | 99641,2                    | 198,5                 | 37,3                          | 136,8                    |
| 2014        | 281563,2             | 153,4                 | 105351,7                   | 209,9                 | 37,4                          | 137,1                    |
| 2015        | 286038,2             | 158,4                 | 113191,2                   | 225,5                 | 39,6                          | 145,1                    |
| 2016        | 296721,4             | 161,6                 | 128246,6                   | 255,5                 | 43,1                          | 157,8                    |
| 2017        | 312416,9             | 170,2                 | 116800,0                   | 232,7                 | 37,3                          | 136,6                    |
| 2018        | 333642,8             | 181,7                 | 140049,8                   | 279,3                 | 49,6                          | 181,6                    |

Корхонанинг ўз маблағлари билан боғлиқ иқтисодий хавфсизлиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб борган. Чунки, 2007 йилда ҳар 100 сўм ўз маблағларига 27,3 сўм фойда тўғри келган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткичнинг ҳажми 49,6 сўмга етган. Унинг ўсиш тенденциясини таҳлил қиладиган бўлсак, 2008 йилда 2007 йилга нисбатан камайиш (26,9 сўм) рўй берган. Аммо 2010 йилдан бошлаб кескин кўпайган ва 2018 йилга келиб фойда унинг миқдори 49,6 сўмга

<sup>41</sup> Манба: Таҳлиқ қилинган “ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖнинг 2007-2018 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси

етган ёки 2007 йилга нисбатан 148,2%га ўсган. Булардан кўриниб турибдики корхонанинг иктисодий хавфсизлиги маълум даражада таъминланган. Мазкур маълумотлар умумий хулоса килиш учун асос бўлади. Корхоналарни бозор муносабатлари шароитида бошқаришни такомиллаштиришда ҳар бир жараёни тўғри баҳолаш тақозо қилинади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, уларнинг ягона комплекс кўрсаткичини аниқлашга тўғри келади. Бу борада бир қанча усуллар мавжуд. Бунинг учун амалдаги усуллардан бирини қўллаб, қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (2.5-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлари кўрсатиб турибдики, 2007-2018 йиллар давомида рентабеллик кўрсаткичларининг ҳар бирида ўзгариш тенденцияси рўй берган. Ҳар бир кўрсаткич бўйича уларнинг 2007-2018 йиллардаги динамикаси билан бирга ўтган йилга нисбатан ўзгариш суръати ҳам

## 2.5-жадвал

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖ иктисодий хавфсизлигини  
ифодаловчи кўрсаткичлар тизимининг ўртача миқдорини  
аниқлаш ҳисоб-китоби<sup>42</sup>**

| Йил-<br>лар                           | Умумий рента-<br>беллик даражаси,<br>% |                                                     | Активлар<br>рентабеллиги |                                                     | Харажатлар<br>рентабеллиги |                                                     | Ўз маблағлари<br>рентабеллиги |                                                        |
|---------------------------------------|----------------------------------------|-----------------------------------------------------|--------------------------|-----------------------------------------------------|----------------------------|-----------------------------------------------------|-------------------------------|--------------------------------------------------------|
|                                       | Дар-<br>жа-<br>си,<br>%                | Ўтган<br>йилга<br>нисбатан<br>ўзгариш<br>суръати, % | Дара-<br>жаси,<br>%      | Ўтган<br>йилга<br>нисбатан<br>ўзгариш<br>суръати, % | Дара-<br>жаси,<br>%        | Ўтган<br>йилга<br>нисбатан<br>ўзгариш<br>суръати, % | Дара-<br>жаси,<br>%           | Ўтган<br>йилга<br>нисбатан<br>ўзгариш<br>суръати,<br>% |
| 2007                                  | 4,42                                   | 100,0                                               | 15,3                     | 100,0                                               | 18,8                       | 100,0                                               | 27,3                          | 100,0                                                  |
| 2008                                  | 4,51                                   | 102,3                                               | 14,4                     | 94,1                                                | 19,7                       | 104,8                                               | 26,9                          | 98,7                                                   |
| 2009                                  | 4,67                                   | 103,5                                               | 19,0                     | 131,9                                               | 21,8                       | 110,7                                               | 31,9                          | 118,6                                                  |
| 2010                                  | 5,11                                   | 109,4                                               | 23,4                     | 123,1                                               | 22,6                       | 103,7                                               | 40,5                          | 127,0                                                  |
| 2011                                  | 4,43                                   | 86,7                                                | 22,5                     | 96,2                                                | 20,4                       | 90,3                                                | 36,5                          | 90,1                                                   |
| 2012                                  | 3,92                                   | 88,5                                                | 22,2                     | 98,7                                                | 19,0                       | 93,1                                                | 36,5                          | 100,0                                                  |
| 2013                                  | 4,11                                   | 104,8                                               | 20,2                     | 91,0                                                | 20,4                       | 107,4                                               | 37,3                          | 102,2                                                  |
| 2014                                  | 4,14                                   | 100,7                                               | 20,2                     | 100,0                                               | 19,6                       | 96,1                                                | 37,4                          | 100,3                                                  |
| 2015                                  | 4,28                                   | 103,4                                               | 21,4                     | 105,9                                               | 19,2                       | 98,0                                                | 39,6                          | 105,9                                                  |
| 2016                                  | 4,33                                   | 97,9                                                | 20,2                     | 132,0                                               | 21,3                       | 113,3                                               | 43,1                          | 157,8                                                  |
| 2017                                  | 3,85                                   | 87,1                                                | 17,3                     | 113,1                                               | 19,3                       | 102,7                                               | 37,3                          | 136,6                                                  |
| 2018                                  | 4,57                                   | 103,4                                               | 24,1                     | 157,5                                               | 27,5                       | 146,3                                               | 49,6                          | 181,7                                                  |
| Ўртача<br>йил-<br>лик<br>даража<br>,% | 4,36                                   | 98,9                                                | 19,9                     | 111,9                                               | 20,8                       | 107,0                                               | 36,4                          | 118,2                                                  |

<sup>42</sup> Манба: Тадқиқ қилинган “ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖнинг 2007-2018 йиллардаги ҳисоботлари ва мазкур бўбдаги 2.1, 2.2, 2.3, 2.4 жадваллар маълумотлари асосида муаллифнинг ишланмаси

аниқланган. Корхонадаги умумий рентабеллик даражаси 2011 йилда 2007 йилга нисбатан 13,3%га (100,0 – 86,7) ва 2012 йилда 2007 йилга нисбатан 11,5%га (100,0-88,5) камайган. Натижада шу 10 йил мобайнида унинг ўртача миқдори 98,9 %га тенг бўлиб қолган. Бундай пасайиш тенденциясини корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги жиҳатидан ижобий баҳолаш қийин. Барча кўрсаткичлар бўйича ўртача кўрсаткичнинг аниқланиши унинг ҳар бир йилга солиштирилиши учун асос бўлади. Қолган кўрсаткичларда ўртача йиллик ўсиш 100,0%дан баланд. Булардан активлар рентабеллиги 111,9% бўлган бўлса, харажатлар рентабеллиги 107,0%ни ташкил қилади ва ўз маблағлари рентабеллиги эса – 118,2%га тенгдир.

Мазкур ўртача кўрсаткичлар корхона хавфсизлигини таъминлашнинг эталон миқдори, деб қабул қилинадиган бўлса, умумий рентабеллик бўйича 2011-2012 йилларда корхона иқтисодий хавфсизлик жиҳатидан заиф ҳолатда бўлган. Активлар рентабеллиги бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, аҳвол унчалик яхши эмас. Бунда 2008 ва 2011-2013 йилларда корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги унчалик таъминланмаган, деган хулосани чиқариш мумкин. Аммо бошқа кўрсаткичлар эвазига мазкур корхона хавфли зонадан чиқиб кетган.

Худди шундай ҳолатни бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам айтиш мумкин. Масалан, харажатлар рентабеллиги бўйича хулоса қиладиган бўлсак, 2011, 2012 ва 2014, 2015 йилларда корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги бироз заифроқ бўлган. Шу йилларда ушбу кўрсаткичнинг ўзгариш тенденцияси ҳам ўртачадан кам бўлган.

Мазкур корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолашда қўлланиладиган шартли эталон кўрсаткичи 109,0 фоизлар йиғиндисига тенг. Агарда уни 2011 йил натижаси билан солиштирадиган бўлсак, шу йилда унинг миқдори 90,8 фоизлар йиғиндисига тенг бўлган. Бу рақам шуни кўрсатиб турибдики, мазкур корхонанинг 2011 йилда иқтисодий хавфсизлиги маълум даражада таъминланмаган. Кўрсаткичларнинг ўртачасини оладиган бўлсак ҳам шуни кузатиш мумкинки, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда қўлланиладиган шартли эталон кўрсаткичнинг миқдори 27,25%га (109,0 / 4) тенг булган. Шу йилда, яъни 2011 йилда корхона хавфсизлик даражасини ифодаловчи комплекс кўрсаткичнинг миқдори 22,74%ни (90,84 / 4) ташкил қилган. Бу ҳам шуни кўрсатадики, 2011 йилда корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги маълум даражада таъминланмаган.

Агарда биз тавсия қилган корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш билан боғлиқ усуллар амалиётга жорий қилинадиган бўлса,

уларнинг ҳолатига тўғри баҳо беришга, таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилишга имконият тугилади.

### 2.3. Хизмат кўрсатувчи корхонада хавфсизлик хизмати ходимлари орқали иқтисодий хавфсизликни баҳолаш йўллари

Бозор муносабатлари шароитида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг умумий хавфсизлигини, айниқса унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги хусусида юқорида етарлича далиллар келтирилди. Зеро, корхона барқарор фаолият кўрсатиб банкротликка учрамаслиги, мунтазам равишда иқтисодий ўсишни таъминлаб бориши учун ундан иқтисодий хавфсизлигини таъминлаб бориш тақозо этилади.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлайдиган асосий куч – бу иқтисодий хавфсизлик билан шуғуллунувчи ходимлардир. Аммо ҳозирги пайтда турли мулк шаклида фаолият кўрсатувчи жуда кўп корхоналар таркибида хавфсизлик хизмати бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинмаган. Боз устига ушбу жараён билан шуғулланадиган профессионал кадрлар ҳам етарли эмас. Бу эса маълум даражада ушбу масаланинг ижобий ҳал бўлишига

салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

Тадқиқотлар кўрсатадики, ҳозирги пайтда корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги билан асосан унинг раҳбарияти шуғулланади. Аммо бу эркин рақобат шароитида етарли эмас. Чунки хавфсизлик хизматининг ўзига хос бўлган жуда кўп функциялари бор, улар бир қанча муҳим вазифаларни ҳам бажаради. Шу туфайли бир гуруҳ олимларимиз, ҳар бир корхона таркибида махсус хавфсизлик хизмати бўлими фаолият кўрсатиши лозим, деган хулосани илгари сурганлар<sup>43</sup>. Бу бизнинг фикримизча табиий, чунки кўпгина мамлакатларда ҳўжалик юритувчи субъектлар алоҳида хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган махсус бўлимларга эгаллиги хусусида ҳам купгина илмий-таҳлилий тадқиқотлар мавжуд<sup>44</sup>.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ҳам корхоналар хавфсизлик хизматига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ушбу соҳани тартибга солиш учун мамлакатимиз, алоҳида тармоқлар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бир қанча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Шу туфайли хавфсизлик хизмати ўз фаолияти давомида уларга

<sup>43</sup> Абдуҳаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарелик. – Т.: Фан, 2005. – Б. 256-262.

<sup>44</sup> Градов А.П. Национальная экономика. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2007. – 184-196 с. Попов А.И. Экономическая теория: Учебник для вузов. 4-е изд. – СПб.: Питер, 2006 – 463-511 с. Обеспечение безопасности перевозок опасных грузов железнодорожным транспортом / 2-е изд. Под ред. А.В.Кириченко. – СПб.: Питер, 2004. – 106 с. и др.

таянади. Бу ҳужжатларнинг бир қисми давлат миқёсида ишлаб чиқилиб, тасдиқланган бўлса, иккинчи қисми хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқилади. Умуман олганда, корхона хавфсизлиги билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Корхонанинг хавфсизлик хизмати тўғрисида умумий Низом;
2. Хавфсизлик хизмати ходимларининг функционал вазифалари;
3. Тартиб (режим) ва соқчиликни ташкил этиш бўйича Низом;
4. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Йўриқнома;
5. Раҳбарлар, мутахассислар ва техник ходимларнинг махфий ахборотлар билан ишлашлари бўйича мансабдорлик қўлланмалари;
6. Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида Низом;
7. Махфий ахборотлар мавжуд бўлган иш ҳужжатларининг архивда сақланишини ташкил этиш бўйича мансабдорлик қўлланмалари;
8. Техник хавфсизлик тўғрисида Низом;
9. Ахборотларни муҳандислик-техник жиҳатдан ҳимоя қилишни ташкил этиш бўйича мансабдорлик қўлланмалари;
10. Хорижий вакиллар ва ваколатхоналар билан ишлаш тартиби бўйича мансабдорлик қўлланмалари.

Бу ҳужжатларнинг аниқ рўйхати юқорида қайд этилган дарсликда ҳам келтирилган<sup>45</sup>. Кўриниб турибдики, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш кенг қамровли масала бўлиб, у билан шу корхонага дахлдор бўлган барча ходимлар шуғулланиши лозим. Аммо бугунги кунда корхонанинг хавфсизлик хизмати таркибида уни турли хавф-хатарлардан сақлаб қолиш мақсадида ушбу соҳани бошқарадиган мутасадди кишилар ёки бир гуруҳ ходимлар бўлмоғи лозим. Чунки жуда кенг қўламли иш билан бирга шу соҳани ҳам бошқариш раҳбар зиммасида қоладиган бўлса, табиийки, бу масала қуйи даражага тушиб кетиши мумкин. Шуларни инобатга олинган ҳолда айрим йирик корхоналарда ахборот-таҳлил бўлинмаси, хавфсизликни таъминлаш йўналиши бўйича аниқ вазифаларни ечиш учун тажрибали мутахассислардан иборат тузилмалар ташкил этилмоқда. Бундай бўлинма корхонанинг ҳажми қандайлигидан катъий назар уларнинг ҳаммасида иш ҳажмига мос равишда ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий адабиётларда ва меъёрий ҳужжатларда нфода этилишича, корхонанинг хавфсизлик хизмати ўз фаолияти давомида жуда кўплаб вазифаларни бажаради. Ушбу вазифаларни бажариш учун хавфсизлик хизмати ходимлари бир қанча функцияларни ҳам ижро этади. Булар иловада келтирилган (1-илова).

<sup>45</sup> Абдуҳаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Фан, 2005. – 256 б.

Мазкур функцияларни бажариш бевосита корхонанинг умумий хавфсизлик хизмати орқали амалга оширилади. Ҳозирги шароитда айрим корхоналарда махсус хавфсизлик бўлимлари мавжуд. Хавфсизлик бўлимларига асосан сақлаш масалалари юклатилган. Бу ҳам иқтисодий хавфсизликни қисман бўлсада таъминлайди. Аммо кўпгина корхоналарда бундай бўлимлар алоҳида ходимлар ажратиш билан чекланиб қолган. Натижада ушбу вазифалар айрим ходимларга қўшимча вазифа сифатида юклатилган. Бу борада рақобат шароитида муваффақият билан ривож топаётган “ДИОР” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини ўрганишни лозим деб топдик. Мазкур хизматнинг таркибига қуйидагилар киради: хавфсизлик хизмати бошлиғи, тартиб (режим) ва соқчилик хизмати, махсус хизмат, муҳандислик-техник химоя хизмати, ташқи фаолият хавфсизлигини таъминлаш хизмати ва бевосита бухгалтерия ходимлари таркибида ички назорат-тафтиш хизмати мавжуд. Агар корхона йирик бўлса, шу хизматларнинг барчаси махсус бўлимлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Адабиётларда таъкидланишича, ушбу бўлимларнинг бевосита аник вазифалари корхона ходимларининг функционал мажбуриятларида, унинг низомида ўз аксини топади. Ҳар бир бўлимда махсус хизмат секторлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, тартиб (режим) ва соқчилик бўлимида тартиб сектори ва соқчилик сектори, махсус бўлимда махфий хужжатлар сектори ва ҳ.к.<sup>46</sup>. Бундай тавсиялар бошқа адабиётларда<sup>47</sup> ҳам қайд этилган. Аммо мамлакатимизнинг хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган кўпгина катта-кичик корхоналарида (айниқса хусусий мулкка асосланган субъектларда) хавфсизлик хизмати билан боғлиқ алоҳида бўлим йўқлиги, бу борадаги ишларни такомиллаштиришни тақозо қилади.

Корхонада банд бўлган хавфсизлик хизмати ходимларини таҳлил қилишда тегишли кўрсаткичлардан фойдаланилади. Буларга:

- хавфсизлик хизмати ходимларининг умумий ходимлардаги улуши;
- хавфсизлик хизмати ходимларига тўғри келадиган активлар қиймати;
- хавфсизлик хизмати ходимларига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми;
- 1 сўм корхона активларининг ўртача йиллик қийматига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми кабиларни киритиш мумкин.

<sup>46</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Фан, 2005. – 260 б.

<sup>47</sup> Экономическая и национальная безопасность: Учебник. / Под ред. В.А.Олейникова. – М.: Экзамен, 2005. – 268 с., Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. Ростов н/Д: Феникс, 2007. – 445 с., Вечканов Г.С. Экономическая безопасность: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2007. – 384 с., Экономическая безопасность: учеб. пособие. Под ред В.А.Богомолова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 295 с.

Бироқ айрим корхоналарда бундай хизматлар ташкил қилинган. Масалан, “ДИОР” масъулияти чекланган жамиятда хавфсизлик хизмати бўлими мавжуд. Мазкур корхонанинг фаолияти йилдан-йилга кенгайиб, шунга мос равишда хавфсизлик билан боғлиқ бўлган ходимлар сони ҳам ошиб бормокда. Зеро, хавфсизликни таъминламасдан туриб, корхонанинг барқарор ривожланишини, унинг иқтисодий тараққиётида тегишли ўсишни таъминлаб бўлмайди. Бу бўлимда банд бўлган ходимлар сонининг динамикаси 2007-2018 йиллар бўйича қуйидаги жадвалда келтирилган (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖда хавфсизлик хизмати бўлими ходимларининг умумий ходимлардаги улушининг 2007-2018 йиллардаги ўзгариш динамикаси<sup>48</sup>


| Йиллар | Корхонада банд бўлган умумий ходимларнинг ўртача сони |                    | Корхонада банд бўлган хавфсизлик хизмати ходимларининг ўртача сони, киши |                    | Корхонада банд бўлган хавфсизлик хизмати ходимларининг умумий ходимлардаги улуши, % |
|--------|-------------------------------------------------------|--------------------|--------------------------------------------------------------------------|--------------------|-------------------------------------------------------------------------------------|
|        | Киши, нафар                                           | Ўзгариш суръати, % | Киши, нафар                                                              | Ўзгариш суръати, % |                                                                                     |
| 2007   | 136                                                   | 100,0              | 4                                                                        | 100,0              | 2,9                                                                                 |
| 2008   | 149                                                   | 109,6              | 4                                                                        | 100,0              | 2,7                                                                                 |
| 2009   | 164                                                   | 120,6              | 5                                                                        | 125,0              | 3,0                                                                                 |
| 2010   | 189                                                   | 139,0              | 6                                                                        | 150,0              | 3,2                                                                                 |
| 2011   | 198                                                   | 145,6              | 6                                                                        | 150,0              | 3,0                                                                                 |
| 2012   | 212                                                   | 155,9              | 7                                                                        | 175,0              | 3,3                                                                                 |
| 2013   | 221                                                   | 162,5              | 8                                                                        | 200,0              | 3,6                                                                                 |
| 2014   | 228                                                   | 167,6              | 10                                                                       | 250,0              | 4,4                                                                                 |
| 2015   | 233                                                   | 171,3              | 10                                                                       | 250,0              | 4,3                                                                                 |
| 2016   | 216                                                   | 158,8              | 8                                                                        | 200,0              | 3,7                                                                                 |
| 2017   | 200                                                   | 147,1              | 8                                                                        | 200,0              | 4,0                                                                                 |
| 2018   | 195                                                   | 143,4              | 8                                                                        | 200,0              | 4,1                                                                                 |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур таҳлил қилинаётган корхонада ходимлар сони 2007-2018 йилларда 143,4 %га ўсган бир пайтда, хавфсизлик билан боғлиқ ходимлар сони 2,0 мартага кўпайган. Корхонада банд бўлган хавфсизлик хизмати ходимларининг умумий ходимлардаги улуши 2007 йилда 2,9 %га тенг бўлган бўлса, 2018 йилга келиб 4,1 %ни ташкил қилмокда 2014-2015 йилларда ушбу кўрсаткич, мос равишда, 4,4 ва 4,3 %га тенг


<sup>48</sup> Манба: “ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖнинг 2007-2018 йиллар давомидаги ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси

бўлмокда., Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, хавфсизлик хизмати билан боғлиқ ходимлар сони умумий ходимларга нисбатан тез ўсмокда. Бу кўрсаткич бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этиб бораётганлигидан далолат бермокда.

Масаланинг моҳияти шунчалик муҳимлигини жаҳонда содир бўлаётган , глобал молиявий-иктисодий инкироз ҳам кўрсатмокда. Демак иктисодий хавфсизликни иктисодиётнинг барча бўғинларида таъминлаш лозим экан. Шу туфайли ушбу соҳада банд ходимлар сони ошиб бормокда. Буни қуйидаги корхона мисолида ҳам кўриш мумкин (2.2. ва 2.3. расмлар).



**2.2-расм. “ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖда банд бўлган умумий ходимлари ўртача сонининг динамикаси**



**2.2-расм. “ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖда банд бўлган хавфсизлик хизмати ходимлари ўртача сонининг динамикаси**

Булардан кўриниб турибдики, корхонанинг иктисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳозирги шароитда ўта муҳимдир. Шу туфайли хавфсизлик хизматида ташқари барча бўлимлар ва секторларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ҳам бу масалани ҳеч ёдларидан чиқармасликлари, умумий хавфсизликни таъминлаш ҳамманинг бурчи, деб қарашлари лозим.

Корхонада банд бўлган хавфсизлик хизмати ходимларининг умумий ходимлардаги улуши ошиб борганлигига гувоҳ бўлдик. Аммо

уларнинг асосий вазифаларидан бири корхонадаги мавжуд мулкларнинг бутлигини таъминлашдан иборатдир. Бу масалада мазкур корхонада аҳвол қандайлиги хусусида айрим маълумотларни келтирсак (2.7-жадвал).

2.7-жадвал

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖда банд бўлган хавфсизлик хизмати ходимларига тўғри келадиган активларнинг миқдорининг 2007-2018 йиллар динамикаси<sup>49</sup>**

| Йил-лар | Корхона активларининг ўртача қиймати |                    | Корхонада банд бўлган хавф-сизлик хизмати ходимларининг ўртача сони, киши |                    | Корхонада банд бўлган хавфсизлик хизмати 1 нафар ходим-ларига тўғри келадиган активлар қиймати |                    |
|---------|--------------------------------------|--------------------|---------------------------------------------------------------------------|--------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------|
|         | суммаси, минг сўм                    | ўзгариш суръати, % | киши, нафар                                                               | ўзгариш суръати, % | суммаси, минг сўм                                                                              | ўзгариш суръати, % |
| 2007    | 327739,1                             | 100,0              | 4                                                                         | 100,0              | 81934,8                                                                                        | 100,0              |
| 2008    | 370707,9                             | 113,1              | 4                                                                         | 100,0              | 92677,0                                                                                        | 113,1              |
| 2009    | 359360,6                             | 109,6              | 5                                                                         | 125,0              | 71872,1                                                                                        | 78,2               |
| 2010    | 377624,2                             | 115,2              | 6                                                                         | 150,0              | 62937,4                                                                                        | 76,8               |
| 2011    | 382135,0                             | 116,6              | 6                                                                         | 150,0              | 63689,2                                                                                        | 77,7               |
| 2012    | 397569,4                             | 120,7              | 7                                                                         | 175,0              | 56795,6                                                                                        | 69,3               |
| 2013    | 494252,0                             | 150,8              | 8                                                                         | 200,0              | 61781,5                                                                                        | 75,4               |
| 2014    | 520775,8                             | 158,9              | 10                                                                        | 250,0              | 52077,6                                                                                        | 63,6               |
| 2015    | 528970,9                             | 161,4              | 10                                                                        | 250,0              | 52897,1                                                                                        | 64,6               |
| 2016    | 634765,1                             | 193,6              | 8                                                                         | 200,0              | 79345,6                                                                                        | 96,8               |
| 2017    | 698241,6                             | 213,0              | 8                                                                         | 200,0              | 87280,2                                                                                        | 106,5              |
| 2018    | 782030,6                             | 238,6              | 8                                                                         | 200,0              | 97753,8                                                                                        | 110,3              |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг активлари 2007-2018 йилларда 238,6% ошган бўлса корхона хавфсизлик хизмати ходимлари ҳам шу йилларда 2,5 баробар кўпайган. Натижада уларнинг хавфсизликни таъминлаш бўйича юкласи 35,4%га (100 – 64,6) камайган. Бу жараён турли йўналишларга эга. Масалан, мазкур юклама 2007 йилда 2018 йилга нисбатан 138,6 % ошган бир пайтда хавфсизлик ходимлари сони мутаносиб равишда оширилмаган. Бу ҳолат кўрсатадики, хавфсизлик ходимларининг юкласи йилдан-йилга ошиб бормокда. Бунинг сабабини суриштирганимизда, бу ҳолат корхонанинг объектлари кўпайганлиги, уларга қўйиладиган қўриқчи ва ходимларини

<sup>49</sup> Манба: “ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖнинг 2007-2018 йиллар бўйича ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси

нормативдан ошиши, маъмурий харажатларни купайишига ҳозирча имкониятлари йўклиги билан боғлиқ эканлиги аниқланди.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун хавф-хатарларни бартараф қилишга эришиш лозим. Иқтисодий хавф-хатарлардан

бири банкротлик хавфидир. Чунки бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт тасодифлардан холи эмас. Бозорда фаолият кўрсатаётган корхона ёки фирма ҳар хил вазиятга тушиб қолиши мумкин. Бу ҳолат ҳар қандай корхонани ҳушёрликка чорлайди.

Банкротлик деганда, одатда корхонанинг синиши тушунилади, яъни у маблағли йўқлигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурб етмай қолади. Табиийки, бундай ҳолатда корхона ўз фаолиятини тўхтатади. Эркин иқтисодиёт шароитида олдингидек, барча зарарлар давлат ҳисобидан қоплаб берилмайди, энди у мулкдор ҳисобидан қопланади. Шу туфайли корхонанинг қарзларини қоплаши учун мулкдор бор мол-мулкни сотишдан бошқа чораси қолмайди. Бу эса корхонага, мулкдорга, шу ерда ишлаётган ходимларга, давлат ва жамиятга ҳам катта зарар келтиради. Банкротлик хавфини бартараф қилиш учун унинг турларини билишни тақозо қилинади. Ҳозирги пайтда банкротлик хавфининг учта тури мавжуд (2.4-расм).



**2.4-расм. Корхонанинг банкротлик хавфи<sup>50</sup>**

Мазкур хавфларнинг ҳаммаси ҳам хатарлидир. Аммо уларнинг олдини олиш мумкин ва бу хавфларнинг тавсифи иқтисодий адабиётларда ёритилган<sup>51</sup>.

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолашда унинг самарадорлигига алоҳида аҳамият бериш лозимдир. Бунинг учун бир

<sup>50</sup> Ушбу банкротлик хавфи турларининг изоҳи "Корхона иқтисоди" дарслигида батафсил келтирилган. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Фан, 2005. – Б. 260-261.

<sup>51</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Фан, 2005. – Б. 260-261.

канча кўр-саткичларни аниқлаш тақозо этилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхонада банд бўлган хавфсизлик хизмати 1 нафар ходимларига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми;

- кўрикланадиган 1 сўм корхона активларининг ўртача йиллик қийматига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми.

Ҳар бир корхонада ушбу кўрсаткичлар таҳлили хавфсизлик хизмати самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Шу туфайли таҳлил қилинаётган корхонада иқтисодий хавфсизликнинг ҳолатига баҳо бериш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз (2.8-жадвал).

2.8- жадвал

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖнинг маҳсулотлари ва хавфсизлик хизмати ходимларининг 2007-2018 йиллардаги динамикаси<sup>52</sup>**

| Йил-лар | Корхонада сотилган маҳсулот (кўрсатилган хизматлар)нинг ҳажми |                    | Корхонада банд бўлган хавф-сизлик хизмати ходимларининг ўртача сони, киши |                    | Корхонада банд бўлган хавфсизлик хизмати 1 нафар ходимларига тўғри келадиган сотилган маҳсулот, ҳажми |                    |
|---------|---------------------------------------------------------------|--------------------|---------------------------------------------------------------------------|--------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------|
|         | суммаси, минг сўм                                             | ўзгариш суръати, % | киши, нафар                                                               | ўзгариш суръати, % | суммаси, минг сўм                                                                                     | ўзгариш суръати, % |
| 2007    | 1135532,1                                                     | 100,0              | 4                                                                         | 100,0              | 282883,0                                                                                              | 100,0              |
| 2008    | 1184359,9                                                     | 104,3              | 4                                                                         | 100,0              | 296090,0                                                                                              | 104,7              |
| 2009    | 1463868,8                                                     | 123,6              | 5                                                                         | 125,0              | 292773,8                                                                                              | 103,5              |
| 2010    | 1730550,9                                                     | 152,4              | 6                                                                         | 150,0              | 288425,2                                                                                              | 102,0              |
| 2011    | 1944030,9                                                     | 171,2              | 6                                                                         | 150,0              | 324005,2                                                                                              | 114,5              |
| 2012    | 2252895,6                                                     | 198,4              | 7                                                                         | 175,0              | 321842,2                                                                                              | 113,8              |
| 2013    | 2424361,0                                                     | 213,5              | 8                                                                         | 200,0              | 303045,1                                                                                              | 107,1              |
| 2014    | 2544727,4                                                     | 224,1              | 10                                                                        | 250,0              | 254472,7                                                                                              | 89,9               |
| 2015    | 2644654,3                                                     | 232,9              | 10                                                                        | 250,0              | 264465,4                                                                                              | 93,5               |
| 2016    | 2956634,4                                                     | 260,3              | 8                                                                         | 200,0              | 369579,3                                                                                              | 130,6              |
| 2017    | 3026216,6                                                     | 266,5              | 8                                                                         | 200,0              | 378277,1                                                                                              | 136,9              |
| 2018    | 3624660,6                                                     | 319,2              | 8                                                                         | 200,0              | 453082,6                                                                                              | 160,2              |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур корхонанинг бозордаги нуфузи ошиб бормокда. Чунки, унинг маҳсулоти (кўрсатилган хизмати) йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлган. Масалан, 2007-2018 йилларда сотилган маҳсулот ҳажми 224,1 %га ошган. Бу эса муттасил ўсиб боаётганлигини кўрсатиб турибди. Айниқса охириги йилларда мазкур корхонанинг сотилган маҳсулотлари

<sup>52</sup> Манба: “ДИОР» масъулияти чекланган жамияти ”нинг ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси

тезлик билан ўсмоқда. Ўсиш даражаси 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 107,6 % бўлса ( $2424361,0 * 100 : 2252895,6$ ), 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 115,9 % ўсишга ( $2252895,6 * 100 : 1944030,9$ ) эришилган эди. 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 104,3%га ошган бўлса, 2018 йилда 2007 йилга нисбатан эса 319,2%га ошган. Шу даврда корхонанинг хавфсизлик хизмати ходимлари 2,5 баробар ошган. Бунинг натижасида ўсиш суръати сотилган маҳсулотнинг ўсиш суръатига нисбатан бирмунча пастлигича қолмоқда. Корхонада банд бўлган хавфсизлик хизмати 1 нафар ходимларига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми 2015 йилгача ошган. Таҳлил қилинган даврда унинг миқдори 107,1 %ни ташкил этган. 2017 ва 2018 йилларда 2007 йилга нисбатан камайган. Булардан кўриниб турибдики, корхонанинг хавфсизлик даражаси охириги йилларда бирмунча ёмонлашиб бормоқда.

Корхоналар иқтисодий хавфсизлиги ҳолатини баҳолашга мазкур корхонада сақланаётган ва ишлатилаётган активларнинг самарадорлигини аниқлаб ҳам эришиш мумкин. Унинг ҳолатига баҳо бериш учун ўрганила-ётган корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари, хусусан, сотилган маҳсулот ҳажми ҳам, унинг активлари ҳам ҳисобга олинади. Аммо иқтисодий хавф-сизлигини таъминлаш борасидаги самарадорлигини ҳам баҳолаш лозим бўлади. Бу масалани таҳлил қилинаётган корхонадаги аҳволни ўрганиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия қилинади (2.9-жадвал).

Ушбу маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, корхонанинг активлари ўртача йиллик қиймати 2007-2018 йилларда 238,6 %га ўсган бир пайтда сотилган маҳсулот ҳажми 319,2 % ошган. Бу ҳолат кўрсатадики, корхонада сақланаётган ва ишлатилаётган активлардан самарали фойдаланилмоқда. Агар самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, шунга амин бўламизки, 2007 йилда 1 сўм корхона активларининг ўртача йиллик қийматига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми 3,465 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб, ушбу кўрсаткичнинг миқдори 4,633 минг сўмга етди. Бу дегани, шу йилларда мазкур кўрсаткич 133,7 %га ошди, демакдир. Булар корхона фаолиятидаги ижобий ҳолатдир.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга бир қанча омиллар таъсир қилади. Бу омиллар доимий ва вақтинча бўлиши ҳам мумкин. Шу туфайли омилларга катта эътибор қаратиш лозим бўлади.

Корхона хавфсизлигига таъсир қилувчи омиллардан бири ва энг муҳими, бу унинг бозордаги мавқеининг юқорилигидир. Буни ифодалаш учун мазкур корхонанинг ишлаб чиқарадиган маҳсулоти (иши, хизмати)нинг ҳажми ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич йилдан йилга ошиб бораётган бўлса, корхонанинг бозордаги нуфузи ҳам ошиб

бораётганлигидан далолат беради. Шу туфайли ўлчаниши мумкин бўлган омиллардан бири бўлган ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар ҳажмини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқдир. Бу борада юқорида келтирилган жадваллардаги маълумотлар етарли, деб ўйлаймиз.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи бир қанча омиллар борки, уларнинг миқдорини ўлчаш қийин. Масалан, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига катта салбий таъсир қиладиган омиллардан бири ғирром рақобатнинг ҳукм суришидир.

## 2.9-жадвал

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖнинг маҳсулотлари ва активларининг 2007-2018 йиллардаги динамикаси ҳамда уларнинг қиёсий таҳлили<sup>53</sup>**

| Йиллар | Корхонада сотилган маҳсулотнинг ҳажми |                    | Корхонанинг активлари ўртача йиллик қиймати |                    | 1 сўм корхона активларининг ўртача йиллик қийматига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми |                    |
|--------|---------------------------------------|--------------------|---------------------------------------------|--------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------|
|        | Суммаси, минг сўм                     | Ўзгариш суръати, % | Суммаси, минг сўм                           | Ўзгариш суръати, % | Суммаси, минг сўм                                                                           | Ўзгариш суръати, % |
| 2007   | 1135532,1                             | 100,0              | 327739,1                                    | 100,0              | 3,465                                                                                       | 100,0              |
| 2008   | 1184359,9                             | 104,3              | 370707,9                                    | 113,1              | 3,195                                                                                       | 92,2               |
| 2009   | 1463868,8                             | 123,6              | 359360,6                                    | 109,6              | 4,074                                                                                       | 117,6              |
| 2010   | 1730550,9                             | 152,4              | 377624,2                                    | 115,2              | 4,583                                                                                       | 132,3              |
| 2011   | 1944030,9                             | 171,2              | 382135,0                                    | 116,6              | 5,087                                                                                       | 146,8              |
| 2012   | 2252895,6                             | 198,4              | 397569,4                                    | 120,7              | 5,695                                                                                       | 164,4              |
| 2013   | 2424361,0                             | 213,5              | 494252,0                                    | 150,8              | 4,905                                                                                       | 141,6              |
| 2014   | 2544727,4                             | 224,1              | 520775,8                                    | 158,9              | 4,886                                                                                       | 141,0              |
| 2015   | 2644654,3                             | 232,9              | 528970,9                                    | 161,4              | 4,999                                                                                       | 144,3              |
| 2016   | 2956634,4                             | 260,3              | 634765,1                                    | 193,6              | 4,567                                                                                       | 144,3              |
| 2017   | 3026216,6                             | 266,5              | 698241,6                                    | 213,0              | 4,334                                                                                       | 125,1              |
| 2018   | 3624660,6                             | 319,2              | 782030,6                                    | 238,6              | 4,633                                                                                       | 133,7              |

Аммо унинг таъсирини аниқлаш қийин. Бозор муносабатлари шароитида рақобатлар тизимида ғирром рақобатнинг мавжудлиги бир субъектнинг вақтинча гуллаб яшнашига ва иккинчисининг асоссиз синишига олиб келади. Шу туфайли мамлакат миқёсида ғирром рақобатни бартараф қиладиган қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни бартараф қилиш йўллариини белгилаб бориш лозимдир. Бу эса

<sup>53</sup> Манба: “ДИОР” масъулияти чекланган жамиятининг 2007-2018 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси.

давлатнинг вазифасига киради. Чунки корхоналарнинг барқарор ишлашидан давлат ҳам манфаатдордир.

Биз ушбу тушунчанинг таърифини келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Ғирром рақобат деганда хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорда ўрнатилган рақобатга онд тартиб ва қоидаларига амал қилмасдан, ўз манфаатини устун қўйган ҳолда, ғирромлик йўлини тутиб иштирок этиши тушунилади.

Бундай ғирром рақобат иштирокчилари бўлган корхоналарни бозор тизимида йўқ деб бўлмайди. Шу туфайли бозорда турли тасодифлар, тавкаллар бўлиши мумкин. Ғирром рақобат қилувчилар ўз ишларида муваффақият қозониш йўллариини ахтариш билан бирга рақобатчиларни қандай қилиб, турли таъсирлар билан синдириш йўллариини ҳам ўйлайдилар. Шу туфайли замонавий корхоналар раҳбарлари жуда зийрак ва хушёр бўлишлари лозим. Ғирром рақобатчилар турли йўллар билан корхонанинг нуфузини тушуришга интилишлари мумкин. Бундай ҳолатлар руй берган ёки аниқланган тақдирда зудлик билан чоралар қўрилиши, агар ноқонуний ҳаракатлар сезилиб қоладиган бўлса, дарҳол асослаган ҳолда, хўжалик ва бошқа судларга муружаат қилиниши мумкин.

Корхона мутахассисларининг хушёрлиги билан боғлиқ бўлган омиллар унинг ички омиллари ҳисобланади. Ҳар қандай мутахассис ёки ходим корхонанинг тижорат сирини ташқарига ошқора қилиб қўймаслиги керак. Бундай ҳолат кўпинча ходимнинг ўзи сезмаган ҳолда содир бўлиши мумкин. Ғирром рақобатчилар кўпинча ишдан гап очиб, қандай қилиб юқори муваффақиятларга эришаётганликлариини оддий суҳбат давомида сўраб олишлари ва шу билан бошқаларнинг тижорат сирини билишлари ҳам мумкин. Шу туфайли бунга жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Бозор муносабатлари ривожланган ва эркин рақобат ҳукм суриб турган мамлакатларда фирма ва компания ходимлари давраларда иш юзасидан гаплашмасликлариининг сабаблари ҳам шу бўлса ажаб эмас. Аммо бизнинг ходимларимиз кўп ҳолларда оддий суҳбатда ҳам иш юзасидан гаплашиб ўтирадилар ва нима сир ва нимани сир тутмаслик кераклигини ҳам билмайдилар. Бундай одатларга барҳам бериш лозимдир. Чунки бунинг вақти етиб келди.

Хавфсизликка таъсир этувчи омиллардан бири, хавфсизликни таъминлашни рағбатлантириш ҳисобланади. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги унинг мулки билан боғлиқ экан, шу мулкни эҳтиёт қилиб қўриқлаётганларни, уни қўпайтиришга бевосита иштирок этаётганларни вақти вақти билан турли маънавий ва моддий рағбатлантириш механизмларидан фойдаланиб туришлик лозимдир. Қайси ишда

рағбатлантирилиш одилонга ташиқил қилинган бўлса ва ходим аябатта яхши ишнинг рағбатлантирилишини билса, ҳар қандай одам ўз касбига бефарқ бўлмайди. Бу иқтисодий хавфсизлиқнинг узлуксиз такомиллашувига олиб келади. Пировардида жамият ҳам, корхона ҳам, мулкдор ҳам, ходимнинг ўзи ҳам бундан манфаатдор бўлади. Манфаатдорлик нафақат иқтисодий хавфсизлик, балки ҳаёт учун ўта муҳим жараёнларнинг такомиллашув омилдир.

## 2-боб бўйича хулосалар

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ҳолати, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни баҳолаш масалаларини тадқиқ қилиб, бир қанча хулосаларга келинди ҳамда илмий ва амалий аҳамиятга молик тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Бугунги кунда корхона иқтисодий хавфсизлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари олимларимиз томонидан кам ўрганилган ва шунга мос равишда, иқтисодий адабиётларда деярли ёритилмаган. Натижада, бозор муносабатлари шароитида ўта муҳим бўлган корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ иқтисодий категориянинг табиати очилмасдан қолиб кетмоқда ва амалиётда ушбу масала илмий жиҳатдан асосланмаган ҳолатда қўлланил-моқда. Бу эса, ўз навбатида корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда анча камчиликларга йўл қўйилишига сабаб бўлмоқда.

2. Ишда корхона иқтисодий хавфсизлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими илмий жиҳатдан асосланди ва уларни аниқлаш йўллари кўрсатиб берилди. Корхоналар, шу жумладак хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизими тавсия қилинди: режада (меъёрда) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган активлар рентабеллиги ( $A_p > A_{pm}$ ); режада (меъёрда) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган харажатлар рентабеллиги ( $X_p > X_{pm}$ ); режада (меъёрда) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган ўз маблағлари рентабеллиги ( $\dot{U}_{z_p} > \dot{U}_{z_{pm}}$ ); режада (меъёрда) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган сотилган маҳсулот (умумий) рентабеллиги ( $C_{m_p} > C_{m_{pm}}$ ). Мазкур кўрсаткичлар мажмуи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини ифодалайди. Шу туфайли уларнинг ҳар бирининг аниқланиш йўллари ва моҳияти очиқ берилди.

3. Ҳаётини заруриятдан келиб чиқиб, корхоналар иқтисодий хавфсизлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан комплекс кўрсаткични аниқлаш йўллари кўрсатиб берилди ва уларга аниқ

маълумотлар қўлланилган ҳолда баҳолаш усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётга тавсия қилинди.

4. Тадқиқотлар кўрсатадики, ҳозирги пайтда турли мулк шаклида фаолият кўрсатувчи жуда кўп корхоналарда, шу жумладан хизмат кўрсатувчи субъектлар таркибида ҳам хавфсизлик хизмати бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, ташкил қилинмаган. Бу эса маълум даражада ушбу масаланинг амалиётда ижобий ҳал бўлишига салбий таъсирини ўтказиши тайин. Шу туфайли ҳозирги пайтда корхоналарнинг иктисодий хавфсизлиги билан асосан унинг раҳбарияти шугулланади. Аммо бу эркин рақобат шароитида етарли эмас. Хавфсизлик хизмати жуда кўп функциялар билан шугулланади ва бир қанча муҳим вазифаларни бажаради. Шулардан келиб чиқиб, бир гуруҳ олимларимиз томонидан, ҳар бир корхона таркибида махсус хавфсизлик хизмати бўлими фаолият кўрсатиши лозим, деган хулосага келганлар. Биз ҳам хўжалик юритувчи субъектларда, мулк шаклидан қатъий назар, хавфсизлик хизмати билан шугулланадиган бўлим ва унда иктисодий хавфсизлик билан шугулланадиган масъуллар бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз.

5. Изланишлар кўрсатдики, корхоналарнинг иктисодий хавфсизлигини баҳолашда унинг самарадорлигига алоҳида аҳамият бериш лозим экан. Буни баҳолаш учун бир қанча кўрсаткичлар тавсия қилинди. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: корхонада банд бўлган хавфсизлик хизмати 1 нафар ходимига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми; қўрикланадиган 1 сўм корхона активларининг ўртача йиллик қийматига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми. Ушбу кўрсаткичлар орқали хавфсизлик хизматида банд бўлган ходимлар самарадорлигининг ҳолатига, амалий маълумотларни қўлланилган ҳолда баҳо берилди.

6. Тадқиқотларимиз натижасида, корхоналар иктисодий хавфсизлигини таъминлашда “Хавфсизликни таъминлаш - БУ САДОКАТЛИЛИК” деган тамойилга таяниш мақсадга мувофиқлиги, унинг мазмуни чуқур маънога эга эканлиги, унинг бир қанча тадбирларни қамраб олиши асосланди. Садокатлиликнинг бош ҳарфлари билан бошланадиган сўзларнинг ҳаммаси хўжалик юритувчи субъектлар иктисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар эканлиги кўрсатиб берилди. Буларга қуйидаги тадбирларнинг кириши асосланди: боғлиқлилик, узлуксизлик, сирлилик, аҳиллик, доимийлик, очиклик, қонунийлик, аниклик, тадбиркорлик, лойиҳавийлик, иккиланмаслик, лоқайдликка йўл қўймаслик, иктисодий тежамкорлилик, комплекслилик. Мазкур тадбирларни ифода этадиган тушунчаларнинг ҳар бирига қисқача изоҳ берилди.

### 3-БОБ

## **ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **3.1. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик чегараси ва унн мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари**

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини ўлчаш учун унинг маълум чегарасини аниқлаб олиш тақозо қилинади. Чунки, маълум чегарагача корхона иқтисодий жиҳатдан хавфли ва аксинча, маълум чегарадан кейин иқтисодий жиҳатдан хавфсиз бўлиши мумкин. Мухими, ана шу чегара нималардан иборат, деган саволга жавоб топишда.

Иқтисодий адабиётларда корхонанинг иқтисодий хавфсизлик чегараси деган тушунча деярли ишлатилмайди. Аммо айрим адабиётларда рентабеллик бўсағаси<sup>54</sup>, айримларида зарарсизлик нуқтаси<sup>55</sup> баъзиларида эса фойдалилик нуқтаси<sup>56</sup>, каби иборалар ишлатилган. Баъзи адабиётларда мазкур кўрсаткични ўзини қоплаш нуқтаси<sup>57</sup>, деган ном билан ҳам аталган. Бизнинг фикримизча ушбу кўрсаткич бемалол корхонанинг хавфсизлик нуқтаси, деб аташ учун ҳам асосдир. Чунки шу нуқтада корхона фойда ҳам олмайди ва зарар ҳам кўрмайди. Агар фойда олиб бошласа, унинг хавфсизлиги мустаҳкамланиб боради ва аксинча, ушбу нуқта зарар томон силжийдиган бўлса, мазкур корхона иқтисодий жиҳатдан хавфли зонага тушиб қолганлигидан далолат беради.

Эндиги вазифа шу хавфсизлик нуқтасини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш билан бирга, уни баҳолаш йўллариини корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги нуқтан назаридан ишлаб чиқишдан иборатдир. Бу муаммо айрим қарашларни таҳлил қилишни тақозо қилади.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ўз ичига бир қанча йўналишларни қамраб олади. Булар жумласига бозор механизмига хос бўлган эришилган натижа, яъни сотилган маҳсулот ҳажмининг барча харажатларни қоплаб фойда олишга доимий равишда


<sup>54</sup> Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: 4-е изд., перераб. и доп. – Минск: ООО «Новое знание», 2000. – 630-635 с.

<sup>55</sup> Большой экономический словарь / Под ред. А.Н.Азриляна. 4-е изд. доп. и перераб. – М.: Институт новой экономики, 1999. – 1072 с.

<sup>56</sup> Pardayev M.K., Abduraimov I.T., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. T.: Mehnat, 2004. – 429. – 436-b. Shodiyeva I.M. Oqila kўжалigi farovonligini oshirish: muammolar va ularning echimlari. T.: Fan, 2006. – 80-91 betlar. Parlaev M.K. va boshqalar, Boshqaruв taхlili. Uхuv kўllanma. T.: Iqtisodiyet va хуқуқ dunёsi nashriyat uyi, 2005. – 328 bet. Parlaev M.K., Isroilov B.I. Moлиявий taхлил. T.: "Iqtisodiyet va хуқуқ dunёsi" nashriyat uyi, 1999. – 226-241 betlar.

<sup>57</sup> Управленческий учет / Под ред. В.Палия и Р.Вандер Вила. – М.: ИНФРА – М, 1997. – 475 с.

эришиб бориш қонуниятини киритиш мумкин. Чунки, бозор муносабатлари шароитида барча харажатлар қопланиб фойда олишга эришилмас экан ҳеч қандай корхона ўзининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлай олмайди. Шу туфайли иқтисодий хавфсизликнинг асосий кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш ва улар ўртасидаги мазкур боғланишни келтириш мумкин.



**3.1.- расм. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш қонуниятини амалга оширишда иштирок этадиган кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги**

Эркин иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатаётган ҳар қандай корхона, шу жумладан хизмат кўрсатувчи субъектлар ҳам эркин рақобат натижасида синиб кетмаслиги ҳамда уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаши учун тушум кўрсаткичларлари хавфсизлик чегарасидан баланд бўлишига доимий равишда эришишлари лозимдир. Бу кўрсаткични олдиндан аниқлаш ва шу асосда ишни ташкил қилиш бугунги кун талабидир.

Хизмат кўрсатувчи субъектлар ҳам бошқа корхоналар сингари ўз фаолияти давомида маълум даражада даромад олиб ишлашни мақсад қилиб қўяди. Бундай жараён ҳам маълум даражада харажатларни талаб қилади. Мулкдорнинг мақсади ва манфаати шу харажатлар эвазига маълум миқдорда фойда олишга эришишдан иборатдир. Бунинг учун корхонанинг оладиган даромади унинг сарфлаган харажатларини тўлиқ қоплаши лозим. Ундан органи хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасини ташкил қилади.


Агар эришилган даромад барча харажатни қопласа ( $D=X$ ) бу мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий хавфсиз чегарада эканлигидан далолат беради. Агар даромадлар харажатлардан кўп бўлса корхона маълум даражада фойда олиб иқтисодий жиҳатдан хавфсиз зонада эканлигидан далолатдир. Агарда даромад харажатлардан кам бўладиган бўлса, корхона иқтисодий жиҳатдан хавфли зонада эканлигидан далолатдир. Бу бир қарашда оддий назария. Аммо унинг замирида катта жараён ётади. Чунки, корхона раҳбари ёки мулк эгаси маълум муддатда қанча маҳсулот ишлаб чиқаришни, хизмат

кўрсатишни, шунга мос равишда қанча харажат қилинишини ва бу харажатни қоплаш учун қанча даромад олиш зарурлигини олдиндан билиши керак. Бунини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун эса корхонанинг хавфсизлик чегарасини аниқлаш тақозо қилинади.

Хизмат кўрсатувчи субъектларнинг хавфсизлик даражасини аниқлаш учун харажатларнинг таркиби аниқланади. Бу эса харажатларни доимий ва ўзгарувчи қисмларга бўлиб олишни тақозо қилади. Корхоналар барча харажатларини қоплаб, давлат бюджетига тўловларни амалга ошириб тегишли фойда олишлари мумкинлиги олдиндан кўзда тутилади. Бу ҳолда қуйидаги тенглик ҳосил бўлади:

$$d = \chi_a + \chi_b + w + r ; \quad (1)$$

Мазкур формула бўйича хулоса қилинадиган бўлса, хизмат кўрсатувчи корхонанинг даромади унинг доимий ( $\chi_a$ ) ва ўзгарувчи ( $\chi_b$ ) харажатларини қоплаши, бюджетга тўланадиган тўловларини (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар) амалга ошириши ( $w$ ) ва маълум даражада фойда ( $r$ ) олишга эришиши лозим. Хизмат кўрсатувчи корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу кўрсаткичлар корхона миқёсида илмий асосланган тарзда режалаштирилиши лозим ва шу режанинг бажарилиши учун каттиқ кураш олиб борилсагина унинг хавфсизлиги таъминланади.



3.2-расм. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлик нуқтаси ва хавфсизлик зонаси.

- Бунда:  $a-b$  – доимий харажатлар;  
 $a-c$  – ўзгарувчи харажатлар;  
 $e-j$  – сотилган маҳсулот ҳажми;  
 $d$  – иқтисодий хавфсизлик нуқтаси;

г – доимий харажатлар копланадиган хавфсизлик нуктаси;  
сдх бурчаги – корхонанинг иктисодий хавфсизлик  
майдони.

Эндиги асосий вазифа, мазкур хизмат кўрсатувчи субъект барча харажатларни коплаб, тегишли кўзда тутилган фойдага эришиши учун қанча миқдорда хизмат кўрсатиши лозимлигини аниқлашдан иборатдир. Бунинг учун кўрсатиладиган хизматларнинг ўртача баҳоси аниқланади ва ундан мазкур кўрсаткичнинг миқдорини ҳисоблаш мумкин бўлади.

Фараз қиламиз: корхонада кўрсатиладиган битта хизматнинг ўртача баҳоси 2500 сўм. Доимий харажатларнинг миқдори 60000 сўм, ўзгарувчи харажатлар 40000 сўм, солиқлар ва мажбурий тўловлар 25000 сўм, режада кўзда тутилган соф фойда 30000 сўм. Ушбу маълумотлар асосида кўзда тутилган режага эришиш учун қанча хизмат кўрсатиш кераклиги аниқланади.

1. Доимий харажатларни қолаш учун 24 та хизмат  $(60000 : 2500)$  кўрсатилиши етарли экан.

2. Барча харажатларни қолаш учун эса 40 та хизмат  $\{(60000 + 40000) : 2500\}$  кўрсатилиши лозим экан.

3. Барча харажатларни коплаб солиқ ва мажбурий тўловларни ҳам амалга ошириш учун 50 та хизмат  $\{(60000 + 40000 + 25000) : 2500\}$  кўрсатилиши лозим экан.

4. Корхона барча харажатларни коплаб, тегишли солиқларни ҳам тўлаб кўзда тутилган фойдага эришиши учун 62 та хизматни  $\{(60000 + 40000 + 25000 + 30000) : 2500\}$  амалга ошириши лозимлигини кўриш мумкин.

Агар мазкур хизмат кўрсатувчи субъект ҳисобот даврида 62 тадан ортиқ хизмат кўрсатса фойда олиш бўйича режа ошириб бажарилган бўлади. Агарда унинг кўрсатадиган хизмати 50 тадан 62 тагача бўлса, фаолият натижасида фойда олган, аммо фойданинг режа даражасига етмаган бўлади.

Бу ҳолат мазкур субъектнинг иктисодий хавфсизлик майдонига эга эканлигидан, лекин хавф-хатарнинг яқинлигидан далолат беради. Агар унинг ишлаб чиқарилган маҳсулоти 50 тадан кам бўлса, мазкур корхона иктисодий жиҳатдан хавфли зонада эканлигидан далолат беради.

Ушбу мисол корхонанинг иктисодий хавфсизлигига қандай омиллар бевосита таъсир қилишлигидан далолат беради. Формула асосида хулоса қилинадиган бўлса, ушбу омилларга қуйидагилар киради:

- доимий харажатлар микдори;
- ўзгарувчи харажатлар микдори;
- сотилган маҳсулот ҳажми;
- иқтисодий хавфсизлик нуқтасига эришиш лозим бўлган хизматлар микдори;
- доимий харажатлар қопланадиган хавфсизлик нуқтасига эришиш лозим бўлган хизматлар микдори;
- корхона тўлайдиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг микдори.

Хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун доимий (ўзгармас) харажатлар микдорининг йилдан-йилга маҳсулот ҳажмининг ўсишига нисбатан секинлик билан ўсишига эришилса, корхонанинг хавфсизлик даражаси ошиб боради. Агар харажатларнинг ўсиш суръати сотилган маҳсулот ҳажмига нисбатан тез бўлса, корхонанинг хавфсизлик даражаси пасайиб боради. Шу туфайли корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун ишни шундай ташкил қилиш керакки, доимий харажатларнинг ўсиш суръатига нисбатан сотилган маҳсулотнинг ўсиш суръати ҳаминча юкори бўлишини таъминлаш лозим.

Бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлик даражаси унинг ўзгарувчи харажатларига ҳам боғлиқдир. Ҳозирги шароитда нархнинг ўзгариши, иш ҳақи ва бошқа ўзгарувчи харажатларнинг тебраниб туриши ўзгарувчи харажатлар умумий микдорининг ошишига олиб келади. Бундай шароитда ҳам ўзгарувчи харажатларнинг ўсишини сотилган маҳсулот ҳажмига нисбатан паст даражада ушлаб туришга эришиш лозим. Шундагина хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш имкони кенгрок бўлади.

Хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири сотилган маҳсулотнинг, кўрсатилган хизматнинг ҳажми ҳисобланади. Сотилган маҳсулот эвазига барча харажатлар қопланади, бюджетга тўланадиган солиқлар ёпилади ва корхона пироврд мақсад бўлган фойда олишга эришади. Шу туфайли сотилган маҳсулотни кўпайтириш корхонанинг барча кўрсаткичларини яхшилаши билан бирга, унинг иқтисодий жиҳатдан хавфсизлигини ҳам таъминлайди. Бу эса, корхона раҳбариятидан маҳсулотни кўпрок сотиш чора-тадбирларини кўришни тақозо қилади.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлик нуқтасига эришиши лозим бўлган хизматлар микдори ҳам маълум даражада рақамларда ўз

аксини топади. Бу кўрсаткич барча харажатларни, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қоплай оладиган сотилган маҳсулот миқдорида ўз аксини топади. Шунинг учун бу ҳолат ҳам сотилган маҳсулотни кўпайтириш масаласи ўта муҳимлигини яна бир бор кўрсатади. Тенг ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, корхона сотилган маҳсулот ҳажми кўпаймаган тақдирда фойдалилик нуқтасига тенг бўлган хизматлар миқдорининг камайиши ёки ўзгармасдан қолишига эришиши лозим. Бунда сотилган маҳсулот билан харажатлар ва солиқлар ўртасидаги муносабатда тенглик тамойили амал қилиши лозимдир.

Хизмат кўрсатувчи субъектларда иқтисодий хавфсизлик даражасига таъсир қилувчи омиллардан бири доимий харажатлар қопланадиган хавфсизлик нуқтасига эришиш лозим бўлган хизматлар миқдоридир. Бунда сотилган маҳсулот (кўрсатилган хизматлар) доимий харажатлар миқдорида бўлиши керак. Агарда харажатлар қанча кам бўлса, сотилган маҳсулот миқдори ўзгармаган ҳолда ҳам корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги яхшигина таъминланади. Бу ҳолат яна бир бор кўрсатмоқдаки, корхоналарда харажатларни камайитириш, сотилган маҳсулотларни, кўрсатилган хизматлар миқдорини муттасил ошириб бориш лозим экан.

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи омиллардан бири корхона тўлайдиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдоридир. Бу омилнинг кўпайиши корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига салбий ва камайиши эса, ижобий таъсир қилади. Шу туфайли солиқларнинг йилдан-йилга камайитирилиши солиқ юкни енгиллаштириш билан бирга корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини

мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотга нисбатан солиқ юки кескин камайиш тенденциясига эга. Бунини қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин (3.1-жадвал).

Ўзбекистонда солиқ юкининг ва фойда солиғи ставкасининг  
2008-2018 йиллардаги ўзгариш динамикаси<sup>58</sup>

| Кўрсаткичлар                | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 |
|-----------------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| ЯИМга нисбатан солиқ юки, % | 26,0 | 25,2 | 24,2 | 22,5 | 22,6 | 20,7 | 19,6 | 19,6 | 19,6 | 17,6 | 17,6 |
| Фойда солиғи ставкаси, %    | 26,0 | 24,0 | 20,0 | 18,0 | 15,0 | 12,0 | 10,0 | 10,0 | 10,0 | 9,0  | 9,9  |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда солиқ юки йилдан йилга камайиб бормокда. Агар 2008 йилда унинг даражаси мамлакат ЯИМга нисбатан 26,0%ни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб 19,6%ни ташкил қилди. Шунга мос равишда фойда солиғининг ҳам ставкаси камайиб бормокда. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2008 йилда 26,0%га тенг бўлган бўлса, 2014 йилга келиб 10,0%гача камайди.

Солиқ юкининг камайиши бир қанча иқтисодий ва ижтимоий афзалликлар билан бирга корхоналарнинг иқтисодий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлашга ҳам катта ижобий таъсир қилади. Чунки, тежалган солиқ суммаси корхонанинг иқтисодий қудратини юксалтиришга, демак унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга сарфланади. Шу жиҳатдан олиб қараладиган бўлса, мустақиллик йилларида мамлакатимиз раҳбариятининг солиқ сиёсатини олиб бориши бевосита микро даражада ҳам корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Корхоналар, шу жумладан хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятига тўғри ва тўлиқ баҳо бериш учун уларнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини (Кихд) аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсаткич орқали корхонанинг аҳволига баҳо берилади. Аммо бу борада иқтисодий адабиётларда таъсири таклифлар айтилмаган. Шу туфайли мазкур кўрсаткични аниқлаш учун сотилган маҳсулот ҳажмини (Q) барча харажатлар ҳажмига (X) бўлиш лозим деган хулосага келдик. Агар корхонада ушбу кўрсаткичнинг миқдори бирга

<sup>58</sup> Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаолиятини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.: ЎзР Ёш-модели академияси, 2008.-19 бет.

тенг бўлса ( $K_{икд}=1$ ) у хавфсизлик чегарасида бўлади. Агар бирдан кўп бўлса ( $K_{икд}>1$ ), мазкур корхона иқтисодий хавфсизлик зонасида, деган хулоса учун асос бўлади ва аксинча ( $K_{икд}<1$ ). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формулани

тавсия қиламиз:

$$K_{икд} = \frac{Q}{X}$$

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун сотилган маҳсулот ҳажми ( $Q$ ) корхонанинг барча харажатларини ( $X$ ) қоплаб, унинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган дараждаги фойда суммасига тенг бўлиши лозим. Акс ҳолда, корхона маълум даражада фойдага эришса да, бу фойда корхонанинг барқарор фаолиятини таъминлашга етарли бўлмаса, унинг иқтисодий хавфсизлиги шубҳали бўиб қолади. Шу туфайли мазкур кўрсаткич ўзгаришига таъсир этувчи омилларни атрофлича ўрганишни тақозо қилади.

Хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган субъектларнинг иқтисодий хавфсизлик чегарасини мустаҳкамлаб, унинг барқарорлигини таъминлаш ва доимий равишда хавфсизлик майдонида ушлаб туриш учун мазкур кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини баҳолаш тақозо этилади.

Тадқиқотлар кўрсатдики, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлик даражасига ( $X_{икд}$ ) бир канча омиллар таъсир қилади. Булар жумласига қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз:

- корхонанинг ўз маблағлари самарадорлиги ( $a$ );
- мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан қопланиш коэффициенти ( $b$ );
- фойданинг мажбуриятлар билан қопланиши коэффициенти ( $c$ );
- харажатлар рентабеллиги ( $d$ ).

Натижа билан ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$X_{икд} = a * b * c * d ;$$

Натижага омиллар таъсирини аниқлаш учун ушбу формулага индекс усулини қўллаб ечадиган бўлсак, натижанинг индекси аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$I_x = \frac{a_1 * b_1 * c_1 * d_1}{a_0 * b_0 * c_0 * d_0} ;$$

Ушбу маълумотлардан фойдаланиб натижанинг ҳисобот давридаги фарқини ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун эса қуйидаги формула тавсия

қилинади:

$$\Delta X_{\text{икд}} = a_1 * v_1 * c_1 * d_1 - a_0 * v_0 * c_0 * d_0 ;$$

Мазкур формула корхоналар иқтисодий хавфсизлигининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш имконини беради. Биринчи омилнинг, яъни корхонанинг ўз маблағлари самарадорлиги ўзгаришининг натижага таъсирини индексида аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$I_{\text{хв}} = \frac{a_1 * v_0 * c_0 * d_0}{a_0 * v_0 * c_0 * d_0} ;$$

Ушбу омилнинг мутлақ миқдорини аниқлаш учун суръатидаги кўпайтмадан махражидаги кўпайтма айрилади. Бу эса қуйидагича аниқланади:

$$\Delta X_{\text{икд,а}} = a_1 * v_0 * c_0 * d_0 - a_0 * v_0 * c_0 * d_0 ;$$

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига иккинчи омилнинг, яъни мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан қопланиш коэффиценти ўзгаришининг таъсирини индекс усули билан аниқлаш учун натижанинг шу омил ўзгаришини инобатга оладиган индекси аниқланади. Бунинг учун натижанинг иккинчи омил билан қайта ҳисобланган миқдорини натижанинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдорига бўлиш лозим бўлади. Бу қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$I_{\text{хв}} = \frac{a_1 * v_1 * c_0 * d_0}{a_1 * v_0 * c_0 * d_0} ;$$

Мазкур омилнинг мутлақ миқдорини аниқлаш учун бу ерда ҳам натижанинг суръатидаги миқдоридан махражидаги миқдори айрилади ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta X_{\text{икд,в}} = a_1 * v_1 * c_0 * d_0 - a_1 * v_0 * c_0 * d_0 ;$$

Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини, яъни фойданинг мажбуриятлар билан қопланиши коэффиценти ўзгаришини аниқлаш учун натижанинг учинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдорини унинг иккинчи омил таъсири билан қайта ҳисобланган миқдорига бўлинади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$I_{xc} = \frac{a_1 * v_1 * c_1 * d_0}{a_1 * v_1 * c_0 * d_0} ;$$

Натижа ўзгаришининг учинчи омил эвазига ўзгаришининг мутлақ миқдорини аниқлаш учун одатдагидек, натижанинг суръатидаги миқдоридан махражидаги миқдорини айриш кифоя. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta X_{нхс} = a_1 * v_1 * c_1 * d_0 - a_1 * v_1 * c_0 * d_0 ;$$

Ниҳоят натижа ўзгаришига тўртинчи омил, яъни харажатлар рентабеллиги таъсирини аниқлаш учун натижанинг тўртинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори (одатда бу кўрсаткич натижанинг ҳақиқий миқдорига тенг бўлади) унинг учинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдорига бўлинади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$I_{хд} = \frac{a_1 * v_1 * c_1 * d_1}{a_1 * v_1 * c_1 * d_0} ;$$

Шу омил таъсирининг мутлақ миқдорини аниқлаш учун унинг суръатидаги миқдоридан махражидаги миқдори айрилади. Бу қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta X_{нхд} = a_1 * v_1 * c_1 * d_1 - a_1 * v_1 * c_1 * d_0 ;$$

Барча омилларнинг таъсири одатдагидек натижа ўзгаришининг умумий ҳажмига тенг бўлади. Буни индексда аниқланганда қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$I_{хд} = I_{ха} * I_{хв} * I_{хс} * I_{хд} ;$$

Барча омилар таъсирининг мутлақ миқдорини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta X_{хд} = \Delta X_{ха} \pm \Delta X_{хв} \pm \Delta X_{хс} \pm \Delta X_{хд}$$

Агарда ушбу формулаларга аниқ маълумотларни қўллаб ечилса, корхонанинг хавфсизлигига бир қанча омилларнинг таъсири аниқланади. Хусусан, корхонанинг ўз маблағлари самарадорлиги, мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан қопланиш коэффиценти, фойданинг мажбуриятлар билан қопланиши коэффиценти ва харажатлар рентабеллиги билан боғлиқ омилларнинг таъсири ва шу омиллар эвазига ўрганилаётган кўрсаткични яхшилашнинг ички имониятлари аниқланади.

Ушбу назарий тавсиянинг амалиётда қўлланилишини исботлаш учун аниқ маълумотларни қўллаб ечишни мақсадга мувофиқ, деб

топдик. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (3.2-жадвал).

### 3.2-жадвал

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖнинг иқтисодий хавфсизлиги ва унга таъсир этувчи омилларнинг 2015-2018 йиллардаги ҳисоб-китоби<sup>59</sup>**

| Кўрсаткичлар                                                  | 2015 йил  | 2018 йил  | Фарқи<br>(+,-) | Ўзгариш<br>суръати,<br>% |
|---------------------------------------------------------------|-----------|-----------|----------------|--------------------------|
| <b>Мутлак кўрсаткичлар</b>                                    |           |           |                |                          |
| 1. Сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм                          | 2424361,0 | 3624660,6 | +1200299,6     | 149,5                    |
| 2. Ўз маблағлари, минг сўм                                    | 266874,3  | 333642,8  | +14988,9       | 125,0                    |
| 3. Мажбуриятлар, минг сўм                                     | 227377,7  | 239212,6  | +11834,9       | 105,2                    |
| 4. Соф фойда, минг сўм                                        | 99641,2   | 165700,8  | +5710,5        | 166,3                    |
| 5. Барча харажатлар, минг сўм                                 | 489541,3  | 600582,6  | +46707,2       | 122,7                    |
| <b>Нисбий кўрсаткичлар</b>                                    |           |           |                |                          |
| 6. Ўз маблағлари самарадорлиги, сўм                           | 9,984     | 9,038     | -0,046         | 99,5                     |
| 7. Мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан қопланиш коэффициенти | 1,174     | 1,177     | +0,003         | 100,3                    |
| 8. Фойданинг мажбуриятлар билан қопланиш коэффици.            | 2,282     | 2,271     | -0,011         | 99,5                     |
| 9. Харажатлар рентабеллиги, %                                 | 20,354    | 19,646    | -0,708         | 96,5                     |
| 10. корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги, сўм.                   | 4,952     | 4,745     | -0,207         | 95,8                     |

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ мутлак кўрсаткичларнинг ҳисобот йилида мунтазам ўсиши кузатилган. Барча кўрсаткичлар деярли бир хил даражада, яъни 105,0 дан 105,7% гача ўсган. Аммо харажатлар шу даврда барча кўрсаткичларга нисбатан юқори суръатда қўпайган, яъни 109,5 % га ошган. Натижада нисбий кўрсаткичларда ҳам турли ўзгаришлар рўй берган. Масалан, мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан қопланиши 100,3% га ўсган бир пайтда қолган кўрсаткичларнинг ҳаммасида камайиш рўй берган. Уларнинг камайиши 95,8% дан 99,5% гача миқдорда бўлган. Энг асосий

<sup>59</sup> Манба: Хизмат кўрсатувчи корхонанинг 2015-2018 йиллар ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси.

натижавий кўрсаткичлардан бири бўлган корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги даражаси 2015 йилда 4,952 сўмдан 2018 йилда 4,745 сўмгача ёки 0,207 сўмга камайиши рўй берган. Унинг ўзгариш тенденцияси 95,8% ни ташкил қилган.

Иқтисодий ишлардан фойдаланиб оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун шу ўзгаришга қандай омиллар таъсир қилганлигини аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш йўллариини ишлаб чиқишни тақозо қилинади. Биз юқорида корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига қандай омиллар таъсир қилганлигини ва уларнинг таъсирини қандай аниқлаш мумкинлигининг назарий жиҳатларини кўрсатилиб берган эдик. Энди уни амалда исботлаш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (3.3-жадвал).

**3.3-жадвал**  
**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖнинг иқтисодий хавфсизлиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларни 2015-2018 йилларда аниқлаш ҳисоб-китоби<sup>60</sup>**

| Кўрсаткичлар                                                  | 20015<br>йил | 2018<br>йил | Фарқи<br>(+,-) | Натижага таъсирини<br>ҳисоблаш йўллари(+,-)            |
|---------------------------------------------------------------|--------------|-------------|----------------|--------------------------------------------------------|
| 1. Ўз маблағлари самарадорлиги, сўм                           | 9,084        | 9,038       | -0,046         | $-0,046 \cdot 1,174 \cdot 2,282 \cdot 20,435 = -0,024$ |
| 2. Мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан қопланиш коэффициенти | 1,174        | 1,177       | +0,003         | $9,083 \cdot +0,003 \cdot 2,282 \cdot 20,435 = +0,013$ |
| 3. Фойданинг мажбуриятлар билан қопланиш коэффициенти         | 2,282        | 2,271       | -0,011         | $9,038 \cdot 1,177 \cdot -0,011 \cdot 20,435 = -0,024$ |
| 4. Харажатлар рентабеллиги, %                                 | 20,354       | 19,646      | -0,708         | $9,038 \cdot 1,177 \cdot 2,271 \cdot -0,708 = -0,172$  |
| 5. Корхонанинг иқти-содий хавфсизлиги, сўм.                   | 4,952        | 4,745       | -0,207         | $-0,024 + 0,013 - 0,024 - 0,172 = -0,207$              |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ҳисобот йилида 0,207 сўмга камайган, ушбу камайишга таҳлил қилинган тўртта омил турли йўналишларда таъсир қилган.

<sup>60</sup> Манба: Хизмат кўрсатиш корхоналарининг 2015-2018 йиллар ҳисоботлари асосида муаллифнинг қилган ҳисоб-китоби.

1. Корхона иқтисодий хавфсизлиги ўзгаришига ўз маблағлари самарадорлигининг 0,046 сўмга камайганлиги натижани 0,024 сўмга камайтириб юборган:

$$(-0,046) * 1,174 * 2,282 * 20,435 = -0,024 \text{ сўм.}$$

2. Мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан копланиш коэффициенти ҳисобот йилида 0,003 коэффициентга ошиганлиги корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини 0,013 сўмга кўпайтиришга олиб келган:

$$9,083 * (+0,003) * 2,282 * 20,435 = +0,013 \text{ сўм.}$$

3. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига фойданинг мажбуриятлар билан копланиш коэффициенти ҳам таъсир қилади.

Ушбу омилнинг ҳисобот йилида 0,011 коэффициентга камайиши натижа кўрсаткичини 0,024 сўмга камайтирган:

$$9,038 * 1,177 * (-0,011) * 20,435 = -0,024 \text{ сўм.}$$

4. Натижа ўзгаришига тўртинчи омилнинг, яъни харажатлар рентабеллигининг таъсири ҳам салбий бўлган. Ушбу омилнинг 0,708 %га камайиши натижани 0,172 сўмга камайтириб юборган:

$$9,038 * 1,177 * 2,271 * (-0,708\%) = -0,172 \text{ сўм.}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фаркига тенг бўлиши лозим. Бизнинг мисолимизда ҳам ушбу ҳолат рўй берган:

$$-0,024 + 0,013 - 0,024 - 0,172 = -0,207 \text{ сўм.}$$

Мазкур омилли таҳлил натижасида корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг ички имкониятларини ахтариб топиш имконияти туғилди. Келтирилган мисоллар ҳулосасига кура корхона иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун ҳисобот йилида ўз маблағлари самарадорлигини оширишга, фойданинг мажбуриятлар билан таъминланишини кўпайтиришга ва харажатлар рентабеллигини оширишга эришиши лозим экан. Агарда ушбу омилларнинг таъсири нолга тенг бўлиб, уларнинг миқдори ҳисобот йилида ўтган йилдаги даражада сақланиб қолганида эди, корхонанинг хавфсизлиги яна 0,220 сўмга ( $0,024 + 0,024 + 0,172$ ) ошган бўлар эди. У ҳола корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги 2015 йилда 4,745 сўм эмас, балки 4,965 сўмни ( $4,745 + 0,220$ ) ташкил қилган бўлар эди. Бу эса корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини 0,207 сўмга пасайтирмаган, балки 0,013 сўмга ( $4,965 - 4,952$ ) мустаҳкамлаган бўлар эди. Кўриниб турибдики, омилли таҳлил корхоналарда ички имкониятларни ахтариб топиш имконини беради. Шундай экан, хизмат кўрсатиш тармоқларида иқтисодий ишларга омилли таҳлилни ҳам жорий қилишни лозим деб ҳисоблаймиз.

### **3.2. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар самарадорлиги ва уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари**

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига кетган харажатларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими борасидаги фикрлар иқтисодий адабиётларда деярли ёритилмаган. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, мазкур жараёни битта кўрсаткич билан ифодалаб бўлмайди. Шу туфайли уни тўлиқ ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бизнинг фикримизча, ушбу кўрсаткичлар тизимига қуйидагилар киради:

- корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун сарфланган харажатларнинг самарадорлиги, яъни ушбу харажатларнинг бир сўмига тўғри келадиган хавфсизлик таъминланмаган тақдирда йўқотилиш эҳтимоли бор бўлган маблағларнинг миқдори;

- корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун сарфланган харажатларнинг мулкни сақлаш билан боғлиқ самарадорлиги;

- корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун сарфланган харажатларнинг сотилган маҳсулот билан боғлиқ самарадорлиги;

- корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига сарфланган харажатларнинг рентабеллиги.

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун кетган харажатлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг энг муҳимларидан бири, мазкур корхонада иқтисодий хавфсизлик таъминланмаган тақдирда йўқотилиш эҳтимоли бор бўлган маблағларнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатларга тўғри келадиган миқдори бўлиб ҳисобланади. Буни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

Иқтисодий ишларнинг таркибий қисми бўлган иқтисодий

#### **Хавфсизлик**

**Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига сарфланган харажатларнинг самарадорлиги**

**таъминланмаган тақдирда йўқотилиш эҳтимоли бор бўлган маблағларнинг миқдори**

---

**Иқтисодий хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатлар**

таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири назарий жиҳатдан ишдаб чиқилган формула-ларнинг амалиётда қўлланилишини таъминлашдан ва уни амалиётга қўллаб тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот-ларни тайёрлаб беришдан иборатдир. Шунинг учун барча иктисодий ишларни амалга оширишда иктисодий таҳлилнинг ҳеч бўлмаганда анъанавий усулларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Биз тадқиқот давомида иктисодий таҳлилнинг бир қанча анъанавий усулларида бири бўлган занжирли алмаштириш, индекс, қайта ҳисоблаш каби усулларида фойдаландик. Мазкур масалага шу нуқтан назардан қарайдиган бўлсак, кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (3.4-жадвал).

#### 3.4-жадвал

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖда иктисодий хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатлар самарадорлигининг 2007-**

| Йил-лар | Хавфсизлик таъминланмаган тақдирда йўқотилиш эҳтимоли бор бўлган маблағларнинг миқдори |                    | Иктисодий хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатлар |                    | Корхоналарнинг иктисодий хавфсизлигига сарфланган харажатларнинг самарадорлиги |                    |
|---------|----------------------------------------------------------------------------------------|--------------------|----------------------------------------------------------|--------------------|--------------------------------------------------------------------------------|--------------------|
|         | суммаси, минг сўм                                                                      | ўзгариш суръати, % | суммаси, минг сўм                                        | ўзгариш суръати, % | суммаси, сўм                                                                   | ўзгариш суръати, % |
| 2007    | 26117,2                                                                                | 100,0              | 1283,4                                                   | 100,0              | 20,35                                                                          | 100,0              |
| 2008    | 27240,3                                                                                | 104,3              | 1465,6                                                   | 114,2              | 18,72                                                                          | 92,0               |
| 2009    | 33669,0                                                                                | 123,6              | 1649,2                                                   | 128,5              | 20,42                                                                          | 100,3              |
| 2010    | 39802,7                                                                                | 152,4              | 1790,3                                                   | 139,5              | 22,23                                                                          | 109,3              |
| 2011    | 44712,7                                                                                | 171,2              | 1940,5                                                   | 151,2              | 23,04                                                                          | 113,2              |
| 2012    | 51816,6                                                                                | 198,4              | 2253,6                                                   | 175,6              | 22,99                                                                          | 113,0              |
| 2013    | 55760,3                                                                                | 213,5              | 2610,4                                                   | 203,4              | 21,36                                                                          | 105,0              |
| 2014    | 58528,7                                                                                | 224,1              | 3163,6                                                   | 246,5              | 18,50                                                                          | 90,9               |
| 2015    | 60826,9                                                                                | 232,9              | 3245,4                                                   | 252,9              | 18,74                                                                          | 92,1               |
| 2016    | 61217,4                                                                                | 234,4              | 3417,9                                                   | 266,3              | 17,91                                                                          | 88,0               |
| 2017    | 61301,8                                                                                | 234,7              | 3501,0                                                   | 272,8              | 17,51                                                                          | 86,4               |
| 2018    | 62417,4                                                                                | 239,0              | 3591,6                                                   | 279,8              | 17,38                                                                          | 85,4               |

#### 2018 йиллардаги динамикаси<sup>61</sup>

Ушбу жадвал маълумотлари шуни кўрсатиб турибдики, корхонада хавфсизлик таъминланмаган тақдирда йўқотилиш эҳтимоли бор бўлган маблағларнинг миқдори йилдан-йилга ортиб бормокда. Ушбу

<sup>61</sup> Манба: Хизмат кўрсатувчи “ДИОР” МЧЖнинг 2007-2018 йиллик ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси.

кўрсаткичнинг ўсиш суръати 2007-2018 йиллар давомида 239,0 %ни ташкил қилмоқда. Шу даврда иқтисодий хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатларнинг ўсиш суръати юқоридаги кўрсаткичга нисбатан анча баланд, яъни 278,9%ни ташкил қилади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатлар суммаси 2015-2018 йилларда кескин ўсган. Бу кўрсаткич 2013 йилда 2007 йилга нисбатан 203,4%га ўсган бўлса, 2014 йилда шу 2007 йилга нисбатан 246,5%га, 2018 йилда эса 279,8%га ўсган. Бунинг сабаби ҳозирги ташкил қилинаётган нодавлат кўриклаш фирмаси билан шартнома асосида ишлашга ўтганлигида куринади. Энди шу кўриклашга кетадиган харажатларнинг самарадорлигини таҳлил қиладиган бўлсак бу харажатлар корхона учун ўта самарали эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2007 йилда ҳар бир сўм харажатга хавфсизлик таъминланмаган тақдирда таҳлил қилинган корхонада йўқотилиш эҳтимоли бор бўлган маблағларнинг миқдори 20,35 сўмни ташкил қилган. Бу самарадорлик кўрсаткичи 2011 йилгача мунтазам ўсиб келган ва шу йилда 2007 йилга нисбатан 113,2 %ни ташкил қилган. 2014 йилдан бошлаб унинг самарадорлиги пасайиш тенденциясига эга. 2013 йилда 2007 йилга нисбатан 105, %ни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда шу 2007 йилга нисбатан 85,4 % ни 2015 йилда эса 92,1% ни ташкил қилган. Ўзгариш тенденциясида паса-йиш кузатилсада бу ерда умумий самарадорлик мавжуд. Чунки кўриклаш яхши йўлга қўйилмаганда эди, корхонада 2014 йилда 58528,7 минг сўм, 2018 йилда 62417,4 минг сўмлик маблағ йўқотилган бўлар эди. Бу мазкур корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига анча таъсир қилган бўлар эди.

Аммо корхоналарда ушбу кўрсаткични аниклаш учун нормативларнинг йўқлиги, уни аниклашни бироз мураккаблаштириши табиий. Шунинг учун натижа кўрсаткичи сифатида сақланаётган мулкнинг умумий миқдори олинади ва у харажатлар суммасига бўлинади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

**Корхоналарнинг  
иқтисодий хавфсизлигига  
сарфланган харажатларнинг  
мулкни сақлаш билан  
боғлиқ самарадорлиги**

**Сақланаётган мулкнинг  
умумий миқдори**

---

**Иқтисодий хавфсизликни  
таъминлашга сарфланган  
харажатлар**

Мазкур формулага амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ечадиган бўлсак, корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига сарфланган харажатларнинг мулкни сақлаш билан боғлиқ самарадорлиги бўйича аниқ ҳулосаларга келиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки,

таҳлил жараёнида бир канча йиллар бўйича динамикаси ўрганилса, унинг ўзгариш тенденцияси аниқланади. Бу корхона раҳбарига аниқ йўналишни белгилаш учун асос бўлади. Шу туфайли унинг бир канча йиллардаги динамикаси қуйидаги ҳолатга эга бўлади (3.5-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига сарфланган харажатларнинг мулкни сақлаш билан боғлиқ самарадорлиги 2007-2018 йиллар давомида узлуксиз пасайиб борган. 2007 йилда 1 минг сўм иқтисодий хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатларга 255,4 минг сўм тўғри келган бўлса, 2018 йилда 217,7 минг сўм тўғри келган, Яъни бу курсаткич 85,2% гача камайган. Бу бевосита сақланаётган объектнинг қиймати ўсишидан катъий назар мазкур харажатларнинг миқдори ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Жумладан, таҳлил қилинаётган даврда сақланаётган мулкнинг умумий

### 3.5.-жадвал

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖда иқтисодий хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатлар самарадорлигининг 2007-2018 йиллардаги динамикаси<sup>62</sup>**

| Йил-лар | Сақланаётган мулкнинг умумий миқдори |                    | Иқтисодий хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатлар |                    | Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига сарфланган харажатларнинг мулкни сақлаш билан боғлиқ самарадорлиги |                    |
|---------|--------------------------------------|--------------------|----------------------------------------------------------|--------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------|
|         | суммаси, минг сўм                    | ўзгариш суръати, % | суммаси, минг сўм                                        | ўзгариш суръати, % | суммаси, минг сўм                                                                                         | ўзгариш суръати, % |
| 2007    | 327739,1                             | 100,0              | 1283,4                                                   | 100,0              | 255,4                                                                                                     | 100,0              |
| 2008    | 370707,9                             | 113,1              | 1465,6                                                   | 114,2              | 252,9                                                                                                     | 99,0               |
| 2009    | 359360,6                             | 109,6              | 1649,2                                                   | 128,5              | 217,9                                                                                                     | 85,3               |
| 2010    | 377624,2                             | 115,2              | 1790,3                                                   | 139,5              | 210,9                                                                                                     | 82,6               |
| 2011    | 382135,0                             | 116,6              | 1940,5                                                   | 151,2              | 196,9                                                                                                     | 77,1               |
| 2012    | 397569,4                             | 120,7              | 2253,6                                                   | 175,6              | 176,4                                                                                                     | 69,1               |
| 2013    | 494252,0                             | 150,8              | 2610,4                                                   | 203,4              | 189,3                                                                                                     | 74,1               |
| 2014    | 520775,8                             | 158,9              | 3163,6                                                   | 246,5              | 164,6                                                                                                     | 64,4               |
| 2015    | 528970,9                             | 161,4              | 3245,4                                                   | 252,9              | 163,0                                                                                                     | 63,8               |
| 2016    | 634765,1                             | 193,6              | 3417,9                                                   | 266,3              | 185,7                                                                                                     | 72,7               |
| 2017    | 698241,6                             | 213,0              | 3501,0                                                   | 272,8              | 199,4                                                                                                     | 78,1               |
| 2018    | 782030,6                             | 238,6              | 3591,0                                                   | 279,8              | 217,7                                                                                                     | 85,2               |

<sup>62</sup> Манба: Хизмат кўрсатиш корхонасининг 2007-2018 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси.

миқдори 238,6%га кўпайган бўлса, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатларнинг миқдори 279,8%га ўсганлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш тезлигининг коэффициенти 1,17 ни (279,8: 238,6) ташкил қилади. Булардан кўриниб турибдики, хавфсизлик хизматиға кетадиган харажатлар сақланадиган мулкнинг миқдорига бевосита боғлиқ эмас экан. Чунки, сақланадиган мулклардан ташқари хавфсизликни таъминлаш билан билан жараёнлар жуда кўп. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар, хомашё ва материаллар билан барқарор таъминланиш жараёни, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишгача бўлган даврдаги сақланиш ва уларнинг бутлигини таъминлаш жараёнлари шулар жумласидандир.

Навбатдаги кўрсаткич сифатида корхонанинг сотилган маҳсулотини хавфсизликка кетган харажатлар суммасига бўлиш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун эса, қуйидаги формула тавсия қилинади:

**Корхоналарнинг иқтисодий  
хавфсизлигига сарфланган  
харажатларнинг сотилган  
маҳсулот билан боғлиқ  
самарадорлиги**

**Корхонанинг сотилган  
маҳсулотини**

**Иқтисодий хавфсизликни  
таъминлашга сарфланган  
харажатлар**

Биз тавсия қилган кўрсаткични аниқлаш бўйича келтирилган формуланинг амалиётда қўлланилишини таъминлаш учун, уларга аниқ маълумотларни қўллаб масалани ечиш йўллари кўриб чиқамиз. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз ва унда кўрсаткичларнинг 2000-2007 йиллар динамикаси олиними кўзда тутилди. Чунки ахборотларнинг кўп йилга келтирилиши хулосани анча ойдинлаштиради (3.6-жадвал).

## 3.6-жадвал

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖда иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга сарфланган харажатларнинг сотилган маҳсулот билан боғлиқ самарадорлигининг 2007-2018 йиллардаги динамикаси<sup>63</sup>**

| Йил-лар | Корхонанинг сотилган маҳсулоти (кўрсатилган хизматлари) ҳажми |                    | Иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга сарфланган харажатлар |                    | Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига сарфланган харажатларнинг сотилган маҳсулот билан боғлиқ самарадорлиги |                     |
|---------|---------------------------------------------------------------|--------------------|-----------------------------------------------------------|--------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------|
|         | суммаси, минг сўм                                             | ўзгариш суръати, % | суммаси минг сўм                                          | ўзгариш суръати, % | суммаси, минг сўм                                                                                             | ўзгариш суръат и, % |
| 2007    | 1135532,1                                                     | 100,0              | 1283,4                                                    | 100,0              | 884,8                                                                                                         | 100,0               |
| 2008    | 1184359,9                                                     | 104,3              | 1465,6                                                    | 114,2              | 808,1                                                                                                         | 91,5                |
| 2009    | 1463868,8                                                     | 123,6              | 1649,2                                                    | 128,5              | 887,6                                                                                                         | 100,3               |
| 2010    | 1730550,9                                                     | 152,4              | 1790,3                                                    | 139,5              | 996,6                                                                                                         | 112,6               |
| 2011    | 1944030,9                                                     | 171,2              | 1940,5                                                    | 151,2              | 1001,8                                                                                                        | 113,2               |
| 2012    | 2252895,6                                                     | 198,4              | 2253,6                                                    | 175,6              | 999,7                                                                                                         | 113,0               |
| 2013    | 2424361,0                                                     | 213,5              | 2610,4                                                    | 203,4              | 928,7                                                                                                         | 105,0               |
| 2014    | 2544727,4                                                     | 224,1              | 3163,6                                                    | 246,5              | 804,4                                                                                                         | 90,9                |
| 2015    | 2644654,3                                                     | 232,9              | 3245,4                                                    | 252,9              | 814,9                                                                                                         | 92,1                |
| 2016    | 2956634,4                                                     | 260,3              | 3417,9                                                    | 266,3              | 865,0                                                                                                         | 97,7                |
| 2017    | 3026216,6                                                     | 266,5              | 3501,0                                                    | 272,8              | 864,4                                                                                                         | 97,8                |
| 2018    | 3624660,6                                                     | 319,2              | 3591,0                                                    | 279,8              | 1009,4                                                                                                        | 114,1               |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг сотилган маҳсулоти 2007-2018 йиллар давомида узлуксиз равишда ўсиш тенденциясига эга. Шу даврда унинг ўсиш суръати 319,2%ни, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга сарфланган харажатлар 279,8%ни ташкил қилмоқда. Ушбу харажатларнинг ўсиш суръати маҳсулотнинг ўсиш суръати охириги йилга келиб, нисбатан юқори. Мазкур корхонада 2007 йилда 2013 йилгача сотилган маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати (213,5%) корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга сарфланган харажатларнинг ўсиш суръатига нисбатан (203,4 %) юқори бўлган. Натижада мазкур харажатларнинг самарадорлиги ҳам турли тенденцияга эга. 2008 йилда самарадорлик 2007 йилга нисбатан камайган. Ва унинг миқдори 91,5 %ни ташкил қилган. 2007 йилда 2011 йилгача

<sup>63</sup> Манба: Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг 2006-2008 йиллар ҳисоботлари асосида муваффиқ ишланмаси

самарадорликнинг ошиши кузатишган ва 113,2 %ни ташкил қилган. 2005 йилдан бошлаб яна камайган ва 2007 йилга келиб, 2014 йилга нисбатан 90,9 % га, 2015 йилда эса 92,1% га тенг бўлиб қолган. Бундай ҳолат шуни кўрсатадики, хавфсизлик учун сарфланаётган харажатлар корхонанинг асосий кўрсаткичлари ўзгариши билан бевосита боғлиқ эмас экан. Корхоналарнинг хавфсизлигига кетадиган харажатларнинг миқдори ва уларнинг самарадорлиги ушбу тизим барқарор равишда ишга тушган сезиларли даражада тенденцияга эга бўлади.

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигига кетган харажатлар рентабеллиги билан боғлиқ самарадорлигини аниқлаш учун унинг ҳисобот даврида олган соф фойдасидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

| <p><b>Корхоналарнинг<br/>иқтисодий хавфсизлигига<br/>сарфланган<br/>харажатларнинг<br/>рентабеллиги</b></p> | <p><b>Корхонанинг соф фойдаси</b></p>                                          |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                                             | <p><b>Иқтисодий хавфсизликни<br/>таъминлашга сарфланган<br/>харажатлар</b></p> |

Ушбу кўрсаткични ҳам аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда баҳолаш ва таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (3.7-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига сарфланган харажатларнинг рентабеллиги ҳам 2007-2018 йиллар давомида камайиш тенденциясига эга бўлган. Шу даврда унинг миқдори 89,3 %ни ташкил қилади. Ушбу харажатлар рентабеллиги ҳам 2001 йилда 2003 йилгача ўсиш тенденциясига эга бўлган, аммо 2004 йилдан бошлаб ушбу жараён учун кетган харажатлар самарадорлиги муттасил камайиш тенденциясига эга бўлган. 2007 йилда 2000 йилга нисбатан хавфсизликни таъминлашга кетган харажатлар рентабеллиги 85,2 %ни, 2008 йилда эса 89,3%ни ташкил қилади. Бу ерда ҳам соф фойданинг ўсиш суръати хавфсизликка кетган харажатларга нисбатан анча орқада қолган. Харажатлар шу даврда 252,9 %га ўсган бир пайтда соф фойданинг миқдори 225,5 %га ўсган ҳолос. Булардан кўриниб турибдики, корхонанинг

3.7-жадвал

**“ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖда иктисодий хавфсизлигини таъминлашга сарфланган харажатлар рентабеллигининг 2007-2018 йиллардаги динамикаси<sup>64</sup>**

| Йил-лар | Корхонанинг соф фойдаси |                    | Иктисодий хавфсизлигини таъминлашга сарфланган харажатлар |                    | Корхоналарнинг иктисодий хавфсизлигига сарфланган харажатларининг рентабеллиги |                    |
|---------|-------------------------|--------------------|-----------------------------------------------------------|--------------------|--------------------------------------------------------------------------------|--------------------|
|         | суммаси, минг сўм       | ўзгариш суръати, % | суммаси, минг сўм                                         | ўзгариш суръати, % | суммаси, минг сўм                                                              | ўзгариш суръати, % |
| 2007    | 50190,5                 | 100,0              | 1283,4                                                    | 100,0              | 39,1                                                                           | 100,0              |
| 2008    | 53414,6                 | 106,4              | 1465,6                                                    | 114,2              | 36,4                                                                           | 93,2               |
| 2009    | 68362,7                 | 136,2              | 1649,2                                                    | 128,5              | 41,5                                                                           | 106,0              |
| 2010    | 88431,2                 | 176,2              | 1790,3                                                    | 139,5              | 49,4                                                                           | 126,3              |
| 2011    | 86120,6                 | 171,6              | 1940,5                                                    | 151,2              | 44,4                                                                           | 113,5              |
| 2012    | 88313,5                 | 176,0              | 2253,6                                                    | 175,6              | 39,2                                                                           | 100,2              |
| 2013    | 99641,2                 | 198,5              | 2610,4                                                    | 203,4              | 38,2                                                                           | 97,6               |
| 2014    | 105351,7                | 209,9              | 3163,6                                                    | 246,5              | 33,3                                                                           | 85,2               |
| 2015    | 113191,2                | 225,5              | 3245,4                                                    | 252,9              | 34,9                                                                           | 89,3               |
| 2016    | 128246,6                | 255,5              | 3417,9                                                    | 266,3              | 37,5                                                                           | 95,9               |
| 2017    | 116800,0                | 232,7              | 3501,0                                                    | 272,8              | 33,4                                                                           | 85,4               |
| 2018    | 140049,8                | 279,3              | 3591,0                                                    | 279,8              | 39,0                                                                           | 99,7               |

хавфсизлигини таъминлашга кетган харажатлар барча иктисодий кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлган.

Корхонада кейинги йилларда, айниқса 2014-2017 йилларда иктисодий хавфсизлик хизматининг моддийтехника базасини мустаҳкамлаш масаласи турди. Шу туфайли ушбу харажатларнинг самарадорлиги биров пасайиш тенденциясига эга бўлди. Одатда ушбу кўрсаткичлар самарадорлиги ҳам узок муддатга мўлжалланган бўлади. Бу харажатлар бирданига самара бермаслиги тайин. Улар корхонанинг келажаги учун қилинаётган инвестицион харажатлардир.

Корхоналар фаолиятини баҳолашда албатта хавфсизлик билан боғлиқ кўрсаткичларга ҳам баҳо бериш лозим. Пировард натижада хавфсизликнинг самарадорлигини баҳолаш масаласи корхоналарда

<sup>64</sup> Манба: Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг 2007-2018 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси

амалга ошириладиган иқтисодий ишларнинг таркибий қисмига айланиши лозимдир.

Ҳақиқатда бозор муносабатлари шароитида тежамкорлик масаласи иқтисодий дастаклар ичида муҳим масалалардан бири сифатида кўп муаммоларни ҳал қилиши мумкин. Аммо тежамкорликни нималар эвазига ва фаолиятнинг қайси бўғинларида амалга ошириш лозимлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли, корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган харажатларни тежаб бўлмайди. Бундай харажатлар агарда корхонанинг ҳақиқий хавфсизлигини таъминласа, уларнинг қайтими, самараси жуда катта бўлади. Бундай самарадорликни ўлчашнинг ҳозирча имкони етарли бўлмаслиги ҳам мумкин. Келажакда ахборот манбаларининг такомиллашуви ушбу муаммони ҳал қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Хуллас, булардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бугунги кунда ва келажакда корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини, уларнинг эркин рақобат шароитида яшовчанлиги ва барқарор тараққиётини таъминлаш бир томондан объектив зарурият бўлса, иккинчи томондан уни таъминлаш ҳам корхонадан бирмунча харажатларни талаб қилади. Бу харажатлар ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятларни амалга оширишга кетадиган харажатлардан аҳамияти жиҳатидан кам бўлмаган харажатлардир. Шу туфайли корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар ҳали талайгина, уларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш бугунги кунда ўта долзарблигича қолмоқда.

### **3.3. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигига кетадиган харажатлар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари**

Корхоналар хавфсизлиги бевосита маълум даражада харажатлар билан боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида бундай харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларни тежашга етарлича аҳамият бериш лозимдир. Албатта харажатлар сарф қилинади. Бу жараёнга бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Шу омилларни аниқлаш таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Корхонанинг хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар жуда кўп. Аммо таҳлилнинг вазифаси шу омилларни аниқлаш ва таъсир даражасини ҳисоблаш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Корхонанинг умумий харажатлари ( $\chi$ ) ўзгаришига бир канча омиллар таъсир қилади. Булар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхонада банд бўлган ходимларнинг умумий сони ( $w$ );
- корхонада хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши ( $\mu$ );
- битта хавфсизлик хизмати ходимига тўғри келадиган харажатлар миқдори ( $\xi$ );

Корхонанинг умумий харажатлари ( $\chi$ ) билан унга таъсир этувчи юқорида таъкидланган омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\chi = w * \mu * \xi ;$$

Таҳлил жараёни ҳар бир кўрсаткичнинг фарқини аниқланишдан бошланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta \chi = (w_1 * \mu_1 * \xi_1) - (w_0 * \mu_0 * \xi_0) ;$$

Ушбу натижа ўзгаришига юқорида келтирилган учта омилларнинг таъсирини аниқлаш учун иқтисодий занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиб аниқлаш йўлини кўриб чиқамиз. Бу ҳолда омиллар таъсири қуйидагича аниқланади:

1. Корхоналар хавфсизлигига кетадиган харажатлар ўзгаришига корхонада банд бўлган ходимларнинг умумий сонининг таъсирини аниқлаш ( $\Delta \chi_w$ ) учун натижа кўрсаткичи шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланиб олинади ( $w_1 * \mu_0 * \xi_0$ ) ва ундан натижанинг режадаги миқдори айрилади ( $w_0 * \mu_0 * \xi_0$ ). Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta \chi_w = (w_1 * \mu_0 * \xi_0) - (w_0 * \mu_0 * \xi_0) ;$$

2. Корхоналар хавфсизлигига кетадиган харажатлар ўзгаришига иккинчи омил, яъни корхонада хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган ходимларнинг умумий ходимлардаги улушининг таъсирини аниқлаш ( $\Delta \chi_\mu$ ) учун натижа кўрсаткичи шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланиб олинади ( $w_1 * \mu_1 * \xi_0$ ) ва ундан натижанинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори айрилади ( $w_1 * \mu_0 * \xi_0$ ). Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta \chi_\mu = (w_1 * \mu_1 * \xi_0) - (w_1 * \mu_0 * \xi_0) ;$$

3. Корхоналар хавфсизлигига кетадиган харажатлар ўзгаришига битта хавфсизлик хизмати ходимига тўғри келадиган харажатлар миқдорининг таъсирини аниқлаш ( $\Delta \chi_\xi$ ) учун натижа кўрсаткичи шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланиб олинади ( $w_1 * \mu_1 * \xi_1$ ) ва ундан натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта

ҳисобланган миқдори айрилади ( $w_1 * \mu_1 * \xi_0$ ). Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta \chi_z = (w_1 * \mu_1 * \xi_1) - (w_1 * \mu_1 * \xi_0);$$

Барча ҳисобланган учта омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига (фарқи) тенг бўлиши лозим. Буни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta \chi = \Delta \chi_w \pm \Delta \chi_z \pm \Delta \chi_\xi;$$

Таҳлил жараёнида ушбу омилларнинг натижа ўзгаришига таъсирини аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда ечиш усуллари кўрсатиб бериш лозим. Бу унинг муҳим вазифалардан биридир.

Мазкур таҳлил усулини Самарқанд туманида жойлашган маиший хизмат корхонаси мисолида кўриб чиқамиз. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (3.8-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан корхонанинг умумий харажатлари 109,8 %га ошган. Бироқ, хавфсизликни таъминлашга кетган харажатларнинг ўсиш суръати унинг умумий харажатлари ўсиш суръатига нисбатан бир мунча кам, яъни шу даврда унинг миқдори 107,8 %ни ташкил қилади. Аммо корхонада банд бўлган ходимларнинг умумий сонига нисбатан бу ерда, хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган ходимларнинг ўзгариш суръ-атида ушбу ҳолатнинг тескариси рўй берган. Жумладан, корхонада банд бўлган ходимларнинг умумий сони ҳисобот даврида 110,4 %га ўсган бўлса, хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган ходимларнинг ўзгариш суръати 114,3 %ни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткичнинг жадаллик даражаси 1,035 коэффициентга ( $114,3 : 110,4$ ) тенг.

Корхонада хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши ошган. Ўтган йилда унинг миқдори 10,45 %ни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йилида 10,81 %га тенг бўлган. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 103,4 %ни ташкил қилади. Корхонада хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган ходимларнинг ўсиши эвазига битта хавфсизлик хизмати ходимига тўғри келадиган умумий харажатлар миқдори камайган ва унинг ўзгариш суръати 96,1 %ни ташкил қилади.

3.8.-жадвал

Самарқанд туманида жойлашган “Навбахор” маиший хизмат кўрсатиш уюшмасида умумий харажатлар суммасининг (х) ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар миқдорини аниқлаш ҳисоб-китоби<sup>65</sup>

| т/р                     | Кўрсаткичлар                                                                                                     | Ўтган<br>2007<br>йил | Ҳисобот<br>2011 йили | Фарқи<br>(+,-) | Ўзгар<br>иш<br>суръа<br>ти, % |
|-------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|----------------------|----------------|-------------------------------|
| <b>Мутлақ миқдорлар</b> |                                                                                                                  |                      |                      |                |                               |
| 1.                      | Корхонада банд бўлган ходимларнинг умумий сони (w), киши                                                         | 134                  | 148                  | +14            | 110,4                         |
| 2.                      | Корхонада хавфсизлик хизмати билан шугулланадиган ходимлар, киши                                                 | 14                   | 16                   | +2             | 114,3                         |
| 3.                      | Хавфсизликни таъминлашга кетган харажатлар миқдори, минг сўм                                                     | 7834,7               | 8442,9               | +608,2         | 107,8                         |
| 4.                      | Корхонанинг умумий харажатлари (х), минг сўм                                                                     | 657840,3             | 722317,6             | +64477,3       | 109,8                         |
| <b>Нисбий миқдорлар</b> |                                                                                                                  |                      |                      |                |                               |
| 5.                      | Корхонада хавфсизлик хизмати билан шугулланадиган ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши (μ), % (2к : 1к * 100)  | 10,45                | 10,81                | +0,36          | 103,4                         |
| 6.                      | Битта хавфсизлик хизмати ходимига тўғри келадиган умумий харажатлар миқдори (ξ), минг сўм (4к : 2к)              | 46988,6              | 45148,2              | -1840,4        | 96,1                          |
| 7.                      | Корхонанинг умумий харажатларида (х) хавфсизликни таъминлашга кетган харажатлари улуши, % (3к:4к*100)            | 1,1910               | 1,1689               | -0,0221        | 98,1                          |
| 8.                      | Битта хавфсизлик ходимига тўғри келадиган хавфсизликни таъминлашга кетган харажатлар суммаси, минг сўм (3к : 2к) | 559,6                | 527,7                | -31,9          | 94,3                          |

Худди шундай ҳолатни корхонанинг умумий харажатларида хавфсизликни таъминлашга кетган харажатлари улуши бўйича ҳам кузатиш мумкин. Мазкур кўрсаткичнинг миқдори ҳам камайган ва ўтган йилга нисбатан 98,1 %га тенг бўлган. Шунга мос равишда битта

<sup>65</sup> Маълумот: “Навбахор” маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг 2007-2011 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси

хавфсизлик ходимига тўғри келадиган хавфсизликни таъминлашга кетган харажатлар суммаси ҳам таҳлил даврида камайган ва унинг ҳам ўзгариш суръати 94,3 %га тенг бўлган. Харажатларнинг, шу жумладан хавфсизликни таъминлашга кетган харажатларнинг ҳам киши бошига камайиши мазкур корхонада ижобий ҳолат, деб баҳолаш мумкин. Аммо булар нималар эвазига содир бўлганлигини билиш учун ушбу ўзгаришларга таъсир қилувчи омилларни ҳам аниқлаш ва ҳисоблаш тақозо қилинади. Бунинг учун юқорида келтирилган омиллар таъсири ҳисобланади ва қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (3.9-жадвал).

**3.9-жадвал**

**Самарқанд туманида жойлашган “Навбаҳор” манший хизмат кўрсатиш уюшмасида умумий харажатлар суммасининг (х) ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби<sup>66</sup>**

| т/р | Кўрсаткичлар                                                                                      | Ўтган<br>2007<br>йил | Ҳисобот<br>2011<br>йил | Фарқи<br>(+,-) | Занжирли алмаштириш<br>орқали натижа<br>кўрсаткичнинг аниқлаш |          |          |
|-----|---------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|------------------------|----------------|---------------------------------------------------------------|----------|----------|
|     |                                                                                                   |                      |                        |                | 1                                                             | 2        | 3        |
| 1.  | Корхонада банд бўлган ходимлар-нинг умумий сони (w), киши                                         | 134                  | 148                    | +14            | 148                                                           | 148      | 148      |
| 2   | Корхонада хавфсизлик хизмати билан шуғуллана-диган ходимлар-нинг умумий ҳодимлардаги улуши (u), % | 10,45                | 10,81                  | +0,36          | 10,45                                                         | 10,81    | 10,81    |
| 3.  | Битта хавфсизлик хизмати ходимига тўғри келадиган харажатлар миқ-дори (g), минг сўм               | 46988,6              | 45148,2                | -1840,4        | 46988,6                                                       | 46988,6  | 45148,2  |
| 4.  | Корхонанинг умумий харажат-лари (х), минг сўм                                                     | 657840,3             | 722317,6               | +64477,3       | 726725,7                                                      | 751761,2 | 722317,6 |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ҳисобот даврида корхонанинг умумий харажатлари 64477,3 минг сўмга кўпайган. Бу харажатларга бир қанча омиллар таъсир қилади. Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш учун юқорида келтирилган таҳлилнинг анъанавий усулларида бири бўлган занжирли

<sup>66</sup> Манба: “Навбаҳор” манший хизмат кўрсатувчи корхонанинг 2007-2011 йиллардаги ҳисоботлари асосида муавлиф ишланмаси.

алмаштириш усулидан фойдаланишни тавсия қиламиз. Бунда омиллар таъсири қуйидагича аниқланади.

1. Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи биринчи омил корхонада банд бўлган ходимларнинг умумий сони ҳисобланади. Ушбу омил миқдорининг ошиши харажатлар суммасининг 68885,4 минг сўмга кўпайишига олиб келган:

$$726725,7 - 657840,3 = + 68885,4 \text{ минг сўм.}$$

2. Корхонада хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши унинг умумий харажатларига таъсир қилувчи иккинчи омилдир. Мазкур омил эвазига натижа кўрсаткичи 25035,5 минг сўмга ошган:

$$751761,2 - 726725,7 = + 25035,5 \text{ минг сўм.}$$

3. Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири битта хавфсизлик хизмати ходимига тўғри келадиган харажатлар миқдоридир. Ушбу омилнинг таъсири ҳисобот даврида ижобий бўлган, яъни ушбу кўрсаткичнинг камайиши корхонанинг умумий харажатларини 29443,6 минг сўмга камайишига олиб келган:

$$722317,6 - 751761,2 = - 29443,6 \text{ минг сўм.}$$

Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенглигини кўрамиз:

$$68885,4 + 25035,5 - 29443,6 = + 64477,3 \text{ минг сўм}$$

Таҳлил натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳисобот даврида мазкур корхонанинг умумий харажатларини камайтириш бўйича айрим ички имкониятлари мавжуд экан. Хусусан, ҳисобот даврида ходимлар сонини кўпайтирмаганида корхонанинг умумий харажатлари 68885,4 минг сўмга камайган, яъни тежалган бўлар эди. Корхонада хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши ҳам ошганлиги эвазига натижа кўрсаткичи, яъни харажатларнинг умумий миқдори 25035,5 минг сўмга ошган. Агарда ушбу имкониятлар ишга тушириладиган бўлса, корхонанинг умумий харажатлари 93920,9 минг сўмга (68885,4 + 25035,5) камайган бўлар эди. У ҳолда корхонанинг умумий харажатлари 722317,6 минг сўм эмас, балки 628396,7 минг сўмга тенг (722317,6 - 93920,9) бўлган бўлар эди.

Бозор муносабатлари шароитида барча харажатлар сингари хавфсизликка кетадиган харажатларнинг ҳам самарадорлигини таъминлаш лозим. Ушбу жараёни таъминлашга кетадиган харажатлар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар бир қанча. Фақат

уларни топиш ва таъсирини аниқ маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилиш лозим.

Бизнинг фикримизча, корхоналар хавфсизлигига кетадиган харажатлар самарадорлигига ( $\epsilon$ ) қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- активлар самарадорлиги ( $\alpha$ );
- битта хавфсизлик хизмати ходимларига тўғри келадиган қўриқланадиган активлар ( $\beta$ );
- хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси ( $\mu$ );
- бир минг сўм хавфсизликка кетадиган харажатларга тўғри келадиган умумий ходимлар сони ёки умумий ходимларнинг хавфсизликка кетадиган харажатлар билан таъминланганлик даражаси ( $\xi$ ).

Ушбу омилларнинг натижага таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формлани тавсия қиламиз:

$$\epsilon = \alpha * \beta * \mu * \xi ;$$

Таҳлил жараёнида ҳар қандай кўрсаткич сингари ушбу кўрсаткичнинг ҳам фарқи аниқланишдан бошланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta\epsilon = \alpha_1 * \beta_1 * \mu_1 * \xi_1 - \alpha_0 * \beta_0 * \mu_0 * \xi_0 ;$$

Натижа ўзгаришига юқорида келтирилган тўртта омилларнинг таъсирини аниқлаш учун иқтисодий тақлилнинг бир канча анъанавий усулларида фойдаланиш мумкин. Мазкур ҳолатда таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиб аниқлаш йўлини кўриб чиқишни тавсия қиламиз. Бу ҳолда омиллар таъсири қуйидагича аниқланади:

1. Корхоналар хавфсизлигига кетадиган харажатлар самарадорлиги ўзгаришига активлар самарадорлиги ўзгаришининг таъсирини аниқлаш ( $\Delta\epsilon\alpha$ ) учун натижа кўрсаткичи шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланиб олинади ( $\alpha_1 * \beta_0 * \mu_0 * \xi_0$ ) ва ундан натижанинг режадаги миқдори айрилади ( $\alpha_0 * \beta_0 * \mu_0 * \xi_0$ ). Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta\epsilon\alpha = \alpha_1 * \beta_0 * \mu_0 * \xi_0 - \alpha_0 * \beta_0 * \mu_0 * \xi_0 ;$$

2. Корхоналар хавфсизлигига кетадиган харажатлар самарадорлиги ўзгаришига битта хавфсизлик хизмати ходимига тўғри келадиган қўриқланадиган активларнинг таъсирини аниқлаш ( $\Delta\epsilon\beta$ ) учун натижа кўрсаткичи шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланиб олинади ( $\alpha_1 * \beta_1 * \mu_0 * \xi_0$ ) ва ундан натижанинг биринчи омили ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори айрилади ( $\alpha_1 * \beta_0 * \mu_0 * \xi_0$ ). Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta \epsilon \beta = \alpha_1 * \beta_1 * \mu_0 * \xi_0 - \alpha_1 * \beta_0 * \mu_0 * \xi_0;$$

3. Корхоналар хавфсизлигига кетадиган харажатлар самарадорлиги ўзгаришига хавфсизлик хизмати билан шугулланадиган ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссасининг таъсирини аниклаш ( $\Delta \epsilon \mu$ ) учун натижа кўрсаткичи шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланиб олинади ( $\alpha_1 * \beta_1 * \mu_1 * \xi_0$ ) ва ундан натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори айрилади ( $\alpha_1 * \beta_1 * \mu_0 * \xi_0$ ). Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta \epsilon \mu = \alpha_1 * \beta_1 * \mu_1 * \xi_0 - \alpha_1 * \beta_1 * \mu_0 * \xi_0;$$

4. Корхоналар хавфсизлигига кетадиган харажатлар самарадорлиги ўзгаришига бир минг сўм хавфсизликка кетадиган харажатларга тўғри келадиган умумий ходимлар сони ёки умумий ходимларнинг хавфсизликка кетадиган харажатлар билан таъминланганлик даражасининг таъсирини аниклаш ( $\Delta \epsilon \xi$ ) учун натижа кўрсаткичи шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланиб олинади ( $\alpha_1 * \beta_1 * \mu_1 * \xi_1$ ) ва ундан натижанинг учинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори айрилади ( $\alpha_1 * \beta_1 * \mu_1 * \xi_0$ ). Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta \epsilon \xi = \alpha_1 * \beta_1 * \mu_1 * \xi_1 - \alpha_1 * \beta_1 * \mu_1 * \xi_0;$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг бўлиши лозим. Буни аниклаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta \epsilon = \Delta \epsilon \alpha \pm \Delta \epsilon \beta \pm \Delta \epsilon \mu \pm \Delta \epsilon \xi;$$

Таҳлилнинг навбатдаги вазифаси ушбу назарий масалаларни амалиётда қўллаш ва аниқ маълумотлар асосида келтирилган омилларни ҳисоб-китоб қилиш ҳисобланади.

Буни амалга ошириш учун натижа кўрсаткичи билан омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниклаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (3.10-жадвал).

## 3.10-жадвал

Самарканд туманида жойлашган “Навбахор” маиший хизмат кўрсатиш уюшмасида хавфсизликка кетадиган харажатлар самарадорлиги (€) ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар миқдорини аниқлаш ҳисоб-китоби<sup>67</sup>

| T/p                     | Кўрсаткичлар                                                                                                  | Ўтган<br>2007 йил | Ҳисобот<br>2011 йили | Фарқи<br>(+,-) | Ўзгариш<br>суръати,<br>% |
|-------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|----------------------|----------------|--------------------------|
| <b>Мутлақ миқдорлар</b> |                                                                                                               |                   |                      |                |                          |
| 1.                      | Корхонада қўриқланадиган активларининг умумий суммаси, минг сўм                                               | 409625,9          | 431524,7             | +21898,8       | 105,3                    |
| 2.                      | Ходимларнинг умумий сони, киши                                                                                | 134               | 148                  | +14            | 110,4                    |
| 3.                      | Хавфсизлик хизмати билан шуғуллунадиган ходимлар сони, киши                                                   | 14                | 16                   | +2             | 114,3                    |
| 4.                      | Хавфсизликни таъминлашга кетадиган харажатлар суммаси, минг сўм                                               | 7834,7            | 8442,9               | +608,2         | 107,8                    |
| 5.                      | Сотилган маҳсулотнинг умумий ҳажми, минг сўм                                                                  | 840552,3          | 998548,2             | +157995,9      | 118,8                    |
| <b>Нисбий миқдорлар</b> |                                                                                                               |                   |                      |                |                          |
| 1.                      | Активлар самарадорлиги, минг сўм (5к : 1к)                                                                    | 2,052             | 2,314                | +0,262         | 112,8                    |
| 2.                      | Битта хавфсизлик хизмати ходимларига тўғри келадиган қўриқланадиган активлар (В), минг сўм (1к : 3к)          | 29259,0           | 26970,3              | -2288,7        | 92,2                     |
| 3.                      | Хавфсизлик хизмати билан шуғуллунадиган ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси (и), коэффициентда (3к : 2к) | 0,1045            | 0,1081               | +0,0036        | 103,4                    |
| 4.                      | Бир млн. сўм хавфсизликка кетадиган харажатларга тўғри келадиган умумий ходимлар сони (Е), киши (2к : 4к)     | 17,103            | 17,530               | +0,427         | 102,5                    |
| 5.                      | Корхона хавфсизлигига кетадиган харажатлар самарадорлиги (€), (5к : 4к)                                       | 107,3             | 118,3                | +11,0          | 110,3                    |

<sup>67</sup> Манба: “Навбахор” маиший хизмат кўрсатувчи корхонанинг 2007-2011 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарканд туманида жойлашган маиший хизмат корхонасида хавфсизликка кетадиган харажатлар самарадорлиги билан боғлиқ мутлақ кўрсаткичларнинг ҳаммасида ўсиш жараёни рўй берган. Жумладан, корхонада кўриқланадиган активларининг умумий суммаси таҳлил қилинаётган даврда 105,3%га ошган бўлса, ходимларнинг умумий сони 110,4 %га кўпайган. Характерли жиҳати шундаки, корхонада хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган ходимлар сони барча кўрсаткичларга нисбатан кўпроқ ўсган, яъни унинг ўсиш суръати 114,3%ни ташкил қилади.

Бозор муносабатлари шароитида асосий натижавий кўрсаткич сотилган маҳсулотнинг умумий ҳажми ҳисобланади. Барча кўрсаткичлар шу кўрсаткичнинг ўсиши ва камайишига боғлиқ. Агар шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, ушбу кўрсаткичнинг миқдори 118,8%ни ташкил қилади. Бу нисбатан энг катта миқдордир. Натижа кўрсаткичи юкори бўлиб турган шароитда харажатларнинг ўсиш суръати унга нисбатан кам бўлиши мазкур корхонада самарадорлик юкорилигидан далолат беради.

Бизнинг тадқиқотимиз предмети хавфсизлик билан боғлиқ бўлганлиги туфайли хавфсизликни таъминлашга кетадиган харажатлар самарадорлиги таҳлил манбан ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг самарадорлиги ҳисобот йилида 110,3%га ўсган. Бу яхши натижа. Аммо бу ўз-зидан амалга ошиб қолмайди. Бу кўрсаткич бир қанча омилларга боғлиқ. Шу туфайли ушбу омилларнинг миқдорини ҳам аниқлаб олиш тақозо қилинади.

Улардан бири активлар самарадорлигидир. Мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръати 112,8%ни ташкил қилади. Албатта бу кўрсаткич маълум даражада хавфсизлик билан боғлиқ харажатлар самарадорлигига таъсир қилади. Навбатдаги омил битта хавфсизлик хизмати ходимига тўғри келадиган кўриқланадиган активлар суммаси ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори камайган ва 92,2 %га тенг бўлган. Хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссасининг ўзгариши ҳам хавфсизликни таъминлашга кетган харажатлар самарадорлигига таъсир қилади. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 103,4%га ошган. Худди шу омиллар сингари бир миллион сўм хавфсизликка кетадиган харажатларга тўғри келадиган умумий ходимлар сони ёки умумий ходимларнинг хавфсизликка кетадиган харажатлар билан таъминланганлик даражаси ҳам таҳлил қилинаётган кўрсаткич

Ўзгаришига сезиларли даражада таъсир қилади. Мазкур кўрсаткичнинг миқдори таҳлил қилинаётган даврда 102,5%га ошган.

Бу ўзгаришлар натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик хусусида мантиқан хулоса чиқаришга асос бўлади. Булар тўғрисида аниқ хулоса қилиш учун корхона хавфсизлигига кетадиган харажатлар самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини аниқ ҳисоблаб чиқиш тақозо қилинади. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (3.11-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона хавфсизлигига кетадиган харажатлар самарадорлиги ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 11,0 минг сўмга ошган. Ушбу ўзгаришга жадвалда келтирилган маълумотлар бўйича қарайдиган бўлсак, унга тўртта омил таъсир қилган. Булар қуйидагилардир:

- Корхона хавфсизлигига кетадиган харажатлар самарадорлигининг ўзгаришига активлар самарадорлигининг 0,262 минг сўмга кўпайиши ижобий таъсир қилиб, ушбу харажатлар самарадорлигини 13,7 минг сўмга ошишини таъминлаган:

$$121,0 - 107,3 = + 13,7 \text{ минг сўм.}$$

2. Натижа кўрсаткичи ўзгаришининг иккинчи омили, яъни битта хавфсизлик хизмати ходимига тўғри келадиган кўрикланадиган активларнинг 2288,7 минг сўмга камайиши ушбу харажатлар самарадорлиги миқдорини ҳам 9,5 минг сўмга камайитишга олиб келган:

$$111,5 - 121,0 = - 9,5 \text{ минг сўм.}$$

3. Хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси ҳам ўрганилаётган натижа кўрсаткичига бевосита таъсир қилади. Мазкур омилнинг 0,0036 коэффицентга ошганлиги хавф-сизлик билан боғлиқ харажатлар самарадорлигининг ҳам ошганлигидан далолат бериб турибди. Унинг миқдори 3,9 минг сўмни ташкил қилади:

$$115,4 - 111,5 = + 3,9 \text{ минг сўм.}$$

4. Корхонада хавфсизликни таъминлашга кетадиган харажатлар самарадорлигининг ўзгаришига бир миллион сўм хавфсизликка кетадиган харажатларга тўғри келадиган умумий ходимлар сони ёки умумий ходимларнинг хавфсизликка кетадиган харажатлар билан таъминланганлик

**3.11-жадвал**

**Самарканд туманида жойлашган “Навбахор” маиший хизмат кўрсатиш уюшмасида хавфсизликка кетадиган харажатлар самарадорлиги (€) ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби<sup>68</sup>**

| №  | Кўрсаткичлар                                                                                                                                                                          | Ўтган<br>2007<br>йил | Ҳисобот<br>2011<br>йили | Фарқи<br>(+,-) | Занжирли алмаштириш<br>орқали натижа<br>кўрсаткичини аниқлаш |         |         |
|----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|-------------------------|----------------|--------------------------------------------------------------|---------|---------|
|    |                                                                                                                                                                                       |                      |                         |                | 1                                                            | 2       | 3       |
| 1. | Активлар самарадорлиги (α)                                                                                                                                                            | 2,052                | 2,314                   | +0,262         | 2,314                                                        | 2,314   | 2,314   |
| 2. | Битта хавфсизлик хизмати ходимларига тўғри келадиган кўрқиланадиган активлар (β)                                                                                                      | 29259,0              | 26970,3                 | -2288,7        | 29259,0                                                      | 26970,3 | 26970,3 |
| 3. | Хавфсизлик хизмати билан шугулланадиган ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси (μ)                                                                                                  | 0,1045               | 0,1081                  | +0,0036        | 0,1045                                                       | 0,1045  | 0,1081  |
| 4. | Бир миллион сўм хавфсизликка кетадиган харажатларга тўғри келадиган умумий ходимлар сони ёки умумий ходимларнинг хавфсизликка кетадиган харажатлар билан таъминланганлик даражаси (ε) | 17,103               | 17,530                  | +0,427         | 17,103                                                       | 17,103  | 17,103  |
| 5. | Корхона хавфсизлигига кетадиган харажатлар самарадорлиги (€)                                                                                                                          | 107,3                | 118,3                   | +11,0          | 121,0                                                        | 111,5   | 115,4   |

даражасининг ўзгариши ҳам таъсир қилади. Ушбу омилнинг 0,427 кишига кўпайиши натижа кўрсаткичининг 2,9 минг сўмга ошишига олиб келган:

<sup>68</sup> Манба: Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг 2007-2011 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси.

$$118,3 - 115,4 = + 2,9 \text{ минг сўм}$$

Барча омиллар таъсири натижа кўрсаткичининг умумий ўзгаришига тенг бўлса, корхона менежери ҳисоб-китобни тўғри амалга оширган ва таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ишончли маълумотларга эришган бўлади.

$$17,3 - 13,7 + 3,9 + 2,9 = + 11,0 \text{ минг сўм.}$$

Бизнинг ушбу тавсияларимиз амалга оширилса, яъни улар ўз ечимини амалиётда топса, ўйлаймизки, мазкур тадқиқотлар иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар шаронтида ҳар бир корхонада хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар самарадорлигини оширишда мавжуд ички имкониятларни ахтариб топиш учун асос бўлади ва пировардида иқтисодий ишларнинг такомиллашуви эвазига иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятига эга бўлинади.

### 3-боб бўйича хулоса

Хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар самарадорлиги, уларга таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш ва ички имкониятларни ишга солиш йўллариини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш натижасида бир қанча хулосаларга келинди, назарий ва амалий аҳамиятга молик таклифлар ишлаб чиқилди.

1. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар, хусусан, унинг даражаси, харажатлар самарадорлиги ва уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш бўйича олимларимиз ўртасида илмий тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаган ва шунга мос равишда, иқтисодий адабиётларда ҳам ушбу масала жуда кам ёритилган. Натижада корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ишлар илмий асосда ташкил қилинмаган ва амалиётда ушбу масаланинг кўпгина муаммолари ўз ечимини топмаган.

2. Тадқиқот натижасида иқтисодиёт фанига илк бор корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги нуқтаси деган тушунча киритилди. Бу нуқтада корхоналар фойда ҳам олмайди ва зарар ҳам кўрмайди. Агар фойда олиб бошласа корхона хавфсизлиги мустаҳкамланиб унинг хавфсизлик чегарасида бўлиши ва аксинча, ушбу нуқта зарар томон силжийдиган бўлса, мазкур корхона иқтисодий жиҳатдан хавфли зонага тушиб қолиши мумкинлиги асосланди.

3. Корхонанинг, шу жумладан хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг иқтисодий хавфсизлик даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланди. Тадқиқотлар кўрсатдики, хизмат кўрсатувчи

субъектларнинг иқтисодий хавфсизлик даражасига бир қанча омиллар таъсир қилади. Булар жумласига корхонанинг ўз маблағлари самарадорлиги, мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан қопланиш коэффиценти, фойданинг мажбуриятлар билан қопланиши коэффиценти, харажатлар рентабеллиги кабилар киради. Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш йўллари ишлаб чиқилди.

4. Илмий тадқиқотда хавфсизлиги ўзгаришига бевосита таъсир қилувчи омиллар аниқланди. Мазкур омилларга қуйидагиларнинг кириши асосланди: доимий харажатлар миқдори; ўзгарувчи харажатлар миқдори; сотилган маҳсулот ҳажми; иқтисодий хавфсизлик нуқтасига эришиш лозим бўлган хизматлар миқдори; доимий харажатлар қопланадиган хавфсизлик нуқтасига эришиш лозим бўлган хизматлар миқдори; корхона тўлайдиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдори. Ушбу омилларнинг таъсирини кучайтириш имкониятлари назарий жиҳатдан кўрсатилиб берилди.

5. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга кетган харажатларнинг самарадорлигини битта кўрсаткич билан ифодалаб бўлмайди. Уни тўлиқ ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги илмий жиҳатдан асосланди ва мазкур кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ҳамда ҳар бир кўрсаткични аниқлаш йўллари тавсия қилинди.

6. Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга кетган харажатларнинг самарадорлигини ифодаловчи: корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун сарфланган харажатларнинг самарадорлиги, яъни ушбу харажатларнинг бир сўмига тўғри келадиган хавфсизлик таъминланмаган тақдирда йўқотилиш эҳтимоли бор бўлган маблағларнинг миқдори; корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун сарфланган харажатларнинг мулкни сақлаш билан боғлиқ самарадорлиги; корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун сарфланган харажатларнинг сотилган маҳсулот билан боғлиқ самарадорлиги; корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига сарфланган харажатларнинг рентабеллиги каби кўрсаткичларни аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда баҳолаш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатди, уларнинг ўзгариш суръатида барқарор ўсиш ёки камайиш сезилмайди. Биз таҳлил қилган корхоналарда бир-икки йил камайиш кузатишган, яна бир-икки йил кўпайиш рўй берган ва аксинча. Бундай ҳолат шуни кўрсатадики, корхонанинг

хавфсизлиги билан боғлиқ харажатларни сарфлашда бирорта кўрсаткичга ёки иш натижасига таянил-майди, улар стихияли тарзда амалга оширилади. Бу эса, энг муҳим соҳанинг оқсоқ ҳолда қолиб келаётганлиги, агар бунга муносабат ўзгартирилмаса, келажакда ҳам шудай бўлиб қолишлигидан далолат беради.

7. Мамлакатимизнинг иқтисодиёт фанида илк бор хизмат кўрсатувчи корхоналар хавфсизлигини таъминлашга кетадиган харажатлар самарадорлигини баҳолаш усуллари кўрсатиб берилди ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларини қўллаб таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқилди. Натижада хизмат кўрсатувчи корхоналар хавфсизлигини таъминлашга кетадиган харажатлар самарадорлигини ошириш бўйича мавжуд ички имкониятлар ахтариб топиш усуллари аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда кўрсатиб берилди.

Агарда хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар самарадорлиги, уларга таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш ва ички имкониятларни ишга солиш йўллари бўйича ишлаб чиққан тавсияларимиз амалиётга тадбиқ қилинса, ўйлаймизки, ушбу соҳада ҳам иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масаласи маълум даражада ҳал бўлади, улар юқори самарадорлик билан ишлаш имкониятига эга бўлади.

## **КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ РОЛИ**

### **4.1. Солиқ механизмининг корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги роли ва аҳамияти**

Иқтисодий ҳаётимизни тартибга солишда солиқ механизми муҳим рол ўйнайди. Иқтисодиётнинг ривожланиши солиқ сиёсатида ҳам туб ўзгаришларга олиб келади ва бир вақтнинг ўзида солиқ механизмларини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини туғдиради. Бундай жараён бевосита корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги билан ҳам боғлиқдир. Агар солиқлар ўз вақтида белгиланган миқдорда тўланиб бориlsa, табиийки, корхоналарнинг иқтисодий мустаҳкамлиги таъминланиб унинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланиб боради.

Хавфсизлик хизмати ходимлари, корхонанинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида ва белгиланган миқдорда солиқ тўловини амалга ошириб боришини ҳам назорат қилиши лозим. Чунки, солиқ мазкур солиқ тўловчи субъект фаолияти натижасидаги давлатнинг улуши. Давлатга ўз вақтида солиқлар ва мажбурий туловларни тўлаб бермаслик нафақат солиқ қонунбузарлиги, балки маънавий савиясининг пастлигидан, ўз манфаатини давлат ва жамият манфаатидан устун қўйишликка мойиллиги кучлилигидан далолат беради. Бундай инсонларни ўз вақтида тартибга соладиган мутасаддилар ҳам, бизнинг фикримизча, хавфсизлик хизмати ходимлари зиммасида бўлмоғи лозим.

Солиқ механизмининг корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги ролини очиқ бериш учун қуйидаги кўрсаткичларни таҳлил қилиш лозим бўлади:

- солиққа оид қонунбузарликларга йўл қўйган корхоналарнинг умумий фаолият кўрсатаётган корхоналардаги улуши;
- солиққа оид қонунбузарликларга йўл қўйган корхоналардан ўндирилган солиқ суммасининг умумий солиқ суммасидаги улуши;
- солиққа оид қонунбузарликларга йўл қўйган корхоналардан ўндирилган жарималарнинг умумий солиқ суммасидаги улуши;
- солиққа оид қонунбузарликларга йўл қўйган корхоналардан ўндирилган жарималарнинг қўйлиги эвазига ёпилган субъектларнинг умумий субъектлардаги улуши.

Ушбу кўрсаткичлар маълум даражада туман, ҳудуд, вилоятлар бўйича корхоналарнинг иқтисодий мустаҳкамлигига салбий таъсир қилган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш имконини берадиган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади, деб ўйлаймиз. Чунки, соликка оид қонунбузарликларга йўл қўйган корхоналарнинг умумий фаолияти ва уларнинг корхоналар иқтисодий ҳавфсизлигига таъсири тўғрисида ҳулоса чиқариш учун амалий далил бўлиб ҳисобланади.

Солиқ тўламаслик иқтисодий жиноят, катта қонунбузарлик аломати. Аммо ҳамон ундан қочиш ҳоллари кўплаб учраб турмоқда. Солиқдан қочиш ахир оқибатда корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳавфли ҳолатга тушиб қолишига олиб келади. Чунки, қонунбузарлик билан тежалган солиқни турли йўлларга ишлатиб қўйилади. Аммо у бир кун албатта очилади. Бу эса хўжалик юритувчи субъектга бир қарра тўланадиган солиқ суммасини тўлиқ тўлашга мажбур қилиниши билан бирга яна кўплаб жарима суммасини тўлатишга ҳам мажбур қилади. Натижада корхона банкрот ҳолига тушиб қолиши табиий. Бунинг корхона, давлат, жамият, мулкдор ва меҳнат жамоаси учун нечоғлик зарар эканлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Булардан кўриниб турибдики, солиқ тўловчиларнинг ўз вақтида солиқларни тўлиқ тўлаб боришини таъминлаш учун жуда катта ташкилий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш лозим экан. Бундай механизмлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- рағбат чораси;
- жазо чораси.

Рағбатлантириш чораси интизомли, намунали солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилади. Салиқларни ўз вақтида тўлиқ тўлаб келаётган солиқ тўловчиларни албатта рағбатлантириш лозим. Бунда рағбатлантиришнинг турли усуллари ва шакллари солиқ идораларнинг имкониятларидан ва қўлланилаётган бошқариш усулларида келиб чиққан ҳолда амалга ошириш мумкин. Бунинг учун ҳар бир ҳолатда, унинг мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда рағбатлантириш усулини танлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жазо чораси асосан солиқ қонунбузарлигига йўл қўйган солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилади. Солиқ қонунбузарлигига йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан жазо чоралари етарли даражада ишлаб чиқилган. Аммо солиқ тўланишини назорат қилувчи солиқ инспекцияси ходимларининг нопоклиги оқибатида жуда кўплаб солиқ қонунбузарликларига йўл қўйган субъектлар

жазодан озод бўлиб қолмоқдалар. Уларнинг ўз вақтида тегишли тартибда ва миқдорда солиқ тўламаганликлари солиқ тизмидаги нопок ходимлар томонидан ўзаро келишув натижасида ҳоконуний рағбатлантирилмоқда. Бундай ҳолатлар ҳозирги кунда солиқ амалиётида йўқ эмас, албатта. Булардан кўриниб турибдики, корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий омиллари бевосита солиқ тўловчилар ва солиқ идоралари ходимлари фаолияти билан ҳам боғлиқ экан.

Солиққа оид қонунбузарликлар қатор йиллардан буён сакланиб қолмоқда. Буни биргина Самарқанд тумани мисолида кўришимиз мумкин (4.1-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд туманида солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Уларнинг сони 2012 йилда 241 тани ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 573 тага етди ёки 2,4 баробардан зиёдга ўсди. 2017-2018 йиллардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш чора-тадбирларига оид ислохотларнинг амалга оширилиши уларнинг сонини 2019 йилга келиб 2284 тага етказишга муваффақ бўлинди.

#### 4.1-жадвал

#### Самарқанд туманида солиқ тўловчиларнинг сони ва уларда аниқланган солиққа оид қонунбузарликларнинг 2012-2020 йиллардаги динамикаси<sup>69</sup>

| Йил-лар | Солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар |                    | Солиққа оид қонунбузарликка йўл қўйганлар |                    | Солиққа оид қонунбузарликка йўл қўйганларнинг умумий корхоналардаги улуши, % |
|---------|-------------------------------------------|--------------------|-------------------------------------------|--------------------|------------------------------------------------------------------------------|
|         | сони, бирликда                            | ўзгариш суръати, % | сони, бирликда                            | ўзгариш суръати, % |                                                                              |
| 2012    | 1496                                      | 100%               | 241                                       | 100%               | 16,1                                                                         |
| 2013    | 1364                                      | 91%                | 263                                       | 109%               | 19,3                                                                         |
| 2014    | 1388                                      | 102%               | 254                                       | 96%                | 18,3                                                                         |
| 2015    | 1454                                      | 104%               | 346                                       | 136%               | 23,8                                                                         |
| 2016    | 1580                                      | 109%               | 821                                       | 237%               | 52,0                                                                         |
| 2017    | 2259                                      | 143%               | 734                                       | 89%                | 32,5                                                                         |
| 2018    | 2444                                      | 108%               | 397                                       | 54%                | 16,2                                                                         |
| 2019    | 2184                                      | 89%                | 573                                       | 144%               | 26,2                                                                         |
| 2020    | 2284                                      | 104%               | 84                                        | 14%                | 3,7                                                                          |

<sup>69</sup> Манба: Самарқанд туманида Давлат солиқ инспекциясининг 2012-2020 йиллар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Бунинг 2012 йилга нисбатан 1,5 мартага ва 2013 йилга нисбатан 1,6 мартага ошганлигининг гувоҳи бўламиз. Аммо солиққа оид қонунбузарликка йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектлар сони ҳам ўсиб бормоқда. Бу бўйича энг юқори кўрсаткич 2016 йилда рўй берган ва 2012 йилга нисбатан 3,2 мартага ўсган. 2018 йилга келиб, кескин камайиш рўй берган ва 2019 йилга келиб яна кўтарилиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу ҳолатлар ҳақида тўғри ҳулоса чиқариш учун солиққа оид қонунбузарликка йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий қорхоналардаги улушини аниқладик ва унинг маълумоти бўйича кузатадиган бўлсак, ушбу субъектларнинг улуши камайиш тенденциясига эга. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2012 йилда 16,1%ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб 52,0%гача кўтарилган. Бу бўйича энг паст кўрсаткич 2018 йилда рўй берган ва 16,2 %ни ташкил қилади. Хarakterли жиҳати шундаки, ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2020 йилдаги даражаси кескин камайган. Умуман олганда ҳамон солиқ қонунчилигини бузган ташкилотлар сақланиб қолмоқда. Бунга тўлиқ барҳам бериш лозим.

Ҳозирги кунда солиққа оид қонунбузарликларга йўл қўйган қорхоналардан ўндирилган солиқ суммасининг умумий солиқ суммасидаги улуши юқориликча қолмоқда. Буларнинг мустақилликнинг 28 йиллиги нишонланган бир пайтда ҳам сақланиб қолаётганлигини оқлаб бўлмайди. Бу ҳолат кўрсатадики, ҳали солиқ тўловчиларимизнинг давлат ва жамият олдидаги масъулияти, уларнинг маънавий савияси мустақиллик талаб қиладиган даражада етарли эмас. Бу жараён ҳали солиқ борасида нафақат иқтисодий механизмларни, балки маънавий тадбирларни ҳам такомиллаштиришни талаб қилади. Демак, қорхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга таъсир қилувчи омиллар нафақат иқтисодий, балки маънавий тадбирларни такомиллаштиришга ва уларнинг таъсирчанлигини оширишга ҳам боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Солиқ идоралари фаолиятида ҳар кун ишлаб қонунбузарликлар аниқланмоқда. Уларнинг мавжудлиги ҳам бугунги кунда ижобий ҳолат эмас. Шу туфайли уларнинг миқдорини умумий солиқ суммасига нисбатан қиёслаш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир (4.2-жадвал).

## 4.2-жадвал

**Самарканд туманида солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқлар ва солиқ идоралари томонидан қонунбузарлардан ўндирилган солиқларнинг 2012-2020 йиллардаги динамикаси<sup>79</sup>**

| Йил-лар | Солиқ тўловчилардан тушган солиқлар |                    | Солиққа оид қонунбузарликка йўл қўйганлардан ўндирилган солиқлар |                    | Солиққа оид қонунбузарликка йўл қўйганлардан ўндирилган солиқ суммасининг умумий солиқ суммасидаги улуши, % |
|---------|-------------------------------------|--------------------|------------------------------------------------------------------|--------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|         | суммаси, минг сўм                   | ўзгариш суръати, % | суммаси, минг сўм                                                | ўзгариш суръати, % |                                                                                                             |
| 2012    | 43 714 889,1                        | 100,00             | 310 828,3                                                        | 100,00             | 0,71                                                                                                        |
| 2013    | 54 679 272,0                        | 125,10             | 859 020,6                                                        | 276,40             | 1,57                                                                                                        |
| 2014    | 67 449 888,4                        | 123,40             | 1 417 079,2                                                      | 455,90             | 2,10                                                                                                        |
| 2015    | 75 422 640,9                        | 111,80             | 877 033,9                                                        | 61,90              | 1,16                                                                                                        |
| 2016    | 111 516 315,8                       | 147,90             | 1 024 804,9                                                      | 116,8              | 0,91                                                                                                        |
| 2017    | 109 769 917,8                       | 98,40              | 1 237 180,6                                                      | 120,7              | 1,12                                                                                                        |
| 2018    | 125 848 649,2                       | 114,60             | 845 673,40                                                       | 68,4               | 0,67                                                                                                        |
| 2019    | 218 477 644,2                       | 173,60             | 916 747,90                                                       | 108,4              | 4,19                                                                                                        |

Ушбу жадвал маълумотларининг гувоҳлик беришича, солиқ тўловчилардан тушган солиқлар ошиб бормокда. 2012-2019 йилларда солиқ суммаси 4,9 мартага ўсди, бу солиқ тўловчиларининг сонига нисбатан анча юқори, чуқи уларнинг ўсиш суръати 1,5 мартага тенг эди. Солиққа оид қонунбузарликка йўл қўйган хўжали юритувчи субъектлардан ўндирилган солиқларнинг суммаси шу даврда 2,9 мартага ошган. Бу кўрсатадики, солиққа оид қонунбузарликларнинг ҳажми каттариб бормокда. Солиққа оид қонунбузарликка йўл қўйганлардан ўндирилган солиқ суммасининг умумий солиқ суммасидаги улуши эса кўпайиш тенденциясига эга эканлиги ижобий ҳолат, деб баҳолаш мумкин эмас. Унинг миқдори 2012 йилда 0,75%ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 4,19%га тенг бўлган. Бундай пасайиш тенденцияси кўрсатадики, солиққа оид қонунбузарликка йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектлардан ўндирилган солиқлар миқдори кўпайиши билан, унинг улуши камаймаётганлигидан далолат беради.

Бу борада тўғри хулоса чиқариш учун, қонунбузарликка йўл қўйган субъектларга тўғри келадиган ўндирилган солиқ суммасининг миқдорини аниқлашни тақозо қилади (4.3-жадвал).

<sup>79</sup> Маиба: Самарканд туман давлат солиқ инспекциясининг 2012-2020 йиллар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

## 4.3-жадвал

**Самарқанд туманида солиқ тўловчилар томонидан  
қонунбузарликка йўл қўйган субъектларга тўғри келадиган  
ундирилган солиқ суммасининг 2000-2007 йиллардаги  
динамикаси<sup>71</sup>**

| Йил-<br>лар | Солиққа оид<br>қонунбузарликка йўл<br>қўйганлардан<br>ундирилган солиқлар |                          | Солиққа оид<br>қонунбузарликка йўл<br>қўйганлар |                          | Қонунбузарликка<br>йўл қўйган битта<br>субъектга тўғри<br>келадиган<br>ундирилган солиқ<br>суммаси |
|-------------|---------------------------------------------------------------------------|--------------------------|-------------------------------------------------|--------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|
|             | суммаси,<br>минг сўм                                                      | ўзгариш<br>суръати,<br>% | сони,<br>бирликда                               | ўзгариш<br>суръати,<br>% |                                                                                                    |
| 2012        | 310 828,3                                                                 | 100,00                   | 241                                             | 100                      | 1289,74                                                                                            |
| 2013        | 859 020,6                                                                 | 276,40                   | 263                                             | 109,12                   | 3266,2                                                                                             |
| 2014        | 1 417 079,2                                                               | 455,90                   | 254                                             | 105,39                   | 5579,05                                                                                            |
| 2015        | 877 033,9                                                                 | 282,16                   | 346                                             | 143,56                   | 2534,78                                                                                            |
| 2016        | 1 024 804,9                                                               | 329,70                   | 821                                             | 340,66                   | 1248,23                                                                                            |
| 2017        | 1 237 180,6                                                               | 398,02                   | 734                                             | 304,56                   | 1685,53                                                                                            |
| 2018        | 845 673,40                                                                | 272,07                   | 397                                             | 164,73                   | 2130,15                                                                                            |
| 2019        | 916 747,90                                                                | 294,93                   | 573                                             | 237,75                   | 1599,90                                                                                            |

Кўриниб турибдики, солиққа оид қонунбузарликларга йўл қўйган корхоналардан ундирилган жарималарнинг умумий солиқ суммасидаги улуши ҳамон сезиларли даражада сақланиб қолаётганлигининг гувоҳи бўлган эдик. Таҳлил натижасида қонунбузарликка йўл қўйган битта субъектга тўғри келадиган ундирилган солиқ суммасининг ҳам йилдан йилга муттасил ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. 2017 йилда ҳар бир қонунбузарликка йўл қўйган субъектга 1289,7 минг сўм тўғри келган бўлса, 2014 йилда энг катта миқдорга, яъни 5579,05 минг сўмга етди ва унинг ўсиш суръати 432,5%ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич анча юқори. Чунки солиқ жиноятига қарши бир қанча ташкилотлар ишлаб туришига қарамасдан унинг миқдори ошиб бормоқда. Бу ҳолат кўрсатадики, олдингига нисбатан солиқни яшириб қолиш 5,0 мартадан ошиб кетган. Бу ҳолатни ижобий баҳолаб бўлмайди.

Бундай натижа яна бир бор кўрсатмоқдаки, ҳали солиқ тўловчиларнинг маънавияти ва ҳуқуқий маданияти мустақиллик талаби даражасида эмас экан. Ҳозирги пайтда солиқ тўловчиларнинг ҳам ва солиқ идоралари ходимларининг ҳам маънавиятини ошириш,

<sup>71</sup> Манба. Самарқанд туманида солиқ инспекциясининг 2007-2018 йиллар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

хукукий маданиятини юксалтириш, жазо ва рағбатлантиришнинг тўғри механизмларини топишни талаб қилади.

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи омишлардан бири солиқ тўловчиларнинг ва солиқ идоралари ходимларининг каттик интизомига боғлиқ. Аммо солиқ тизимидаги қонунбузарликлардаги ҳолат солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлашдаги интизомсизлигидан ва қонунбузарликларга йўл қўяётганликларидан далолат беради. Бир қарашда жарималар солиқ идоралари нуқтаи назаридан жуда жозибали туйилади, чунки бу суммалар солиқчиларнинг топган қўшимча молиявий манбаси ҳисобланади. Аммо унинг келиб чиқиш илдизига назар ташлайдиган бўлсак, бу ҳам солиқ тўловчиларнинг қонунбузарликка йўл қўйганлигининг оқибатидир. Демак, бу ҳам ижобий кўрсаткич эмас. Бу ҳолат ҳам пировардида қорхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид соладиган омишлар сирасига киради.

Ҳозирги пайтда солиқ қонунбузарликларига йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектлардан ўндирилган жарималарнинг миқдори ҳам кўпلىгича сакланиб қолмоқда. Бу қуйидги жадвалда ўз ифодасини топган (4.4-жадвал).

4.4-жадвал

Самарқанд туманида солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқлар ва солиқ идоралари томонидан қонунбузарлардан ўндирилган жарималарнинг 2012-2020 йиллардаги динамикаси<sup>72</sup>

| Йиллар | Солиқ тўловчилардан тушган солиқлар |                    | Солиққа оид қонунбузарликка йўл қўйганлардан ўндирилган жарималар |                    | Солиққа оид қонунбузарликка йўл қўйганлардан ўндирилган жарималарнинг умумий солиқ суммасидаги улуши, % |
|--------|-------------------------------------|--------------------|-------------------------------------------------------------------|--------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|        | суммаси, минг сўм                   | ўзгариш суръати, % | суммаси, минг сўм                                                 | ўзгариш суръати, % |                                                                                                         |
| 2012   | 43714889,1                          | 100,0              | 310828,3                                                          | 100                | 0,7                                                                                                     |
| 2013   | 54679272,0                          | 125,1              | 859020,6                                                          | 276,4              | 1,6                                                                                                     |
| 2014   | 67449888,4                          | 123,4              | 1417079,2                                                         | 165                | 2,1                                                                                                     |
| 2015   | 75422640,9                          | 111,8              | 877033,9                                                          | 61,9               | 1,2                                                                                                     |
| 2016   | 111516315,8                         | 147,9              | 1024804,9                                                         | 116,8              | 0,9                                                                                                     |
| 2017   | 109769917,8                         | 98,4               | 1237180,6                                                         | 120,7              | 1,1                                                                                                     |
| 2018   | 125848649,2                         | 114,6              | 845673,4                                                          | 68,4               | 0,7                                                                                                     |
| 2019   | 218477644,2                         | 173,6              | 916747,9                                                          | 108,4              | 0,4                                                                                                     |

<sup>72</sup> Манба: Самарқанд туманида солиқ инспекциясининг 2012-2020 йиллар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, 2012-2019 йилларда солиқ суммасининг 4.99 мартага ўсган бир пайтда солиққа оид қонбузарликка йўл қўйганлардан ўндирилган жарималар 2.94 мартага ошган. Жарималарнинг ошишини солиқ идоралари томонидан баҳолайдиган бўлсак, бу яхши кўрсаткич. Чунки солиқ идоралари ходимлари тўланмаган солиқларни топиб уларни бюджетга туширтиришга муваффақ бўлганлар. Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу уларга анча тахдидли. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар солиқларни ўз вақтида тўлаганда эди шу жарималар уларнинг ўзларида қолган бўлар эди. Бу жараёнга маънавий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ҳамон солиқ тўловчилар руҳиятида солиқдан қочишга уринишлар бор. Бу яхши ҳолат эмас. Агарда ушбу жараёнга қонунийлик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳали солиқ тўловчиларимизнинг ҳукукий маданияти паслигидан, қонунни ўз фойдасига, шахсий манфаатини ўйлаб бузиш ҳолларининг мавжудлигидан далолат беради. Солиққа оид қонбузарликка йўл қўйганлардан ўндирилган жарималарнинг умумий солиқ суммасидаги улуши мазкур жараёни ойдинорқ ифодалайди. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори умуман олганда анча паст, яъни 1%дан камроқни ташкил қилади. Бироқ унинг миқдори ўсиш тенденциясига эгаллиги яхши кўрсаткич эмаслигидан далолатдир. 2012 йилда солиққа оид қонбузарликка йўл қўйганлардан ўндирилган жарималарнинг умумий солиқ суммасидаги улуши 0,70%ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2019 йилда 0,40 %гача кўтарилган. Бу 0,57 мартага камайди деган хабарни бермоқда. Бундай ҳолатга барҳам бериш йўллари ахтариб топиш ва ҳар бир ҳолат бўйича, уларни чуқур ўрганиб тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш лозимди.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, бугунги кунда солиққа оид қонбузарликларга йўл қўйган корхоналардан ўндирилган жарималарнинг кўплиги эвазига ёпилган субъектларнинг умумий солиқ тўловчи субъектлардаги улуши ҳам сезиларли даражада сакланиб қолмоқда. Миллатимизда қадимдан сакланиб келаётган бир мақол бор “Инсон икки нарсадан қочиб қутилиши қийин: бири солиқ, иккинчиси – ўлим”. Тўланмаган солиқ қачон бўлса ҳам ўзини кўрсатади, мен тўланмадим, деб ҳужжатдан бошини кўтариб кўриниб туради. Уни зукко солиқ ходимлари бу борадаги ҳужжатларга назар солиши билан дарҳол топадилар. Шуларни била туриб солиқдан қочиш, солиқ қонунларини бузишга на ҳожат. Аммо яширмасдан очик айтиш керакки, солиқ идоралари ходимлари кўпгина қонбузарлар билан

тил бириктириб солиқ тўлашда бош тортганликларини озгина ҳисса эвазига ёпиб юборадилар. Будаё ҳолатлар кўплаб учраб туриши ҳам мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ижобий жараён эмас.

Буни битта туман мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги манзаранинг гувоҳи бўламиз (4.5-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар 1,46 мартага ўсган бир пайтда солиққа оид қонбузарликка йўл қўйганлардан ундирилган жарималарнинг кўплиги эвазига банкротга учраб ёпилган субъектлар 1,29 мартага кўпайган. Таъкидлаш жоизки, қатор йиллар уларнинг сони 60 тадан ошган.

#### 4.5-жадвал

**Самарқанд туманида солиқ тўловчи субъектлар ва солиқ идоралари томонидан қонбузарлардан ундирилган жарималарнинг кўплиги эвазига ёпилган (фаолияти тўхтатилган) субъектларнинг 2012-2019 йиллардаги динамикаси<sup>73</sup>**

| Йил-лар | Солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар |                    | Солиққа оид қонбузарликка йўл қўйганлардан ундирилган жарималарнинг кўплиги эвазига банкротга учраб ёпилган субъектлар |                    | Солиққа оид қонбузарликка йўл қўйганлардан ундирилган жарималарнинг кўплиги эвазига ёпилган субъектларнинг умумий субъектлардаги улуши, % |
|---------|-------------------------------------------|--------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|         | сони, та                                  | ўзгариш суръати, % | сони, та                                                                                                               | ўзгариш суръати, % |                                                                                                                                           |
| 2012    | 1496                                      | 100%               | 17                                                                                                                     | 100,0              | 1,1                                                                                                                                       |
| 2013    | 1364                                      | 91%                | 61                                                                                                                     | 358,8              | 4,5                                                                                                                                       |
| 2014    | 1388                                      | 92%                | 60                                                                                                                     | 352,9              | 4,3                                                                                                                                       |
| 2015    | 1454                                      | 97%                | 32                                                                                                                     | 188,2              | 2,2                                                                                                                                       |
| 2016    | 1580                                      | 106%               | 28                                                                                                                     | 164,7              | 1,8                                                                                                                                       |
| 2017    | 2259                                      | 151%               | 5                                                                                                                      | 29,5               | 0,2                                                                                                                                       |
| 2018    | 2444                                      | 163%               | 31                                                                                                                     | 182,3              | 1,3                                                                                                                                       |
| 2019    | 2184                                      | 146%               | 22                                                                                                                     | 129,4              | 1,6                                                                                                                                       |
| 2020    |                                           |                    | 5                                                                                                                      | 22,7               |                                                                                                                                           |

Аммо 2013 йилда бирданига 61 та корхона ёпилган бўлса, 2014 йилда уларнинг сони яна кўплигича қолган ва 60 тага етган. Бу

<sup>73</sup> Манба: Самарқанд тумани давлат солиқ инспекциясининг 2012-2019 йиллар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

ишбодий ҳол эмас, чунки ўз вақтида ушбу корхоналар солиқдан қочишган ва оқибатда катта жарима тўлаш эвазига банкротга учраб ёпилиш даражасига келиб қолган. Ҳозирги шароитда иш жойи тахчил бўлиб турган пайтда битта корхонанинг ёпилиши қанча иқтисодий-ижтимоий муаммони туғдириш хусусида изохнинг ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз. Солиққа онд қонунбузарликка йўл қўйганлардан ўндирилган жарималарнинг кўплиги эвазига ёпилган субъектларнинг умумий субъектлардаги улуши 2012 йилда 1,1%ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб уларнинг луши 1,45 мартага ошди деганидир. Бундай ҳолат иқтисодий хавфсизлик масалаларига салбий таъсир кўрсатади.

Бу ҳолатлардан кўриниб турибдики, солиқ механизмини шундай ташкил қилиш керакки, солиқ тўловчининг солиқ тўламаслик иложи қолмаслиги керак. Бундай тадбирларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, солиқ қонунбузарлигига йўл қўймаслик учун уларга нисбатан жазо чорасини ҳуқуқбузарлик содир этилишида яққол солиқ суммаларини яшириш мавжудлиги қасд қилинган мезонлар тасдиқланганда гина кучайтириш керак. Бунда солиқ тўламаслик учун ҳаракатларни қасддан амалга оширилиши ҳолатларига солиқ миқдорида молиявий жарима қўллаш лозим, агар қонунбузарлик иккинчи марта содир этилса молиявий жарима, тўланмаган солиқ суммасига нисбатан икки марта кўп миқдорда белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бордию бу ҳолат учинчи марта такрорланса айбдорни жиной жавобгарликка тортиш масаласини қўйиш керак. Солиқ юки мунтазам равишда енгиллаштирилаяпти, аммо шу билан бирга жазо чоралари ҳам енгиллаштирилмоқда. Ёуни жуда кўп солиқ тўловчилар суистеъмол қилмоқдалар.

Иккинчидан, солиқларнинг корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан, ҳозирги шароитда солиқ ҳисобланган ва маҳсулот жўнатилган пайтдан бошлаб тўланиш тартибини такомиллаштириб, жўнатилган товар (иш, хизмат)лар учун пул келиб тушган пайтдан тўлаш тартибига ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, кўп ҳолларда жўнатилган товарлар учун ҳали пул тушмасдан солиқ суммасини тўлашга тўғри келади. Бунда дебиторлар кўпайиб қолгудек бўлса, корхонанинг обортдаги пули солиққа ўтиб кетади ва унинг иқтисодий хавфсизлигига бирозгина путр етказилади. Агар корхонанинг аҳволи ёмонлашиб бораверса солиқ ўндирилиши ҳам камайиб боради. Шу туфайли солиқ идоралари солиқ механизми

орқали корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдан маффаатдор бўлишлари лозим.

Учинчидан, корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда ундаги хавфсизлик хизмати ходимларидан ташқари бошқа барча ходимлари иштирок этишлари лозим. Хавфсизлик масаласи ҳамма учун баробар. Ундан ҳеч ким четда қолиб кетмайди, чунки корхонанинг хавфсизлигидан ҳамма манфаатдор. Шу туфайли корхонанинг аҳволига, унинг ўз вақтида солиқларни тўлиқ тўлаб боришига факат раҳбар ёки бош бухгалтер эмас, балки, таъкидланганидек ҳамма масъул ва дахлдор бўлмоғи лозим. Бозор муносабатлари шароити, қайсики мулк эгалик экан, ходимларнинг барчасида корхона фаолиятининг ҳамма соҳаси учун дахлдорлик ҳиссини ўйғотиш лозим бўлади. Шундагина иш яхши кетади. Меҳнат жамоаси корхонанинг тўғри ишлашига масъул бўлгани сингари, ундан катта манфаатдор ҳам. Тўғрилиқ барқарорликни таъминлайди. Барқарорлик эса фаровонлик омили. Шу туфайли иқтисодий-ижтимоий жараёнлар ва муносабатлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бунда ҳар бир ходимда “дахлдорлик — масъулият — ижро” таъмоийлига асосланиши керак. Чунки дахлдорлик масъулиятни ўйғатади, масъулият эса ижри этишга ундайди. Шундагина барча ишда, шу жумладан солиқ механизмининг такомиллаштиришда ҳам катта мувоффақиятларга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ механизмининг такомиллаштириш, уни тўлаш интизомига қаттиқ риоя қилиш, солиқ конунбузарлигига йўл қўймаслик, солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ходимларининг маънавиятини юксалтириш корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири эканлигига гувоҳ бўлдик.

Шунга қарамадан қуплаб халқаро экспертлар ва республикамизнинг етакчи мутаххасислари иштирокида ўрганилганда солиқ кодекси ва солиқ маъмурчилигида катта ислохотлар амалга ошириш зарурияти мавжудлиги бўйича хулоса қилинган. Ҳозирги кунда ушбу таклифлар ва хулосалар инобатга олинган ҳолда янги солиқ кодекси ва солиқ маъмурчилиги тартиботига ўзгартиришлар амалга оширилди. Ушбу ўзгаришларга асосий пойдевор сифатида рақамли иқтисодиёт ва инновацион технологиялар олинган бўлиб, бу йўналишдаги таклифлар, ва жорий қилинаётган янгилликларни тадбиркорлик ва фуқаролик позициясидан чуқур ўрганишларни тақозо қилади. Қуйида биз ушбу йўналишларга эътиборимизни қаратамиз.

#### **4.2. Солиқ маъмурчилигида рақамли технологиялар ва уларнинг иқтисодий хавфсизлик масалаларига таъсири**

Республикамизнинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлари бир қатор ички ва ташқи таҳдидларни этироф этишни ва уларни ечими бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларимизни билдиришимизни тақозо қилмоқда.

Булар бир томондан объектив таҳдидлар бўлса, худди шунингдек субъектив таҳдидлар ҳам мавжуд. Энг аввало дунё бозорига чиқишдаги рақобатнинг кескинлашуви, олдинги даврларда бой берилган имкониятларни ишга солишдаги қийинчиликлар, республикамизда ишлаб чиқарилаётган баъзи бир маҳсулотларни сотишда чекловларнинг мавжудлиги (санкциялар), ўзимизга мос техник ва технологик инновацион воситаларни ишлаб чиқаришдаги кадрларимиз салоҳияти ёки мавжуд энг замонавий ишланмаларни ўзимиз шароит ва қонунчилигимизга мослаштиришдаги қийинчиликлар каби таҳдидлардир.

Ушбу ҳолат давлат ва корхона миқёсидаги иқтисодий хавфсизликка ўз таъсирини алоҳида сегментига, институционал, ташкилий, ҳуқуқий ёки назорат қилиш механизмлари йуналишида намоён бўлади.

Солиқ ва мажбурий тўловларни ундиришдаги юкламанинг асосий қисми солиқ органлари зиммасига тўғри келишини инобатга олиб, эътибо-римизни ушбу тизимдаги маъмурчилик масала ва муаммоларига қаратдик.

Қуйида солиқлар, мажбурий тўловлар ва йиғимларни ундиришга ваколатли органлардирнинг ва уларнинг улушларини келтирамиз:

➤ солиқ органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекциялари 93%.

➤ божхона органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, «Тошкент – АЭРО» махсус божхона комплекси ва божхона постлари 4%.

➤ йиғимларни ундириш функциясини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар 3%.

Алоҳида йўналиш сифатида бугунги кундаги солиқ органларининг мавжуд ваколатлари, назорат функцияларини бажаришдаги

Йуналишлари, умуман солиқ маъмуриятчилигини тузилиш архитектурасини давлатнинг еки алохида субъектнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашдаги ҳаракатлари ва имкониятларини ўрганиб чиқишни тадқиқотимиз мақсади этиб белгиладик.

Ушбу жараёнда солиқ қонунчилигига риоя этилиши, қонунчилик тарғиботи, маъмуриятчилиكنинг самарадорлиги, уни ҳисоблашдаги меъзонлар, замонавий рақамли технологияларни солиқ қонунчилигида мос равишда амалиётга қўллаш ва уни самарадорлиги, назорат функцияларини бажаришда баъзи бир хатар ва таҳдидларни аниқлаб, чегаралаб бериш зарурияти мавжуд.

Республикамининг ривожланиш стратегияси энг аввало республикаминин иқтисодий суверенитетини мустаҳкамлаш, аҳолини яшаш шароитини яхшилаш, камбағалликни юқотиш, корхона ва ташкилотлар сонини кўпайтириш ва уларни бир маромда ишлаши ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш, маҳсулотларни рақобатбардошлигини ошириш ҳисобидан экспортни кўпайтиришдан иборат.

Ушбу вазифаларни бажаришда солиқ маъмурчилигини мукамаллиги, хўжалик субъектлари, тадбиркорлар ва фуқаролар билан назорат функцияларини амалга оширишда кўзга кўринмайдиган “энг нозик ришталар” билан белгиланган чегаралар бузилмаслиги ва қонун билан белгиланмаган ҳар қандай ҳаракатларни инкор этувчи замонавий дастурий маҳсулотларни яратилиши ва амалиётга жорий қилиниши ниҳоятда долзарблик касб этмокда.

Ушбу назорат функцияларини бажаришда кўрсаткич ортидан қувиш, қонунларни четлаб ёки қонунчиликдаги номукамалликлардан фойдаланиб, қўшимча маблағ ва солиқлар ҳисоблаш, субъектларга ҳар хил психологик таъсирлар орқали қайта ҳисоботлар олиб, солиқларни ундириш каби салбий ҳолатларга қаттиқ жазо чоралари белгилаш лозим.

Яна бир асосий вазифалардан бири республикада инвестицион муҳит ва инвестицион жозибадорликни яхшилаш, хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкини камайитириш, иқтисодиётни муттасил ривожлантиришни таъминлаш, суд-ҳуқуқ ва назорат органларини фаолиятини ҳар хил инсон омили билан боғлиқ таъсирлардан холи бўлишини таъминлаш муҳимдир. Ушбу масалаларни такомиллаштириш энг аввало назорат функцияларини таҳлика-таҳлил йуналиши бўйича махсус яратилган дастурий маҳсулотлар орқали олиб борилишини таъминлаш белгиланган. Ушбу дастурий маҳсулот ёрдамида энг аввало солиқ ва мажбурий тўловларни тўлиқ ва ўз

вактида бюджетга тушишини таъминлаш билан бирга мамлакат молия тизимини ҳимояси ҳам таъминланади.

Яъни нақд пулсиз маблағларни хуфёна айланмага йўналтириш ва уни нақдлаштириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, давлат бюджети ва мажбурий ажратмалардан ажратилган маблағларни мақсадли ишлатиш ва ушбу маблағларни иқтисодий ўзлаштиришга қарши қаратилган ҳаракатларни амалга оширилишига замин яратилади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг умумиқтисодий компонентлари бўйича энг асосий вазифа сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдаги тўсиқ, қийинчиликлар ва таҳликаларни камайириш, уларни фаолиятини тўхтатиб туриш алоҳида шахс ёки ташкилотга қаратилган ҳуқуқий ва назорат таъсирлари ва аралашувларни инкор қилиш, шунингдек алоҳида шахслар томонидан тайёр бизнесга эга чиқиш (рейдерлик хуружлари) ҳатти ҳаракатларига йул қўймайдиган муҳитни яратиш ёки “Абсолют нишонч” ҳиссини пайдо қилиш ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органлари (кейинги ўринларда ДСХО)да янги солиқ кодексида белгилаб берилган назорат турларини барчаси ягона таҳлика-таҳлил дастурий таъминотга уланиши, шунингдек солиқ туловчиларга солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш билан боғлиқ ноаниқлик ва саволларга жавоб олишга қаратилган талабномалар ва бошқа турдаги хатлар махсус жамланадиган дастур таркибида “реестр” га асосан ва маълум бир даврийликда берилиши жуда муҳим. Бунда асоссиз, компетентлик нормаларидан четга чиққан ҳолатлардаги “талабнома” ларни ташкил қилган ёки жунатган мансабдор шахснинг жавобгарлик ва масъулиятини белгилаб қўйилиши муҳимдир.

Солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлиқ ундирилиши бўйича асосий етакчи ўринни ДСХО лари (93%) эгаллашидан келиб чиқиб, ушбу йўналишдаги дастурий маҳсулотларни тўлиқ, тугалланган версиясини ҳеч бўлмаганда 2021 йилнинг 1 январгача охирига етказиш, ундирувчанликни ошириш билан бир қаторда солиқ туловчилар фаолиятига ҳар хил тўсиқлар пайдо бўлишини олдини олиш орқали “интизомли солиқ туловчилар” манфаатларини қонуний ҳимоя қилишга қаратилиши лозим.

Солиқ органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни молиявий хўжалик фаолияти ёки солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан тафтиш еки текширишларни режалаштириш юқоридаги “таҳлика-таҳлил” дастур талаби бўйича таҳлика даражаси юқори

бўлган субъектлардагина ўтказилиши бир томондан ҳақиқий қонун бузувчи ташкилотлар бўйича ўтказилиши таъминланса, иккинчи томондан бюджетга тегишли маблағларни кам тушиш хатарини камайтиради.

Яна бир асосий жиҳатларидан биттаси бошқа назорат ваколатига эга бўлган ташкилотлар ҳам, бирон бир ариза ёки субъектнинг эҳтимолий қонун бузилиши ҳолатлари бўйича йўл қўйилганлиги бўйича бошқа мурожаатлар тушганда, ҳолат бўйича жиноий ишлар кўзгатилиши ва тафтиш таинлаш амалиётидан воз кечиб, ДСХО ларидаги дастурий маҳсулотлар бўйича ҳолати, тешириш билан боғлиқ хатарлар (рисklar), юқотиладиган ишчи ўринлар, корхона тўхтаб қолган ҳолатда юқотилиши мумкин бўлган бюджет туловлари ва шу каби ҳолатлар ўрганилиб, йўл қўйилган камчилик ва қонунбузилиш эҳтимоли бўлган корхона келтирган эҳтимолий зарарни солиштириш орқали, тўловни ихтиёрий тулаб бериш орқали бартараф этиш технологиясини кенг жорий этиш. Қуйида ҳозирги таклиф этилаётган вариантларни тақдим этамиз.

#### **“Солиқ хавфини таҳлил қилиш”нинг янгича тизими**

- 2020 йил 1 январдан мораторий бекор қилиниши билан бир вақтда бутун мамлакатимизда шаффофлик ва ошқораликни таъминлаш учун хавфни таҳлил қилишнинг янгича “Таҳлика-таҳлил” тизимини жорий этишга киришилмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таъкидланадиги, “2020 йилнинг биринчи чорагида, илғор тажрибалар асосида, барча даражадаги назорат қилувчи идораларда янги замонавий тизим жорий этилиши шарт”.

- Давлат солиқ қўмитаси томонидан жорий этиладиган янги тизим мустақил равишда ташқи аралашувларсиз, тадбиркорлар фаолиятини таҳлил қилиш ва солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини баҳолаш имконини беради. Эндиликда солиқ органлари ўзбошимчалик билан қимни ва қайси турдаги текширувни қўллаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бу жараёнларнинг барчаси инсон омилидан ҳоли яъни автоматлаштирилган тизим зиммасига юклатилади. Ҳеч қандай “олди-берди”га ўрин йўқ.

- Хавфни таҳлил қилиш дастурига мувофиқ, амалдаги барча хўжалик юритувчи субъектлар маълум мезонлар асосида автоматик равишда 3 сегмент – яшил, сариқ ва кизил йўлакка бўлинади. Хавф даражаси паст бўлган “яшил йўлак”даги корхоналарга солиқ текшируви тайинланмайди, улар билан фақат хизмат кўрсатиш

бўйича ҳамкорлик қилинади. Хавф даражаси ўртача бўлган “сарик йўлак”дагиларга фақат камерал ва сайёр текширув ва ҳисоботдаги хатоликларни тузатиш имконияти тақдим этилади. Бу тоифадаги солиқ тўловчиларга молиявий ва маъмурий жарима қўлланилмайди. Хавф даражаси юкори бўлган корхоналар эса “қизил йўлак”дан жой олади. Улар фаолиятида солиқ тўлашдан бўйин товлаш, бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисобварақ-фактураларни қалбақлаштириш ҳолатлари аниқланган тақдирда солиқ аудити тайинланади.

Таҳлика доирасига кирувчи субъектлар чегара ва тоифасини белгилашда:

- солиқ юки ҳаддан ташқари енгил бўлган субъектларга;

- бир неча солиқ даврида доимий зарар билан якунлаётган субъектларга;

- ҚҚС бўйича ўртача бир хил тармоқ корхоналарига нисбатан кам кўрсатган субъектларга;

- ишчи ходимларга энг минимал иш ҳақи ҳисоблаб келган субъектларга;

- доимий равишда ҳар хил назорат органларига мурожаатларда солиқларни тўламаслик, иш ҳақи тўламаслик, конвертда иш ҳақи туланиши, расмийлаштирмасдан ходимларни ишлатиш ва бошқа ҳолатлар бўйича мурожаатлар тушганда;

- шубҳали банк транзакцияларини амалга оширган субъектларга эътиборни қаратиш.

Масалани танганинг иккинчи томонидан яъни тадбиркорлик субъектларга хатоларни олдини олиш нуқтани назаридан ўрганадиган бўлсак, ҳозирги кунгача ҳукумат миқёсида еки алоҳида дастурчилари томонидан миллий платформадаги ўзида барча қонунчилик нормаларини доимий янгилаб бориш хусусиятига эга бўлган тайёр ва қулай яхлит тарзда бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқий нормалар, омилли таҳлил имкониятларини ўзида мужассам этган замонавий (Интернет ресурсларидан фойдаланадиган) дастурий маҳсул яратилмаганлиги ҳам катта муаммо.

Ҳозирда бизнес вакилларини қарийб 60-65 фоизи Россия дастурчилари томонидан ихтиро этилган “1С” маҳсулидан фойдаланилмоқда. Бунинг ўзи ҳам тадбиркорлик субъектларини ҳимояланганлик даражасини пастлигидан далолат бермоқда. Юкорида жорий қилинаётган 3 та сигментли таҳлилнинг 2 таси яъни “яшил йўлак” ва “сарик йўлак” лардаги хўжалик субъектларда ўтказиладиган камерал солиқ текшируви жараёнлари ва методикаларини ўрганамиз.

#### 4.3. Камерал текширувларнинг корхоналар иқтисодий хавфсизлигига таъсири даражаси

Солиқ органлари, солиқ тўловчилар жойлашган жойга бориб ўтказиладиган текширувлардан ташқари, яна солиқ тўловчилар томонидан такдим этилган солиқ ҳисоботларини ҳам камерал текширувдан ўтказишлари мумкин.

Тадбиркорлар билан иш юритишнинг бундай шакли ўзлаштирилганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ ва у шаклланиш ва ривожланиш жараёнида. Камерал назорат замон талабидан келиб чиқиб амалиётга киритилди. Турли мулкчилик шаклидаги тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайиши ва давлат томонидан бизнесни ривожлантиришнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши туфайли, эндигина ўз ишини бошлаётганларга, шунингдек ўзи ва давлат манфаатлари учун муваффақиятли фаолият юритаётиб келаётганларга кўмак беришнинг айнан шундай тахлилий усули жорий этилди.

«Текширув ёки назорат» атамаси кўпинча хавотир уйғотса-да, бизнинг ҳолатимизда бўлимнинг фаолият жараёни кўпроқ тахлилий ишни, маслаҳат ёрдамини кўзда тутди ва пировард натижада бизнинг текширувимиз ҳисоботларда йўл қўйиладиган камчилик ва хатоларнинг ўз вақтида олдини олиш ҳамда бартараф этиш мақсадини кўзлайди. Унинг якунига кўра жарима чоралари ва санкциялар қўлланилмайди, балки фақат тавсиялар берилади. Раҳбарнинг ҳисоб-китоблардаги булиши мумкин булган хатоларни бартараф қилиш чораларини ўз вақтида қўриши ҳолати нафақат қонунчиликка риоя этиш, балки ниҳоятда муҳим ҳисобланган ўз корхонасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаши гаровиҳам, демакдир. Натижада бутун мамлакат миқёсидаги давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳимояси таъминланади.

Ҳар бир корхона – давлатнинг пойдеворидаги бир гишт ва агар улардан ҳар қайсиниси тўғри ва виждонан қўйилган бўлса, агар ҳар бир корхонанинг ҳисоб-китоблари беҳато, тўғри юритилса, ҳисоботлар ўз вақтида топширилса корхона, шунингдек, давлатнинг иқтисодий хавфсизлик масаласида ортиқча ташвишга ўрин қолмайди.

Ўз фаолиятини бошлар экан, ҳар қандай тадбиркор даставвал ўсиш ва ривожланишни режалаштириши ва муваффақиятли бизнеснинг асосчисига айланишни исташи маълум. Аммо бош ҳисобчидан ташқари бошқа олий тоифали иқтисодчилар ва тахлилчиларни ишга ёллаш имконияти дастлаб ҳар кимда ҳам бўлавермайди. Бундай тоифадаги мутахассислар бармоқ билан

санарли ва уларнинг хизматидан фойдаланишни жуда кўпларнинг чўнтаги кўтармайди. Худди шу сабабдан, тадбиркорларнинг кўплари ўзлари билан ишлашнинг ушбу янги шакли ва билимдон мутахассислари бирлаштирган бутун бошли бўлими солиқ солиш соҳасида уларнинг фаолияти юзасидан таҳлил юритиши, маслаҳатлар бериши, камчиликларини кўрсатиши ва бизнес йўлида шунчаки етаклаб юриши, кейинчалик қонунчилик масаласида катта муаммолар ва салмоқли иқтисодий йўқотишларга олиб боровчи жиддий хатоларга қўл уришга йўл қўймаслиги имкониятларини жуда ижобий қабул қилишди.

Бундан буён ҳар қайси корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги нафақат мулкдорнинг ташвиши, балки ҳар бир тадбирконинг ҳимоясида турган давлатнинг ҳам ташвишидир.

Солиқ тўловчилар билан ишлашнинг мазкур шакли шуниси билан аҳамиятлики, бу назорат шакли текширилувчининг кўзидан панада кечади. Раҳбар ва ҳисобчи учун ҳар қандай текширув бу стресс. Камерал назорат эса солиқ тўловчининг жойига бормасдан ва тадбиркорни асосий ишига халақит бермасдан, унинг иштирокисиз Давлат солиқ органлари жойлашган хоналарда ўтказилиши шарт.

Унинг қай тарзда ўтказилиши ва солиқ тўловчи учун қандай оқибатлар келтириб чиқариши, корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига нечоғлик таъсир кўрсатиши янада қизиқроқ.

Камерал солиқ текшируви бу солиқ назорати шаклларида бири. Солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш учун асос бўладиган барча молиявий ва солиқ декларациялари ҳамда ҳужжатлари (қуйида солиқ ҳисоботлари) таҳлил этилади. Ундан ташқари, текширув давомида ушбу ҳужжатлар солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ хизмати органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар билан таққосланади. Бу Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (ЎЗР СК)нинг 138-моддасида белгилаб қўйилган.

Камерал текширувларни ўтказиш даврийлиги қонунчиликда белгиланган солиқ ҳисоботларини тақдим этиш даврийлигидан келиб чиқиб аниқланади.

Текширув камерал назорат бўлиmlарининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан ўтказилади. Уни ўтказиш учун фақат алоҳида ҳолларда солиқ органи раҳбарининг алоҳида буйруғи талаб қилинади. Куп ҳолларда текширув бошланиши ҳақида солиқ тўловчига хабар бериламайди.

Унинг натижалари тўғрисида солиқ тўловчи фақат текширув давомида ҳужжатларни тўлдириш ёки улардаги маълумотларда хатоликлар аниқланган тақдирдагина билиши мумкин (бу ҳақда қуйида батафсилроқ тўхталамиз).

Камерал солиқ текшируви ўтказилиши керак бўлган сегментланган (таҳлика - таҳлил дастури асосида танлаб олинган) солиқ тўловчилар тўғрисидаги рўйхатлар камерал солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш учун берилади.

Зарур ҳолларда камерал солиқ текширувлари Давлат солиқ қўмитаси раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) буйруғи асосида ўтказилиши мумкин.

- Буйруқда, қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

солиқ тўловчиларнинг номлари ва уларнинг идентификация рақамлари;

текширувни ўтказиш муддатлари;

текширилаётган давр;

текширилаётган солиқлар ва йиғимларнинг тури;

текширувчи мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозимлари.

Камерал солиқ текширувини ўтказиш муддати икки ойдан ошмаслиги керак.

Камерал солиқ текшируви давомида;

Солиқ кодекснинг 146 ва (ёки) 147-моддаларига мувофиқ ҳужжатлар (ахборот) талаб қилиб олинishi;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида чет эл давлат органларидан ахборот олинishi;

экспертизалар ўтказилиши;

чет тилида тақдим этилган ҳужжатларни таржима қилинishi.

-Камерал солиқ текшируви жараёнида солиқ органи солиқ тўловчидан (солиқ агентидан, учинчи шахсдан):

бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлган бошқа ҳужжатлардан иборат ҳисоб ҳужжатларни;

тақдим этилган солиқ ҳисоботларига доир тушунтиришларни;

ҳисоб ҳужжатларига доир тушунтиришларни;


солиқ ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ бошқа ахборотларни;

солиқ ва йиғимларни тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотларни сўровнома орқали талаб қилиб олишга ҳақли.

Солиқ органининг сўровномасига жавобан сўралган ҳужжатлар ва (ёки) тушунтиришлар солиқ тўловчи томонидан сўров олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим тақдим этилиши керак.

### 3.3- расм

#### КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ



Агар солиқ тўловчи сўралган ҳужжатлар ва (ёки) тушунтиришларни узрли сабабларга кўра солиқ органига тақдим эта олмаса, солиқ тўловчи сўровномани олган кундан бир кунлик муддатда шу ҳақда солиқ органини ариза орқали хабардор қилиши шарт.

Камерал солиқ текшируви жараёнида солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни (ахборотни) бошқа ҳудудда солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган солиқ тўловчидан (учинчи шахсдан) олиншининг зарурати юзага келса, камерал солиқ текширувини амалга оширувчи солиқ органи ушбу ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш тўғрисидаги топшириқномани солиқ тўловчи (учинчи шахс) ҳисобда турган жойидаги солиқ органига юборади.

Топшириқномада камерал солиқ текшируви жараёнида қандай ҳужжатларни (ахборотни) тақдим этиш зарурати юзага келганлиги ва камерал текширув ўтказиш тўғрисида буйруқни рўйхатдан ўтказиш рақами ва санаси кўрсатилади.

Камерал солиқ текшируви тугагунга қадар солиқ тўловчи томонидан аввал ҳисобланган солиқ суммаси солиқ қонунчилигида назарда тутилган тартибда ўзгартирилиб, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилган тақдирда, камерал солиқ текшируви тақдим

этилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Зарур бўлган ҳолларда, камерал солиқ текширувини амалга оширишга доир ҳаракатларда иштирок этиш учун солиқ органи томонидан:

ҳар қандай вояга етган жисмоний шахс кўрсатмалар бериш учун гувоҳ сифатида чакирилиши;

шартнома асосида эксперт, мутахассис ва таржимон жалб этилиши мумкин.

Камерал солиқ текширувини тўлиқ ва ҳолисона ўтказилиши учун қўшимча ҳужжатларни (ахборотларни) олиш зарурати юзага келганда солиқ органи сайёр солиқ текширувини ташкил этишга ҳақли.

Камерал солиқ текшируви жараёнида солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ:

ҳисоб ҳужжатларни;

товар-моддий қимматликлари ва пул маблағларининг ҳаракатлари;

хронометраж ва кўздан кечириш тадбири натижалари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотнинг олиш зарурати юзага келганда, ушбу маълумотлар солиқ органи томонидан ташкил этиладиган сайёр солиқ текшируви орқали олиниши мумкин.

Камерал солиқ текшируви Солиқ кодексининг 88-моддасида белгиланган даъво муддати яъни, солиқ даври тугатанидан кейин беш йил ўтмаган солиқ даврларига нисбатан ўтказилади.

Камерал солиқ текшируви жараёнида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, шунингдек солиқларнинг суммаларини камайтиришга оид схемалар аниқласа, солиқ органлари тўланиши лозим бўлган солиқлар суммаларини бундай суиистеъмолликнинг таъсирини истисно этадиган тарзда ўзгартиришга ҳақли.

Камерал солиқ текширувида қалбаки (кўзбўямачилик учун тузилган) битимлар аниқланса ва бундай битимлар бошқа битимларни ниқобласа, солиқларни ҳисоблаш учун ҳақиқий битимларнинг иктисодий мазмуни ва натижалари ҳисобга олинади.

Камерал солиқ текшируви жараёнида солиқ тўловчининг қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олиш ҳуқуқи товарларни (хизматларни) олиш бўйича қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида вужудга келганлигига оид далиллар аниқланса, бундай ҳолатларда солиқ органлари ҳисобга олишни бекор қилишни ёки унга тузатиш киритишга ҳақли.


Ўрганиш ва таҳлил қилиш якунлари бўйича тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланмаса, камерал солиқ текшируви якунланган ҳисобланади.

Ўтказилган камерал солиқ текширувида аниқланган тафовутлар ва (ёки) хатоларни мустақил равишда бартараф этилиши юзасидан солиқ органи томонидан солиқ тўловчига талабнома юборилади.

Талабнома юборилган сана камерал солиқ текшируви тугатилган сана ҳисобланади.

3.4-расм

### Талабномани юбориш



### Текширувнинг олиб борилиши

Солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботлари – камерал текширув давомида ўрганиладиган биринчи ҳужжат. Агар солиқ ҳисоботи қонунчиликда белгиланган муддат ўтганидан сўнг тақдим этилган бўлса, солиқ тўловчига ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175-моддаси бўйича жавобгарлик (ЭКИХнинг 1 дан 3 бараваригача жарима) хавф солади.

Солиқ органи раҳбари ёки унинг ўринбосари солиқ ва молиявий ҳисоботлар (баланс, молиявий натижалар ҳисоботи) юзасидан ҳисоб-китобларни тақдим этмаган солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Солиқ тўловчи томонидан ҳисобот тақдим этилмаган ҳолда ва белгиланган муддат тугаганидан кейинги икки ҳафта давомида (ЎЗР СК 111 моддаси), шунингдек қайд этилган манзилда солиқ тўловчи – юридик шахснинг бўлмаслиги ҳолатида солиқ органлари ушбу таъсир чорасини қўллашга ҳақлидирлар.

Агар шундай қарор қабул қилинса, солиқ органи уни банкка йўллайди ва бир вақтнинг ўзида бундан солиқ тўловчини хабардор қилади. Солиқ тўловчи ҳисоботлар тақдим этганидан кейин ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш бекор қилинади. Бу солиқ тўловчи ҳисоб-китобларни топширган ва юқорида келтирилган модда бўйича маъмурий жарима қўлланилган кундан кейинги кунидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

Тақдим этилган солиқ ҳисоботида тулдирилиши шарт булган реквизитлардан биронтаси (масалан, СТИР ёки декларация топширилаётган давр) кўрсатилмаслиги, алоҳида реквизитларнинг ўқиб бўлмас даражада ёки қалам ёрдамида ноаниқ тўлдирилиши ҳолатлари ҳам бўлади. Шунингдек, солиқ тўловчи ёки унинг вакилининг имзоси билан тасдиқланмаган тузатишлар ҳам учрайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Солиқ кодексининг 82-моддасига мувофиқ солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини фақатгина ўз хоҳишларига кўра қуйидагича тақдим этишга ҳақли:

- шахсан олиб бориб бериш тартибида;
- почта орқали буюртма хат билан;
- телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида.

Эътиборингизни ҳисобот тақдим этишнинг охириги усули афзаллигига қаратсак. Чунки солиқ ҳисоботини электрон ҳужжат тарзида тақдим этишда дастурий маҳсулот томонидан юқоридаги қоидабузарликларга йўл қўйилиши асло мумкин эмас, давлат солиқ хизмати органи томонидан электрон ҳужжат қабул қилиб олинган сана эса қабул қилиш санаси ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органи шахсан олиб бориб бериш тартибида тақдим этиладиган солиқ ҳисоботини қабул қилиб олишни рад этишга ҳақли эмас ҳамда солиқ тўловчининг талабига биноан солиқ ҳисоботининг нусхасига ҳисобот қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйиши шарт.

Солиқ ҳисоботи телекоммуникация алоқа каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида қабул қилиб олинганда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига электрон тарзидаги ҳисобот қабул қилиб олинганлиги тўғрисида тасдиқнома юбориши шарт.

Солиқ ҳисоботи дастлабки тарзда камерал назорат қилинмасдан ва унинг мазмуни муҳокама этилмасдан қабул этилиши ЎЗР Солиқ кодексининг 82-моддасида белгилаб қўйилган.

қуйидагилар камерал текширувнинг асосий босқичлари ҳисобланади:

- солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқаришнинг тўғрилигини текшириш;

- солиқ декларациясининг шаклидан келиб чиққан ҳолда, унинг қатор ва устун(графа)ларида акс этган арифметик ҳисобларнинг тўғрилигини текшириш;

- тақдим этилган солиқ ушланмаларининг асослилигини текшириш;

- солиқ тўловчи томонидан қўлланган солиқ ставкалари ва имтиёзлар, уларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги тўғрилигини текшириш.

Солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқаришнинг тўғрилигини текшириш босқичида қуйидагиларни ўзида жамловчи камерал таҳлил ўтказилади:

- солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқаришда зарур бўладиган алоҳида-алоҳида ҳисобот ва тўлов кўрсаткичлари ўртасидаги мантикий боғланганликни текширишни;

- ҳисобот кўрсаткичларининг бундан олдинги ҳисобот давридаги худди шундай кўрсаткичлар билан таққосламасини текширишни;

- бухгалтерия ҳисоб-китоби ва солиқ декларациялари кўрсаткичларининг, шунингдек ҳар хил турдаги солиқлар бўйича декларациялар алоҳида кўрсаткичларнинг бир-бирига боғланганлигини;

- бухгалтерия ҳисоб-китоби ва солиқ декларациялари маълумотларини солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида бошқа манбалардан олиниб, солиқ органида мавжуд бўлган маълумотларга мос келиши нуқтаи назаридан баҳолашни.

Камерал текширув ўтказиш чоғида солиқ органи солиқ тўловчидан қўшимча ахборот ёки тушунтиришлар талаб қилиб ололмайди. Бироқ, ўзР СК 84-моддасига кўра, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган орган ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича, агар солиқ тўловчи солиқларни рисоладагидек тўлаб борса ва ўз мажбуриятларини виждонан адо этса, унда бундай корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти улар рўйхатга олинган пайтдан ёки охириги ҳужжатли текширув ўтказилганидан кейинги беш йил давомида текширилмаслиги белгилаб қўйилган. Ҳар бир ҳисобот даври тугаганидан кейин солиқ органлари солиқ тўловчи томонидан тақдим қилинган ҳисоб-китоблар ва молиявий ҳисоботларни барча мавжуд

маълумотлари ва ахборотлар шунингдек бошқа маълумотлар махсус услублар ёрдамида солиштириб кўриш ва қиёслаш усуллари ёрдамида ўтказилади.

Қуйида шундай маълумотларни тақдим этишга вакил қилинган баъзи ташкилотларнинг рўйхатини келтирамиз:

юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, ЎзР СК 80-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганлар бундан мустасно, рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ушбу юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тегишли юридик шахсларнинг давлат реестридан кўчирма топшириши шарт. Мазкур органлар давлат солиқ хизмати органига тегишли юридик шахсларга тааллуқли давлат реестрига киритилган ҳар қандай ўзгартишлар тўғрисида ҳам бундай ўзгартишлар киритилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай маълум қилиши шарт.

Лицензия ва (ёки) бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар берадиган органлар бундай ҳужжатлар берилган шахслар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига шундай ҳужжатлар берилганлиги ҳоллари ҳақида маълум қилиши, шунингдек мазкур ҳужжатлар бекор қилинганлиги, уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисида маълумот бериши шарт.

Ички ишлар органлари ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига паспортлар берилганлиги, шу жумладан йўқотилган ёки амал қилиш муддати ўтган паспортлар ўрнига паспортлар берилганлиги фактлари ҳақида, бекор қилинган паспортлар тўғрисида ҳар ойда маълум қилиши шарт.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган кўчмас мулк ва унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

Сув ресурсларини ҳисобга олувчи органлар сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига 1 февралдан кечиктирмасдан ўтган йил якунлари бўйича ўлчов асбобларисиз фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисида хабар қилиши шарт.

Давлат нотариал идоралари тегишинча кўчмас мулк олди-сотди шартномалари, мол-мулк ижараси шартномалари тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек мерос қилиб олиш ёки ҳадя

тарзида фуқароларнинг мулкига ўтаётган мол-мулк қиймати тўғрисида кўрсатилган нотариал ҳаракатлар амалга оширилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Ер ресурсларини ҳисобга олувчи ва (ёки) баҳоловчи органлар ер участкасига нисбатан ҳуқуқи юзага келган (туғатилган) шахсларни кўрсатган ҳолда ер участкасига нисбатан ҳуқуқ берилганлиги (туғатилганлиги) ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати тўғрисида ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга оширувчи ва (ёки) ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ер қаъри участкаси жойлашган ер ҳамда мазкур ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахс тўғрисидаги ахборотни ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилган (ҳисобга олинган) кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига депозитарийларда рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

Банклар юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга фақат улар давлат солиқ хизматининг тегишли органида ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган тақдирда банк ҳисобварақлари очиши мумкин ва ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида ўша органга кейинги кундан кечиктирмай маълум қилиши шарт. қонунда назарда тутилган ҳолларда банклар давлат солиқ хизмати органларига бошқа маълумотларни ҳам тақдим этади.

Божхона органлари ҳар ойда экспорт-импорт операциялари, шунингдек товарлар ҳаракати ҳақидаги маълумотни давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби ушбу моддада назарда тутилган органлар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Солиқ органи текшириладиган солиқ тўловчининг барча ҳисоб рақамларидаги операциялари ва ҳисоблари бўйича хизмат курсатувчи

банкка расмий талабнома юбориши мумкин. Хизмат курсатувчи банк бундай ахборотни дарҳол беришга мажбур.

Солиқ кодексида ташқари, Ўзр Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-3-моддасида солиқ назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ёки бошқа ахборотни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки бузиб кўрсатган ҳолда тақдим этганлик учун жавобгарлик белгиланган. У ахборот тақдим этиш ваколати юкланган органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ЭКИХнинг 7 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жаримага тортилишини кўзда тутади.

Солиқ тўловчининг ҳузурига бориб ўтказиладиган текширувдан фаркли равишда, Солиқ кодексида камерал текширув натижалари бўйича солиқ ҳисоботини тўлдиришда хатоликларга йўл қўйилганлиги ёки тақдим этилган солиқ ҳисоботидаги ва давлат солиқ хизмати органларидаги маълумотлар ўртасида зиддиятлар борлиги аниқланса, бу ҳақда солиқ тўловчига тегишли тузатишлар киритиш талаб қилинган ҳолда фақат ёзма шаклда хабар қилиш ҳукуки ўрнатилган.

Солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш учун назарда тутилган тартибда тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тузатилган солиқ ҳисоботини ёхуд аниқланган тафовутларнинг асосини талабнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда тақдим этиши шарт.

Солиқ кодексидаги қатъий талаблар шуниси билан аҳамиятлики, у аниқланган ва аниқлаштирилган ҳисоб-китобларни тақдим этиш учун катта имкон яратади. Таъкидлаш лозимки, йиллик текширувлар режаларини тузишда сайёор текширишлар режасига киритиш таҳлика-таҳлил дастурий маҳсулоти натижаларининг ижобий ҳулосаси асосий мезон вазифасини ўтайди.

Эътибор беринг: камерал назорат жараёнида солиқ қонунчилиги бузилишлари аниқланган ҳолларда юқорида келтирилган талаблар татбиқ этилмайди. Масалан, солиқ солинадиган базани камайтириш ёки солиқни нотўғри ҳисоблаб чиқариш оқибатида солиқлар тўланмаганда ёки тўлиқ тўланмаганда.

Камерал назорат жараёнида аниқланган солиқ қонунчилиги бузилиш ҳолатлари тузатилмаган бўлса ёки кўриб чиқишдан сўнг асослантирувчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, хужалик юритувчи субъект “қизил” зонада қолади ва камерал назорат материаллари солиқ аудити ўтказиш учун асос бўлиши мумкин.

## 5-БОБ

### КОРХОНА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТИЖОРАТ СИРИНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

#### 5.1. Корхонанинг тижорат сирини ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги роли

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда унинг фаолиятига доир айрим ҳужжатлар, технологик жараёнлар, бошқарув усуллари бошқа рақобатчилардан сир сақланишини таъмин қилади. Бу эса унинг мазмун-моҳиятини, ҳимоя қилиш механизминини, ахборот олиш йўллариини очиб берилиши лозимлигини келтириб чиқаради.

Корхонанинг тижорат сирининг мазмуни ва моҳиятини очиб бериш учун унинг лугавий маъносига эътиборни қаратиш лозим. Ҳозирги пайтда сир сўзига иқтисодий лугатларда уч хил таъриф берадилар:

1. ҳали топилмаган, аниқланмаган нарса;
2. бошқаларга ошқора қилинмасдан махфий сақланадиган, ҳаммага маълум бўлмаган нарса;
3. бирор ҳодиса ёки жараён сабабларининг махфий тутилиши.

Ушбу тушунчаларни ҳамма соҳага хусусан, тижорат соҳасига ҳам тадбқ қилиш мумкин.

**Тижорат сирини** деганда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат, ишлаб чиқариш, молиявий операциялари, режа, маркетинг, илмий ишланмалар ва бошқа жараёнлар ифода этилган ошқор қилиниши мумкин бўлмаган маълумотларнинг махфий сақланиши тушунилади.

Мамлакатимизда тижорат сирининг ҳимояси Фуқаролик кодексида (ФК) (98-модда) қафолатланган. ФКнинг мазкур моддасида “Фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сирини бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қийматида эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этилади”, деб кўрсатилган.

Корхонанинг хавфсизлигини таъминлашнинг яна бир йўли, хизмат сирини сақлашда ҳам намўён бўлади. Корхонани бошқаришда, унинг самарали фаолиятини таъминлашда турли восита ва вариантлардан фойдаланиш мумкин. Бу ҳам маълум шахснинг (раҳбарнинг) ихтироси сифатида баҳоланади. Бу усулни ҳам ҳимоя қилиш, уни махфий тутиш лозим. Аммо бу жараёни муаллиф қонун ҳужжатлари билан расмийлаштириб, унинг эгаси эканлигини тасдиқлаб олиши ҳам

мумкин. Бундай ҳолда у мазкур ҳуқуқни тўлиқ қўлга киритган ва номоддий, яъни интеллектуал мулк эгаси сифатида намоён бўлади.

Бу ҳолатда муаллиф учинчи шахсга маълум бўлмаган техникавий, ташкилий ёки тижорат сирини бўлган ахборотга, шу жумладан ишлаб чиқариш сирларига (нау-хау) қонунан эга бўлиб турган шахс башарти бу ошкор этилмаган бўлса, бундай ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ФҚда таъкидланишича ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқи бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмийликни бажаришдан (уни рўйхатдан ўтказиш, гувоҳнома олиш ва ҳоказодан) қатъи назар вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш қонунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сирини бўла олмайдиган маълумотларга нисбатан тадбир қилинмайди. Буларга юридик шахслар тўғрисидаги, мол-мулкга бўлган ҳуқуқлар ва мол-мулк хусусида тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказиладиган келишувлар тўғрисидаги маълумотлар, давлат статистика ҳисоботи тарихида тақдим этиладиган кўрсаткич каби ахборотлар қиради.

Ошкор этилмайдиган ахборотларнинг айримлари вақтинча бўлиши мумкин. Бундай ҳолда вақт тугагач у ошкор бўлиши мумкин ва у қонун билан муҳофаза қилинмайди. Вақт тугагач у ҳам оддий ахборотлар сингари ҳамманинг фойдаланиш ҳуқуқини чекламайди.

Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асоси бўлмай туриб олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс бу ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик натижасида етказилган зарарни тўлаши шарт.

Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахс бу ахборотни уни тарқатишга ҳуқуқи бўлмаган шахсдан олган бўлса, ахборотни қўлга киритувчи шахс бундан беҳабар бўлса ҳам ахборот эгаси бундай шахсга даво қилиши мумкин. Ошкор этилмаган ахборотдан фойдаланганлик натижасида ахборот муаллифига етказилган зарарларни, ахборотни қўлга киритган шахс бундан беҳабар бўлса ҳам, қоплашига мажбур.

Ошкор этилмаган ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахс бу ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахсдан ахборотдан фойдаланишни дарҳол тўхтатишни талаб қилишга ҳақлидир. Агар ошкор этилмаган ахборотни бошқа бир киши мустақил тарзда тадқиқот йўли билан аниқлаган бўлса бундай ахборотдан тадқиқотчи бемалол фойдаланиши мумкин. Бу учун у олдинги муаллиф олдида жавобгар бўлмайди.

Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳам мумкин. Бу ошкор этилмаган ахборотга эга бўлган шахснинг ушбу ахборотнинг ҳаммасини ёки бир қисмини бошқа шахсга лицензия шартномаси асосида бериши мумкинлигида намоён бўлади. Аммо лицензиат ушбу ахборотдан фақат ўзи фойдаланишга ҳақли. У шартнома бўйича олган ахборотларнинг махфийлигини муҳофаза қилишга доир керакли чораларни кўриши шарт. Агар лицензиянинг вақти тугаб лицензиат бу ахборотдан фойдаланишни тўхтатса ҳам ушбу ахборот ҳали махфий бўлиб, уни ошкора қилиш мумкин бўлмаса, лицензиатнинг уни ошкора қилишга ҳақли бўлмайди. Корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш учун унинг сирини, айниқса тижорат сирини сақлашни тақозо қилади. Бу сирни сақлаш эса мамлакатимизда тегишли қонунлар билан кафолатланган.

## 5.2. Эркин рақобат шароитида корхоналар тижорат сирини ҳимоя қилиш механизми

Мамлакатимизда очик демократик жамият қурилмоқда. Бу ҳамма нарсa “очик” бўлади дегани эмас. Бозор муносабатлари шароитида эркин рақобат мавжуд экан тижорат сирининг ҳам сақланиб қолиши муқаррар. Шу туфайли корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун унинг тижорат сирини сақлай билиши лозим. Бу ўз-ўзидан амалга ошмайди.

Корхоналар ўзларининг тижорат сирини сақлаш билан нафақат иқтисодий хавфсизлигини, балки ўзининг яшавчанлигини ҳам таъминлайди. Бунинг бирқанча механизмлари мавжуд (4-чизма).



4-чизма. Тижорат сирини ҳимоя қилиш механизмлари

1. Ташкилий тадбирлар. Бунда корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш учун алоҳида хавфсизлик хизмати ташкил қилинади. Бу хизмат корхонанинг тегишли ахборотларининг махфийлигини сақлаш чора-тадбирларини кўради. Одатда хавфсизлик хизматига корхонанинг мулкни сақлайдиган соқчилар ҳам киришлари лозим.

2. “Очиқ тестлар” ўтказиш тадбирлари. Корхонага ходимларни ишга қабул қилишда ишлаётганларини эса вақти-вақти билан тест орқали синаб турилади. Бу тест орқали ходимнинг мазкур корхонага содиқлиги, ахборотларга, айниқса махфий ахборотларга эътибори аниқланади. Чунки нуфузли корхоналарга рақобатчи корхона айбончилари, махфий хуфий иқтисодиёт вакиллари кириб олишга ҳаракат қиладилар. Бу вакилларнинг ходимлар таркибига кириб қолиши ушбу жамоада ахлоқий, руҳий муҳитни бузишга, тегишли ахборотларни ўғрилаб олишга ҳаракат қилади. Табиийки, бундай ҳолат корхонанинг ишини орқага кеткизади, кўзда тутилган фойдани олиш имкони бўлмайди. Хуллас, мазкур корхона банкротга учрайди. Шу туфайли “Очиқ тестлар” ушбу хавфнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

3. Техник тадбирлар. Ҳозирги пайтда рақобатчилар, турли уюшган жиноят гуруҳлар, рекетчилар корхона ҳақидаги махфий ахборотларни техника орқали олишга ҳаракат қиладилар. Бунга корхонанинг сайтига кириб тегишли ахборотни компьютер орқали олиши мумкинлигини, телефонда гаплашган гапларни эшитиш, орқали муҳим шартномаларга оид ахборотларни олишлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу ҳолатларга қарши тегишли техник тадбирларни қўллаш лозимки, токи бундай йўллар билан махфий ахборотларнинг четга чиқиб кетишига йўл қўйилмасин. Ҳозирги пайтда кўпгина ахборотлар компьютер орқали ошкор бўлиб бормоқда. Бунинг ҳам йўлини қилиш ва адолатни ўрнатишга ҳамма жон-жаҳди билан киришишлари лозим.

4. Рағбатлантирувчи тадбирлар. Корхона хавфсизлиги билан шуғулланадиган ўз ходимларини хавфсизликни таъминлаганлиги учун доимий равишда рағбатлантириб бориши лозим. Одамларга корхона қанчалик ғамхўрлик қилса, одамлар ҳам шунга жавобан корхонани асраб-авайлашга ҳаракат қилади. Бунда корхонанинг хавфсизлиги билан боғлиқ жараёнларга фақат корхонага содиқ кишиларни жалб этиш лозим бўлади. Зеро ходимда содиқлик бўлмаса корхонанинг ташқи рақобатчилари, энг аввало, шу корхонанинг ходимларини қўлга олишга ҳаракат қиладилар. Шу туфайли махфий ахборотларга ҳар кимни ҳам яқинлаштириб бўлмайди.

5. Текширув тадбирлари. Корхона ўз фаолияти давомида юзлаб ҳамкор ташкилотлар, корхоналар билан муносабатда бўлади. Аммо уларга мол жўнатишда, пул ўтказишда қайтишига ишонч ҳосил қилинган бўлиши лозим. Аммо ҳаммага ишониш мумкинми. Албатта, йўқ. Бунга мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган якка тартибдаги жисмоний ва юридик шахслар ҳаётида содир бўлаётган кўплаб ҳодисаларни мисол келтириш мумкин. Шу туфайли бошқа корхоналар билан ҳамкорлик қилинган пайтда, албатта, уларга ишонч ҳосил қилиш учун уларнинг ахволини, ўзини тутишини текшириб кўриш лозим. Биз ким билан, қанчагача ва қайси муддатга шартнома тузилиши лозимлигини олдиндан билсак бундай операцияларни амалга ошириш, ҳар ҳолда, маълум маънода, ишончли бўлади.

Албатта, бозор муносабатлари ҳар бир корхона ходимларини ўта хушёр бўлиш билан бирга кўп ҳолларда риск (таваккал) қилишга ҳам мажбур қилади. Чунки бозор муносабатларининг табиати шундай. Аммо таваккал қилиш билан бирга корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш учун тегишли ҳимоя механизмларидан ҳам фойдаланиш зарур.

Бозор муносабатлари шароитида ишлаш, эркин рақобат муҳитининг ҳукм суриши шундайки, ўзининг эҳтиёт қил, амма ҳамиша огоҳ бўл, яъни рақобатчи корхоналарнинг ҳол ахволидан ҳамиша воқиф бўлиб туриш лозимлигини тақозо қилади. Бунинг учун улар тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда олиб туришга ҳаракат қилиш керак. Аммо бу иш ҳам унчалик осон иш эмас. Шу туфайли рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш услублари ва уларнинг корхоналар иқтисодий хавфсизлигига таъсирини алоҳида ўрганишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

### **5.3. Рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш услублари ва уларнинг корхоналар иқтисодий хавфсизлигига таъсири**

Бозор муносабатлари шароитида бизнес тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш бу муваффақиятнинг ярми. Бозор шароитида бозор ҳақидаги ахборотлар ўта қимматли товар ҳисобланади. Рақобатчилар ичидан муваффақиятли чиқиш, бизнесга жиддий тус бериш, тадбиркор ўз тактикаси ва стратегиясини белгилаши учун энг қимматли ва зарур нарса бозор ҳақидаги, бозор субъектлари, яъни рақобатчилар ҳақидаги ахборотлардир.

Аммо ахборот ўз-ўзидан қўлга киритилиб қолинмайди. У маълум миқдорда харажатни, вақтни талаб қилади. Лекин ахборотга сарф

килинган харажат ўн мартаба кўп фойда келтириши мумкин. Товарга килинган харажат 1,5-2,0 баробар фойда келтирса ахборотга килинган харажатнинг қанчалик самарали эканлигини баҳолаш қийин эмас. Шу туфайли ахборотдан тежалган маблағ ўзига нисбатан қимматга тушади дейди тадбиркорлар.

Замонавий тадбиркор ўз ишини ахборот тўплашдан бошлаши лозим. Агар унда аниқ ахборот бўлмаса кўр-кўрона иш бошлаш билан бизнесда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Тадбиркор, энг аввало, ўзи ишлаб чиқармоқчи бўлган товарининг шу ҳудудда бир қанча харидори борлигини аниқлаши, шу товарга бозорнинг тўйинганлик даражасини, мазкур товарни қимлар ишлаб чиқаётганлигини, ўзи қанча ишлаб чиқариш мумкинлигини, рақобатчилар қанчадан сотаётганлиги, бу эса ундан арзонроқ сотиб қанча фойда қилиш мумкинлиги қабиаларни обдон ўрганиб, аниқ ҳисоб-китобларга эга бўлиши лозим.

Ахборотлар қўлга киритилиши нуқтаи-назаридан уч гуруҳга бўлинади:

- \* эркин оладиган ахборотлар;
- \* сотиб олинадиган ахборотлар;
- \* ўта зарур аммо олиши қийин бўлган тижорат сирига мансуб махфий ахборотлар.

Режали иктисодиёт шароитида махфий ахборотлар фақат давлатники бўлган. Уни фош қилмаслиги учун айрим ахборотлар махфий ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлар эркинлиги принципи ва ҳолатлари тўғрисида”ги 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган қонунда ахборот эркинлиги, унинг принципи, очқилиги, ошқоралиги, олиш ва беришни рад этиш тартиблари, муҳофаза этиш қабиаларнинг ҳукукий асослари ўз ифодасини топган.

Ушбу қонуннинг 6 моддасига биноан қуйидаги ахборотлар махфий ҳисобланади:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳукукий макomini белгиловчи қонун ҳужжатлари;

- экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавқулодда вазиятлар тўғрисида маълумотлар ҳамда аҳолининг, аҳоли пунктларининг, ишлаб чиқариш объектлари ва

коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар;

- кутубхоналарнинг, архивларнинг ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахсларга тегишли ахборот тизимларининг очик фондларидаги мавжуд маълумотлар.

Махфий ахборотларни беришни рад этиш қонуннинг 10 моддасида белгилаб қўйилган.

Эркин бозор муносабатлари шароитида махфий ахборотлар нафакат давлатга, балки барча тадбиркорларга, корхоналарга, бирлашма каби хўжалик юритувчи субъектларга ҳам дахлдордир. Олдин махфий ахборотларни фақат давлат ҳимоя қилган бўлса, энди ахборотларни ҳимоя қилиш ҳам қўйидаги субъектлар ўртасида тақсимланади:

- \* давлат ҳимоя қиладиган ахборотлар;
- \* тижорат тизими ҳимоя қиладган ахборотлар;
- \* иккаласи биргаликда ҳимоя қиладиган ахборотлар.

Ҳозирги пайтда давлат сирини сақлаш бўйича махсус “Давлат сирини тўғрисида”ги қонун мавжуд. Мазкур қонунда давлат сирини, уни сақлаш, ошкор қилмаслик, ошкор қилинганда жавобгарлик каби тартиблари аниқ ўрнатилган. Аммо корхона, ташкилот тадбиркорлар каби хўжалик юритувчи тижорат субъектлари сирларига нималарнинг кириши, уларни ҳимоя қилиш йўллари бўйича аниқ қонуний нормалар етарли эмас. Бу бўйича махсус қонун қабул қилинмаган. Юқорида кўрганимиздек фақат мамлакатимизда амал қилиб турган Фуқаролик Кодекси (ФК)да унинг айрим нормалари ёзилган.

Тараққий этган мамлакатларда уларни тажрибасидан келиб чиқиб бизда ҳам, тадбиркорлар, бозор субъектлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаб сотадиган махсус компаниялар, фирмалар бор. Улар ўзлари тўплаган ахборотларни сотадлар. Буларга қўйидаги ахборотларни киритиш мумкин:

- \* корхонанинг молиявий аҳволи;
- \* бошқа ҳамкорлари билан ҳисоб-қитоб олиб боришдаги интизоми;
- \* дебитор ва кредитор қарзлари;
- \* қандай бизнес билан шуғулланиши;
- \* шериклари билан судланиш даражаси;
- \* раҳбарнинг нуфузи;
- \* жамоадаги ахлокий-руҳий муҳит кабилар.

Шуни унутмаслик керакки, ҳаётда майда-чуйда бўлганидек, бизнесда бу ўта муҳим. Баъзан бизнинг тасаввуримизда ҳеч нарсага

арзимайдиган, майда-чуйдадек туюлган нарса бизнесда жуда катта муваффақият олиб келиши мумкин, ёки бизнесменни синдириб, инкирозга юз тутишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шу туфайли рақобатчилар тўғрисидаги барча катта-кичик ахборотлар мазкур корхона учун ўта муҳим ва қимматли ҳисобланади.

Корхона ўз рақобатчилари тўғрисида ахборот тўплаши учун қандай ишларни амалга оширади? Энг аввало, у рақобатчилари тўғрисида умумий маълумотларни олади. Бу ахборотлар умумий хулоса қилиш учун асос бўлади. Иккинчидан, корхонага керак бўлган тўлиқроқ ахборотларни ахтара бошлайди. Буларга:

- \* корхона фаолиятининг самарадорлиги;
- \* уларнинг истиқбол;
- \* молиявий аҳволи;
- \* таваккал қилиш қобилияти қабилад киради.

Учинчидан, мазкур корхона қайси бири билан алоқа қилиш мумкинлигини аниқлаб олгандан сўнг, ўша корхона, унинг раҳбари ҳақида батафсил маълумотларни тўплашга киришади. Чунки корхонанинг раҳбаридаги инсоний ва тadbиркорлик сифатлари бизнес борасида алоқа қилиш учун жуда муҳим.

Тўпланган маълумотлар экспертлар томонидан ўрганиб чиқилади ва улар яна қандай ахборотларни олиш мумкин ёки қандай ҳаракат қилиш лозимлиги ҳусусида ўз хулосаларини беради.

Корхоналар ўз шериклари тўғрисида, уларнинг бозордаги мавқеи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиши лозим. Корхоналар бозордаги мавқеига қараб 3 гуруҳга бўлинади:

1. Рақобатчи корхоналар. Уларнинг мазкур бозордаги улуши 25%гача бўлиши мумкин.

2. Ҳукумрон корхоналар. уларнинг бозордаги улуши 25 дан 70 фоизгача бўлиши мумкин.

3. Монопол корхоналар. Уларнинг мазкур бозордаги улуши 70% дан ортиқ бўлади.

Агар мазкур корхонанинг бозордаги улуши жуда кам бўлса эркин рақобатга чиқишда жуда эҳтиёт бўлишлари лозим. Ҳамиша “китлар” “майда балиқлар”ни ютиб келганлар.

Корхоналар тўғрисида ахборот тўплаб, уларнинг рақобатбардошлиги ва рақобат майдонидаги ўрнига қараб тўрт гуруҳга бўлинишини ҳам инобатга олиш лозим:

1. Халқаро бозорда рақобат қиладиган корхоналар. Бу корхоналарнинг бозори нафақат мамлакатда, балки узоқ ва яқин хорижий мамлакатларда бўлиши мумкин. Булар ҳамиша ўз

маҳсулотини халқаро андозалар даражасида ишлаб чиқаришга эришиши лозим. Оддий корхоналар бундай корхона билан рақобатга киришмайди. Демак, “ким ким билан ўйнаши мумкинлигини” тўғрисида ҳар бир корхона раҳбарияти аниқ хулосага эга бўлиши лозим.

2. Халқаро бозорда рақобат қилиш қобилиятига эга бўлмаган корхоналар. Булар ҳам юқоридаги корхоналар сингари маҳсулот ишлаб чиқиши мумкин. Аммо у халқаро стандартлар талабига тўлиқ жавоб бермайди. Бу юқори босқичга ўтиши учун ҳам анча ишларни бажаришлари лозим. Яъни илғор технологияларни, фан ва техника ютуқларини жорий қилиши каби.

3. Табиий монополияга эга бўлган корхоналар. Бундай корхоналар фақат ўзларига ўхшаш корхоналар билан рақобат қилиши мумкин. Бу турдаги корхоналар учун алоҳида “Табиий монополиялар тўғрисида” қонун қабул қилинган.

4. Хорижий рақобатчиларга боғлиқ бўлмаган корхоналар. Буларга мамлакат ҳам ашёсига таяниб, мамлакат бозори учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар киради. Масалан, нон, сут, гўшт саноати заводлари кабилар. Улар ўртасидаги рақобат ички рақобат бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақдаги маълумотлар ҳам хулоса қилиш учун ўта муҳимдир.

Бозор муносабатлари шароитида рақобат муҳити ҳам, бозор конъюктураси ҳам, рақобатчиларнинг сони, мавқеи ҳам тез ўзгариб туради. Бундай ўзгаришларга ҳар қандай корхона тайёр туриши лозим. Шу туфайли, ҳар бир корхона бир қанча вазифаларни бажариши лозим.

1. Ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланган ҳолда бозорбоп, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариб бозордаги мавқеини доимий равишда мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қилмоғи лозим.

2. Маҳсулотнинг ҳажминини кўпайтириш билан бирга, сифатини ошириш, нархини пасайтириш чораларини кўриш доимий равишда диққат эътиборидан четда бўлмаслиги керак.

3. Рақобатчиларига нисбатан фойдани кўпроқ олиш чораларини кўриш лозим, чунки эркин рақобат корхонани модернизация ва реконструкция қилиш учун ҳамisha имконият бўлишини таъминлашни талаб қилади.

4. Корхона ижтимоий ячеяка сифатида ходимларни рағбатлантиришнинг ноанъанавий усулларида фойдаланиш устида тинимсиз ишлаши лозим. Чунки корхонага юқори малакали

мутахассисларни жалб килиш имкони туғулади. Ишлаётган кишилар ўз касбий маҳоратини оширишга ички туйғу ҳосил бўлади. Бу ҳам жуда катта муваффакиятларнинг калити ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар эркинлиги босқичма-босқич таъминланиб борилади. Аммо эркинликни ҳеч маҳал ўзбошимчалик деб тушунмаслик керак. Ҳар қандай корхонанинг фаолиятини давлат ўзининг қонунлари, қонуности ҳужжатлари каби иқтисодий ва ҳукукий дастаклари билан тартибга солиб туради. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- \* солиқлар, уларнинг турлари ва табақаланган ставкалари;
- \* амортизациянинг намунавий нормалари;
- \* валюта курси;
- \* давлат бюджетига солиқсиз турли мажбурий тўловлар;
- \* божхона тарифи;
- \* экологик меъёрлар, ташқи муҳитни ифлослантирилганлик бўйича тўловлар;
- \* банк кредити фоизлари;
- \* стандартлар, техник шартлар ва ҳ.к.

Корхоналар тўғрисида ахборот олганда унинг давлат билан бўлган муносабатини албатта текшириб кўриш керак. Чунки ҳар қандай корхона давлатга хиёнат қилса ҳамкорини алдамаслигининг иложи йўқ. Шу туфайли корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш учун шерикларга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида етти ўлчаб эмас етминч ўлчаб кейин эса экспертлар ҳулосасига асосланган ҳолда “кесиш” керак. Шундагина у ўзининг яшовчанлигини сақлаб қолади ва маълум маънода умумий хавфсизлигини, айниқса иқтисодий хавфсизлигини таъминлайди.

## **6-БОБ**

### **ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ: ТУРЛАРИ, МАЗМУНИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

#### **6.1. Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари**

Инсон хавфсизлиги икки йирик гуруҳга бўлинади: инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги ва инсоннинг ижтимоий-маънавий хавфсизлиги. Инсон иқтисодий хавфсизлигининг белгиларидан бири, унинг фаровонлиги билан белгиланади. Инсон фаровонлиги муаммолари қадимги мутафаккирлар эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Бу мавзу нафакат иқтисодчилар, балки, файласуфлар, социологлар каби ижтимоий-гуманитар фанларнинг ва уларга бағишланган асарларнинг бош мавзуси бўлиб келган. Шу билан биргаликда, иқтисодий фанда шундай ўзоқ муддат давомида халқ фаровонлиги масалалари олдида, жамият ва инсоннинг ривожланиши муаммолари иккинчи даражали масала бўлиб қолган. Лекин XX асрда инсонга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Инсонга бўлган ёндашиш иқтисодий ўсишнинг муайян омили сифатида тан олинди. «Инсон омили» деган атама пайдо бўлди, у иқтисодий ривожланишнинг хал қилувчи воситаси сифатида қабул қилинди. Фақатгина XX асрнинг охириларида инсон фаровонлиги ва ривожланиши муаммоларига бурилиш ясалди.

Инсоннинг иқтисодий мақсадлари тизимида унинг иқтисодий хавфсизлиги ҳам муҳим ўрин тутди. Бу тизимда инсон ривожланиши – унинг хавфсизлигининг асосий мезони сифатида тан олинди.

XXI-асрнинг эътиборли жиҳатларидан бири, инсоларнинг ижтимоий қарама-қаршиликларни тадқиқ қилишга бурилиш кўзатила бошланди. Шу билан биргаликда иқтисодий назариянинг анъанавий ёндашувлари асосида жамиятдаги кўп муаммоларни хал этиш мумкин эмаслиги ҳам тан олинди.

Иқтисодий фикрнинг институционал-ижтимоий йўналишларининг кескин ривожланиши ижтимоий-иқтисодий ходислар ва жараёнларни тадқиқот қилишда институционал-услубий ёндашиш жараёнларнинг кегайтирилиши рўй берди. Иқтисодий ўсишни таъминлашда инсон ролининг ўзгариши, иқтисодий фанга социология таъсирини кўчайиши кўзатилди. Натижада фанлар кесимида жуда кўп янги фанлар ҳам вужудга келди.

Шундай қилиб, XX асрнинг охири ва XXI-асрнинг бошларида инсон ролини янгича талқин қилувчи янги назариялар пайдо бўлиб, уларнинг асосий ғояси инсон-иқтисодий ўсиш мақсади эмас деган

кўрсатма чикди. Аммо, бу неоклассик наммунани бироз замонавийлаштиришга карамай, инсон омили иқтисодий ўсишнинг эндогенли қисми деб ифодаланмоқда, инсон эса ишлаб чиқаришнинг мақсади эмас, балки унга етишниш воситаси деб талкин қилинмоқда. Бунинг қандай қаралишидан қатъи назар инсон капитали ва унинг хавфсизлиги муҳим кўрсаткичлардан бирига айланди.

Жаҳон иқтисодий адабиётида миллий бойликнинг янги концепцияси пайдо бўлди. Масалан, жаҳон банки миллий бойлик жамғарилган инсоний, табиий ва ишлаб чиқарилган капитал тушунчасини олға суриб, бунинг тузувчилари тажриба баҳоларини дунёнинг 92 мамлакати бўйича ўтказди. Бу баҳолашга кўра жисмоний капиталнинг миқдори (ўртача) миллий бойликнинг 16% тенг, инсоний капиталнинг – 64%га, табиий капиталнинг – 20%га. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда инсоний капиталнинг қисми миллий бойлигининг 80% ташкил қилади.

Демак, миллий бойликнинг асосий ташкил қилувчиси бўлиб инсоний капитал тан олинади (инсоннинг ўзи ва унинг ривожланиш даражаси эмас, унинг тўпланишнинг дастлабки шарти - аҳолининг ҳаёт даражаси бўлиб майдога чиқди.

«Инсон тараққиёти» атамаси 1990 йилда «БМТ тараққиёт Дастури» халқаро ташкилоти томонидан киритилган эди. Шу йилдан бошлаб ПРОН инсон тараққиёти туғрисида маърузаларни чоп этиб келмоқда. Маърузанинг биринчи нашрида «инсон тараққиёти индекси»номли ўлчагич ҳам таклиф қилинган эди. ПРОНнинг концепциясига кўра инсон тараққиёти – озодлиқни танлаш кенгайтириш жараёнидир.

Инсон тараққиётининг концепцияси асосий тўртта негизда жойлашган, улар ишлаб чиқариш самарадорлиги, тенглик, мувозанат ва имкониятларни кенгайтиришдан иборат (1-расм).




**1-расм. Инсон тараққиёти концепцияси**

Инсон тараққиётининг концепциясидаги принципиаллик томони молиявий даромаднинг ёки моддий бойликнинг ўсишида эмас, балки жамоат тараққиётининг мақсади ва омили сифатида инсоннинг ривожланишидир. Инсон тараққиётининг мақсади инсонлар ҳаёти янада ўзоқроқ, соғлом ва ижод билан тўлдирилган бўлиш учун қулай шароит яратишдан иборат. Моддий ва молиявий эзгулик орқасидан югуришда, бу оддий, лекин аҳамиятли ҳақиқатни кўпинча эсан чиқаришади. Буларнинг барчаси маълум даражада инсоннинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин. Шу туфайли инсон хавфсизлиги масаласи ҳам инсон тараққиётининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Инсоннинг хавфсизлиги, унинг ҳаёт сифати билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Шундай қилиб, ҳаёт сифати ва инсон тараққиёти – ҳозирги замон иқтисодий фани ва кўп мамлакатларнинг ривожланиш стратегияси услубидаги рўй бераётган туб ўзгаришларнинг ҳулқ-атворини ифодаловчи атамалардан бирига айланганлиги бежиз эмас. Буларни инобатга олиб инсон тараққиёти тушунчасининг мазмунини очиб бериш лозим.

Инсон тараққиётни деганда иқтисодиётни барқарор ривожланиш заруриятини, ҳозирги ва келажак авлоднинг ҳаёт сифатини юксак даражасини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига оладиган жараёнлар мажмуаси тушунилади.

Инсон тараққиётини таъминлаш учун мамлакатда барқарор тараққиётни таъминлаш лозим. Ўзбекистонда мустақиллик йилларининг охирги ўн йилидан эъд даврда иқтисодиётнинг барқарор тараққиёти таъминланиб келинмоқда. Мамлакатимизда барқарор тараққиёт концепцияси мавжуд. Бунни таъминлаш учун мамлакат ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 5%дан кам бўлмаслиги керак. Бу борадаги ҳолатни қуйидаги расмда кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 2000-2011 йиллар давомида ўсиш суръати динамикаси, фоизда<sup>74</sup>

<sup>74</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвалдан кўриниб турибдики, мамлакат ЯИМ 2004 йилдан буён барқарор тарзда 5%дан зиёд ўсиб келмоқда. Бу инсон тараққиёти учун ҳал қилувчи омиллардан биридир. Аммо шуни эътироф этиш керакки, бу даврда инсон тараққиёти учун глобал масштабда салбий оқибатлар ҳам мавжудлигини инобатга олиш лозимдир.

Инсон тараққиёти учун салбий бўлган оқибатлар тенденциялари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ҳали аҳолининг бир қисмида реал даромадларининг паст даражаси, даромадларда тенглик йўқлиги, кам таъминланган оилаларнинг мавжудлиги;
- дунё миқёсида жиноятчилик, наркотиклар, куролланиш, одам савдоси, қуч ишлатиш, терроризм каби иллатларнинг сақланиб келаётганлиги;
- соғлиқни сақлашни, таълим, маданият, инсон тараққиёти учун стратегик аҳамият касб этувчи соҳаларни молиялашнинг етарли даражада эканлигига қарамасдан, бу йўналишлар бўйича ташқи таҳдидларнинг мавжудлиги;
- дунёда оммавий маданият сингари ижтимоий таҳдидларнинг, ОИТС каби ижтимоий касалликларнинг юксак даражада сақланиб қолаётганлиги ва уларнинг чегара билмас даражада эканлиги ҳам инсон хавфсизлиги ва барқарор тараққиётга таҳдидлардан биридир.

Ҳаёт сифатини тўғридан-тўғри рақамлар билан ўлчаш имконияти йўқлиги сабабли, ҳар бир алоҳида инсоннинг, мамлакатнинг барча аҳолисини ҳам ҳаёт даражасини ўлчаш анча мураккаб вазифа. Ҳаёт сифатинининг кўп томонларини фақатгина шартли индикторлар орқали баҳолаш мумкин. Шунинг учун барча назария ва унга қарашли индикторлар таркиби мутлақ ва тўлаланича бўла олмайдилар.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, охириги йилларда мамлакатимизда жиноятчилик, коррупция каби салбий ҳолатларга нисбатан қаттиқ кураш олиб берилмоқда. Аммо уларнинг бутунлай барҳам топмаганлиги ҳозирги кунда амалга оширилаётган иктисодий ислохатларнинг жадаллигига маълум даражада салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шу туфайли самарали давлат бошқаруви ва жамиятни тартибга солиш масаласига қатъи аҳамият берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида мамлакат ва алоҳида камроқ зиён етказган ҳолда ислохатларни амалга оширишни таъминлайди.

Жамиятни тартибга солишни таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлиб, ҳаёт сифати ва инсон ривожланишнинг мониторинги

хизмат килади. Мониторинг кўйдаги вазифаларни амалга оширишни таъминлайди:

- инсон ҳаёти сифати ва тараққиётидаги салбий йўналишларни ўз вақтида аниқлашни таъминловчи ва олдиндан чорасини кўриш тизимини яратиш;
- қабул қилинган қарорларни баҳолаш ва уларнинг самарадорлигини текшириш ёки қабул қилинаётган қарорларнинг тахминий оқибатларини баҳолаш.

Мониторингнинг асосий мақсади, ҳар бир давлат сиёсатидаги инсон қизиқишлари ўстиворлигини кўчайтириш имкониятини беради. Бунда инсон ҳаётининг сифати ва тараққиёти биринчи ўринда туради, чунки бу узоқ муддатга мўлжалланган ҳаракат дастурини ўз ичига олади ва уни баҳолашда индикаторларнинг тенденциясидаги ўзгаришлар инобатга олинади.

Шундай қилиб, жамиятнинг қарорлар қабул қилишдаги таъсир кўчи ҳаёт сифатини оширишда, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий хавфсизликларини таъминлашда зарур омил бўла олади. Бу таъсирнинг муҳим омили бўлиб, жаҳон миқёсида инсон ҳаёти сифати ва тараққиёти мониторинги бўлиб қолади. Инсон ҳаёт сифати ва тараққиёти эса – давлат бошқариши самарадорлигининг муҳим жиҳатларидан бирини ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, инсон тараққиёти, унинг хавфсизлиги, яшаш сифати каби жиҳатлар бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар экан.

## **6.2. Инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлиги**

Инсон иқтисодий хавфсизлиги – бу шундай ҳолатки, унда инсон ҳаётини қизиқтиришлари муҳофазаси учун замин яратилиб, унинг ижтимоий ривожланиши таъминланади ва инсон ва жамият муҳофазаси кафолатланиди.

Инсон шахсининг иқтисодий хавфсизлиги миллий иқтисодий хавфсизлик, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан белгиланиди.

Бизнинг мамлакатимизда инсоннинг иқтисодий хавфсизлигининг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг инсоний ҳуқуқлари ва ҳақларини кафолатлайдиган Конституцияси, Ўз.Р Фуқаролик Кодекси, Ўз.Р қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади.

Инсон иқтисодий хавфсизлиги объекти бўлиб алоҳида олинган фуқаролар ва жамиятнинг барча аъзолари ҳисобланади.

Инсон иқтисодий хавфсизлиги субъекти бўлиб ишчи ўринлари, ижтимоий таъминот соҳаси, маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш даражаси каби ҳолатлар ҳисобланади.

Инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги яшаш учу ҳар бир шахс ва оиласининг бемалол яшашини таъминлайдиган иқтисодий омилларнинг етарлилиги билан белгиланади. Буни амалга ошириш учун жуда катта чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Инсон иқтисодий хавфсизлиги соҳасида давлат фаолиятининг амалиёти бўлиб кўйдагилар ҳисобланади. Бунда:

- инсон иқтисодий хавфсизлиги тизимига салбий таъсир ўтказувчи омиллар таҳлилини амалга ошириш ва уларнинг синтези асосида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг мукамаллигини таъминлаш учун уни изчиллик билан такомиллаштириб бориш;
- давлатнинг иқтисодий сиёсати ва институцион ўнгланишларни изчиллик билан инсон манфаатлари нуқтан назаридан амалга ошириш кабиларни инобатга олиш мумкин.

Давлат ҳар бир шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга масъул. Аммо ҳар бир инсон ўзининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаши учун ўзи масъуллигини ҳис қилиши лозим. Бу руҳият инсонлар ўртасида оммавий тарзда шаклланган бўлиши керак. Бу маълум даражада инсон шахси иқтисодий хавфсизлигининг давлат стратегияси ўз аксини топмоғи лозим. Булар ўз ичига кўйдагиларни олади:

- ички ва ташқи хавфлар таъсири;
- инсон иқтисодий хавфсизлиги шароитига мос бўлган иқтисодиётнинг мезонлари ва ҳолати;
- иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий таъсир чоралар негизида инсоннинг муҳим ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- инсон иқтисодий хавфсизлиги давлат стратегиясини бажариш устидан назорат қилиш.

Инсон иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун фуқаролар ҳаётини таъминлашга қаратилган куйдаги чоралар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назарда тутати:

- озиқ-овқат билан таъминлаш;
- иш билан таъминлаш;
- маълумот олиш;
- ахборот олиш;
- тиббий хизмат кўрсатиш;

- нафақа билан таъминлаш;
- шахсий омонатлар хавфсизлигини таъминлаш;
- коммунал-ўй-жой хизматларининг етарлилиги;
- қулай экологик шароитларни яратиш ва хоказо.

Инсон иқтисодий хавфсизлиги давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан вобаста бўлиб, эҳтиёжларни қондирмоқ учун етарли бўла оладиган даромад даражасини эришишни назарда тутди. Бу борада ҳам мамлакатимизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг натижасида одамлар даромадлари таркибида тадбиркорликдан олинadиган даромадларнинг кўпчилигини назарда тутиш мумкин. Ҳозирги кунда аҳолининг умумий даромадининг 47% тадбиркорликдан олинган даромадлар эканлиги ушбу масалада эришилган натижаларнинг нечоғлик муҳимлигини кўрсатади.

Тадбиркорликдан олинadиган даромадларнинг улушининг ошиб бориши инсон тараққиёти ва хавфсизлиги учун ўта муҳимлигини қуйидагиларда кўриш мумкин. Биринчидан, аҳолининг даромадлари ошиб, яшаш сифати таъминланади. Иккинчидан, шу даромадга эришиш учун у ниманидир ишлаб чиққан ёки кимгадир хизмат кўрсатган бўлиши мумкин. Бу эса, жамиятнинг ҳам эҳтиёжини қондириб боради.

Энди инсоннинг ижтимоий хавфсизлигига қисқача тўхталсак, бу бевосита иқтисодий хавфсизлик билан ҳам боғлиқдир. Инсон ижтимоий хавфсизлиги мамлакат иқтисодиётининг шу жумладан соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва социал соҳанинг бошқа тармоқлари шундай ривожланиш даражасини эришишни талаб қиладики, индивиднинг фаровонлиги ва хизматларнинг етарли хажми ва сифатдаги эҳтиёжи қондирилган бўлиши керак. Бу борада дунё ҳамжамияти томонидан катта эътироф этилган тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда тегишли ишларнинг яратилганлигидан далолат беради.

Инсон хавфсизлигини таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ҳам катта. Шу туфайли мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият берилиб келинмоқда. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майда “Ўзбекистон республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қабул қилинган 640-сонли қарорини келтириш мумкин. Ушбу қарорда Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни

жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар, амалга ошириладиган ишлар батафсил кўрсатиб ўтилган ҳамда узок муддатга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилган эди. Ушбу дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш ҳажми 2010 йилда 31,8 триллион сўмни ташкил этди, 2009 йилга нисбатан эса 113,4 фоиз ўсишга эришилди. 2011 йилда хизмат кўрсатиш ҳажми 13,2 фоизга ўсди ва 41083 миллиард сўмни ташкил этди. Йил якунлари бўйича хизматларни диверсификация қилиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида хизматлар соҳасида ўсишга эришилди ва 2011 йилда унинг улуши ЯИМнинг 50,5 фоизини ташкил этди, 2010 йилда бу кўрсаткич 49 фоизни ташкил этган эди. Кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасининг кўлами ҳам, ҳажми ҳам йилдан-йилга муттасил равишда ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос жиҳатларидан бири, унда қўшимча иш ўринларини ташкил этиш масаласидаги ролининг ошиб бораётганлигидир. Маълумки, 2011 йилда 248 мингта иш ўрини айнан шу хизмат кўрсатиш соҳасида ташкил этиш башорат қилинган эди. Таҳлиллар кўрсатдики, йил якунига келиб, ушбу соҳада 254 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Бундан кўриниб турибдики, фақат шу соҳанинг ўзида бир йилда 254 минг аҳолининг иқтисодий хавфсизлиги таъминланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инсон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг булардан ташқари ҳам бир қанча йўналишлари мавжуд. Буларнинг асосий йўналишлари хусусида ҳам қисқача тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

### **6.3. Инсон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари**

Инсон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг бир қанча йўналишлари мавжуд. Уларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- озиқ-овқат хавфсизлиги;
- экологик хавфсизлик;
- ишчи кўчининг сифати;
- соғлиқни сақлаш тизимининг талаб даражасида ташкил қилинганлиги;
- таълимнинг замонавий талабларга жавоб берадиган даражага кўтарилганлиги;

- демографик ҳолат, аҳоли миграцияси ва бошқа йўналишлар.

Буларнинг таркибида экологик хавфсизлик масаласи дунё миқёсида ва шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ўта долзарб ва ўткир муаммолардан бирига айланиб қолди.

Ўзбекистонда экологик вазият ва инсон хавфсизлиги масаласи бир-бири билан узвий боғлиқликда. Экология – 1) ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмларнинг ўзаро ва атроф муҳит билан бўлган муносабатлари ўрганувчи фан; 2) инсон экологияси – инсон ва атроф муҳит билан муносабатлар муаммосини кўриб чиқувчи фан. Бу ерда биз экологияни иккинчи нуктаи назардан кўриб чиқамиз. Чунки кўпгина адабиётларда экологик муаммолар қаралганда атроф муҳит экологиясига алоҳида аҳамият қаратилади. Аммо инсон экологиясига камроқ эътибор қаратилган.

Маълумки, экология муаммолари дунёнинг барча мамлакатлари учун аҳамиятли бўлиб, улар кўп жihatлари билан бир-бирига узвий боғланган. Уларнинг асосийлари кўйдагилар:

- ер аҳолисининг ўсиши (XX асрнинг бошларидан 1,6 млрд. дан XXI асрнинг бошида қарийб 7 млрд. кишигача кўтарилганлиги);
- саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларининг кескин ривожланиши.

Ушбу ва бошқа омиллар таъсири натижасида Ўзбекистонда, бошқа мамлакатлардагидек, XX асрнинг 2 ярмида мамлакат ҳудудининг бир қисмида экологик номурасозлик кенг ҳудудлари пайдо бўлди. 1990 йиларнинг ўрталарида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида атроф-муҳитнинг аҳволи киска муддатли текис ҳолатга келди, аммо унинг сифати ошмади. XXI асрнинг бошларида иқтисодиётнинг ривожланиш суръатлари ўсиши ва давлатга қарашли табиатни муҳофаза қилиш тизими ҳолсизланганлиги туфайли атроф-муҳитга салбий таъсирлар кўчайди. Маълумки, экологик вазият аҳоли соғлиги ёмонлашуви, ўлишнинг ўсиши ва ҳаётнинг ўртача давомийлигининг бош меъзонларидан биридир.

Экспертлар маълумотларига кўра, Ўзбекистондаги ҳозирги экологик аҳвол кўйдагилар билан характерланади:

- экин экиладиган майдонларнинг ярмидан кўли шўрланиш эвазига эрозияга учраганлиги;
- қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш натижасида экологик вазиятнинг бузулганлиги;
- табиий ресурсларидан фойдаланиш ҳолатининг талаб даражасида эмаслиги;

- иктисодиётнинг негизини қишлоқ хўжалиги ташкил қилиб, унда пахта якка ҳокимлигининг узок йиллар ҳукумронлик қилганлиги;

- орол бўйи ҳудудининг экологик вазиятни кескинлаштираётганлиги;

- бутун сайёрамиздаги глобал ўзгаришлар натижасида ер қурраси ҳараратининг ошиб бориши;

- инсонларнинг табиат муҳофазасига беписандлик билан қараётганлиги қабиларни киритиш мумкин.

Экологик аҳвол кўйдагилар ҳолатидан боғлиқдир:

- ҳаво атмосферасидан;

- сув объектларидан;

- ер ва тупроқдан.

Ўзбекистондаги ишлаб чиқаришнинг камайиши саноат чиқиндиқлари – улчанган заррачалар, бензопирен, олтин гўгирт диоксиди, аммиак, фенол, фтороводородларни камайишига олиб келди. Шунинг билан биргаликда автомобиллар кўпайиши, уларнинг ёмон техник ҳолати ва ёкилгининг паст сифатининг ўсиши натижасида 13-15% атмосферага азот диоксиди, углерод окиси, оғирметаллар кўшилмалари чиқиши кўпайди. Масалан, 2001 йил олтин гўгирт ва азот, кўргошин ва симоб кўшилмаларининг трансчегаравий еғишлари Ўзбекистондан ўтадиган даражалардан анчагина юқори бўлганлиги туфайли экологик вазиятнинг чегара билмаслик даражада эканлигини инобатга олиш лозимдир.

Ифлосланишнинг иккинчи объекти – бу сув хавзалари ва у билан боғлиқ объектлар бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиз учун сув муаммоси ўта ўткир муаммолардан бири ҳисобланади. Булар кўйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- саноатда ва қишлоқ хўжалигида экологик мукамал бўлмаган технологияларни қўллаш натижасида сувнинг ифлосланиши;

- яхши тозаланмаган саноат, коммунал ва қишлоқ хўжалик сувларини чиқариб ташлаш ва уларнинг қайта ишланишини тўлиқ таъминламаслик;

- жуда кўп миқдордаги ичимлик сувларининг бошқа мақсадлар, айниқса суғориш ва ободонлаштириш ишларида ишлатилиши;

- сув йиғиш ҳудудлардан чиқиб кетадиган ифлосланишларнинг мавжудлиги қабилардир.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳаётни сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсоният пайдо бўлибдики, сув муносиб ҳаёт кечириш ва

инсониятни ривожлантиришнинг асосий манбаидир. Қадим-қадимдан аجدодларимиз бир томчи сув ҳам сув дея уни эъзозлаган, исрофгарчиликка йўл қўймасликка даъват этиб келишган. Бугунги кунга келиб эса сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш халқаро миқёсда глобал муаммога айланди. Дунёда чучук сув ишлатиш ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бориши оқибатида сув танқислиги келиб чиқаётганлиги инсониятни ташвишлантираётган энг катта муаммолар-дан бирига айланди. Бу ҳолат мамлакатимизда ҳам сезиларли даражада ўз таъсирини ўтказиб турибди. Чунки сувнинг захира манбалари (Орол денгизи мисолида кўриш мумкин) тугаб бориши билан бирга унинг манбаси кўпаймаяпти. Бундан ташқари асосий дарёларимиз трансчегаравий ҳудудларда жойлашганлиги ҳам ушбу масаланинг бир мунча кескинлигидан далолат беради.

Сув муаммоси XX1-асрга келиб янада кескинлашганлигини Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотидан ҳам билиш мумкин. Ушбу ташкилотнинг маълумотига кўра ҳар йили ер юзиди 1,6 млн. одам тоза ичимлик суви истеъмол қилмаслиги натижасида ва бунга имконият йўқлигидан ҳаётдан кўз юмар экан, уларнинг 90 % га яқини 5 ёшгача бўлган болалар ташкил қилиши ҳамда бу ҳолат айнан ривожланаётган давлатлар ҳудудида юз бераётган ачинарли ҳолдир. Шу сабабли ичимлик суви муаммосига эътибор қаратиш учун 2003 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан халқаро ичимлик суви йили деб эълон қилинди.

Шуни эътироф этиш керакки, бугунги кунда ер юзидаги ҳар ўнта инсондан тўрттинчиси ичимлик суви танқис бўлган ҳудудда яшамокда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Муннинг берган маълумотига кўра, бугунги кунда ичимлик суви етишмовчилигидан жаҳоннинг 43 мамлакатадаги 700 млн. аҳоли азият чекмокда. 2025 йилга келиб кўрсаткичнинг 3 млрд.дан ортиши кутилмокда. Рақамларга аҳамият берадиган бўлсак, 1991-2000 йиллар оралигида дунё бўйича 665000 дан ортиқ инсон табиий камбағалликдан вафот этган бўлиб, ана шулардан 90 фоизи ичимлик суви етишмовчилиги билан боғлиқдир. Яна бир маълумотга диққатимизни қаратадиган бўлсак, ҳар йили дунёнинг 1,2 млрд. аҳолиси тоза ичимлик сувидан фойдалана олиш имкониятига эга эмаслигидан азият чекса, 3 млн.дан ортиқ инсон эса ичимлик суви таркибида мавжуд касалликлар натижасида вафот этмокда.

Булардан ташқари ҳавонинг глобал даражада иситиш натижасида 2080 йилга келиб, ер шарида қарийб 3,2 млрд.га яқин инсон ичимлик суви етишмовчилиги муаммосига тўқнаш келади. Ичимлик суви

танқислиги муаммосига ўтган асрнинг 90-йиллариданок бир қатор давлатлар, жумладан, Жазоир, Жибути, Қатар, Саудия Арабистони, Тунис, Яман, Бирлашган Араб Амирлиги каби давлатларда дуч келинган бўлса, 20 йилдан сўнг бундай аҳволга Миср, Эрон, Ливия, Марокаш, Уммон ва Сурия давлатларида дуч келиши кутилмоқда.

Мазкур масала бўйича жаҳон мутахассисларнинг таъкидлашича, ўтган асрнинг 90-йилларида жаҳонда санокли давлатлардагина сув етишмовчилиги сезилган бўлса, 2005 йилга келиб бу рақам 30 тага етган. Айни пайтда уларнинг сони яна 15 тага ортгани қайд этилмоқда. Бундан 10-15 йил илгари дунё бўйича тоза сув захираси умумий сув микдорининг 2,3 фоизини ташкил этган бўлса, эндиликда сувнинг атиги 2 фоизга яқин қисминигина ичишга яроқли ҳисобланади. Ўз навбатида сув танқислигидан кийналаётган аҳоли сони ҳам пропорционал равишда ортиб бормоқда. Асримизнинг бошларида 1 миллиардга яқин аҳоли суви етишмовчилигидан кийналган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 1,2 миллиард нафар кишидан ошиб кетди.

XXI-асрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, жаҳонда сув муаммоси йилдан-йилга глобаллашиб бораётти. Жаҳон футурологларининг айтишларича, ичимлик суви захиралари бошқа табиий ёнилғи захираларидан ҳам аввлароқ тугаб қолиши мумкин эмас. Митти сайёрамиздаги барча сув захираларининг камайиб, ифлосланиб, сифати ёмонлашиб, истеъмолга яроқсиз бўлиб бориши инсоният ҳаётини катта хавф остига қўйиш билан бирга дунё иқтисодиёти ва ижтимоий салоҳиятининг ҳам пасайишига олиб келиши мумкин. Дунё аҳлиси сувни тежаб-тергаб ишлатишга, бехуда исроф бўлишига йўл қўймасликка, унга хушёрроқ, сергакроқ муносабатда бўлишга даъват этиш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Чунки сув танқислиги муаммоси йилдан-йилга минтакадан минтакага кенгайиб, жаҳоннинг кўпгина ҳудудларини қамраб олмоқда.

Бизда сув қадимдан илоҳийлаштириб келинган. Чунки, сув захираларининг чеклангани халқимизга олдиндан маълум бўлган. Шунинг учун ҳам сув илоҳийлаштирилган. Хусусан, «Авесто»да сувнинг тозалигини таъминлаш, унинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига жиддий эътибор берилган: «Эй, сувлар! Сизлар яхшилик билан равонасиз, хилқатни ювиб пок этасиз ва икки жаҳон саодатига сазоворсиз». Сувни муқаддас билиб, уни қадрлашга даъват этиш биз учун бобомерос қадрият. Сувни ифлослантириш увол сифатида баҳоланиб, болаларни сув билан жуда эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кераклиги хусусида бир қанча ривоятлар, удумлар бор.

Халқимизнинг бой маънавияти бизнинг экологик маданиятимизни ошириб, ўзимизни, келгуси авлодларимизни сув танқислиги, турли экологик офатлардан асровчи мукаддас одатлардан иборатлигини кўрамиз. Давлатимизнинг сув манбаларини муҳофаза этиш ва унинг сероблигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари фаровон ва тўқис ҳаёт учун эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир. Юртимизда сувни асраб-авайлаш, қатрасини ҳам кадрлаш, унинг манбаларини муҳофаза қилиш борасидаги қабул қилинган қонун ва қарорлар соҳани ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада бир қанча ишлар амалга оширилди.

Шуни эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар орасида биринчилардан бўлиб «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг «Сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш тўғрисида»ги Қарори ва бошқа ўндан зиёд қарорлари ушбу масалага давлатимизнинг қатта эътибор бераётганлигидан далолатдир.

Инсон ҳавфсизлигини таъминлашда аҳолини тоза, сифатли, халқаро санитар талабларига жавоб берадиган ичимлик суви билан таъминлаш масаласи бугун ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунда давлат идоралари, мулкчилик шаклларида қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар марказлаштирилган тизимлар орқали етказиб бериладиган сувнинг сифатли гигиена талабларига ва давлат стандартларига мос бўлишини таъминлашлари шартлиги белгиланган. Бу борада ҳам анча ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу масалани амалга ошириш ҳам ҳаётий заруратдир.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда хусусан, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни молиялаштириш масалалари республика ва маҳаллий бюджетлардан белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлар билан бир қаторда, Осиё Тараққиёт банки ва бошқа қатор халқаро молиявий ташкилотлар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш йўли билан амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган ҳужжатлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 12 июлда қабул қилинган «Қишлоқ туманлари ва шаҳарлари аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш ва табиий газдан тежамли фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур қарор республика қишлоқ туманлари ва шаҳарлари аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, мазкур соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг имтиёзли кредитларни жалб этишни назарда тутди. Бундан ташқари «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида ҳам қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга оид қатор чора-тадбирлар белгилаб берилган эди. Буларнинг пировард мақсади инсонларнинг иқтисодий-ижтимоий хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Таъкидлаш жоизки, дунё миқёсида сув танқислиги муаммоси авж олган айни пайтда ҳар бир инсон унинг хавфини терон англаган ҳолда ҳаракат қилмоғи лозим. Халқимизда «бор жойда бол арзон, йўқ жойда сув қиммат», деган доно нақл бор. Шундай экан, биз инсонлардан талаб қилинадигани оддий-мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сувнинг ҳар томчисини олтинга тенг кўриб, асраб-авайлаш, тежаб-тергаб фойдаланишдир. Зеро, инсоният мувозанати ва саломатлигида сувнинг аҳамияти чексиздир.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўп асрлик тарихга эга. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи қадимий аҳолининг удумларини сақлаб қолиш чоралари билан бирга хайвонларнинг баъзи бир турларини ов қилишни таъқиқлашган, мавсумий ов қилишни чегаралашган, табиати бой дараларни қуриклашган.

Мамлакатимизда қадимданок сувларни муҳофаза қилувчи ва қурилишга мос бўлган ўрмонлар, сув хавзаларини ифлосланишдан, хайвонларни ов қилиш муддатлари ва қоидаларини қатъий бажаришга қатта эътибор берилган, жамоат сайилгоҳлари ва боғлар яратилган. Лекин XX асрнинг 2-чи ярмидан бошлаб Ўзбекистоннинг Оролбўйи қисмида экологик вазият кескинлашиб бошлады. Буни бартараф қилиш учун жуда қатта ишлар қилинди.

Шуни эътироф этиш керакки, XIX асрнинг охирига келиб Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш жамоатчилик ҳаракати шаклланган эди. 1917 йил Октябрь инқилобидан кейин табиатни муҳофаза қилишга бағишланган 200дан ортиқроқ декрет ва

хужжатлар чиқарилди: «Ўрмонлар тўғрисида декрет» (1918й.), «Овлаш муддатлари тўғрисида...» (1919й.), «Балиқчилик ва хайвонлар худидлари тўғрисида...» (1921й.) ва бошқалар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам табиатни муҳофаза қилиш фаолияти тўхтамаган эди. 1974 йили иттифокнинг Қизил китоби таъсис қилинди. Бу бевосита Ўзбекистон учун ҳам дахлдор эди.

Атроф-муҳит аҳволига 1991 йилдан сўнг мулкчиликнинг қайта кўриб чиқиш ҳам салбий таъсир кўрсатди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг анчагина қамайиб кетиши ифлосланишни бироз қамайтирган бўлсада, давлат назоратининг ва жамиятнинг экологик масалаларга бўлган эътибори пасайиб кетиши (асбоб-ускуналарнинг эскириши, фалокатлар ўсиши, браконьерликнинг кўпайиши, шаҳар атрофидаги ва сув хавзаларини муҳофаза қилувчи худудларни қўшиб олиш, табиатни муҳофаза қилувчи тадбирларни марказлаштирилган молиялаштиришнинг қисқариши) ва хоказ жуда ҳам кўчли қайта таъсир кўрсатган ҳолда табиат деградацияси жараёнини тўхтата ололмади. Бу оролнинг қуриб бориши билан янада кескинлашди.

2005 йилда экология билан боғлиқ бўлган ҳужжат «Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш концепцияси» қабул қилинди. Унда атроф-муҳитни асрашнинг асосий омиллари деб табиатни муҳофаза қилиш механизмларининг етарли даражада самарадорлиги юқори эмаслиги, давлатнинг назорат қилувчи функцияларнинг бир мунча сусайганлиги, хуфёна иктисодиётнинг мавжудлиги, экологик онг ва экологик маданиятнинг юқори даражада шаклланмаганлиги қабиаларни инобатга олиб, ушбу туризмни ривожлантиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари очиб берилган.

Ўзбекистон – табиатни муҳофаза қилиш бўйича 30 га яқин халқаро конвенция ва келишувлар иштирокчиси. Ўзбекистонда бир қанча кўрикхоналар мавжуд. Шунингдек, жуда кўп шаҳарларда миллий боғ, ҳудудий табиат боғи, ҳудудий кўрикхоналар мавжуд. Ўзбекистоннинг бир қанча худуди ЮНЕСКО томонидан халқаро меросга киритилган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг бир қатор институтларида, Ўзбекистон бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистоннинг бир қанча бошқа институтларида табиатни муҳофаза қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон республикасида экологик ҳаракат йўлга қўйилган. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида экологик ҳаракат фракцияси фаолият кўрсатмоқда.

Табият муҳофаза қилиш борасидаги ишларни мувофаклашда Ўзбекистон Републикаси табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси билан экологик ҳаракат ҳамкорликда бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда. Ўзбекистоннинг бир қанча вилоятларида мактаб ёшига кирган болалардан бошлаб олий ўқув юртларини тамом қилувчиларнинг экологик таълими юксак ривожланиши таъминланди. Ўзбекистон Республикасининг таълим билан боғлиқ Вазирликлари «Экология ва табиатдан фойдаланиш», «Табиатни муҳофаза қилиш», «Экология» ва бошқа мутахассисликлар учун таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқди. Экология курси ўрта-мактаблар учун мажбурий фанлар орасидан олиб ташланди.

Ўзбекистондаги ҳозирги экологик аҳволнинг қисқача таҳлили унинг инсон саломатлигига ва унинг ишчи кўчи сифатига маълум даражада таъсир кўрсатиши табиий. Шунинг учун уни такомиллаштириш масаласи бугунги кунда ўта долзарбдир.

#### **6.4. Инсон иқтисодий хавфсизлигига ишчи кучи сифатининг таъсири**

Инсон иқтисодий хавфсизлигига ишчи кучи сифатининг таъсири катта. Инсонда иш кучи сифатли бўлса, унинг ишдан кетиб қолиш, яъни ишсизлик хавфи кам бўлади, иш жойида бемалол ишлаш имкониятига эга бўлади, аксарият ҳолда юқори малакали бўлади ва ҳамиша самарадорлик билан фаолият кўрсатади. Шу туфайли иш кучининг сифатига алоҳида аҳамият берилмоқда. Уни тўғри таҳлил қилиш учун, унинг таърифини аниқлашдан бошлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

**Ишчи кўчининг сифати** дейилганда меҳнатга лаёқатли инсоннинг жисмоний ва аклий қобилиятлари мажмуидан иборат бўлиб, ўз олдига қўйилган вазифаларни сифатли ва самарали бажариш салоҳиятига эга бўлган, иш кучи соҳиби томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган меҳнат жараёнини ташкил қилишга қурби етадиган қобилиятли кишининг меҳнат қилиш қобилияти тушунилади.

Ишчи кўчининг юқори сифатидаги зарурияти ўз навбатида иқтисодий ўсиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги зарурият билан белгиланади. Хал қилувчи меёрда оҳиргиси инновацион техника ва технологияларни ўзлаштириш билан боғлиқ. Улар ўртасидаги алоқаларни қуйдагича ифодалаш мумкин (2-расм):



**2-расм. Иш кучи сифатининг иқтисодий хавфсизлик билан боғлиқлиги**

Расмдан кўриниб турибдики, ишчи кўчи сифати бевосита иқтисодий ўсишга олиб келади, бу эса ўз навбатида иқтисодий хавфсизликни таъминлайди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ишчи кўчи сифатининг яхшиланиши иқтисодий ўсишни ҳаракатга келтиради, у эса инсон, жамият, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаб боради. Ушбу категорияларнинг қайта алоқалари шундай ифодаланади: иқтисодий хавфсизлик - иқтисодий ўсиш - ишчи кўчи сифати. Ушбу алоқа кўрсатадики: иқтисодий хавфсизлик даражаси ва сифати қанча юқори бўлса, иқтисодий ўсиш учун кўпроқ имкониятлар яратилади, бу эса ишчи кўчи сифатини яхшилашда қулай шароит туғдиради.

Шундай қилиб, ишчи кўчи сифати, иқтисодий ўсиш ва иқтисодий хавфсизлик ўртасида тўғри ва қайтувчи диалектик алоқа бўлиб, унда ҳал қилувчи омил бўлиб ишчи кўчи сифати қатнашади, чунки айнан у ҳам иқтисодий ўсишни, ҳам иқтисодий хавфсизликни ифодалайди. Шунинг учун ҳал этувчи вазифа бўлиб Ўзбекистонда ишчи кўчи сифатининг асосий омилларини излаб топиш ва таҳлил қилиш, унинг ошиши учун тегишли шароитлар яратиш лозим бўлади.

Демак, мамлакатимизда ишчи кучи даражаси ва сифатини белгиловчи омиллар нималардан иборатлиги хусусида сўз олиб боришга тўғри келмоқда. Ишчи кўчи сифатини ошириш деганда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишда, ишчи ва мутахассислар кадрларини тайёрлашда фаол қатнашиш, пировардида жамиятда тартиб ўрнатиш ҳақида гап кетади.

Ишчи кўчи сифати умумий ва касбига оид технологик маълумотга эга бўлишни, кадрларни мутахассислик бўйича тайёрлашни, ишчи кучи соҳибларини тегишли, ўзига мос иш билан таъминлаш тизимини ўз ичига олади. Ўрта, умумий, махсус маълумотли (ўрта ва олий) ишчилар сони ва улуши, муҳандислар, техниклар, янги касб эгалари, олимлар жамиятнинг умумий ишчи кўчинини ифодалайди.

Аҳоли ва ишчи кўчи сифатини яхшилашда банд бўлган ишчилар меҳнат фаоллигини ошириш, меҳнат самарадорлигини кўтариш,

замонавий техника ва технологияларни ўз вақтида ўзлаштириш ва уни такомиллаштириш қобилиятига эга бўлиш, илғор иш усуллари ўзлаштириш каби ҳолатлар билан тўғридан-тўғри ва бевосита боғлиқдир. Ишчиларнинг маълумоти ва махсус тайёргарлиги иш сифати, меҳнат самарадорлиги ва малақа даражасини оширишда ҳал этувчи таъсир ўтказadi. Ёши, иш стажы ва бошқа индикаторларга келсак, улар иш сифатини белгилашда унча аҳамият касб этмайди. Ишчи кўчи сифати унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаракатланиши ва сафарбарлиги билан вобаста.

**Ижтимоий-иқтисодий сафарбарлик** ва ҳаракатланиш деганда ходимлар фаолиятнинг бир турдан бошқасига ўтиши қобилияти ва унинг уddасидан чиқа олиши назарда тутилади. Сафарбарликнинг бу кўриниши жамият иқтисодий тараккиётнинг муҳим шарты ҳисобланади.

Ишчи кўчи сифати кўйдаги омилар билан ифодаланади:

- аҳоли ҳаётнинг даражасы ва сифати;
- инсонлар соғлигининг аҳволи;
- яшаш давомийлиги;
- маълумот ва мутахассисли тайёргарлиг даражасы.

Ишчи кўчи сифатининг моддий асоси бўлиб ялпи ички маҳсулот ҳисобланади. Унинг таркибида истеъмол жамғармасининг улуши муҳим аҳамият касб этади. Истеъмол жамғармасы тушунчаси ўз ичига ишлаб- чиқариш, хизмат кўрсатиш ва айрибошлаш соҳаларидан келаётган ва факатгина жамиятнинг унумсиз эҳтиёжларига – шахсий ва жамиятнинг кунлик истеъмолига ва унумсиз жамғармаларга сарф қилинадиган истеъмол қилинадиган массасини олади.


Ялпи ички маҳсулот мамлакат иқтисодий потенциалнинг универсал баҳолаш индикатори бўлиб, нафақат миллий иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш даражасини, балки унинг соҳалар ва ҳудудий тизимини, алоҳида жараён соҳалар ва ҳудудлар ҳаракатланиши самарадорлигини, уларнинг жаҳон интеграция жараёнида қатнашишини ифодалайди ва шунга ўхшаш жиҳатларни камраб олади.

XX асрнинг 90-чи йилларида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кескин камайишдан сўнг 2000 йилдан бошлаб унинг кўринарли усиши бошланди ва 2004 йилдан бошлаб унинг барқарорлиги таъминланди, яъни юқорида таъкидланганидек, шу йилдан бошлаб унинг йиллик ўсиш суръати 5 %дан юқори бўлиб келмоқда. Аммо ривожланган мамлакатларда ҳам ушбу ҳолатнинг тескарисини кузатиш мумкин.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасида ҳам давлатимиз раҳбари “саккизлик” ва “йигирмалик” деб аталган мамлакатлар гуруҳлари доирасида қабул қилинаётган қарорларга қарамасдан, энг аввало, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модель ҳанузгача ишлаб чиқилмаганини, бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича ҳаракат қилишга мажбур этаётганини қаттиқ танқид қилиб ўтди.

Таҳлиллар кўрсатдики, ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият ривожланган номи билан аталадиган давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилаётгани ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинаётгани ушбу маърузада алоҳида қайд этилди. Табиийки, бундай ҳолат ҳар бир мамлакатнинг ҳам, унинг фуқароларининг ҳам иқтисодий жиҳатдан хавфсизлигига кафолат бера олмайди.

Агар жаҳон иқтисодиётидаги тенденцияларга назар ташлайдиган бўлсак, 2011 йил инқирознинг иккинчи тўлқини бошланиши эҳтимоли билан боғлиқ бозор ваҳималарининг қайтадан кучайиш даври бўлди. Айниқса, евроҳудуддаги қарздорлик инқирози чуқурлашиб, унинг банк тизими ва иқтисодиётнинг реал секторига тарқалиши кузатилди. Беқарорлик нафақат молиявий соҳада, балки иқтисодиётнинг барча соҳасини қамраб олди. Бунини инобатга олиб, инвесторлар қарздорлик муаммоларини тартибга солиш мумкинлигига шубҳа билан қарай бошлади. Чунки, бундай ҳолатда банкларнинг барқарорлигига кафолат йўқлигини яхши тушунишади. Бу эса мос равишда, иқтисодиётининг истиқболини таъминлаши ҳам мушкул. Буларнинг барчаси пировардида инвесторлар ишончини йўқота бошлайди. Инвесторларнинг иқтисодиётга ва мамлакатнинг иқтисодий сиёсатига ишончи йўқолса, билингки, иқтисодий тараққиётни модернизация қилиш, уни том маънода ривожлантириш бироз мураккаблашади. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётнинг камайишига олиб келади. Бунини қуйидаги расмда ҳам кўришимиз мумкин (3-расм).



**3-расм. Айрим ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари(олдинги йилга нисбатан фоизда)<sup>75</sup>.**

Жаҳон тажрибаси кўрсатдики, инкироз йилларида ликвид маблағлар бозоридаги танглик ўсиб, борган сари янги мамлакатлар “муаммоли”лар каторига кўшила бошлади. Ва ниҳоят, Европадаги умумий иқтисодий ўсишдаги пасайиш реал таҳдидга айлана бошлади. Расмда кўриниб турганидек, 2009 йилда барча мамлакатларда иқтисодиётнинг пасайиши кўзга ташланди. Аммо кейинги йиллардаги ўсиш ҳам сезиларли ҳолатда эмаслигидан далолатдир.

Ўтган йил, шунингдек, юкори даражадаги қарздорлик юкининг мавжудлиги ва бюджет тақчиллиги аксарият ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг умумий белгиси эканини кўрсатди. Масалан, АҚШнинг қарздорлик ҳажми ЯИМга нисбатан 135 фоиз даражасига яқинлашиб, бу узок муддатли истикболда жаҳон иқтисодиёти учун кескин хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин. АҚШ ўзининг юкори кредит рейтингидан маҳрум бўлгани 2019 йилда жаҳон бозорларининг янги босқичга ўтганидан дарак беради. Бундай ҳолат нафақат АҚШда, балки бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам рўй берди.

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизнинг иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йуллари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича таълим технологияси – Т.: 2012. Изоҳ: 2012 йилдаги маълумотлар прогноз маълумотлари.

АҚШ иқтисодиётининг бир текис бўлмаган ўсиш динамикаси, ишчи кучи бозоридаги жиддий муаммоларнинг сақланиб қолиши, мамлакат корхоналари сарфлаётган капитал ҳажмининг пасайиб бораётгани ҳам жаҳон иқтисодиёти ва молиявий бозорларининг истикболига нисбатан ўта шубҳа билан қарашни кучайтирди<sup>76</sup>. Булардан ҳам кўриниб турибдики, инқирознинг иккинчи оқими ҳам йирик-йирик мамлакатларни иқтисодий ларзаларга олиб келмоқда. Улардан ҳимояланиш, шу йўл билан инсонлар хавфсизлигини таъминлаш масаласи бугунги кунда глобал вазифаларга айланиб қолди.

Инсон иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солаётган яна бир муҳим омил, мамлакатларнинг ташқи қарз даражасидир. Бу кўрсаткич жуда кўп мамлакатларда, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам юқорилигича қолмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

**Ривожланган мамлакатларда ташқи қарз даражаси  
(2019 йил 30 июнь ҳолатига)<sup>77</sup>**

| Мамлакат           | Ташқи қарз,<br>млн. АҚШ<br>долл. | Аҳоли жон<br>бошига ташқи<br>қарз миқдори,<br>АҚШ долл. | ЯИМга нисбатан<br>ташқи қарз, фоиз |
|--------------------|----------------------------------|---------------------------------------------------------|------------------------------------|
| Европа<br>Иттифоқи | 14259517                         | 27830                                                   | 80                                 |
| АҚШ*               | 23140630                         | 69629                                                   | 135                                |
| Буюк Британия      | 2681230                          | 119000                                                  | 108                                |
| Германия           | 2681230                          | 31398                                                   | 71                                 |
| Франция            | 6266150                          | 32000                                                   | 98                                 |
| Япония             | 13504017                         | 76879                                                   | 295                                |
| Испания            | 1849557                          | 48089                                                   | 137                                |
| Италия             | 3160346                          | 52669                                                   | 144                                |
| Швейцария          | 1844780                          | 191527                                                  | 27                                 |

\*Изоҳ: АҚШ бўйича маълумот 2019 йил 1 Январь ҳолатига берилган.

<sup>76</sup> UFSInvestmentCompany: Стратегия на 2012 год. –<http://bonds.finam.ru>

<sup>77</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз таравқийтини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича таълим технологияси – Т.: 2012.

Шуни эътироф этиш керакки, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида бир канча мамлакатларда ўсиш суръатларининг пасайиши кузатилди. Аммо Ўзбекистонда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 33 %дан ортиқ бўлганлиги фахрланарли ҳолдир. Мамлакатимизда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши суръатлари ҳам кузатилмоқда. Бу эса, аҳоли ва ишчи кўчи сифатини ҳам яхшилаш имконини беради.

Аҳоли ва ишчи кўчи сифатига ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқарилганлиги билан эмас, балки унинг тақсимлаши ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Даромадларни тақсимлаш муаммоси ҳозирги замонда Ўзбекистон учун анча долзарб масалалардан биридир, чунки уларни тақсимлашнинг оптимал бўлган ҳолатига эришишни тақозо қилади.

Натижада, бой ва жуда бой аҳоли табақалари ўзларининг қўлларида нафакат улкан ишлаб чиқариш қувватларини, ҳам ашё захиралари ва юқори даромадларни ушлаб қолишга ҳаракат қилади. Бу ҳолат иқтисодиётга биров салбий таъсир қилиши мумкин. Шу туфайли мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов “бизда ўта бойлар ҳам ва ўта камбағаллар ҳам бўлмайди”, деб таъкидлага эди. Бу масалани 2012 йилнинг устувор вазифаларини белгилаш чоғида, яъни Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Шуни эътироф этиш керакки, инсон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот даражаси ҳам муҳим роль ўйнайди. Аммо мамлакатимизда аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот даражасидаги ҳудудлараро тафовут сақланиб қолмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг юқори даражаси Тошкент шаҳрига тўғри келади. Қолган вилоятларда ҳам у бир хил эмас.

Ҳудудлараро ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик ва кам таъминланган оилаларнинг ҳам ҳудудлараро нотекис тақсимланиши иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига тусикликлик қилиб, инсоний капиталга қўйиладиган инвестицияларнинг ҳам нотекислигига олиб келиши мумкин. Шу туфайли кишлоқ аҳолисининг фаровонлигини оширишга, уларнинг яшаш шароитини яхшилашга, кишлоқдаги меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Буларнинг ҳаммаси соҳалар, ҳудудлар ва шахсий даражадаги тақсимлаш муносабатларини ўнглашни, шу орқали Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни йўлга қўйишга олиб келади.

Айрим мамлакатларда ҳаддан ортиқ тенгсизлик ва камбағалликни камайитиришни амалга ошириши учун солиқ юкани бой табақасига купайтириш йўли билан эришишни кўзда тутмоқда.

Ўзбекистондаги аҳоли ҳаётининг даражаси ва сифатини тенглаштиришнинг ўзига хос йўли мавжуд. Буларга куйдагиларни киритиш мумкин:

- барча йўналишлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш тафовутини (ёлланма меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти ўртасидаги, ҳудудлар ўртасидаги, ишчиларнинг асосий оқими ва корхона раҳбарияти ўртасидаги, соҳалар ўртасидаги, ҳар хил мулк турдаги корхоналари ўртасидаги) кискартириш масаласи устуворликни ташкил қилади;

- очик ва яширин турдаги ишсизликни бартараф қилиш чораларининг кўрилиши;

- иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг кечиктирилишига ва ўз вақтида тўланмаслигига йўл қўймаслик чораларининг қўлланилиши;

- ҳар қандай шахсий мулк ҳажми даромад олиш манбаи сифатида қаралиши ва уларнинг дифференциялаштирилиши;

- ноқонуний даромадлар ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин усларига барҳам бериш чораларининг кўрилаётганлиги кабиларни эътироф этиш лозим.

Катта даромадли оилаларнинг вужудга келиши давом этаётган шароитда асосий ижтимоий вазифа ишчи кўчи бозори ва меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида қайта тузилиш орқали даромадларни тақсимлаш механизмида туб ўзгаришларни ясашдан иборат. Меҳнатга ҳақ тўлаш жараёнидаги ижтимоий ислоҳатлар учта бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган таркибдан иборат бўлиши керак: меҳнат ҳақини ҳозиргидек ошириб бориш тенденциясини давом эттириш, аҳолининг яшаш сифатини турли хизматларни кўрсатишни йўлга қўйган ҳолда оширишга эришиш, ривожланган мамлакатлар сингари ижтимоий суғурталар учун юқорироқ тўловларини киритиш.

Ишчи кўчи сифати ва шу билан биргаликда, шахснинг, давлат ва жамиятнинг иқтисодий тараққиёт ва иқтисодий ҳавфсизлиги инсон саломатлиги билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу туфайли мазкур масалага ҳам алоҳида эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

### **6.5. Инсон саломатлиги ва интеллектуал салоҳияти, унинг иктисодий хавфсизлигининг асосий омилли**

Инсон саломатлиги - жамият тараққиётининг муҳим шартли, омили ва индикатори. Аҳоли саломатлиги ва шахс саломатлиги алоҳида туришади. Инсон саломатлиги табиат билан мувозаннатда бўлган ва қандайдир оғриқли ўзгаришларнинг йўқлиги билан ифодаланувчи вужуднинг табиий ҳолати. Аҳоли саломатлиги тўғрисида демографик жараёнларга (тўғилиш, ўсиш, гўдаклар ўлими, она ва бола саломатлиги), инсоннинг жисмоний ривожланиши даражаси, касалга чалиниши асосида фикр юритишади. Инсон саломатлиги биологик тўпланма (насли ва орттирган) ва ижтимоий омиллар билан ифодаланади.

Соғлиқни сақлашда ёки касалликни орттиришда ва унинг ривожланишида инсоннинг ўзига ўзи эътибори билан белгиланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ВОЗ) низомида:

«Соғлиқ – бу жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонликнинг тўла ҳолати, фақатгина касалликлар ва жисмоний нуқсонларнинг йўқлиги эмас» деб ёзиб қўйилган. Аҳоли саломатлигига ижтимоий – гигиеник омиллар – меҳнат ва рузгор шароити, яшаш шароитлари, даромадлар даражаси, озиқ-овқат билан таъминланиши (керакли хажми ва сифатда), маданият ва тарбия, таълим олиш ва соғлиқни сақлашнинг сифати ва оммабоплиги, шу билан бирга иқлим-жуғрофик ва бошқа табиат омиллари таъсир ўтказади. Бу омиллар ва шароитларнинг қўлчилигига (позитив ва негатив) ижтимоий-сиёсий тузилиши ва ишлабчиқариш қўчларнинг даражасига қараб жамият таъсир ўтказади. Табиатда инсон мутлоқо саломатман, деб ҳис қилиши қийин. Шунинг учун «амалдаги соғлом одам» ёки «норма» деган тушунча пайдо бўлиб, у инсон вужудида кўзатилаётган ўзгаришлар, унинг саломатлигига таъсир кўрсатмаётган омиллар ва инсоннинг ишлаш қобилиятида ҳеч қандай асорат қилмаётганлигини англатади.

Ўзбекистон аҳолисининг ҳозирги ҳолати жиддий ижтимоий хавор яратяпти, чунки жисмоний касал ва маънавий қамбағал кишилар фақат ўзларига ўхшаганларни тўғдириши мумкин, бу эса генофонднинг ёмонлашишига олиб боради. Қамбағалликнинг юқори даражаси, аҳоли ва унинг ишчи қўчининг паст сифати, таянч тиббиётнинг паст даражаси инсонлар саломатлиги ҳолатини ёмонлашувига олиб келади, жамиятда носоз шароит тўғдиради. Шу туфайли мамлакатимизда инсон саломатлигини таъминлаш учун бир қанча дастурлар тузилди, улар ижро этилди ва яна давом этмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) маълумотларига кўра, аҳоли саломатлиги 50% га ижтимоий-иқтисодий сабабларга вобаста, 20га – генетик, 20 га – экологик ва 10% - мамлакат соғлиқни сақлаш тизимига вобаста. Мамлакатда соғлиқни сақлаш масаласида асосий молиялаштиришни давлат ўз зиммасига олганлиги ҳам, ушбу масага нечоғлиқ аҳамият берилаётганлигидан далолатдир. Масалан, «Соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия» моддаси бўйича 2011 йилда 2010 йилга нисбатан харажатлар мамлакат ЯИМга нисбатан юқори суръатлар билан ўсди. Бу ҳам кўрсагадики, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг таркибида ижтимоий соҳага, хусусан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Инсон саломатлиги, ва шундай келиб чикадиган ишчи кўчи сифати психологик ҳолат билан боғлиқ. Ҳисоб-китобларга қараганда, дунёда камида 450 млн. киши психологик бузишлардан азоб чекарган. Расмий маълумотларга қараганда Ўзбекистонда ҳам одам психикаси туфайли ногиронликни олганлар мавжуд. Аслда улар кўпроқ, чунки уларни ҳисобга олиш уларнинг мурожаатлари асосида олиб борилади. Шу билан биргаликда, психик касалликларга чалинган кўпчилик инсонлар, кўпинча қуйдаги ҳолатларга кўра, тиббиёт муассасаларига мурожат қилишмайди. Буларнинг сабаби қуйидагича:

- биринчидан, мазкур касалликни ошкор қилиб, ўзининг фаолиятида ортиқча муаммоларнинг пайдо бўлишини хохламайдилар;
- иккинчидан эса, кўпчилик кишилар касалликга чалинганларини ўзлари ҳам билишмайди.

Инсон ижтимоий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш жараёни унинг маълумоти даражаси билан ҳам боғлиқ.

Шуни инобатга олиш лозимки, мамлакатимизда таълимнинг ҳаммабоплиги таъминланган. Бу эса, ўз навбатида инсон сифатининг ошишига олиб келади.

Жамият таракқиётида ва инсон камолотида таълимнинг роли беқиёс. Чунки ундан бошқа таракқиётни таъминлайдиган омилнинг ўзи йўқ. Таълим одатда, тартибга келтирилган билимлар, кўникмалар ва маҳоратларнинг ўзлаштириш жараёни ва натижаси бўлиб ҳисобланади. Таълим олиш жараёнида инсоният ишлаб чиққан билимлар бир авлоддан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига ўтказилади, ижтимоий-тарихий маълумотларни табиат, жамият, техника ва санъат тўғрисидаги фанларда ўз ифодасини топган натижаларини ўзлаштириш, шунигдек меҳнат кўникмалари ва маҳорат билимларини эгаллаш бўлиб ўтади. Бугунги авлодга

нисбатан эртанги авлоднинг билими кучли булишлиги – бу абадийят конунидир. Айнан шу конунийят тараққиётни белгилайди.

Таълим – яшаш ва меҳнат қилишга тайёргарлик кўришнинг зарур шарти, инсоннинг маданиятга кўшилиш ва уни ўзлаштиришнинг асосий воситаси, маданият тараққиётининг асосидир. Таълим олишнинг асосий йўли – турли ўқув муассалари бўлиб ҳисобланади. Булимларни ўзлаштиришда, инсон ақлий тараққиётида аҳамиятли ролни ўз ўстида ишлаш, маданий-маърифий ишларни амалга ошириш, жамоат ишларида қатнашиш каби жараёнлар ўйнайди. Бугунги кунда таълимга берилаётга эътибор, барча вазифалар ичида энг устуворларидан бири сифатида қаралмоқда. Шу туфайли, Ўзбекистонда таълим давлат сиёсати даражасигача кўтарилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимида таълимга бўлган эътибор натижасида, унда сифат ўзгаришлар рўй берди, унинг янги тизими шаклланди. Бугунги таълимга бўлган Давлат сиёсати қуйдагиларга асосланган:

- таълимнинг гуманитар ҳаркатери;
- умум инсон қадриятлар, инсон ҳаёти ва соғлиги, шахснинг озод ривожланишининг устунлиги;
- ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсон ҳуқуқлари ва ҳоҳишларини ҳурмат қилиш, атрофдаги табиатни, Ватанни, оилани севишни тарбиялаш;
- таълимнинг оммабоплиги ва бошқалар.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунда, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўз ифодасини топган. Ушбу қонуний ҳужжатларга асосан Ўзбекистон таълим олиш сиёсатининг асосий вазифаси қилиб таълимнинг замонвий сифатини, унинг фундаменталлигини ва шахс, жамият ва давлатнинг долзарб ва истиқболли талабларига мос ҳолда сақланиши эътиборга олиниш кўрсатиб ўтилди. Таълим тизимида ҳам модернизациялашнинг мақсади таълим тизимини тургун ривожланишини таъминлашга қаратилган механизмнинг яратилиши билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган бўлди.

Таълим соҳасида меҳнат самарадорлиги кўтариш йўли билан турғи иқтисодий самарани таъминлаш қобилиятига эга бўлган янада юқори сифатли ишчи кучини шакллантирувчи имкониятини берувчи тадбирларни амалга ошириш катта инвестицияларни талаб қилади. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ижтимоий соҳада ва унинг таркибий қисми бўлган таълим соҳасига етарли миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Бирок шуни эътироф этиш керакки, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларга қўйиладиган инвестициялар ўзини коплашнинг ўзоқ муддатига эга эканлиги билан характерлидир. Шу туфайли ушбу соҳаларни бозор механизмлари ҳукмига қолдириб бўлмайди. Агар шундай қилинса, таълим соҳани ривожланишини иқтисодиёт ва жамият эҳтиёжларидан орқада қолиб кетишига олиб келади. Шу туфайли мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган тадбирларнинг етакчиси сифатида Давлат асосий ролни ўйнамоқда. Бу табиийки, давлат бюджет сиёсатидаги таълим соҳаси учун харажатларнинг устиворлигини талаб этади.

Таълим соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар аҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш билан бирга, содир бўлиши мумкин бўлган жуда кўп салбий оқибатларнинг таъсиридан ҳимояланган бўлишини тақозо қилади. Бу бир вақтнинг ўзида инсон хавфсизлигини ҳам таъминлашга хизмат қилади. Бу йўналишлар қуйидагиларда ўз аксини топади:

- таълимга қилинган эътибор ва сарф харажатлар давлатимиз иқтисодиётига моддий зиён етказмаслиги лозим, чунки хорижий мамлакатларда ўқитган ёшларимиз учун катта маблағлар сарфланган эди, аммо уларнинг бир қисми хорижда қолиб кеди;

- илмий кадрлар, илмий ғоялар ва замонавий техник ишланмалари нафақат Ўзбекистон фанига, балки иқтисодиётига катта наф келтиришга эришиш керак. Ихтироларни ўзимизда амалиётга жорий қилишга эришишимиз лозим;

- Ўзбекистон илмий потенциалини ёшартириш ва ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

- мамлакатимиз илмий кадрларининг ўртача ёшини улғайтишга йўл қўймасликка эришиш.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш бўйича давлатимиз томонидан сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Келгусида ҳам қуйидаги асосий омилларга эътиборни қаратишни тақозо қилади:

- аҳоли яшашнинг ўртача давомийлигининг келгусида янада узайтириш;

- иқтисодий фаол аҳолидан фойдаланиш жараёнининг кўтариш эвазига бандлик муаммосига муттасил ҳал қилиб бориш;

- юқори ишсизликка йўл қўймаслик чораларини кўриш;

- даромадлар тақсимланишидаги номутаносибликка барҳам бериш чораларини кўришни давом эттириш;

- олимлар ва мутахассислар меҳнатини янада рағбатлантириш эвазига уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;

- илғор технология билан ишлайдиган ишчи мутахассисликларнинг тахчиллигига йўл қўймаслик учун уларни ўзимизда тайёрлашга киришиш ва уларни замонавийлаштириш тадбирларини изчил давом эттириш;

- тижорат асосида тайёрланаётган мутахассислар сифатига алоҳида аҳамият бериш, уларга кўрсатилаётган таълим хизмати сифатини ошириб боришга эришиш;

- ходимларга ойлик маош тўлаш билан бирга уларнинг самарали меҳнатини рағбатлантирувчи механизмларни ишга солиш ва ушбу механизмлардан оптимал тарзда фойдаланишни йўлга қўйиш;

- аҳолининг кам таъминланган қатламини камайтириб бориш чораларини янада давом эттириш;

- аҳолини умумий соғломлаштиришга эришиш, соғлом турмуш тарзини жорий қилиш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш;

- ногиронлар сонинг қўпайишининг олдини олиш;

- ўз жонига қасд қилувчиларнинг (суиқасд) бутунлай барҳам топишига эришиш чораларини кўриш;

- олий ва ўрта махсус ўқув юртларида талабалар ва ўқувчилар сонини қўпайиши билан бирга, уларнинг битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган тадбирларнинг таъсирчанлигини оширишга қаратилган ишларни янада давом эттириш.

Буларнинг ҳаммаси инсон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир. Аммо уни янада кучайтириш учун яна бир қанча аниқ манзилли тадбирларни ҳам амалга оширишни тақозо қилади. Бунинг учун қуйдагиларни амалга ошириш зарур:

- аҳоли, айниқса болалар саломатлигини, кутилаётган ўртача ҳаёт давомийлигини, эркаклар улушини биринчи навбатда ошириш бўйича иқтисодий, ижтимоий, ҳукукий, экологик ва бошқа характерга эга бўлган қонуний ҳужжатларни қабул қилиш билан бирга, уларни изчиллик билан такомиллаштириб бориш;

- аҳоли бандлиги даражасини ошириш мақсадида, биринчи навбатда тадбиркорликнинг барча кўриниш ва шаклдаги турларини ривожлантириш орқали барча шароитларни яратишга қаратилган изчил тадбирларни янада давом эттириш;

- камбағаллик чегарасидан паст яшовчи oilаларга имтиёзлар ва субсидияларни кенг жорий қилиш асосида Ўзбекистондаги кам

таъминланган аҳолини камайтириш чораларни кўришни давом эттириш;

- олимлар ва юкори малакали мутахассислар маошини кескин кўтариш;

- ишчилардаги эҳтиёжни қондириш мақсадида касб-хунар коллежларида мутахассислик таълими тизимини кенгайтириш ва замонавийлаштириш бўйича ишларни давом эттириш;

- Ўзбекистон иқтисодиётининг кадрлардаги заруриятга жавоб берадиган олий ўқув юртларининг тизимини оптимал мувофиқлаштириш, ҳамкорликда фаолият кўрсатадиган олий ўқув юртларини янада кўпайтириш бўйича ишларни амалга ошириш;

- чегаравий ҳудудларида доимий аҳолини сақлаб қолишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий характерга эга бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ноқонуний миграциясининг олдини олиш;

- соҳалардаги ва ҳудудий кесмалардаги меҳнат жараёнидаги янги ишчи кўчи ва ишлаб турувчи ишчиларни қайта тақсимлашнинг режасини ишлаб чиқиш ва ишсизликни камайтириш бўйича ҳар бир ҳудуд хусусиятларини инобатга оладиган чораларни кўриш;

- фанни давлат бюджетидан молиялаштиришни кўпайтириш. Бу ерда фақат бюджет захиралари билан чегараланиб қолмасдан, ҳар бир ўқув юртларига маблағ топиш бўйича имкониятлар кўламини кенгайтириш чораларини кўриш борасидаги ишларни янада давом эттириш, таълимнинг мустақиллигини кучайтириш орқали рақобатбардошлигини ҳам ошириш чораларини кўриш.

## 7-БОБ

### ОИЛА ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ ТҲКИБИДА МЕХНАТ ВА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАРИ<sup>78</sup>

#### 7.1. Оилага кўрсатиладиган хизматлар хавфсизлигини таъминлаш йўллариинг назарий масалалари

Оила хўжалигининг фаровонлигини ошириш муаммолари доимий муаммо бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Бу масала қадимги мўтафаккирлар эътиборини ҳам ўзига жалб қилиб келган. Бу борада файласуфлар, иқтисодчилар, ижтимоий соҳа ходимлари ўзларининг фаолиятида бош масала сифатида қараб келганлар. XX асрнинг характерли хусусиятларидан бири шундаки, инсонга бўлган муносабат, унинг фаровонлиги иқтисодий ўсишнинг муайян натижаси сифатида қараладиган бўлди. Шу даврга келиб «Инсон омили» деган атама пайдо бўлди, у ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи воситаси сифатида қабул қилинди. XXI-асрга келиб эса “Инсон капитали” деган тушунча ҳам илмий адабиётларга иқтисодиётнинг бир категорияси сифатида кириб келди ва тадқиқот объектига айланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган асрнинг охирларида инсон омили, бошқачарок қилиб айтганда оила фаровонлиги ва уни ошириш масаласида туб бўрилиш ясалди. Инсоннинг ривожланишида иқтисодий омиллар инобатга олинадиган давр бошланди. Бу эса инсоннинг хавфсизлигини таъминлашда иқтисодий омилларни ҳам инобатга олиш лозимлигини туғдирди. Натижада оиланинг иқтисодий хавфсизлиги тушунчаси вужудга келди.

Шундай қилиб, XX асрнинг охири ва XXI- асрнинг бошларида жамият тараққиётида инсон ролини янгича талқин қилувчи янги назариялар пайдо бўлди. Инсон омили иқтисодий ўсиш омили сифатида қараладиган бўлди. Натижада иқтисодий ўсиш инсон учун эмас, балки инсон иқтисодий ўсиш омили сифатида қараладиган бўлди. Оила хўжалиги эса инсонни вояга етказадиган субъект эмас, балки иш кучини ишлаб чиқарувчи кўрғон сифатида қараладиган бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мустақилликка эришилгач инсон омил сифатида эмас, балки олий қадрият сифатида, ҳамма нарса инсон учун хизмат қилиш лозимлигини исботловчи назария пайдо бўлди. Бунинг замирида

<sup>78</sup> Монографиянинг мазкур 7-боби Озода Нардаева томонидан ёзилган.

“ислохотлар ислохот учун эмас, балки инсон учун”, деган тамойил вужудга келди. Эндиликда инсон хавфсизлиги ҳам мос равишда иқтисодий хавфсизликка нисбатан устуворликни ташкил қиладиган бўлди.

XX асрнинг охирларига келиб жаҳон иқтисодий адабиётида миллий бойликнинг янги концепцияси пайдо бўлди. Масалан, жаҳон банки миллий бойлик таркибига табиий ва ишлаб чиқарилган капитал тушунчаси билан биргаликда жамғарилган инсоний капитални ҳам киритишни таклиф қилди. Бу таклифни дунёнинг 92 мамлакатида жорий қилиш учун тажриба ўтказди. Бу баҳолашга кўра мазкур мамлакатларда жисмоний капиталнинг миқдори ўртача миллий бойликнинг 16 %га тенг, инсоний капиталнинг – 64 %га, табиий капиталнинг миқдори 20%га тенг. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда инсоний капиталнинг қисми миллий бойлигининг 80 %ни ташкил қилади<sup>79</sup>. Булардан кўриниб турибдики, мамлакат миллий бойлигида инсоний капиталнинг ҳиссаси салмокли ўринларга эга экан.

Шундай қилиб, XXI-асрга келиб жуда кўп мамлакатларда инсоний капитал миллий бойликнинг таркибий қисми сифатида баҳоланадиган бўлди. Бунда инсоннинг ўзи ва унинг ривожланиш даражаси эмас, балки аҳолининг ҳаёт даражаси билан ўлчанадиган бўлди. Натижада «Инсон тараққиёти» атамаси вужудга келди. Бу атама 1990 йилда «БМТнинг тараққиёт Дастури» халқаро ташкилоти томонидан киритилди. Шу йилдан бошлаб мамлакатимизда ҳам “Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза” чоп этилиб келинмоқда. Ушбу маърузанинг бирида «Инсон тараққиёти индекси» номли кўрсаткич ҳам киритилди. Бу кўрсаткич бўйича инсонларнинг яшаш даражаси аниқланади. Агар у минимал даражадан кам бўлса, ҳаёт хавфсизлиги масаласи жиддий тус олган бўлади.

Оила ҳўжаликлари хавфсизлигини таъминлашда инсон тараққиётининг концепциясида ифода этиладиган молиявий даромаднинг ёки моддий бойликнинг ўсиши билан эмас, балки жамият тараққиётининг мақсади ва омили сифатида инсоннинг ривожланишида ўз ифодасини топади. Инсоннинг ривожланиши оилада содир бўлади. Унинг тараққиётини таъминлаш учун инсон умрини имкон қадар ўзайтириш, унинг соғломлигини таъминлаш ва ижод билан шуғулланиши учун қулай шароит яратишдан иборат. Бунинг замирида ҳам моддий ва молиявий имкониятларнинг маълум миқдорда етарлилиги тушунилади. Бу ҳар бир оилада фаровонлик

<sup>79</sup> Вечканов Г.С. Экономическая безопасность. – СПб.: Питер, 2007. 242 с.

даражаси билан белгиланади. Бу ҳам пировардида оила хўжаликларининг иқтисодий хавфсизлигини ташкил қилади. Бу эса инсонларнинг ҳаёт сифатини ҳам белгиловчи кўрсаткичлардир. Ҳозирги шароитда “Ҳаёт сифати” атамаси ҳам янги атама сифатида ўрганилмоқда.

Шундай қилиб, ҳаёт сифати ва инсон тараққиёти – ҳозирги замон иқтисодий фани ва кўп мамлакатларнинг ривожланиш стратегиясини ташкил қилади. Инсон тараққиёти иқтисодиётни барқарор ривожланиш заруриятини, ҳозирги ва келажак авлоднинг ҳаёт сифатини юксак даражасини таъминлаш деганидир.

Ҳозирги пайтда иқтисодий адабиётларда «Барқарор иқтисодий ўсиш» атамаси ҳам тадқиқ қилинмоқда. Бу борада А.В.Вахабовнинг қуйидаги туркумлари эътиборга сазовар. “Иқтисодий ўсишнинг қуйидаги турларини фарқлаш мумкин:

- а) барқарор иқтисодий ўсиш (5 % ва ундан юқори);
- б) юқори бўлмаган иқтисодий ўсиш (2-3 %);
- в) секинлашган иқтисодий ўсиш (1-2 %);
- г) беқарор иқтисодий ўсиш;

д) мувозанатлашган иқтисодий ўсиш”<sup>80</sup>. Ушбу меъзонлардан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатимизда 2005 йилдан буён барқарор иқтисодий ўсиш таъминланиб келинмоқда. Шу орада (2005-2011 йилларда) мамлакат ЯИМ ўсиш суръати 107,0 - 109,5 % оралиқда ўсиши таъминланди.

Аммо баъзи олимларнинг эътироф этишича бу масала ҳамма жойда ҳам бир хил ҳал қилинган эмас. Россия Федерациясининг барқарор тараққиёт концепцияси қабул қилинган. Унинг таркибида «Барқарор иқтисодий ўсиш» ўз ифодасини топган бўлсада бу дастур тўла даражада амалга оширилмапти<sup>81</sup>. Бунга 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз ҳам сезиларли даражада ўз таъсирини ўтказди.

Шунинг учун инсон тараққиёти учун салбий бўлган оқибатлар ва тенденциялар кўпгина мамлакатларда сақланиб қолмоқда. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- кўпгина мамлакатларда асосий аҳолининг реал даромадлари паст даражада сақланиб қолаётганлиги, даромадларнинг тақсимоотида тенглик принципининг йўқлиги, унинг янада авж олиши

<sup>80</sup> Вахабов А.В. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш: мумкинлиги, зарурлиги, омиллари ва таъминлаш йўллари.// “Иқтисодий барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий муносибликни таъминлашнинг асосий йўналишлари” Республика ИАК тезислари тўплами. 2011 йил 13 май. Т.: ТДМУ-14 б.

<sup>81</sup> Вечканов Г.С. Экономическая безопасность. – СПб: Питер, 2007. 242 с.

билан бирга камбағалликнинг сақланиб қолиши ҳамда ишсизликнинг доимий муаммолигича қолиб кетиши;

- айрим мамлакатларда уюшган жиноятчиликнинг авж олиши, наркотик моддалалар, курол-яроқ, болалар ва аёллар савдосининг жиноят ишлари таркибида кўпайиб бориши, куч ишлатиш, терроризм каби иллатларнинг сақланиб келаётганлиги;

- ижтимоий соҳаларни, хусусан соғлиқни сақлашни, таълим, миллат маданияти каби инсон тараққиёти учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳаларни молиялаштиришнинг паст даражаси сақланиб қолиши;

- кўпгина мамлакатларда пенсия ёшидаги аҳоли ва болаларнинг аксарият қисмининг соғлиғи етарли даражада эмаслиги, ижтимоий касалликларни юксак даражада даволаш учун тиббий ёрдамнинг етарли эмаслиги ва бу борада мавжуд шароитларининг ҳам йилдан-йилга камайиб бориш тенденцияси кабиларни мисол тариқасида таъкидлаш мумкин.

Бу омиллар албатта инсонлар ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш учун салбий омил сифатида ўз ечимини топишлари керак. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган тадбирлар етарлидир. Хусусан, факат 2010 йилда давлат бюджетининг 52 %дан кўпроқ қисми ижтимоий соҳани ривожлантиришга мўлжалланганлигининг ўзи ҳам бу борада сезиларли ишларни амалга оширилаётганлигидан далолат бериб турибди. Бу тенденция 2011 йилда ҳам сақланиб қолди. Шу йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади<sup>82</sup>.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳаёт сифатини тўғридан-тўғри сонлар билан ўлчаш имконияти йўқлиги сабабли, ҳар бир алоҳида инсоннинг, унинг oilасининг ҳаёт даражасини ўлчашга тўғри келади. Бу ҳам кўрсатадики, oilа хўжаликларида бу масала янада аҳамиятли ва эътиборга моликдир. Кўп ҳолларда умумлашган ўртача кўрсаткичларнинг миқдори орқали мамлакатлардаги барча аҳолининг ҳаёт даражасини ўлчашга ҳаракат қилинади. Бу албатта ўртача умумий тушунча ва йўналишлар учун муҳимдир. Аммо ҳаёт даражасини алоҳида oilа даражасида ўлчанмас экан, бу борадаги воқеликни тўлиқ ва реал ифода этмайди, чунки бу масала анча мураккаб вазифалардан биридир. Ҳаёт сифатинининг кўп

<sup>82</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лавозимлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, 2011 йил 21 янв./ И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 36 б.

томонларини фақатгина шартли ёки нисбий индикторлар орқали баҳолаш мумкин. Шунинг учун барча назария ва унга қарашли индикторлар таркиби ҳаёт сифати даражасини абсолют ва тўлалигича ифода эта олмайдилар. Бундан ҳам кўриниб турибдики, бундай ўлчамларни ҳар бир инсоннинг, оилаларнинг аниқ ҳаёт даражасигача тушилмас экан, уларни аниқ белгилаб бўлмас экан. Шу туфайли алоҳида олинган оилаларнинг иқтисодий хавфсизлигини ҳам ўлчаш бироз мураккаблик туғдиради.

Шуни таъкидлаш жоизки, охириги йилларда мамлакатимизда тинчлик барқарорлашиб, қамбағаллик, жиноятчилик, коррупция каби салбий ҳолатларга чек қўйиш учун катта тадбирлар амалга оширилди. Натижада оила ва унинг асосий субъекти бўлган инсон ҳаётидаги барча хавфсизликларнинг таъминланиши рўй бермоқда. Бунда самарали давлат бошқаруви, давлатнинг бош ислохотчилик сиёсати катта аҳамият касб этмоқда. Натижада кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда мамлакат ва унинг аҳолиси деярли зиён кўрмади.

Мамлакатимизда тегишли халқаро ташкилотлар томонидан ҳар бир аҳолининг ҳаёт сифати ва инсон ривожланишнинг мониторинги олиб борилмоқда. Бу мониторингнинг аҳамиятли жиҳати қўйдаги вазифаларни амалга оширилишини таъминлаш имкониятига эга эканлиги билан характерлидир.

Биринчидан, инсон ҳаёти сифати ва тараққиётидаги салбий йўналишларни ўз вақтида аниқлашни таъминлашга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, мазкур масала бўйича йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларни олдиндан чорасини кўриш тизимини яратиш имконини беради. Бу тадбир ҳаёт хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Иккинчидан, оила ва инсон ҳаёт сифатига оид қабул қилинган қарорларни баҳолашга ва уларнинг самарадорлигини аниқлашга имкон туғдиради ва шулар орқали қабул қилинаётган қарорларнинг тахминий оқибатларини баҳолайди. Бу ўта муҳимдир. Чунки камчиликларни ўз вақтида аниқлаш имконини беради. Камчиликлар йўл қўйилгандан кейин эмас, балки воқелик содир бўлмасдан олдин уларни бартараф қилиш имконияти туғилади. Бу жуда катта самарали жараён бўлиб ҳисобланади. Бу ишлар том маънода қараладиган бўлса инсоннинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш учун катта аҳамиятга эгадир.

Оила ҳўжаликларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлашда халқаро ташкилотлар олиб борадиган мониторинг ҳам аҳамиятли. Чунки бунинг натижаси давлат сиёсатидаги инсон қизиқишлари

ўстуворлигини кўчайтириш имкониятини яратади. Бунда инсон ҳаётининг сифати ва тараққиёти биринчи ўринда туради, чунки у ўзок муддатли ҳаракат қилувчи тенденция тўғрисидаги объектив фикрни таъминлай олади. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг негизи айнан шу масалалар ечимига қаратилган. Бу ҳолат жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг таъминланганлиги билан белгиланиб турганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат нафақат мамлакатнинг балки ҳар бир инсоннинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш имконини бериб турибди.

Инсон хавфсизлиги таъминланмаган жойда давлат хавфсизлиги ҳақида гапириш ва мос равишда, давлат хавфсизлиги таъминланмаган жойда инсон хавфсизлиги тўғрисида гапириш ҳам мумкин эма. Бу иккала ҳолат бир-бири билан ўзвий боғлиқ жараёнлардир.

Шундай қилиб, жамиятнинг қарорлар қабул қилишдаги таъсир кўчи ҳаёт сифатини оширишда зарур омил бўла олади. Бу таъсирнинг муҳим жиҳати бўлиб инсон ҳаёти сифати ва тараққиёти мониторинги бўлиб қолади. Шу туфайли ушбу масалани ҳар оила даражасига ва ниҳоят ҳар бир инсон даражасигача тушириш лозимдир. Инсон ҳаёт сифати ва тараққиёти эса – давлат бошқариши самарадорлигининг муҳим омили ва иқтисодий-ижтимоий сиёсатининг ўстувор вазифаси бўлиб қолади.

Инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлиги мамлакат хавфсизлигининг асосий қисмини ташкил қилади. Ҳар бир мамлакат инсон хавфсизлигини таъминламас экан, ушбу мамлакатда умумий хавфсизлик ҳақида гапиришга ҳам ҳожат бўлмайди. Инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги – бу шундай ҳолатки, унда инсоннинг ҳаётий манфаатлари муҳофазаси учун тегишли замин яратилиб, унинг ижтимоий ривожланиши таъминланади ва инсон ва жамият муҳофазаси кафалатланиди.

Инсон шахсининг иқтисодий хавфсизлиги миллий иқтисодий хавфсизликнинг таркибий қисми бўлиб, унинг даражаси муайян давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан белгиланди.

Бизнинг мамлакатимизда инсоннинг барча хавфсизлигини, шу жумладан иқтисодий хавфсизлигининг ҳам ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг инсоний ҳуқуқлари ва ҳақларини кафолатлайдиган ЎЗР Конституцияси, ЎЗР Фуқаролик Кодекси, ЎЗР қонун ва қонуний актлари ҳисобланади.

Инсон иқтисодий хавфсизлигининг объекти ва субъекти мавжуд. Унинг объекти бўлиб алоҳида фуқаролар ва жамиятнинг барча

аъзолари ҳисобланади. Инсон иқтисодий хавфсизлигининг субъекти бўлиб эса, ишчи ўринлари салоҳияти, ижтимоий таъминот ва ишлаб чиқариш соҳалари ҳисобланади. Чунки инсоннинг ўз манфаатлирини ҳимоя қилиш учун, энг аввало иш ўринларига эга бўлишлари керак. Иш ўринлари билан бирга ижтимоий муҳофаза тизими тизимли тарзда ишлаши ва у давлатнинг дастурий устувор вазифаси сифатида доимий равишда эътиборда бўлиб туришлари лозим. Ниҳоят, инсоннинг барча моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондириб туришлиги учун моддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳам етарли даражада ривожланган бўлишлари лозим.

Инсон иқтисодий хавфсизлиги соҳасининг предмети ҳам мавжуд. Бунга давлатнинг иқтисодий фаолияти ва инсон камолотига қаратилган иқтисодий сиёсатини олиш мумкин. Булар таркибига қўйдагиларни киритиш мумкин. Биринчидан, инсон иқтисодий хавфсизлиги тизимига салбий таъсир этувчи омилларнинг таҳлили ва синтези. Буни, юқорида таъкидланганидек, давлат ўзининг диққат марказида доимий тарзда ушлаб турмоғи лозим. Иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг мукамал бўлмаганлигини қопловчи давлатнинг иқтисодий сиёсатини ва институцион ҳолатини инобатга олувчи сиёсатни юритишни тақозо қилади.

Инсон шахсига қаратилган иқтисодий хавфсизликнинг давлат стратегияси ўз ичига қўйдагиларни олиши мумкин. Энг аввало давлат ички ва ташқи хавфлардан воқиф бўлиши ва унга қарши чораларни олдиндан кўра билиши, инсон иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун тегишли шароитининг яратилиши ва унга мос бўлган иқтисодиётнинг мезон ва кўрсаткичларининг амал қилиш даражаси, мамлакатда иқтисодий, ҳуқукий ва маъмурий таъсир чоралар негизида инсоннинг муҳим ҳуқуқларини ҳимоя қилинганлиги, инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги бўйича давлат стратегиясини бажариш устидан қаттиқ назоратнинг ўрнатилганлиги қабиаларни таъминлашни тақозо қилади.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш ундаги тавсиялар билан танишиш инсон иқтисодий хавфсизлигини, фуқаролар ҳаётининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чоралар тизимини ишлаб чиқаришни ва амалга ошириш лозимлигини тақозо қилди. Бир қанча адабиётларни умумлаштириб, инсон иқтисодий хавфсизлигини, фуқаролар ҳаётининг барқарорлигини таъминлаш учун қўйдаги масалаларга алоҳида аҳамият берилиши лозим деган хулосаларга келинди:

- аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланганлигига тўлиқ даражада эришишни;
- иш билан таъминланганлик даражасининг юқорилиги ва ҳамиша иш жойларининг мавжудлиги;
- малакали мутахассисларнинг ўз иш жойларига эга бўлишлиги, малакали иш жойларининг очилиши;
- ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг мунтазам такомиллашиб бориши ва шунга мос равишда техника ва технологик янгиланишларга эришишнинг яхшиланганлиги;
- маълумот олиш учун тегишли шароитнинг яратилганлиги;
- ахборот олиш ҳуқуқининг эркинлиги ва очиклиги;
- мамлакатда тиббий хизмат кўрсатишнинг яхши йўлга қўйилганлиги;
- пенсионерларни етарли пенсия ва ногиронларни тегишли нафақа билан таъминлаш даражасининг юқорилиги;
- тижорат банкларида шахсий омонатлар хавфсизлигининг таъминлаш даражасининг юқорилиги;
- коммунал-ўй-жой хизматлари билан таъминланганлик даражасининг меъёрга мос келиши;
- қулай экологик шароитларнинг мавжудлиги, уни таъминлаш бўйича қўрилаётган чораларнинг самарадорлиги;
- ҳаётда инновация ва инвестицияларга эҳтиёжнинг мавжудлиги кабилар.

Оила иқтисодий хавфсизлиги давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан вобаста боғлиқ бўлиб, эҳтиёжларни қондирмоқ учун етарли бўла оладиган даромад даражасига эришишни назарда тўтади. Чунки, тегишли миқдорда даромад олинмаса, шу олинган даромаднинг миқдори тегишли тарзда оила харажатларини қоплай олмаса оилаларнинг, шу жумладан инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги тўғрисида гап юритиш мураккаб бўлади. Шу туфайли иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масаласи умумий иқтисодий хавфсизлик таркибида ҳам устуворликни ташкил қилади.

Оила ва инсоннинг хавфсизликлари тизимида ижтимоий хавфсизлик масаласи ҳам мавжуддир. Уларнинг ижтимоий хавфсизлиги мамлакат иқтисодиётининг ҳамда ижтимоий соҳанинг, шу жумладан соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва социал соҳаларнинг шундай ривожланиш даражасига эришишни талаб қиладики, индивиднинг фаровонлиги учун тегишли маҳсулотлар ва

хизматларнинг етарлилик даражаси юқори, яъни уларнинг ҳажми ва сифати тегишли эҳтиёжлари тўлиқ тарзда кондирадиган даражада бўлишликни тақозо қилади. Бу борада мамлакатимизда жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, жорий йилда ҳам диққатимиз марказида бўлади”<sup>83</sup>, дейилган. 2011 йилда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилган (60 фоиз) харажатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланади<sup>84</sup>.

Оила ва инсон иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласи, юқорида таъкидланганидек, муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу масалани ҳал қилишда бир қанча муҳим жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим бўлади. Ҳозирги шароитда оила ва инсон иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар эътироф этилган:

- озиқ-овқат хавфсизлиги;
- экологик хавфсизлик;
- ишчи кўчининг сифати;
- соғлиқни сақлаш;
- узлуксиз таълимнинг жорий қилинганлиги;
- юқори бандлик;
- уй-жой ва коммунал хизматлар билан таъминланганлик даражаси;
- аҳоли миграцияси ва бошқалар.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида иқтисодий хавфсизликнинг ҳамма жиҳатлари эътиборни талаб қилади. Улардан бири озиқ-овқат хавфсизлигидир. Бу масаланинг муҳим жиҳати, ўтиш даврининг бошлангич палласида нима бўлса ҳам аҳолининг, хусусан оилаларнинг озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжини таъминлашдан иборат бўлса, бугунги кунда ва келгусида асосий эътиборни ўзимизда ишлаб чиқариш эвазига озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи устувор бўлмоғи лозим. Бу борада ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

<sup>83</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, 2011 йил 21 янв./И.А.Каримов - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 36 б.

<sup>84</sup> Ўша жойда. - 36 б.

Биринчи гада мамлакатимиз Президенти дон (галла) мустақиллигини устувор вазифа килиб қўйган бўлса, эндиликда барча озиқ-овқат маҳсулотларини, энг аввало, ўта зарур маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш масаласини қўйди. Бунга ҳам асосан эришиб келмоқдамиз. Мамлакатнинг, хусусан ҳар бир оиланинг, инсоннинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича хорижий мамлакатларга қарам бўлмаслик тамойили амал қилмоқда. Биз жуда кўплаб маҳсулотлар бўйича ўзимизда етиштириб, ўз эҳтиёжларимизни таъминлаш билан бирга хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилмоқдамиз. Бу ҳам бизнинг мустақиллик йилларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар натижасидир.

Ўзбекистон Республикасида экология ва инсон хавфсизлиги ҳам хавфсизликлар тизимида муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.

Экологияга одатда икки хил йўналишда қаралади. Биринчидан, у ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмларнинг ўзаро ва атроф муҳит билан бўлган муносабатларини ўргатувчи фан бўлса, иккинчидан, инсон экологияси – инсон ва атроф муҳит билан муносабатлар муаммосини кўриб чиқувчи фан сифатида қаралади. Бу ерда биз экологияни инсон ва атроф муҳит билан муносабатлари нуқтаи назардан кўриб чиқамиз.

Оила ва инсон хавфсизлигини таъминлашда экологик хавфсизликни эътибордан қолдириб бўлмайди. Экология муаммолари дунёнинг барча мамлакатлари учун аҳамиятли бўлиб, улар кўп жиҳатлари билан бир-бирига боғлангандир, уларнинг асосийлари қўйдагилар. Биринчидан, ер қўррасида аҳолисининг тезлик билан ўсиш жараёнининг рўй бериш ҳодисаси. Хусусан, XX асрнинг бошларидан унинг миқдори 1,6 млрд. кишини ташкил қилган бўлса, XXI асрнинг бошида 6 млрд. кишига етди. Иккинчидан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларининг кескин ривожланиш жараёнининг рўй беришидир.

Ушбу ва бошқа омишлар таъсири натижасида Ўзбекистон Республикасида, бошқа мамлакатлардагидек, XX асрнинг 2 ярмида мамлакат ҳудудининг қарийб учдан бир қисмида экологик номутаносиблик вужудга келди. 1990 йиларнинг ўрталарида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида атроф-муҳитнинг аҳволи (пахта яккахокимлигининг тугатилиши эвазига) бир мунча ўнгланиши мумкин эди. Аммо Орол муаммосининг пайдо бўлиши билан ушбу ҳолат яна кескинлашиб борди.

XXI асрнинг бошларида иқтисодиётнинг ривожланиш суръатлари ўсиши ва давлатга қарашли табиатни муҳофаза қилиш тизимидаги айрим оксоқликлар туфайли атроф-муҳитга салбий таъсирлар кўчайди. Бунга тамошабин бўлиб туриш кечирилмас ҳол эди. Шу туфайли ушбу муаммоларни бартараф қилишнинг кескин чоралари кўрилди. Натижада 2010 йилга келиб мамлакатимизда экологик ҳаракат тизими ташкил қилинди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизнинг ва ҳар бир инсоннинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу ҳаракат томонидан сайланган 15 нафар депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатасида алоҳида фракция сифатида фаолият кўрсатмоқда. Улар экологик вазиятни ўнглашга қаратилган қонунларни қабул қилиш ва оқдигиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали такомиллаштириш устида тегишли ишларни амалга оширмоқда.

Маълумки, экологик вазиятнинг ёмонлашуви аҳоли соғлигининг ёмонлашувига, аҳоли ўртасида ўлимнинг ўсишига ва ҳаётнинг ўртача давомийлигининг ўзгаришига сезиларли таъсир қилади. Шу туфайли мамлакатлар аҳолига баҳо беришда экологик вазият асосий меъзонлардан бири сифатида қаралади. Экспертлар маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасидаги ҳозирги экологик аҳволни ўнглаш учун бир канча тадбирларни амалга оширилишини тақозо қилади. Бу тадбирлар, бизнинг фикримизча, қўйдагилардан иборат бўлиб қолмоқда.

Биринчидан, олдинги йиллардаги ифлосланишлардан ва бошқа экологик таъсирлардан қутилиш лозим бўлмоқда. Бунинг учун ҳозирги экологик вазиятни ўнглаш масаласига катта аҳамият беришни тақозо қилади. Чунки ушбу вазиятни ўнгламасдан туриб, ҳаёт даражасининг сифат босқичига ўтиш мураккаблигича қолаверади.

Иккинчидан, иқтисодиётни саноатлаштириш жараёнида, турли зарарли чиқиндиларга барҳам бериш билан боғлиқ ифлосланишлардан ҳоли бўлишимиз лозим. Бунинг учун ҳам тегишли тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришдан имкон қадар органик ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш масаласига ўтиш лозимлигини ҳам таъминлаш зарурати туғилди. Бу борада анча ишлар қилинди. Аммо бутунлай қутилиш учун анча ишларни амалга оширишга тўғри келади.

Тўртинчидан, табиий ресурсларидан аёвсиз фойдаланишга чек қўйилишга эришиш, улардан оқилона фойдаланиш дастурига ўтишни таъминлаш лозимдир.

Бешинчидан, оролбўйи минтақаларида экологик вазиятни ўнглаш билан боғлиқ тадбирларни янада жонлантириш ва унинг зарарли оқибатларига барҳам бериш чораларини кўриш.

Олтинчидан, инсон фаолияти таъсиридан бутун сайёрамиздаги глобал ўзгаришларни инобатга олган ҳолда халқаро ҳамжамиятга таклифлар билан чиқиш ва уларни амалга оширишга эришиш йўлидаги ишларни давом эттириш лозимдир.

## **7.2. Оила ҳўжалигида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари**

Меҳнат инсоннинг мақсадга мувофиқ онгли фаолияти бўлиб, энг аввало, табиат предметларини ўзгартириб, одамлар эҳтиёжга мос предметларни яратишни англатади. Биз ҳар куни фойдаланадиган уй рўзгор буюмлари инсон меҳнатининг маҳсули ва унинг натижасидир. Умуман олганда меҳнат кишилиқ жамияти ҳаётининг асосий шarti, чунки у туфайли инсониятнинг яшаш учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар (интеллектуал мулк) яратилади.

Кундалиқ ҳаётимизда, оила ишларида минглаб юртдошларимиз тирикчилик ишлари билан банд бўлишади. Оилада меҳнат хавфсизлиги – ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичи бўлиб, бу ерда ишчи кучи такрор ишлаб чиқарилади. Оилада иш шароитлари ва жойларининг тартибли ва тўғри жихозланганлиги – меҳнат унумдорлигини оширишга, кўрсатиладиган хизматларнинг сифатли бўлишига, ресурсларни самарали ишлатишга, оила аъзоларининг соғлигининг тақлинишига олиб келади. Инсон меҳнат маҳсули натижасида бирорта эҳтиёжини қондиради ва қилган меҳнатидан қаноатланиш ҳосил қилади. Шу тариқа ушбу ҳолат инсон меҳнатининг бардавомлигини таъминлаш учун асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Оилада, инсон ҳаётининг асосий қисми ўтади. Шу ерда инсоннинг қобилияти ва истеъдоди намоён бўлади, унинг билимлари кенгайиб боради. Оилада қилинадиган меҳнатда инсон жисмонан тобланади, иродаси ва феъл атвори чиникади.

Меҳнаткашларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодекси билан ҳамда хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига оид нормалар билан кафолатланган.

Меҳнатнинг натижаси инсон учун. Инсон меҳнати эса, ўзи учундир. Инсон меҳнат қилиш орқали жамиятни ривожлантирса, бир вақтнинг ўзида ўзини такомиллаштирадиган. Шу туфайли инсон капиталига инвестицияларни қўйиш, унинг меҳнат қилиш қobiliятини сақлаш имконини ҳам беради. Шу туфайли ҳар бир инсонга меҳнат қилиш имконияти билан бирга, унинг хавфсизлигини таъминлайдиган тадбирларни амалга оширадиган тартиб ўрнатилиши лозим. Мамлакатимизда инсон капиталини такомиллаштиришга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ташкил этилган "Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси"нинг 357 миллиард сўм миқдордаги маблағи ҳисобидан 2011 йилда 336 та таълим муассасини, 65 та болалар мусика ва санъат мактабини, қарийб 1500 та компьютер синфини ташкил қилишни таъминлаш, шунингдек, 118 та спорт залини қуриш ва жиҳозлаш кўзда тутилмоқда<sup>85</sup>. Кўриниб турибдики, инсон капиталига, унинг такомилла-шувида давлат миқёсида катта аҳамият берилмоқда. Худди шунда эътибор, ҳар бир оилада ҳамм бўлиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи такозо қилмоқда.

Меҳнат қонунларида меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, адолатли меҳнат шaroитларини, ходимларнинг меҳнатга доир ҳуқуқини ҳимоя қилинишини, меҳнат унумдорлиги усишини, иш сифатини яхшиланиши ва шу асосида меҳнат билан бирга мулкчиликнинг турли шаклдаги корхоналарда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган барча шахсларнинг меҳнатга доир муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар бир киши меҳнат қилиш, қонунда белгиланган тартибда эркин иш танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаши ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Мамлакатимизда мажбурий меҳнат тақиқланади. Республикаимизда меҳнат қонунчилиги фақатгина иш шaroитини яхшилаш ва бахтсиз ҳодисаларининг олдини олиш вазибаларини белгилаш билан чекланмай, балки ходимларни ишдан бушатишни ва ходимлар билан корхона маъмурияти уртасидаги жанжални муҳокама этишни тартибга солади ва меҳнатқашлар манфаатини ҳимоя қилади.

Мамлакатимиз қонунчилигига асосан аёллар меҳнатидан оғир ишларда ва меҳнат шaroитлари зарарли бўлган ишларда, ер ости

<sup>85</sup>Каримов И. А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш ақунари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, 2011 йил 21 янв. / И. А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 37 б.

ишларида фойдаланиш тақиқланади. Хомиладор аёлларни ва боласи уч ёшга етмаган аёлларни тунги ишларга жалб қилишга, иш вақтидан ташқари ишлатишга, дам олиш кунларида ишлатишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Аёлларга боласи бир ярим ёшга еткунга қадар қисман ҳақ тўланадиган отпусқа берилади. Бундан ташқари, боласи уч ёшга тўлгунга қадар қўшимча отпусқа ҳам берилади. Аёлларни хомиладорлигини ёки боласи борлигини боҳона қилиб, ишга қабул қилмаслик ёки иш ҳаққини камайтириш тақиқланади.

Меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қарағилган тадбирлардан биттаси, 16 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилинишига йўл қўйилмаслигидир. Касб ҳунар билим юртларининг укувчиларини ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин ота-онасининг розилиги билан енгил ишларни бажаришга қабул қилишга йўл қўйилади.

18 ёшга тўлмаган ўсмирлардан оғир ишларда ва меҳнат шароити зарарли ёки хавфли бўлган ишларда фойдаланиш тақиқланади. Уларни тиббиёт қуригидан утказилгандан кейингина ишга қабул қилишга рухсат этилади. Шунингдек, уларнинг ҳар йили тиббиёт қуригидан ўтиб туришлари шарт. 18 ёшга тўлмаган ўсмирларнинг тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш тақиқланади. Уларни ишдан бўшатиш тумандаги вояга етмаганлар комиссиясининг розилиги билангина йўл қўйилади.

Корхона маъмурияти соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратишлари лозимлиги кўзда тутилган. Маъмурият ишлаб чиқаришда хавфсиз техника воситаларини тадбик қилиш, санитар-гигиеник шароитларини яратиш, турли касбий касалликларни олдини олиш чораларини қуришлари зарур. Шу билан бирга ишчи ходимлар ўртасида техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича кўрсатмалар бериб туриш корхона маъмуриятига юкланган.

Маъмурият қасаба уюшмаси кўмитаси ҳамда бошқа давлат органлари билан биргаликда бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида кўриб чиқишлари ва тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари шарт. Бу бевосита ходимлар меҳнатининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

Юқорида зикр этилганларни эътиборга олган ҳолда оилада барқамол инсон шаклланади ва давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий режалар тақдири ҳал бўлади. Шунинг учун оилада меҳнат шароитларининг тўғри, аниқ, сифатли, ўз вақтида баҳолаш, меҳнат жойларини тўғри ташкил қилиб, оила аъзоларининг ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ўзвий қисми бўлган меҳнат жараёнидаги

хавфсизлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш қатъи аҳамиятга эга.

Республикада меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси ишлаб чиқилган бўлиб, уларда инсоннинг меҳнат жараёнида соғлигини сақлаш, хавфсиз иш шaroитларини яратиш, турли касалликлардан сақлаш каби қонун қоидалар норма талаблари бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Республикада меҳнат муҳофазаси масалалари давлат органлари назоратидадир.

"Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси" 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонида қабул қилинган бўлиб, 1996 йил 1 апрелидан қучга киритилган. Ҳозиргача унга бир қанча ўзгиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ушбу меҳнат кодекси бозор муносабатлари шaroитларини ҳисобга олган ҳолда мулкчиликнинг қайси шаклидаги корхоналарда бўлишига қарамай ишчи ва ходимларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, уларнинг меҳнатга доир муносабатларини тартибга солади.

Оилага кўрсатиладиган хизматларда меҳнат хавфсизлиги чора тадбирлари ҳам ушбу меъёрий ва умумий қоидаларга бўйсинади:

1. Меҳнат шaroитлари бўйича иш жойларини шаҳодатдан ўтказиш халқ ҳўжалигининг барча тармоқларидаги корхоналарга, уларнинг мулкчилик шаклидан ва идоравий тоъбелигидан қатъий назар, мажбурийдир.

2. Иш жойларини меҳнат шaroитлари бўйича баҳолаш ва шаҳодатдан ўтказишнинг асосий мақсади, фуқароларни санитария-гигиена меёрлари талаблари жавоб берадиган, соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитлари билан таъминлашдан иборат.

3. Меҳнат шaroитларини баҳолаш асосида иш жойларини шаҳодатдан ўтказилади.

4. Шаҳодатлаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) ишлаб чиқариш муҳитининг физикавий, кимёвий ва биологик омиллари, иш жойларидаги меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зўриқишини умумий тадқиқотдан (асбоблар ёрдамида) ўтказиш;

б) иш жойларини қандай зарарли ва хавфли меҳнат даражалари синфларига қарашли эканлигини асослаб бериш;

в) ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларни имтиёзли шартларда нафақа олиш ҳуқуқини берувчи 1,2,3-сонли рўйхатларга киришини асослаш;

г) қоқулай меҳнат шaroитлари ва алоҳида тусдаги меҳнат шaroитларида ишловчи ходимлар учун қўшимча таътил белгилаш;

д) ноқулай меҳнат шароитлари учун ходимларнинг имтиёзли нафақа олиш ҳуқуқлари бор ёки йўқлигини тасдиқлаш;

е) ноқулай меҳнат шароитларини вужудга келтирувчи сабаб ва омилларни аниқлаш;

ж) юридик шахс ва фуқаролар (ишчилар) ўртасида юзага келган низоларнинг ечимини топиш;

з) меҳнат шароитларини яхшилаш ва енгиллаштириш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқиш.

Оилага кўрсатиладиган хизматларда меҳнат хавфсизлиги чора тадбирлари учун қўйидаги меёрий ҳужжатлар асосдир:

а) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси;

б) Ўзбекистон Республикаси Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуни;

в) Имтиёзли шартларда нафақа олиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1,2,3 – сонли рўйхатлари

г) Меҳнатни гигиена бўйича туркумлаш (ишлаб чиқариш муҳитидаги зарарли ва хавfli кўрсаткичлар, меҳнат жараёни оғирлиги ва кучланиши), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади;

д) меҳнат хавфсизлиги бўйича стандартлар тизими;

е) Санитария-гигиена меёрий ҳужжатлари, меҳнат хавфсизлиги бўйича қондалар;

ж) ишлар ва ишчи касбларининг ягона тариф-малакалаш маълумотномалари;

з) хизматчилар, мўтахассислар ва раҳбарларни лавозимлари бўйича малакалаш маълумотномалари;

и) ишчилар касби, хизматчилар ва лавозимларни малакалаштириш бўйича рисолалар.

Кўриниб турибдики, меҳнат хавфсизлиги масаласи қонунлар ва қонуности меёрий ҳужжатлари билан тўлиқ таъминланган. Улар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилиб боришмоқда. Эндиги вазифа ҳар бир корхонада ушбу қонун талабларига тўлиқ амал қилинишини таъминлашдан иборатдир.

### **7.3. Оила хўжалигига хизмат кўрсатиш жараёнида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш масалалари**

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва мамлакат иқтисодий салоҳиятини юқори даражага кўтариш оилалар олдига юқори талаблар ва даврнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, чуқур назарий ва амалий билимларга эга бўлган баркамол авалодни тайёрлаш вазифасини кўяди.

Ҳар томонлама етук, интилувчан ва замонавий тасаввурга эга бўлган баркамол авлод мустақил давлатимиз тараққиётини ва уни халқаро даражадаги нуфузини кўтарадиган асосий омиллардан биридир. Ҳозирги шароитда кундалик ҳаётимизни табиий газсиз, электр энергиясиз, улардан фойдаланиш эвазига юқори технологияга асосланган турли рўзгор жиҳозларисиз тасаввур қилиш қийин. Булардан тўғри фойдаланиш одамларнинг ҳаёт сифатини таъминлашга қаратилган. Аммо улардан фойдаланишни билмаганлар учун эса, ёнгин ва бошқа хавф-хатарлар унчалик узоқ бўлмайди. Шу туфайли ҳозирги пайтда ҳар бир оилада ёнгин хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим иқтисодий-иҷтимоий масалалардан бири сифатида қаралмоқда.

Меҳнат муҳофазаси билан ёнгин хавфсизлиги ва яшиндан ҳимоя қилиш чамбарчас боғлиқдир. Чунки ёнгинлар ва яшинлар моддий бойликларга зарар келтиради, ҳамда кишилар ҳаётига катта хавф туғдиради.

Ўзбекистон Республикасида энг муҳим социал ва сиёсий муаммо бўлмиш оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш соҳасида чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, одамларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва енгиллаштириш каби масалалар устида катта ишлар олиб борилмоқда. Ушбу кенг қамровли ишлардан бири ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир. Чунки, оила ҳаётининг фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг ажралмас ва ўта муҳим қисмларидан бири бу – ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва уни олдинки олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Республикада саноат ва қишлоқ хўжалигининг юксалиши, оилалар турмуш шароитининг ўсиши, шаҳар ва қишлоқларнинг ободонлашиб бориши ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги ҳар қандай хавфни бартараф этишга бўлган талабларни ҳам ошириб боради. Демак, шундай шароитда ҳар бир оилада ёнгин хавфсизлигини таъминлашга, бу борада оила аъзоларининг ҳушёрлигига, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича маълумотнинг етарлилигига

аҳамият бериш лозим бўлади. Бу эса, ўз навбатида уларнинг ишончли яшаши учун мустаҳкам кафолат бўлади.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш оила ҳаётини, меҳнат шaroитларини, технологик жараёнларни ва жамиятнинг тинч ва осойишталигини таъминлашнинг ажралмас ва ўта муҳим шarti ҳисобланади. Бу жараёнлар бир бири билан ўзвий боғлиқ бўлиб, уларни бир мураккаб тизим сифатида барча элементларининг биргаликда ишлаши кўринишида қараш лозимдир.

Шуни эътироф этиш керакки, ёнгин хавфсизлиги борасида айниқса, oilалар доирасида тадқиқотлар кам олиб борилган. Буларни инобатга олиб ушбу тушунчанинг назарий жиҳатларига ҳам аҳамият бериш лозим, деган хулосага келинди.

Ҳар қандай жараён ёки категориянинг назарий жиҳати унинг таърифини ишлаб чиқишдан бошланади. Шу туфайли биз ёнгин хавфсизлигининг таърифини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Ёнгин хавфсизлиги деганда объектнинг шундай ҳолатига айтиладики, бунда ёнгининг келиб чиқишига йўл қўйилмайдиган, ёнгин пайдо бўлган тақдирда зарарли омилларнинг одамлар ҳаётига таъсир қилишининг олди олинган ҳамда шу объектдаги моддий бойликларнинг сакланиб қолиш чоралари кўрилган тадбирлар мажмуасининг мавжудлиги тушунилади. Бу ерда объект дейилганда оила, корхона муассаса каби субъектлар инобатга олинади.

Ёнгин ва электр хавфсизлиги катта иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли, унинг таъминланишини тегишли давлат идоралари томонидан назорат қилинади.

Электр қурилмалари, электр тармоқлари, буғ қозонлари, электр станциялари, кишлоқ хўжалиги корхоналаридаги кўтариш-тушириш техникаларининг ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилиниши Давлат энергия назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Шу ўринда санитария ҳолатининг ҳам аҳамиятидан келиб чиқиб, уни назорат қилишни Республика соғлиқни саклаш вазирлигига қарашли Давлат санитария назорати томонидан амалга оширилишини ҳам таъкидлаб қўймоқчимиз.

Маълумки, аҳоли ўртасида ёнгин профилактикаси қоидаларига риоя қилишни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ёнгиндан ҳимоя қилиш Бошқармаси томонидан назорат қилинади.

Ёнгин хавфсизлиги масаласи нафакат ижтимоий ёки иқтисодий муаммо, балки у муҳандислик нуқтаи назардан ҳам таъминланган бўлиши шарт. Қуйда уларнинг моҳиятига тўхталиб ўтамиз.

1. Ижтимоий сабаблари. Маълумки, оиланинг яшаш жойлари, саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолияти маълум техноген жараёнлар билан боғлиқ ва уларда ёнгин бўлиш хавфи эҳтимоли доимий сақланади. Демак, уларда ёнгиннинг олдини олиш ва бартараф қилиш чора тадбирлари доимий равишда кўзда тутилиши керак. Ёнгинни олдини олиш ва уни ўчириш агенти сифатида барча жойларда сувнинг бўлиши ҳамда унинг етарли миқдордаги захираси сақланиши шундай чора тадбирларнинг энг асосийси ҳисобланади. Шунингдек, барча истеъмолчиларнинг кундалик эҳтиёжлари учун ҳам сув берилиши шарт. Бу эса ўз навбатида аҳоли ва корхоналарга ўзлуksиз ва етарлича миқдорда ҳамда талаб этилган босим остида сув берилишини тақозо этади. Ишончлилик ва ўзлуksизлик кўрсаткичларига ёнгинга қарши сув таъминоти тизими ҳам шундан кам талаб қўймайди. Демак бу икки тизимнинг бирлаштирилиши ҳар иккала талабларни ҳам бирдай қаноатлантиради. Бу билан ўта муҳим икки ижтимоий масала оилаларни доимий сув билан таъминлаш ва ёнгинни олдини олиш ҳамда бартараф қилиш ўз ечимини топади. Бу ҳолда асосий тамойиллардан бири инсон ва ишлаб чиқариш мавжуд бўлган жойда сув ҳам бўлиши сўзсиз таъминланиши шарт деган талабни келтириб чиқаради.

2. Иқтисодий сабаблари. Сув таъминоти тизими ўзининг мураккаблиги ва уни доимий ишончли ишлашига қўйилган талабларни бажариши учун унга нисбатан катта миқдорда моддий техник сарф ҳаражатлар қилинади. Бу тизимнинг сув манбасидан то сувни истеъмолчига етказиб бергунча бўлган барча иншоотлар, уларни жиҳозланиши ва улардан фойдаланиш учун қилинадиган бир марталик ва доимий сарф ҳаражатлар билан боғлиқ. Албатта, ҳар қандай тизим ўта ишончли ва доимий ўзлуksиз фаолият кўрсатиши учун уни иккита, яъни асосий ишчи ва захира тизими бўлишини тақозо қилади. Шу ўринда ёнгинга қарши сув таъминоти тизимини ичимлик ва ишлаб чиқариш сув таъминоти тизимидан ажратиш ҳам бир вариант сифатида қаралиши мумкин, лекин ёнгинни қачон ва қаерда бўлиши маълум бўлмагани (балки ўзок йиллар давомида ҳам бирор ёнгин бўлмаслиги) бу икки тизимни бирлаштирилишининг асосий иқтисодий сабабларидан бирига айланади. Ёнгинга қарши сув тармоғи тизимининг алоҳида лойиҳалаштирилиши ва қўшимча

иншоотлар қурилиши оддий сарф харажатлар билан боғлиқлиги асосий иқтисодий сабаблардан бири ҳисобланади.

3. Мухандислик сабаблари. Ёнғинга қарши жиҳозлар ва иншоотларнинг ичимлик ва ишлаб чиқариш сув таъминоти тизимига бириктирилиши, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Шунингдек улар баъзида икки мақсадда ишлатилади. Яъни, сув захираларини сақлаш сизимларида бир вақтнинг ўзида ичимлик сувлари захираси ва ёнғинга қарши захиралар сақланади. Ёнғин гидрантларининг магистрал сув тарқатиш тармоқларида ўрнатилиши уларнинг эксплуатациясини ва доимий сув билан таъминланишига сабаб бўлади.

Юқоридаги сабабларга кўра ёнғинга қарши сув таъминоти тизими билан бириктирилиши мақсадга мувофиқ. Демак, ёнғинга қарши муаммоларни тўлиқ бартараф этиш учун дастлаб сув таъминоти тизими, унинг иншоотлари, уларни ўзаро боғлиқлиги тўғрисида тушунчага эга бўлиш лозим деган умумий хулосага келиш мумкин.

## ХУЛОСА

Корхоналарнинг, шу жумладан, хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва хавфсизлик хизматининг такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлар самарадорлиги, уларга таъсир килувчи омилларни ҳисоблаш ва ички имкониятларни ишга солиш йўлларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш натижасида бир қанча хулосаларга келинди, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тадқиқотлар кўрсатдики, корхоналарнинг, шу жумладан, хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодий хавфсизлиги, уларнинг турлари ва улар билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари бугунги бозор муносабатлари чуқурлашаётган пайтда ўта долзарб масалалардан биридир. Аммо шунга қарамасдан, мамлакатимиз олимлари томонидан ушбу муаммо кам тадқиқ қилинган ва шу мавзуга онд адабиётлар етарли даражада нашр қилинмаган. Зеро, бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг иқтисодий хавфсизлигини муттасил таъминлаб бориши лозимлигидан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатимизда ушбу мавзуда илмий-тадқиқот ишлари жадал олиб борилиши, унинг кўпгина назарий ва амалий масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиши лозимдир.

2. Илмий ишда бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитидан ва мамлакатимиз таракқиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб “хавфлилиқ”, “хавфсизлик”, “иқтисодий хавфлилиқ”, “корхоналарнинг ижтимоий хавфсизлиги”, “товарлар хавфсизлиги”, “ахборотлар хавфсизлиги”, “объектнинг хавфсизлиги”, “корхоналарнинг иқтисодий хавфлилиги”, “корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги” каби тушунчаларнинг таърифлари ишлаб чиқилди ва назарий жиҳатдан асосланди.

3. Хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳозирги кунда объектив заруриятга айланганлиги туфайли уни тадқиқ қилишнинг концептуал йўналишлари очиб берилди. Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар бугунги кун талабидан келиб чиқиб уч гуруҳга бўлинди, яъни буларга назарий муаммолар, ҳукукий муаммолар ва амалий муаммолар кириши, ҳар бирининг нималардан иборат эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

4. Ишда корхоналарнинг, шу жумладан хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари ва вазифаларига аниқлик киритилди ва улар

маълум даражада тизимлаштирилди. “Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги” номи дарсликни тайёрлаш ва уни иқтисодиётга оид олий ўқув юртларида ва ўрта махсус касб-хунар коллежларида ўқитиш лозимлиги асосланди.

5. Тадқиқотларимиз натижасида, корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда “Хавфсизликни таъминлаш - БУ САДОҚАТЛИЛИК”дир деган тамойилга таяниш мақсадга мувофиқлиги, унинг мазмуни чуқур маънога эга эканлиги, унинг бир қанча тадбирларни камраб олиши асосланди. Садоқатлиликнинг бош ҳарфлари билан бошланадиган сўзларнинг нимани ифода этишига қисқача изоҳ берилди.

6. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ҳолати, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни баҳолаш масалалари тадқиқ қилиниб, бугунги кунда корхона иқтисодий хавфсизлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари ишлаб чиқилди. Хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизими тавсия қилинди: режада (меъёрда) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган активлар рентабеллиги ( $A_p > A_{pm}$ ); режада (меъёрда) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган харажатлар рентабеллиги ( $X_p > X_{pm}$ ); режада (меъёрда) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган ўз маблағлари рентабеллиги ( $\dot{Y}_p > \dot{Y}_{pm}$ ); режада (меъёрда) кўзда тутилган даражадан кам бўлмаган сотилган маҳсулот (умумий) рентабеллиги ( $C_{mp} > C_{m_{pm}}$ ). Мазкур кўрсаткичлар мажмуи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини ифодалайди. Шу туфайли уларнинг ҳар бирининг аниқланиш йўллари ва моҳияти очиқ берилди.

7. Бозор муносабатлари шароитида ҳукум сураётган ҳаётий заруриятдан келиб чиқиб, корхоналар иқтисодий хавфсизлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан комплекс кўрсаткични аниқлаш йўллари кўрсатиб берилди ва уларга аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда баҳолаш усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётга тавсия қилинди.

8. Ҳозирги шароитда ҳар бир корхона таркибида махсус хавфсизлик хизмати бўлими фаолият кўрсатиши лозим, деган ҳулосага келинди. Бунинг учун хавфсизлик хизмати билан шуғулланадиган бўлим ва унда иқтисодий хавфсизлик билан шуғулланадиган масъуллар бўлиши лозимлиги асосланди.

9. Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолашда унинг самарадорлигига алоҳида аҳамият бериш лозимлигидан келиб чиқиб, уни баҳолаш учун бир қанча кўрсаткичлар: корхонада банд бўлган

хавфсизлик хизмати 1 нафар ходимга тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми; қўриқланадиган 1 сўм корхона активларининг ўртача йиллик қийматига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми тавсия қилинди.

10. Мамлакатимизда иқтисодиёт фанига илк бор “Корхонанинг иқтисодий хавфсизлик нуқтаси”, “Иқтисодий хавфсизлик чегараси” ва “Иқтисодий хавфсизлик даражаси” деган тушунчалар киритилиш лозимлиги асосланди.

11. Ишда корхонанинг иқтисолий хавфсизлиги ўзгаришига бевосита таъсир қилувчи бир қанча гуруҳ омиллар аниқланди. Биринчи гуруҳ омилларга қўйидагиларнинг кириши асосланди: доимий харажатлар миқдори; ўзгарувчи харажатлар миқдори; сотилган маҳсулот ҳажми; иқтисодий хавфсизлик нуқтасига эришиш лозим бўлган хизматлар миқдори; доимий харажатлар қопланадиган хавфсизлик нуқтасига эришиш лозим бўлган хизматлар миқдори; корхона тўлайдиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдори. Ушбу омилларнинг корхоналарнинг иқтисодий хавфсизликка таъсирини кучайтириш имкониятлари назарий жиҳатдан кўрсатилиб берилди.

12. Корхонанинг, шу жумладан хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг иқтисодий хавфсизлик даражасини аниқлаш, уни самарали бошқариш учун асос бўлишини инобатга олиб, ушбу кўрсаткичнинг даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилди. Шунингдек, хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлик даражасига ҳам бир қанча омиллар таъсир қилиши исботланди. Ушбу омиллар жумласига корхонанинг ўз маблағлари самарадорлиги, мажбуриятларнинг ўз маблағлари билан қопланиш коэффициенти, фойданинг мажбуриятлар билан қопланиши коэффициенти, харажатлар рентабеллиги кабиларнинг кириши асосланди. Ушбу омилларнинг натижа ўзгаришига таъсирини аниқлаш усуллари ва корхонанинг иқтисодий хавфсизлик даражасини оширишнинг ички имкониятларини ахтариб топиш йўллари ишлаб чиқилди.


13. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга кетган харажатларнинг самарадорлигини битта кўрсаткич билан ифодалаб бўлмаслиги туфайли уни тўлиқ ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги илмий жиҳатдан асосланди ва мазкур кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва ҳар бир кўрсаткични аниқлаш йўллари тавсия қилинди. Булар таркибига корхоналарнинг


иктисодий хавфсизлигини таъминлаш учун сарфланган харажатларнинг самарадорлиги, яъни ушбу харажатларнинг бир сўмига тўғри келадиган хавфсизлик таъминланмаган тақдирда йўқотилиш эҳтимоли бор бўлган маблағларнинг миқдори; корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун сарфланган харажатларнинг мулкни сақлаш билан боғлиқ самарадорлиги; корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун сарфланган харажатларнинг сотилган маҳсулот билан боғлиқ самарадорлиги; корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига сарфланган харажатларнинг рентабеллиги каби кўрсаткичларни киритиш лозимлиги асосланди. Ушбу кўрсаткичларни аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда баҳолаш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатди, уларнинг ўзгариш суръатида барқарор ўсиш ёки камайиш тенденцияси сезилмайди. Бир-икки йил мобайнида мазкур кўрсаткичлар миқдорининг камайиши кузатилса, яна бир-икки йил уларнинг кўпайиш ҳолати рўй берган ва аксинча. Бундай ҳолат шуни кўрсатадики, корхонанинг хавфсизлиги билан боғлиқ харажатларни сарфлашда бирорта меъёрий кўрсаткичга ёки иш натижасига таянилмайди, улар стихияли тарзда амалга оширилади. Ана шу асосда, энг муҳим соҳанинг оқсоқ ҳолда қолиб келаётганлиги, агар бунга муносабат ўзгартирилмаса, келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.


14. Мамлакатимизнинг иқтисодиёт фанида хизмат кўрсатувчи корхоналар хавфсизлигини таъминлашга кетадиган харажатлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими орқали баҳолаш усуллари кўрсатиб берилди ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларини қўллаган ҳолда таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқилди. Натижада хизмат кўрсатувчи корхоналар хавфсизлигини таъминлашга кетадиган харажатлар самарадорлигини ошириш бўйича мавжуд ички имкониятлар ахтариб топиш усуллари аниқ маълумотларни қўлланилган ҳолда кўрсатиб берилди.

Агарда биз ишлаб чиққан тавсиялар амалиётга жорий қилинадиган бўлса, бу корхоналарнинг, хусусан хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини бирмунча таъминланиши бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун асос бўлади. Шунингдек, ушбу ишдаги назарий ҳулосалардан корхоналарнинг хавфсизлигини таъминлашга доир илмий-тадқиқотларда, корхоналар иқтисодиётига оид адабиётларда ушбу масаланинг ёритилиши кабиларда ҳам фойдаланиши мумкин.

1-илова. Корхона хавфсизлиги хизмати функциялари\*









\* Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Фан, 2005. – Б. 257-259.

**1-илова. “ДИОР” МЧЖда иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга сарфланган харажатлар самарадорлигининг 2007-2018 йиллардаги динамикаси**




|                                                                                                                                          |                                                                                                            |                                                                                                                                   |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>1-диограмма.</b><br>Хавфсизлик<br>таъмин-ланмаган<br>тақдирда<br>йўқотилиш<br>эҳтимоли бор<br>бўлган маблағ-<br>ларнинг<br>динамикаси | <b>2-диограмма.</b><br>Иқтисодий<br>хавфсиз-ликни<br>таъминлашга<br>сарфланган<br>харажатлар<br>динамикаси | <b>3-диограмма.</b><br>Корхоналарнинг<br>иқтисодий хавфсиз-<br>лигига сарфланган<br>харажатларнинг<br>самарадорлиги<br>динамикаси |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

**2-ялова. “ДИОР” МЧЖда иқтисодий хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатларнинг мулкни сақлаш билан боғлиқ самарадорлигининг 2007-2018 йиллардаги динамикаси**




|                                                                                 |                                                                                                           |                                                                                                                                                                   |
|---------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>1-диограмма.</b><br>Сақланаётган<br>мулкнинг<br>умумий миқдори<br>динамикаси | <b>2-диограмма.</b><br>Иқтисодий<br>хавфсизликни<br>таъминлашга<br>сарфланган<br>харажатлар<br>динамикаси | <b>3-диограмма.</b><br>Корхоналарнинг иқти-<br>содий хавфсизлигига<br>сарфланган харажат-<br>ларнинг мулкни сақлаш<br>билан боғлиқ<br>самарадорлиги<br>динамикаси |
|---------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

**3-жадвал “ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖда иқтисодий  
хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатларнинг  
сотилган маҳсулот билан боғлиқ самарадорлигининг 2007-2018  
йиллардаги динамикаси**



|                                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                                                                                         |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p align="center"><b>1-диограмма.</b><br/> <b>Қорхонанинг</b><br/> <b>сотилган</b><br/> <b>маҳсулоти</b><br/> <b>(кўрсатилган</b><br/> <b>хизматлари) ҳажми</b></p> | <p align="center"><b>2-диограмма.</b><br/> <b>Иқтисодий</b><br/> <b>хавфсизликни</b><br/> <b>таъминлашга</b><br/> <b>сарфланган</b><br/> <b>харажатлар</b></p> | <p align="center"><b>3-диограмма.</b><br/> <b>Қорхоналарнинг</b><br/> <b>иқтисодий</b><br/> <b>хавфсизлигига</b><br/> <b>сарфланган</b><br/> <b>харажатларнинг</b><br/> <b>сотилган маҳсулот</b><br/> <b>билан боғлиқ</b><br/> <b>самарадорлиги</b></p> |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

**4-жадвал “ДИОР” хизмат кўрсатиш МЧЖда иқтисодий  
хавфсизликни таъминлашга сарфланган харажатлар  
рентабеллигининг 2007-2018 йиллардаги динамикаси<sup>86</sup>**



<sup>86</sup> Манба: Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг 2007-2018 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **1. ҲУҚУҚИЙ-МЕЎЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

- 1.1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., «Ўзбекистон», 2018 йил.
- 1.1.2. «Гаров тўғрисида» 1992 йил 9 декабр.
- 1.1.3. «Мулкчилик тўғрисида» 2003 йил 7 май.
- 1.1.4. «Корхоналар тўғрисида» 1993 йил 7 май.
- 1.1.5. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» 1993 йил 7 май.
- 1.1.6. «Кооперация тўғрисида» 1993 йил 28 декабр.
- 1.1.7. «Фуқаролик кодекси» I-қисм, 1995 йил 21 декабр II-қисм, 1996 йил 29 август.
- 1.1.8. «Меҳнат кодекси» 1995 йил 21 декабр.
- 1.1.9. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» 1996 йил 24 апрел.
- 1.1.10. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», 1996 йил 30 август.
- 1.1.11. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида». 1996 йил 27 декабр.
- 1.1.12. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида». 1997 йил 25 декабр.
- 1.1.13. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» 1998 йил 24 декабр.
- 1.1.14. «Инвестиция фаолияти тўғрисида» 1998 йил 24 декабр.
- 1.1.15. «Реклама тўғрисида» 1998 йил 25 декабр.
- 1.1.16. «Баҳолаш тўғрисида». 1999 йил 19 август.
- 1.1.17. «Туризм тўғрисида». 1999 йил 20 август.
- 1.1.18. «Табиий монополиялар тўғрисида» (янги таҳрири) 1999 йил 19 август.
- 1.1.19. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида». 2000 йил 25 май.
- 1.1.20. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» 2000 йил 26 май.
- 1.1.21. «Фаолиятни айрим турларини лицензиялаш тўғрисида». 2000 йил 25 май.
- 1.1.22. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» (янги таҳрири) 2000 йил 26 май.
- 1.1.23. «Давлат статистикаси тўғрисида» 2002 йил 12 декабр.
- 1.1.24. «Банкротлик тўғрисида» (янги таҳрири) 2003 йил 24 апрел.

- 1.1.25. «Фермер хўжалиги тўғрисида». (Янги таҳрирда). 2004 йил 26 август.
- 1.1.26. «Хусусий корхоналар тўғрисида» 2003 йил 11 декабрь.
- 1.1.27. «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги таҳрир) 2003 йил 11 декабр.
- 1.1.28. «Солик кодекси». (Янги таҳрирда). 2008 йил 1 январдан амалга киритилган.
- 1.1.29. «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида». 2007 йил 14 декабр.
- 1.1.30. «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида». 2008 йил 21 апрел.
- 1.1.31. «Рақобат тўғрисида». 2012 йил 6 январ.
- 1.1.32. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида». 2012 йил 24 сентябр.
- 1.1.33. «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида». 2012 йил 17 декабр.
- 1.1.34. «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида». 2012 йил 20 декабр.
- 1.1.35. «Инвестиция фаолияти тўғрисида» (янги таҳрир). 2014 йил 10 декабр.
- 1.1.36. «Тижорат сири тўғрисида». 2014 йил 12 сентябр.
- 1.1.37. «Электрон ҳукумат тўғрисида». 2015 йил 6 ноябр.
- 1.1.38. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида». 2017 йил. 4 январ.

## **1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари**

- 1.2.1. «Хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида». 2003 йил 30 август № ПФ-3305.
- 1.2.2. «Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2003 йил 20 июн. № ПФ-3267.

1.2.3. «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида», 1996 йил август.

1.2.4. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иктисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2005 йил 14 июн.

1.2.5. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2005 йил 11 апрел Фармони.

1.2.6. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2005 йил 14 июн.

1.2.7. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида», 2005 йил 15 июн.

1.2.8. «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2005 йил октябр.

1.2.9. «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2006 йил 5 январ Қарори.

1.2.10. «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2008 йил 20 феврал фармони.

1.2.11. «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2008 йил 26 апрел қарори.

1.2.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // «Халқ сўзи» газетаси. 2017 йил 8 февраль. 1-3 бетлар.

1.2.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислохқилиш чора-тадбирлари тўғрисида. 12.12.2017 й. ПФ-5278

1.2.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш

механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 01.02.2017 й. ПҚ-2750

1.2.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш тўғрисида. 15.03.2017 й. ПҚ-2836

1.2.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 18.04.2017 й. ПҚ-2895

1.2.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида. 05.05.2017 й. ПФ-5037

1.2.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли Фармони

1.2.19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. 22.08.2018 й. ПҚ-3917

1.2.20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Илмий ва инновацион фаолиятни интеграция қилиш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида. 06.08.2018 й. ПҚ-3899

1.2.21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида. 01.08.2018 й. ПФ-5495

1.2.22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 03.07.2018 й. ПҚ-3832

1.2.23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида. 11.06.2018 й. ПҚ-3782

1.2.24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 14.05.2018 й. ПҚ-3724

1.2.25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 07.05.2018 й. ПҚ-3698

1.2.26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. 07.02.2018 й. ПҚ-3514

1.2.27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. 03.02.2018 й. ПФ-5326

### **1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:**

1.3.1 Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6 - том. Т.: Ўзбекистон, 1998. - 429 бет.

1.3.2 Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-том. Т.: Ўзбекистон, 1999. - 412 бет.

1.3.3 Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017. - 488 б

1.3.4 Мирзиёев Ш.М. Миллий тарққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичка кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017. - 592 б.

1.3.5 Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳо. 2-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2018. - 508 б.

1.3.6 Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2019. - 400 б.

1.3.7 Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент: “Ўзбеккистон” НМИУ, 2017.-48 б.

1.3.8 Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. -56 б.

- 1.3.9 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // <http://uza.uz/oz/-22-12-2018>.
- 1.3.10 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.

## **1. КИТОБ ВА ТУРКУМ НАШРЛАРИ**

### **2.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами:**

- 2.1.1. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик – Т.: Фан, 2005. – 288 бет.
- 2.1.2. Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. Под ред. Проф. В.Е.Рыбалкина. Учебник. М.: Международ. Отношения, 1999. – 304 с.
- 2.1.3. Акбарова З. Товар ва хизматлар бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 144 б.
- 2.1.4. Амалий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. - Т.: Шарқ, 1996.
- 2.1.5. Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: ТМИ, 2004.- 160 бет.,
- 2.1.6. Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. Т.: Меҳнат, 2001.- 320 бет.
- 2.1.7. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.- Т.: Молия, 2003.- 224 бет.,
- 2.1.8. Безопасность жизнедеятельности: Учебник для вузов, 2-е изд. / Под ред. Михайлова Л.А. –СПб.: Питер, 2008.- 461 с.
- 2.1.9. Большой экономический словарь / Под ред. А.Н.Азрилияна. – 4-е изд. доп. и перераб. – М.: Институт новой экономики, 1999. – 1248 с.
- 2.1.10. Большая экономическая энциклопедия. -- М.: Эксмо, 2007. -- 816 с.
- 2.1.11. Вахабов А., Иброҳимов А., Ишанкулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. Т.: Шарқ, 2005.- 480 бет.,
- 2.1.12. Гоовой отчет – 2005 / Гадоев Э.Ф., Хайдаров Ш.У., Ким Л.А.и др. Т.: Изд. дом “Мир экономики и право”. 2005. – 432 бет.
- 2.1.13. Градов А.П. Национальная экономика. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2007.- 240 с.

- 2.1.14. Истамов Д.И. и др. Экономическая безопасность предприятия и защита коммерческой тайны. Самарканд. 1995.- 152 бет.
- 2.1.15. Исроилов Б.И. Мол-мулкни соликка тортиш, солик ҳисоби ва уни таҳлил қилиш йўллари. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 40 бет.,
- 2.1.16. Ишмухаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
- 2.1.17. Karimov I.A. Tanlangan asarlar to'plami. 1-20 tomlar.
- 2.1.18. Кэмпбел Р. Макконелл. Стенли Л.Брю. Экономикс. Принципы, проблемы и полетика. 1-2 книги - М. Республика, 1993.
- 2.1.19. Максютлов А.А. Экономический анализ. М.: Единство, 2005.- 544 бет.
- 2.1.20. Менкью Н. Григори. Принципы экономикс. Санкт-Петербург. Питер, 1999, - 784 бет.
- 2.1.21. Муҳаммедов М.М. ва бошқ. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. – Самарканд: “Zarafshon” нашриёти, 2017. – 300 б
- 2.1.22. Муҳаммедов М.М. Экономическая история Узбекистана: от эпохи Тимура до наших дней. Монография. – Т.: “Tafakkur bo'stoni” нашриёти, 2019. – 512 б.
- 2.1.23. Нарзуллаева Д.К. Учебно-методический комплекс по дисциплине «Безопасность в индустрии – сервиса». – Т.: ТГЭУ.- 434 с.
- 2.1.24. Обеспечение безопасности перевозок опасных грузов железнодорожным транспортом / 2-е изд. Под ред. А.В.Кириченко. – СПб.: Питер, 2004.- 106 с.
- 2.1.25. Ортиқов А.А., Исаходжаев А.Т., Шестаков А.В. Хуфёна иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2002.- 175 бет.
- 2.1.26. Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1999.- 356 бет.,
- 2.1.27. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарканд. Зарафшон. 2001.- 272 бет.,
- 2.1.28. Пардаев М.К. Лойиҳа таҳлили. Самарканд, СамКИ, 2001.- 171 бет.,
- 2.1.29. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: Мехнат, 2004.- 556 бет.,

- 2.1.30. Парадев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2003.- 256 бет.
- 2.1.31. Pardayev M.K., Abdulkarimov I.T., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. T.: Mehnat, 2004.- 429 - 436 b.
- 2.1.32. Пардаев М.Қ ва бошқалар. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 328 бет.
- 2.1.33. Пардаев М.К., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Рисола. Самарқанд: Зарафшон, 2008.- 47 бет.,
- 2.1.34. Пардаев М.К., Мухаммадиев М.Д. Корхоналар молиявий барқа-рорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили (Маъруза матни).-Самарқанд, СамКИ,2000.
- 2.1.35. Пардаев М.Қ. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари. - Самарқанд, СамКИ, 1997. - 20 бет.
- 2.1.36. Пардаев М.К. Лойнха хатарлилигининг таҳлили. - Самарқанд, СамКИ, 2000. - 26 бет.
- 2.1.37. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлилининг предмети, методи ва унда қўлланиладиган усуллар. - Самарқанд, СамКИ,1999 - 43 бет
- 2.1.38. Пардаев М.К. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонада фойда ва рентабеллик таҳлили. - Самарқанд, СамКИ, 1998.
- 2.1.39. Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. Рисола. Т.: 'Fan va texnologiya', 2007. – 28 б.-2,0 б.т.
- 2.1.40. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Т.: Print Line Group. 2017. – 533 бет.
- 2.1.41. Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н. Иқтисодиёт субъектларида омилли таҳлилни такомиллаштириш. Монография. Т.: Наврўз. 2014. – 236 бет.
- 2.1.42. Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н., Раҳимов Ҳ.А. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни ошириш муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2013. – 212 б.
- 2.1.43. Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Чўлпон нашриёти, 2012. – 400 б.
- 2.1.44. Пардаев М., Пардаев О. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 11 бет

- 2.1.45. Пигу А. Экономическая теория благосостояния.: Пер. с англ. Т. 1-2 М.: Прогресс, 1985.
- 2.1.46. Попов А.И. Экономическая теория: Учебник для вузов. 4-е изд. – СПб.: Питер, 2006 – 544 с.
- 2.1.47. Пармонов А.Е., Игамбердиев А.И., Дадаев Ф., Қодиров М. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. (Лотин алифбосида) Т.: Иқтисод-молия, 2007.-196 б.
- 2.1.48. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Аминов З.Ю., Пардаев О.М. Ёнгил, озик-овқат саноати ва қурилиш индустриясининг ривожланиши. Рисола. Тошкент: “NOSHIRLIK YOG'DUSI” нашриёти, 2009. – 20 б. – 1,25 б.т.
- 2.1.49. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
- 2.1.50. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: 4-е изд., перераб. и доп. – Минск: ООО «Новое знание», 2000.-688 с.
- 2.1.51. Самуэльсон П.А. Экономика. - М.: МГП. «Алтон», ВНИИСИИ, 1992.
- 2.1.52. Смид А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Соцэкгиз, 1962.
- 2.1.53. Тадбиркорлик омиллари. (Тўпловчи Ж.Раззаков). - Т. Мехнат, 1996.
- 2.1.54. Тулаходжаева М.М. Аудит финансового состояния предприятия. - Т.: Мир экономика и права, 1996.
- 2.1.55. Tuxliev I.S., Qudratov G.H., Pardayev M.Q. Turizmni rejalashtirish. Darslik. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010. – 257 б.
- 2.1.56. Тўхлиев Н., Ўзбекистон иқтисодиёти. - Т.: Ўқитувчи, 1994 ва 1998.
- 2.1.57. Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар лугати. - Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1993.
- 2.1.58. Уразов К.Б. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти. – 2011 – 260 б.
- 2.1.59. Учебник по основам экономической теории. М.: ВЛАДОС, 1994 Управленческий учет / Под ред. В.Палия и Р.Вандер Вила. – М.: ИНФРА – М, 1997. – 475 с.
- 2.1.60. Фатхутдинов Р.А. Управление конкурентоспособностью организации. Учебник. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Эксмо, 2005.- 544 с.

- 2.1.61. Фокус С. Библия предпринимателя. - М.: АСТ: ХРАНИТЕЛЬ, 2008.-343 с.
- 2.1.62. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: Пер. с англ. М.: Дело ЛТД, 1993.
- 2.1.63. Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола. Т.: 'Fan va texnologiya', 2007. – 16 б.-1,0 б.т.
- 2.1.64. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Маъруза матни. Самарқанд, 2007. – 208 б.-13,0 б.т.
- 2.1.65. Хайдаров Ш.У. Лизинг: Признание, оценка и учет / Хайдаров Ш.У., Ортиқов Х.А., Тухсанов Х.А. – Тошкент: ООО "NORMA", 2006. – 240 с. -15,0 п.л.
- 2.1.66. Хизмат кўретиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари (Монография) / М.М.Мухаммедов (ва бошқ.) – Самарқанд: Zarafshon, 2017.-300 б.
- 2.1.67. Хорижий мамлакатлар бозор иқтисодиёти моделлари. - Т.: ТДИУ, 1994.
- 2.1.68. Шодиева Г.М. Онла хўжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Т.: Фан, 2006. – 80-91 бетлар.
- 2.1.69. Экономическая теория. Учебник для студентов ВУЗ, обучающихся по экономическим специальностям. // Шарк. 1999.
- 2.1.70. Экономический анализ деятельности предприятий/ Под ред. Н.В.Дембинского. Минск: Высшэйшая школа, 1981.
- 2.1.71. Экономика предприятия. Пер. с нем.- М.: ИНФРА - М, 1999 - 928 с.
- 2.1.72. Язык бизнеса. Под общей редакцией В.А.Чжена. - Т.: ИПК Шарк, 1995.
- 2.1.73. Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Қискача лугат-маълумотнома. Қомуслар бош таҳририяти, 1991.
- 2.1.74. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. // Меҳнат, 1997 - 192 бет.
- 2.1.75. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Меҳнат, 1996.
- 2.1.76. Ўлмасов А., Ваҳабов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: "Иқтисодиёт-молия" нашриёти, 2014. – 167-181 бетлар
- 2.1.77. Ўзбек тилининг изохли лугати. М.: «Русский язык», 1981, 1 том. 526 бет.
- 2.1.78. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Тузувчи муаллиф Н.Тўхлиев. - Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1998.

- 2.1.79. Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: ‘Fan va texnologiya’, 2007. – 28 б.-2,0 б.т.
- 2.1.80. Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Шодиева Г.М. Касаначилик – аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: ‘Fan va texnologiya’, 2007. – 32 б.-2,0 б.т.
- 2.1.81. Кудратов Ғ.Ҳ., Мирзаев Ҳ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Рисола. Т.: ‘Fan va texnologiya’, 2007. – 16 б.-1,0 б.т.
- 2.1.82. Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли: натижалар ва вазифалар. Рисола. Т.: ‘Fan va texnologiya’, 2007. – 20 б.-2,0 б.т.
- 2.1.83. Хасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1999. 224 б.

## **2.2. Кўп томлик китоблар:**

- 2.2.1. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил. 6 томлик. (Кўлёзма ҳуқуқида) – Самарқанд, СамИСИ, 2007.
- 2.2.2. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан орти сўз ва сўз бирикмаси. 5 жилдлик. /Таҳрир ҳайати: Т.Мизаев (раҳбар) ва бошқалар: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006-2008.

## **2. ДИССЕРТАЦИЯЛАР ВА ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТЛАРИ**

- 3.1. Есмурзаев Ж.Т. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш механизминини такомиллаштириш. Иқтисод фан. номзоди. Дис. автореферати. Т.: Банк-молия акад. 2007.-20 б.
- 3.2. Жамолов И.З. Хуфиёна иқтисодиётни бартараф этишда солиқ механизмининг таъсири. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. Т.: Банк-молия акад. 2005.-21 б.
- 3.3. Кудайбергенов Ж.Ш. Анализ динамики валютного курса и влияния его на развитие экономики Узбекистана. Автореферат дис. ... кан. экон. наук. Т.: Банковско-финансовая академия Р Уз. 2006.- 25 б.
- 3.4. Кудбиев Ш.Д. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва уни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. Т.: Банк-молия акад. 2006.-22 б.

- 3.5. Кушманов И.А. Ишлаб чиқариш воситалари ва асбоб-ускуналарни эксплуатация қилиш харажатлари ҳисобининг назарий-услубий масалалари. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. Т.: Банк-молия акад. 2006.-22 б.
- 3.6. Пардаев М.Қ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. Иқтисод фанлари доктори. Дис. автореферати. Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2002.-43 б.
- 3.7. Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2008.-39 бет.
- 3.8. Турсунов У.С. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннарни аудитини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. Т.: Банк-молия акад. 2008.-19 б.
- 3.9. Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. Т.: Банк-молия акад. 2007.-20 б.
- 3.10. Тухсанов Х.А. Процентная политика банков и вопросы его регулирования в условиях рыночной экономики. Автореферат дис. ... кан. экон. наук. Т.: Банковско-финансовая академия Р Уз. 2005.- 22 б.
- 3.11. Тўраев Ш.Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юқини оптималлаштириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. Т.: Банк-Молия акад. 2007.-24 б.
- 3.12. Хакимов А.Ф. Хусусийлаштирилган мулкнинг бозор қийматини баҳолаш усулларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. Т.: ТДИУ, 2005. – 22 б.
- 3.13. Хўшбақов П.Ш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши: муаммо ва зиддиятлар. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. Т.: ЎЗМУ, 2007. – 32 б.
- 3.14. Қодиров Б.Қ. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. Т.: Банк-молия акад. 2004.-22 б.
- 3.15. Ғойибназаров Б.Қ. Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишнинг илмий-методологик асослари (Статистик аспект). Иқтисод фанлари доктори ... автореферати. Т.: ТДИУ, 2006.-43 б.
- 3.16.

### **3. ЖУРНАЛ ВА ГАЗЕТАЛАРДАГИ МАҚОЛАЛАРГА ҲАВОЛАЛАР**

- 4.1. Аминов Зариф Иқтисодий хавфсизлик: ҳамиша ва ҳамма жойда. (1-мақола) // ВАНС газетаси. 2008 йил 26 сентябр. № 39.-4 б. – 0,5 б.т.
- 4.2. Аминов Зариф Иқтисодий хавфсизлик: ҳамиша ва ҳамма жойда. (2-мақола) // ВАНС газетаси. 2008 йил 3 октябр. № 40.-4 б. – 0,5 б.т.
- 4.3. Аминов З., Пардаев О. Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш омиллари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2008. - № 8. - Б. 78-79. – 0,3 б.т.
- 4.4. Аминов З. Дахлдорлик туйғуси, масъулият ҳисси: Иқтисодий хавфсизлик деганда яна нималарни тушинамиз? // Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2008. - № 9. - Б. 34-39. – 0,75 б.т.
- 4.5. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Пардаев О.М. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволи // “Бозор, пул ва кредит” журнали. Тошкент. 2009. 8-сон. – 35-37 бетлар. 0,5 б.т.

### **4. СИМПОЗИУМ ВА КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ТЕЗИСЛАРИ**

- 5.1. Аминов З.Ю. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда солиқ солиқ механизмини такомиллаштиришнинг роли. // Хизмат кўрсатиш тармоқларида бизнесни ривожлантириш муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2008 йил 20 сентябр.- Самарканд, СамИСИ, 2008. – Б. 14-25. – 0,69 б.т.
- 5.2. Аминов З.Ю. Корхоналар хавфсизлигига кетадиган харажатлар ва уларнинг самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари. // Хизмат кўрсатиш тармоқларида бизнесни ривожлантириш муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2008 йил 20 сентябр.- Самарканд, СамИСИ, 2008. – Б. 49-53. – 0,25 б.т.
- 5.3. Аминов З.Ю. Виды и классификации угроз экономической безопасности предприятия. // Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг назарий ва методологик муаммолари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 1-китоб. 2009 йил 17 феврал.- Т.: “NOSHIRLIK YOG\*DUSI”, 2009. – Б. 130-134. – 0,25 б.т.

- 5.4. Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Туристлар ва туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари. // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари: Монография. 2.4-параграф. Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008. – Б. 81-85. – 0,31 б.т.
- 5.5. Пардаев, М.Қ., Аминов З.Ю. Эркин рақобат шароитида корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг объектив зарурлиги. // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш тармоқлари, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари. Профессор-ўқитувчилар, аспирантлар ва тадқиқотчиларнинг илмий-амалийажуман материаллари. (2008 йил 11-14 апрел). Самарқанд, СамИСИ, 2008. – 192-194 б. -0,3 б.т.
- 5.6. Пардаев М.Қ., Асадов А.И. Рақобатдаги устуворлик ва корхона рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар. // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш тармоқлари, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари. Профессор-ўқитувчилар, аспирантлар ва тадқиқотчиларнинг илмий-амалийажуман материаллари. (2008 йил 11-14 апрел). Самарқанд, СамИСИ, 2008. – 194-196 б. -0,3 б.т.
- 5.7. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Совершенствование анализа налога на имущество. // Биржа Эксперт. № 7-8, 2008. – 74-78 бетлар. 0,8 б.т.
- 5.8. Пардаев М.Қ. Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилишни такомиллаштириш йўллари. // Биржа Эксперт. № 9-10, 2008. – 40-46 бетлар. 1,0 б.т.
- 5.9. Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ. Инкироз: Жаҳон иқтисодиёти ва чоралар йўли. //BAXS газетаси. 2009 йил 8 май. № 19. – 20 б. – 0,5 б.т.
- 5.10. Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ. Қуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш молиявий-иқтисодий инкирозга барҳам беради.// "Зарафшон" газетаси. - № 64. 2009 йил 26 май. – 2 б. – 0,3 б.т.

**М.Қ.Пардаев, З.Ю.Аминов**

**ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ҚОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ  
ХАВФСИЗЛИГИ: МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

Самарканд, «Zarafshon» нашриёти ДҚ, 2020. - 220 б.

Мухаррир: Г.Шерматова  
Саҳифаловчи: Қ.Джураев  
Техник муҳаррир: Ҳ.Очилова

Нашриёт лицензияси АЎ №153, 14.08.2013  
Теришга берилди: 31.05.2019 й.  
Босишга рухсат этилди: 11.06.2019 й.  
Офсет босма қогози. Қогоз бичими 60x84 <sup>1/16</sup>.  
“Таймс” гарнитураси. Офсет босма усули.  
10,0 шарт.б.т. 9,0 ҳисоб-наш.таб.  
Тиражи 100 нусха.  
Буюртма № 28/20.  
Баҳоси келишилган нархда.

“Zarafshop” нашриётида нашрга тайёрланди.  
140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12-уй.  
Тел.: (+99866) 235-28-40  
e-mail: zar-nashriyot@inbox.uz

“Наврўз полиграфия” МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 18-3327 30.08.2019 йил  
Манзил: Самарқанд шаҳри, Л.М.Исмаилов кўчаси, 38-уй.

ISBN: 978-9943-5410-1-6

20 000

68.9(5430)432

